

# **АТ-ТАЙСИР ФИ УСУЛИТ ТАФСИР**

**(Тафсир усулини енгиллаштириш)**

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيْمِ

# АТ-ТАЙСИР ФИ УСУЛИТ ТАФСИР

(Тафсир усулини енгиллаштириш)

(Бақара сураси)

Биринчи қисм

Ато ибн Холил Абу Рушта



## Багишлов

Мен бу китобимни шундай зотларга бағишилайманки, уларга одамлар сизларга қарши түпланишяпти, эҳтиёт бўлинглар дейилса, бу гапдан имонлари янада зиёда бўлиб, бизга Аллоҳнинг Ўзи кифоядир, Ў нақадар яхши вакилдир, дейдилар.

Мен бу китобимни шундай зотларга бағишилайманки, улар буюк Ислом динини дунёга кўтариб чиқадилар, ўз динларини қояма-қоя чўққи сари кўтариб бораверадилар, ҳар қандай маломатчининг ҳар қандай маломатига парво ҳам қилмасдан Аллоҳнинг фармонини бажарадилар.

Мен бу китобимни шундай зотларга бағишилайманки, улар тўғри йўлдаги Халифалик давлатида ҳилпираб турувчи ягона Ислом байроғи соясига кириш учун исломий ҳаётни қайта тиклаш йўлида Пайғамбар ﷺнинг йўлларидан қилча ҳам оғишмасдан борадилар.

Мен бу китобимни шундай зотларга бағишилайманки, улар мазкур доийларни севадилар, қўллаб-қувватлайдилар, сужидилар, уларга ёрдам берадилар.

Мен ана шу зотларга энг ажойиб сурани тақдим этар эканман, бутун вужудим тазарру ва умид оловида ўртанди. Умидим шуки, улар мен ёзган сатрларни ўқиб тушунсинлар, англасинлар, уларни тадаббур қилсинлар, кейин эса улар билан бирга Аллоҳ томонидан келадиган ҳам дунёвий ва ҳам ухровий нусрат сари кўтарилигинлар.

**24 зулҳижҷа 1418ҳ  
21 апрел 1998м**

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Муқаддима

Ат-Тайсир фи  
усули тафсир



## Муқаддима

Аллоҳга ҳамд бўлсин. Аллоҳнинг пайғамбариға, у кишининг оиласлари, саҳобалари ва авлодига раҳмату саломлар бўлсин. Аммо баъд:

Аллоҳ одамларни зулматлардан нурга, Парвардигорларининг изни ила Азиз ва Ҳамид Зотнинг<sup>1</sup> йўлига олиб чиқиш учун Муҳаммад ﷺни Ислом рисолати билан пайғамбар қилиб юборди.

Пайғамбар ﷺга мўъжиза қилиб, пайғамбарлигининг далили қилиб Ўзи томонидан бир муборак Китобни, Қуръони Каримни юборди.

Қуръон олдидан ҳам ортидан ҳам ноҳақлик аралашмаган Китобдир. У Аллоҳнинг каломидир. У Ҳаким ва Ҳамид Зотнинг юборган пайғомидир.<sup>2</sup>

Уни Аллоҳ араб тилида, арабча ҳарфлардан тузилган санамалар билан нозил қилди.

Уларга очиқ араб тилида хитоб қилиб, уларни шу Китобга имон келтиришга, уни ўқиб тушунишга, унинг кўрсатмаларига амал қилишга чақириди.

Бироқ улар ўзларига ёқмайдиган бир ишга дуч келиб қолгандилар. Қуръон уларнинг истакларини эътироф этмасди, санамларини сариқ чақага ҳам олмасди.

Уларга ўхшаб бузилишу бузишлардан шариат ясамасди.

Аксинча, улар сифинаётган санамларни ақлсиз, бемаъни деб, уларнинг зулму зўравонликларини инкор этарди.

Шунингдек Қуръон хожа билан қулни, қариндош билан ётни, араб билан ажамни бир қаторга қўярди.

Унинг таълимотида фазл фақат тақво билангина ўлчанарди.

**«لَا فَضْلٌ لِّعَرَبٍ عَلَى أَعْجَمِيٍّ إِلَّا بِالْتَّقْوَىٰ»**

(1) آر ڪٽٽُ اَنْزَلْنَاهُ إِلَيْكَ لِتُخْرِجَ النَّاسَ مِنَ الظُّلُمَاتِ إِلَىٰ صِرَاطِ الْعَزِيزِ الْحَمِيدِ Aliif, Лом, Ро. (Эй Муҳаммад, бу Қуръон) Биз сизга, одамларни Парвардигорларининг изни-ипродоси билан зулматлардан нурга — кӯдрат ва ҳамоду сано эгаси бўлган зотнинг йўлига — олиб чиқшишингиз учун нозил қилган Китобдори).

(2) لَا يَأْتِيهِ الْبَطْلُ مِنْ بَيْنِ يَدَيْهِ وَلَا مِنْ خَلْفِهِ تَنْزِيلٌ مِّنْ حَكْمِ رَحِيمٍ Унга олдидан ҳам, ортидан ҳам (хеч қандай) ботил-ноҳақлик келмас (яъни Қуръони Каримнинг хеч қайси томонидан бирон китоб ё ҳужжат келиб уни ботил қила олмас, чунки у) ҳикмат ва ҳамоду сано эгаси томонидан нозил қилингандир).

## «Арабнинг ажамдан тақводан бошқа ортиқлиги йўқ».<sup>3</sup>

Яъни, араб ажамдан фақат ўз тақвоси билангина ортиқ бўла олиши мумкин.

Ҳаммангиз Одамдан бино бўлгансиз. Одам эса тупроқдан яратилган.<sup>4</sup>

Пайғамбар ﷺ олиб келган бу пайғомни – Қуръонни эштишгач, ўз ақллари ила унинг инсон сўзи эмаслигини, Аллоҳнинг қаломи эканини англашди.

Негаки, улар тил соҳасида моҳир эдилар.

Қуръон эса уларнинг туғма табиатлари бўлган араб тилида нозил бўлганди.

Улар айнан шу тилга моҳирликлари билан бозорларда керилиб, бир-бирларини мот қилишга ҳаракат қилиб юрадилар. Хуллас, уларнинг саноатлари ҳам, савдолари ҳам тил эди.

Бироқ улар Қуръонни тинглаб қотиб қолдилар.

Ўйландилар. Ўйланганда ҳам узоқ ўйландилар. Ҳамма томонни ҳисобга олиб ўйландилар.

Қандай қилиб қулларимиз билан тенг бўлишимиз мумкин?!

Қуллару чўриларсиз яшаб бўларканми?!

Агар зўравонлик қилмайдиган бўлсак, хожалигимиз қаёқда қолади?!

Нималар бўляпти ўзи?!

Шу билан онгли тарзда кўра-била туриб, Қуръонни инкор қилдилар.

Улар Пайғамбар ﷺга, «Сизлар ҳам худди ўзимизга ўхшаган одамларсиз. Раҳмон (яъни Аллоҳ) бирон нарса — ваҳи нозил қилгани йўқ»<sup>5</sup>, дейишди.

Ўзларини катта олиб, юз ўғирдилар. Шу билан ўз туғёнларида адашиб-довдираб юришда давом этдилар.

(3) **قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنَّ رَبَّكُمْ وَاحِدٌ إِلَّا لَفَضْلَ لِغَرِيبٍ عَلَىٰ** «Росулуллоҳ айтдилар: эй одамлар, огоҳ бўлинглар, албатта роббиларингиз битта ва албатта оталарингиз битта, огоҳ бўлинглар, арабнинг ажамдан ва ажамнинг арабдан ва қизилнинг қорадан ва қоранинг қизилдан тақводан бошқа ортиқлиги йўқ».

(4) **إِنَّمَا أَنَّا حَلَقْنَا مِنْ ذَكَرٍ وَأُنْثِيٍّ وَجَعَلْنَاكُمْ شُعُوبًا وَقَبَائِيلَ لِتَعَارُفُوا إِنَّ أَكْرَمَكُمْ إِنَّ اللَّهَ أَكْرَمُكُمْ إِنَّ اللَّهَ عَلَيْهِ خَيْرٌ** «Инсонлар, дарҳақиқат Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Хавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишининглар (бўст-биродар бўлишинглар) учун сизларни (турли-туман) ҳалқлар ва қабила-эзлатлар қилиб кўйдик. Албатта сизларнинг Аллоҳ назидаги энг хурматлирогингиз тақводоррингиздир. Албатта Аллоҳ билгувчи ва огоҳдир».

(5) **قَالُوا مَا أَنْتَ إِلَّا بَشَرٌ مِّنْنَا وَمَا أَنْزَلَ اللَّهُ أَرْحَمْنَاهُ مِنْ شَيْءٍ إِنَّ أَنْتَ إِلَّا تَكْذِبُونَ** «Улар: «Сизлар ҳам худди ўзимизга ўхшаган одамларсиз. Раҳмон (яъни Аллоҳ) бирон нарса — ваҳий нозил қилгани йўқ. Сизлар фақат ёлғон сўзламоқдасизлар», дедилар».

Улар шу билан иш тугайди, чунки бизнинг сонимиз ҳам, сўзимиз ҳам кўп, деб ўйлашди.

Улар, Мұхаммад ﷺ айтаётган гапларни фақатгина аввалгилардан қолган афсоналардир Мұхаммад уларни кўчириб олган. Бас бу афсоналар бировлар томонидан унга эртаю кеч ўқиб берилур<sup>6</sup>, дедилар ва агар истасак биз ҳам унга ўхшаш гапларни гапира оламиз<sup>7</sup>, дейдилар-да, бошларини мағрур кўтаришиб куладилар.

Улар ўзларига қарши ҳужжат келтирилиб қолиши мумкинлигини ҳисобга олишмаганди. Бизга қарши ким ҳам ҳужжат келтира оларди, агар Мұхаммад бир сўзни айтса, биз ўн сўзни айтамиз, агар у овозини кўтарса, биз ундан кўра ўн чандон кўпроқ кўтарамиз, дейишарди. Пайғамбар ﷺ овозини кўтариб гапирадиган бўлсалар, йиғилиб келишиб, шовқин-сурон кўтаришарди. «*Қуфр ўйлидаги кимсаларни* (ҳақ ўйлга даъват қилувчи кишининг) *мисоли худди фақат овоз ва чақириқни эшиштадиган ҳайвонларга қичқираётган кишининг мисолидир. Улар кар, соқов, кўрдирлар. Демак, тушунмайдилар*».<sup>8</sup>

Ҳақиқатни сўзловчи қиссалар муқобилига ботил, ноҳақ қиссаларни сўзлашарди ва шу билан ҳақни ноҳақлар гирдобига кўмиб ташлаймиз, деб ўйлашарди.

Бироқ иш улар ўйлагандек кечмади.

Улар ҳисобга олмаган бир ҳолат юз берди.

Уларга шундай дейилди: агар сизлар Мұхаммад айтаётган гаплар одам боласининг гапи, биз ҳам унга ўхшаган гапларни айта оламиз, дейдиган бўлсанглар, марҳамат, майдонга чиқинглар.

Мана Куръон очиқ кўриниб турибди. У кўринмайдиган, тоиб нарса эмас. Унинг оявларини эшитиб, сўзларини уқиб турибсизлар. Унинг ҳарфлари худди ўша сизлар ишлатаётган

(6) وَقَالُوا أَسْطِرُ الْأَوَّلِينَ أَكَنْتُمْ بِهَا فَهَيْ تُعْلِمُ عَلَيْهِ بُكْرَةً وَأَصِيلًا Яна улар: «(Бу) аввалгилардан қолган афсоналардир (Мұхаммад) уларни кўчириб олган. Бас (бу афсоналар бировлар томонидан) унга эртаю кеч ўқиб берилур», дедилар.

(7) إِذَا تُنَزَّلَ عَلَيْهِمْ مَا يَأْتِيُنَا قَالُوا قَدْ سَمِعْنَا لَوْ نَشَاءُ لَعُلُّنَا مِثْلُ هَذَا إِنَّا لَا أَسْطِرُ الْأَوَّلِينَ Качон уларга (кофирларга) Бизнинг оявларимиз тиловат қилинса: «Эшиштганмиз, агар хоҳласак, бунга ўхшаган гапни ўзимиз айтган бўлур эдик. Бу фақат аввалгилардан қолган афсоналар, холос», дейдилар.

(8) وَمَئِلُ الَّذِينَ كَفَرُوا كَمِثْلُ الَّذِي يَنْعَى بِمَا لَا يَسْمَعُ إِلَّا دُعَاءً وَبِدَاءً صُمُّ بُكْمُ عُمُّ فَهُمْ لَا يَعْقُلُونَ) Куфр ўйлидаги кимсаларни (ҳақ ўйлга даъват қилувчи кишининг) мисоли худди фақат овоз ва чақириқни эшиштадиган ҳайвонларга қичқираётган кишининг мисолидир. Улар кар, соқов, кўрдирлар. Демак, тушунмайдилар).

ҳарфларнинг айнан ўзи. Қани келиб, унга ўхшаш бирор гапни айтинглар.<sup>9</sup> Майли сизлар айтганча бўла қолсин.

Лекин улар бу ишни қила олмадилар. Мағлуб бўлиб ортга чекиндилар. Улар бир томондан тил соҳасининг моҳирлари бўлгандаридан учун ростгўй ва ҳалол Муҳаммад ﷺ айтиётган гаплар Аллоҳнинг каломи эканини англардилар. Иккинчи томондан эса буни очиқ тан ололмасдилар. Негаки, бундай қилсалар, орзуумидлари, бузуқ йўллар билан оладиган манфаатлари барбод бўларди. Шу билан улар икки ўт орасида типирчилаб қолишиди ва дарҳол жангдаги мағлубиятни бир неча кунга бўлса ҳам кечикириш чораларини қидира бошлашди. Ранг кўр, ҳол сўр, дегандек чора ҳам шу ҳолатларининг ўзидан топила қолди. Бутун Қуръонга ўхшаш гапни айтиш оғир бироз енгиллат, дейишиди. Шунда уларга, ундай бўлса, шунга ўхшаш ўнтагина «тўқилган» суро келтирингиз!<sup>10</sup> дейилди.

Бунинг ҳам уддасидан чиқиша олмасдан яна олдинги гапларини такрорладилар. Ана шунда етук ҳужжат уларни ер билан яксон қилди. Шу (Қуръон)га ўхшаш биргина суро келтирингизлар!<sup>11</sup>

Истаган жойинглардан, истаганингларча ёрдамчиларингни чақираверинглар.

Лекин улар бунинг ҳам уддасидан чиқа олмадилар. Шу билан уларнинг мағлубияти тўла ўз исботини топди.

Сизлар бу ишни фақат ҳозиргина эмас, умуман ҳеч қачон қила олмайсизлар.<sup>12</sup>

Қуръон Аллоҳнинг ҳақиқий каломидир.

---

(9) *Aйтинг:* قُل لَّمْ أَجِمَعَتِ الْأَنْسُ وَالْجِنُّ عَلَىٰ أَن يَأْتُوا بِعِيلٍ هَذَا الْقُرْآنُ لَا يَأْتُونَ بِمُثِيلِهِ وَلَوْ كَانَ بَعْضُهُمْ لِيَعْضِلُ طَهِيرًا  
«Қасамки, агар бор инсу жисн мана шу Куръонни ўхшишини келтириши ўйлида бирлашиб, бир-бирларига ёрдамчи бўлсалар-да, унинг ўхшишини келтира олмаслар».

(10) *Ёки:* أَمْ يَقُولُونَ أَفَتَرَنَهُ قُلْ فَأَتُوا بِعَشْرِ سُورَةٍ مُّثِيلَهِ مُفْرِيَتٍ وَآدُغُوا مِنْ آسْطَعَثُمْ مِنْ دُونِ اللَّهِ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ  
«Уни (яни, Куръонни Муҳаммад) тўқиб чиқарган», дейдиларми? *Айтинг:* «У ҳолда, агар ростгўй бўлсангизлар, Аллоҳдан ўзга күчингиз етган барча бутларни (ёрдамга) чорлаб шунга ўхшиаш ўнтагини «тўқилган» суро келтирингиз!».

(11) *Ёки:* أَمْ يَقُولُونَ أَفَتَرَنَهُ قُلْ فَأَتُوا بِسُورَةٍ مُّثِيلَهِ وَآدُغُوا مِنْ آسْطَعَثُمْ مِنْ دُونِ اللَّهِ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ  
«Муҳаммад тўқиб чиқарган», дейдиларми?! *Айтинг* (Эй Муҳаммад): «У ҳолда агар ростгўй бўлсангизлар, Аллоҳдан ўзга күчингиз етган барча бутларни (ёрдамга) чорлаб шу (Қуръонга ўхшиаш биргина суро келтирингизлар!)».

(12) ﴿وَإِنْ كُنْتُمْ فِي رَيْبٍ مِّمَّا نَزَّلْنَا عَلَىٰ عَبْدِنَا فَأَتُوا بِسُورَةٍ مِّنْ مِثِيلِهِ وَآدُغُوا شُهَدَاءَكُمْ مِنْ دُونِ اللَّهِ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ﴾ فَإِنْ لَّمْ تَفْعُلُوا وَلَنْ تَفْعُلُوا فَاتَّقُوا النَّارَ الَّتِي وَقُودُهَا النَّاسُ وَالْحِجَارَةُ أُعِدَّتُ لِلْكَفَرِينَ﴾

Инсон каломи унинг қўргонига яқин кела олмайди.

Одам боласининг гапи унинг яқинига ҳам боролмайди.

У шундай ҳақиқатки, олдидан ҳам, ортидан ҳам унга ботил аралашмаган. У Ҳаким ва Ҳамид Зот томонидан нозил қилингандир.

Уларнинг имон келтиришларига мана шунинг ўзи кифоя эди.

Лекин уларга ҳавои нафс хужум қилди, шайтон уларни босиб олди.

Уларга аёллар, болалар, туганмас олтин-кумуш бойликлар, қиммат баҳоли отлар, чорва ва экин-тикинлар каби истак-ҳоҳишларга кўнгил қўйиш чиройли қилинди.<sup>13</sup>

Натижада кўра-била туриб йўлдан оздилар, такаббурлик билан онгли тарзда кофирилларидан кечмадилар.

Бу нарса уларни безовталик ва изтироб ҷоҳига улоқтириди.

Хўш, энди бу хожалар оммани Қуръон Аллоҳнинг каломи эмас, деб қандоқ ишонтиришаркин?

Уларнинг Пайғамбар ﷺ га эргашиб кетиб қолишларидан қандоқ қайтарарканлар?

Бошлари қотиб, бу танглиқдан чиқиб кетиш ўйларини қидира бошладилар.

Бироқ қанчалик чора топсалар, шунчалик ботқоқقا ботиб боравердилар.

Боши берк кўчадан чиқиб кетиш ўрнига унга баттар кириб бордилар.

Улар бир кимсага ўхшайдиларки, у кимса кафтларини сувга ёзиб, у сув оғзига етишини кутиб турар. ҳолбуки, у (сув) унинг оғзига етгувчи эмасдир.<sup>14</sup>

Чиқмоқчи бўлган жойларига баттар кириб бордилар. Топган ҳужжатлари ўзларининг фойдаларига бўлиш ўрнига зарарига бўлаверди.

Олдинига, бу Муҳаммаднинг гапи, деб кўришди. Лекин қарашса, бу гаплар Муҳаммад ﷺнинг гапларидан фарқ қиляпти. Муҳаммад ﷺ ўзларининг ораларидан чиқсан бир саводсиз, оми

(13)

﴿رُبَّنِّ الْنَّاسِ حُبُّ الشَّهَوَاتِ مِنَ الْإِنْسَاءِ وَالْبَيْنَ وَالْقَسْطِيرِ الْمُعَنَّطَةِ مِنَ الْذَّهَبِ وَالْفَضَّةِ وَالْحَيْلِ الْمُسَوَّمَةِ وَالْأَغْمَدِ وَالْحَرَثِ ذَلِكَ مَتَّعُ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَاللَّهُ عِنْدَهُ حُسْنُ الْمَعَابِ﴾

(14)

﴿لَهُ دَعْوَةُ الْحَقِّ وَالَّذِينَ يَدْعُونَ مِنْ دُونِهِ لَا يَسْتَجِيبُونَ لَهُمْ بِشَئِ إِلَّا كَبْسِطٌ كَفَيهُ إِلَى الْمَاءِ لَيَبْلُغَ فَاهُ وَمَا هُوَ بِلَغِهِ وَمَا دُعَاءُ الْكَفَرِينَ إِلَّا فِي ضَلَالٍ﴾

одам бўлса. Улар эса ўқиши ва ёзишни биладиган саводли одамлар бўла туриб, унинг ўхшашини келтира олмаган бўлсалар. Хуллас, бу гап тўғри келмади. Шу билан бошқасига ўтишди.

Кейин унга бу гапларни бизнинг орамизда бўлмаган бошқа бир одам ўргатяпти, дейишиб, бир насроний ажамни тилга олишди. Лекин бу топган ҳужжатлари ҳам ўзларининг зиёнига ишлади.

Унинг тили ажамий, бу (Қуръон) эса очиқ-равшан арабий эканини билган эдинглар.<sup>15</sup>

Шу билан бу тадбирларидан ҳам юз ўгириб кетишиди.

Кейин, бу сеҳрдан бошқа нарса эмас, у гапдан, ифодадан тузилган сеҳр, деб кўришди. Бироқ бу ҳужжатлари ҳам ўзларининг зиёнига ишлади. Бу нарса уларнинг ожизлигини, нотавонлигини кўрсатиб қўйди. Қуръон ўзининг ҳақлиги, кучлилиги ва буюклиги билан уларнинг кўзига ҳатто сеҳр бўлиб кўринди. Яна бир жиҳатдан сеҳрнинг ўзига хос белгилари бўлади. Бу нарсани улар жуда яхши биладилар. Бу буюк Каломда эса ундай белгилар йўқ.

Бу гапларидан ҳам тониб кетмоқчи бўлиб тургандилар, лекин қарасалар, шу йўл билан айрим оми одамларни ишонтириш мумкин экан: Кўрмаяпсизларми, Исломга кириш ўғилнинг ўз отаси ибодат қиласиган санамларга ибодат қилмай қўйишига олиб келади, у худди сеҳр каби ота билан ўғилни бир-бирларидан ажратиб юборади, деган гаплари иш берадиганга ўхшаб қолди.

Адаштиришнинг, йўлдан оздирининг энг қулай усули шу эканини кўришиб, шу усулни қўллаб қўя қолишиди. Бу Қуръон фақат аввалгилардан нақл қилинаётган бир сеҳрdir,<sup>16</sup> дейишиди. Лекин улар бу ишлари билан ёмғирдан қочиб, дўлга тутилдилар.

Зеро, Аллоҳнинг каломини тинглаган одам унинг сеҳр эмаслигига аниқ ишонади. Шунинг учун ҳам улар одамларни Қуръонни эшитишдан тўсишга ўзаро келишиб олдилар.

---

(15) وَلَقَدْ نَعَمْ أَهْمَدْ يَقُولُونَ إِنَّمَا يُعَلَّمُهُ بَشَرٌ لَسَانٌ الَّذِي يُلْحِدُونَ إِلَيْهِ أَعْجَمٌ وَهَذَا لَسَانٌ عَوْنَوْ مُبِينٌ

Аниқки, Биз уларнинг «(Қуръонни Мұхаммадга) бирон одам ўргатмоқда», деяётганини билурмиз. (Лекин уларнинг бу даъволари пучдор, чунки) улар ишора қилаётган кимсаннинг тили ажамий (яъни, арабий эмас), бу (Қуръон) эса очиқ-равшан арабийдир.

(16)

«إِنَّمَا فَكَرَ وَقَدَرَ فَقُتِلَ كَيْفَ قَدَرَ ثُمَّ قُبِلَ كَيْفَ قَدَرَ ثُمَّ نَظَرَ ثُمَّ عَبَسَ وَسَرَ ثُمَّ أَدَبَرَ وَأَسْكَبَرَ فَقَالَ إِنْ هَذَا إِلَّا سِحْرٌ يُؤْنِسُ»

Жаврайверинглар,<sup>17</sup> дейишиб Пайғамбар ﷺнинг гапларини ҳеч кимга эшиитирмасликка уринишиди.

Иш шу даражагача етиб бордики, бир нечалари Мұхаммад ﷺнинг сеҳрарлиги, Қуръоннинг сеҳр экани ҳақида уйдирмалар ўйлаб топишиди. Аллоҳға қарши бўхтонлар уюштиришиб, одамларни Мұхаммадга яқинлашмасликка қўндиromoқчи бўлишди. Бунинг учун қизиқтириш усулини ҳам, қўрқитиш усулини ҳам қўллашди. Улар одамлар Қуръонни эшитиб, унинг Аллоҳнинг каломи эканини англаб қолишларидан чўчирдилар. Чунки ўзлари сиртларидан сир бой бермаганлари билан, дилларида Қуръон Аллоҳнинг каломи эканини англаб турардилар.

Уларнинг режаларига кўра, кўчманчи ҳам, ташқаридан келганлар ҳам, туб аҳоли ҳам имонга келиб қолмаслиги керак эди. Улар ўзларича Исломнинг ғалабаси, байропининг юқори кўтарилишини ортга сурмоқчи, Парвардигорнинг қўшини кўпайиб кетишига, сўзи олий бўлишига тўсқинлик қилмоқчи бўлдилар. Озгина ақлларини ишлатганларида бундай иш олдида ўзларининг пашша ҳам эмасликларини англаган бўлардилар.

Шундай қилиб бу Қуръоннинг Аллоҳнинг каломи эканини англашлари гоҳ-гоҳида уларга тинчлик бермай қоларди.

Хожаларнинг ўзлари кечқурунлари бир-бирларидан яширишиб, Пайғамбар ﷺнинг ўйларига боришиб, Қуръон оятларини тинглашарди. Қайтаётгандаридан бир-бирларини кўриб қолишиса, омма билиб қолмаслиги учун қайтиб яна келмасликка аҳдлашардилар. Лекин барибир яна қайта келаверардилар. Қуръон уларнинг ақлларидан ушлаганди. Қайси бирлари, нақадар ажойиб, нақадар ширин, нақадар тошқин, нақадар сероб, дейишдан ўзини тия олмасди. Шу билан унинг одам боласининг гапи эмаслигига иқрор бўларди.

Бир томондан Қуръон Аллоҳнинг каломи эканини англашлари уларга тинчлик бермаётган бўлса, иккинчи томондан уларни ўзларининг санамлари, ота-боболарининг ҳаёт тарзи, манфаатлари, истаклари тортиб турарди.

Қалб кўзи очиқ, ақли булғанмаган кишилар Қуръон булогидан сув ичиб, имон келтириб, тақводор бўлди.

Қалб кўзи кўр, дунёга муккасидан кетган, тубан кимсалар эса ўз санамларининг қучофидаги кўрлигича қолаверди.

(<sup>17</sup>) **وَقَالَ الَّذِينَ كَفَرُوا لَا تَسْمَعُوا هَذَا الْقُرْءَانُ وَالْعَوْنَانِ فِيهِ لَعْلَكُمْ تَغْبُلُونَ** Коғир бўлган кимсалар (бир-бирларига «Мұхаммад тиловат қилаётган вақтда» сизлар бу Қуръонга кулоқ солманглар ва (уни ўзгаларга ҳам эшиитирмаслик учун оғизларингизга келган гапни) жаврайверинглар (шунда) шояд голиб бўлсангизлар», дедилар).

Шундай қилиб, имонга келган келди, келмаган келмади.

Кимdir эртaroқ келди, кимdir кечроқ.

Кейин Мадинаи мунавварада Ислом давлати барпо бўлиб, Ислом бутун яриморолга ёйилди. Кейинроқ эса бу нур ўша пайтдаги йирик давлатларнинг зулматларига барҳам берди. Форс, Рум империялари қулади. Ислом давлати буюклашгандан буюклашиб борди. Жиҳод билан бир қаторда ҳамма ёқдаadolat ҳукм сурди. Уқоб байробги, Аллоҳдан ўзга илоҳ ўйқ, Мұхаммад Аллоҳнинг пайғамбаридир, деган муборак сўзлар битилган уқоб байроби юқори қўтирилди. Зафар кетидан зафарлар қушилиб, ер юзи Ислом ва Ислом қўшини билан обод бўлди.



Ислом билан одамлар учун чиқарилган энг яхши уммат вужудга келди.<sup>18</sup>

Ислом билан бутун оламниadolatга буркаган бир нурли давлат барпо бўлди. Бу Уммат ва бу давлатни Аллоҳнинг Китоби ва Пайғамбар ﷺ суннатлари бошқарди.

Мусулмонлар Пайғамбар ﷺ замонларида ҳам, саҳобаларнинг замонларида ҳам Қуръон ва суннатни жуда тўгри тушунишарди. Шундай тушунардиларки, дил таскин топарди, юрак ором оларди. Пайғамбар ﷺ уларга бирор оят ёки оятнинг бир қисмини шаръий йўл билан тушунтирсалар ва ўша оят ёки оятдаги сўзга шаръий ҳақиқатни (маънени) юкласалар, дарҳол унга эргашиб, амал қилиб кетаверардилар. Агар Пайғамбар ﷺ унга шаръий ҳақиқатни (маънени) юкламасалар, унинг мазмунини ўзларининг тилидан, Қуръон нозил қилинган араб тилидан ахтарардилар.

Масалан, Пайғамбар ﷺ уларга

﴿وَأَقِيمُوا الصَّلَاة﴾

– „Намозни тўқис адо қилинг“.

[2:43]

оятини ўқиб бериб, ортидан маҳсус сўзлар ва амаллар билан намозни кўрсатиб берсалар, «солат» сўзини худди мана шу шаръий маънода тушунишиб, унга амал қилардилар ва унинг луғавий дуо, деган маъносини ташлаб кетаверардилар.

(18) Эй уммати كُنْتُمْ خَيْرٌ أُمَّةٍ أَخْرِجْتَ لِلنَّاسِ تَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَتَنْهَيُونَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَتُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ (Мұхаммад), одамлар учун чиқарилган миллатларнинг энг яхииси бўлдингиз. Зоро сиз яхии амалларга буорасиз, ёмон амаллардан қайтарасиз ва Аллоҳга имон келтирасиз).

Агар уларга

﴿حُرَمَتْ عَلَيْكُمُ الْمَيْتَةُ﴾

– „Сизларга ўлакса ҳаром қилинди“ [5:3]

оятини тиловат қилиб, унга шаръий маънони юкламасалар, уни ўз тилларидан қидириб, ўлимтикнинг ҳаромлигини топиб олардилар.

Улар мана шундай йўлдан боргандилар. Агар Пайғамбар ﷺ томонидан аниқ бир тушунтирув бўлса, унга эргашардилар, амал қиласардилар. Бўлмаса, уни Қуръон нозил бўлган араб тилидан қидирадилар. Бу нарса уларни тўғри тушуниш ва тўғри йўлдан бориш саодатига эриштириди. Шу билан Уммат азиз бўлиб, давлат кучга кирди. Мусулмонлар ўзларига хос буюк обрўга эга бўлдилар.

Уларнинг Қуръон тилини билиш билан бирга Аллоҳ инсонни мумтоз этган ақл ҳудудини ҳам билганликлари тиниқликни, мусафмоликни янада оширди.<sup>19</sup>

Улар ақлнинг ўз ваколатлари жиҳатидан ҳам, имкониятлари жиҳатидан ҳам маҳдуд эканлигини, унинг фақат воқеи бор нарсалар устидагина ишлай олишини, воқеи йўқ оламга эса тиши ўтмаслигини, бундай олам ҳақида бирор фикр айта олмаслигини, айтган тақдирида ҳам у хаёлдан, фараздан бошқа нарса бўлмаслигини англашди.

Улар Аллоҳнинг маҳлуқотлари ҳақида тафаккур қилишди, Унинг оятларини тадаббур этишди. Кўришдик, коинот, инсон ва ҳаёт ўз маҳдудлиги, ожизлиги, муҳтоҷлиги, мана шу пухта низом туфайлигина мавжудлиги билан уларни яратган, бор қилган, тартибга келтирган кучли, азалий, буюк яратувчи борлигига далолат қилиб турибди. Англашдик, бу Зот уларнинг ожиз тарафларини тўлдиришга, иҳтиёжларини қондиришга Қодир. Шундан кейин, мана шу ҳис этиш мумкин бўлган маҳлуқотлар борасидаги тафаккурларининг маҳсули ўлароқ топилган Ҳаққа, Ягона Яратувчига имон келтиришди.

Ўзлари сўз устаси бўлишларига қарамасдан унинг ўхшашини келтира олмаганларидан кейин Қуръони Каримга, унинг Аллоҳнинг каломи эканига имон келтирдилар. Қуръоннинг ўхшашини келтира олмаганларининг ўзи унинг Аллоҳнинг каломи эканига қатъий далил бўлди. Қуръонга – ўзлари

(<sup>19</sup>) Бақара сурасининг 31 (وَعَلَمَ إِذَا مَاتَ أَلْأَسْمَاءُ كُلُّهَا) оятига қаранг.

оятларини ўқийдиган, эшитадиган, ғоиб бўлмаган, ўз қўлларида турган Китобга имон келтиридилар.

Пайғамбар ﷺ Аллоҳ томонидан юборилганига ишонишлари ҳам мана шу йўсинда рўй берди. У киши уларга ваҳи орқали Аллоҳнинг каломини олиб келдилар. Шу билан ўзлари кўриб турган, ғоиб бўлмаган Муҳаммад ﷺ пайғамбарлигига имон келтиридилар.

Аммо улар ақлни ҳис этиб бўлмайдиган гайб ишларида ишлатмадилар. Файбга оид масалаларни ақл тадқиқотига қўйиб бермадилар. Чунки бу майдон ақл ишлайдиган майдон эмас. Бу борада улар нақл билан яъни, Аллоҳнинг Китобида нозил бўлган ҳужжат ёки Пайғамбар ﷺдан нақл қилинган ҳадислар билан кифояландилар.

Шунинг учун ҳам улар ақлни Аллоҳнинг сифатлари борасидаги Аллоҳнинг сифатлари махлуқми, махлуқ эмасми, улар Зот билан бирми ёки айрими каби баҳсларда ишлатмадилар. Негаки, бу масалаларнинг воқеини ҳис этиб бўлмайди. Шунга кўра, улар бу борада Аллоҳнинг Китоби ва Пайғамбар ﷺнинг суннатларида нима дейилган бўлса, ўшанинг ўзига имон келтириш билан чекландилар. Зоро, улар Куръон Аллоҳнинг каломи эканига ҳеч қандай шак-шубҳасиз имон келтиргандилар.

Аллоҳ эшитгувчидир, кўрувчидир, билгувчидир, ҳакимдир, Унинг гўзал номлари бор. Улар мана шуларга имон келтиридилар. Бу сифатларнинг шаклу шамойили ҳақида суриштириб ўтирамасдан бевосита таслим бўлдилар.

Хуллас, гайб масаласида ҳеч каму зиёдасиз, шарҳу изоҳсиз, адаштиришларсиз Куръонда нима дейилган бўлса, ўшанга ишонишган. Шу билан диллар таскин топиб, қалблар хотиржам бўлган.

Шундай қилиб, улар Куръон оятларини тушунишда тилнинг ўрни қандайлигини билиш билан бирга имон масаласида ақлнинг ўрни қаердаю, нақлнинг ўрни қаердалигини ҳам яхши билишган.

Куръонни Куръон нозил бўлган тилдан бошқа тил билан тушунмасдилар. Ҳис этиладиган воқеи бўлмаган ишларда эса ақлни ишлатмасдилар. Бундай ишларда Аллоҳнинг Китоби ва Пайғамбар ﷺнинг суннатларидан нақл қиласдилар ва шу нақлга имон келтирадилар. Куръонни тушунишда тилдан нарига ўтмасдилар. Инсоннинг мумтозлигини кўрсатувчи ақлни эса ўз майдонидан ташқарисига чиқармасдилар.

Хуллас, шу икки нарсага, тил ва ақл масаласига қаттиқ риоя қиласдилар. Бу икки омилнинг ҳад-ҳудудларини билиш, тушуниш

ақиданинг соғу саломат туришини, шариат аҳкомларининг гўзал ва пухта адо этилишини таъминлаб турарди.

Пайғамбар ﷺнинг замонларидағи, саҳобаларнинг замонларидағи, тобеинларнинг замонларидағи мусулмонлар мана шундай эдилар. Уларнинг ўз динларини тушунишдаги қуроллари, андозалари саҳиҳ ҳадис ва Қуръон нозил бўлган тилдан боҳабарликлари, шу билан бирга ақлнинг ҳад-худудини англашлари, ҳис этиладиган воқеи бўлмаган ишларда уни ишлатиб бўлмаслигини, бундай ишларда фақат Аллоҳнинг Китоби ва Пайғамбар ﷺнинг мутавотир ҳадисларигина ишлашини билишлари эди.

Лекин улардан кейин келган авлоднинг тил борасидаги малакаси ночор эди. У ишларни чалкаштири. Аллоҳнинг оятларини Қуръон нозил бўлган тилдан бошқа тиллар билан тафсир қилишга берилиб кетди. Оятларни нотўғри қилди. Таъвиллар кўпайди. Матнни зоҳир ва ботинга ажратди. Ҳар хил фирмалару ҳавойи нафс аҳли чиқиб, фикрлар, қарашлар хилмалишлассади. Бу нарса фарълардаги ижтиҳоднинг ўзидагина қолмасдан аслларга қадар ҳатто ақидалару ақидаларнинг қисмларига қадар кириб борди.

Сувни баттар лойқалатган нарса шу бўлдики, улар ақлнинг ўрнини, ҳад-худудини идрок қила олмадилар-да, унинг тизгинини қўйиб юбордилар. Натижада Аллоҳнинг зоти, сифатлари, Қуръоннинг яратилиши ҳақида баҳслар бошланди. Шундай тадқиқотлар қилиндики, улар на Аллоҳнинг Китобида бор ва на суннати набавияда.

Ўзлари билан бирга одамларни ҳам Аллоҳ ҳужжат нозил қилмаган баҳсларга тортдилар. Натижада мусулмонлар Пайғамбар ﷺ ва саҳобалар бирлашган ҳақ устида бирлашиш ўрнига баттар фирмаларга бўлинниб кетдилар.

Улардан кейин келган авлодлар ҳақиқатдан янада узоқлашиб, рушду ҳидоятдан янада йироқладилар.

Олдингилар ақл тизгинини қўйиб юбориш ва тил борасидаги айrim малакасизлик каби мусибатгагина дучор бўлгандилар.

Кейингиларда ҳам бу мусибатлар ҳеч ўзгармасдан ўз ўрнида қолди. Улар ҳам ақлнинг тизгинини қўйиб юбордилар. Иккинчи мусибатни эса қиёмига етказиб қўйдилар. Яъни, тилни бутунлай эътиборсиз ташлаб, уни сариқ чақага ҳам олмай қўйдилар.

Кошкийди, улар ўзларининг саводсизлигини билишганида. Ана шунда бироз илм олишга ҳаракат қилишган бўлармиди? Лекин улар ўзларини билимдон ҳисоблашарди. Шунинг учун Аллоҳнинг дини борасида ҳам журъат қилиб, ҳар хил фатволар

чиқараверардилар. Аллоҳнинг оятларини ва Пайғамбар ﷺнинг ҳадисларини Қуръон нозил бўлган, Пайғамбар ﷺ сўзлаган тилни билмасдан, тушунмасдан, тадаббур қилмасдан ўқирдилар.

Уларга, сизлар қандай қилиб Қуръоннинг, суннатнинг тилини билмай туриб, улардан аҳкомлар чиқарасизлар, ахир ҳукм чиқариш сизларнинг қўлинглардан келмайди-ку, Аллоҳдан қўрқмайсизларми, ўзларингиз ҳам адашиб, бошқаларни ҳам адаштириб юргандан кўра тилга эътибор бериб, уни ўргансангизлар бўлмайдими, десангиз, Аллоҳнинг Китоби ва Пайғамбар ﷺнинг суннатларини ўрганишда тилнинг унча аҳамияти йўқ, деб жавоб беришади.

Уларнинг мана шундай ўйлашлари дард устига чипқон бўлди. Омманинг бир қисми улардан таъсиrlаниб, бузуқ тушунчалар ва хато фикрларни қабул қилиб олди. Натижада ҳар хил фирмалар яна баттар қўпайди. Уларнинг айримлари олдингиларга туташган бўлса, айримлари алоҳида эди.

Лекин Аллоҳ Ўзининг фазлу карами ила бу Умматни расо шахслар билан сийлаб турди. Улар динни Аллоҳнинг фазли ва ҳифзу ҳимояти ила қояма-қоя чўққи сари олиб чиқиб бордилар. Анави фирмалар унинг йўналишини ўзгартиrolмади, фикрларини ўчиrolмади.

Етук олимлар чиқиб, тилни, Қуръон тилини асл манбаидан олиб, соф, мусаффо ҳолида кейингиларга етказиш учун кучларини аямадилар. Кейин мана шу тил фанига асосланиб фиқҳ, усул фанларини яратдилар. Тил фани Қуръон ва ҳадис фанининг асоси бўлиб келди.

Улар бизга араблар қандай гаплашганларини, Қуръон ва суннатни ўша Қуръон нозил бўлган ва Пайғамбар ﷺ сўзлаган тилда қандай тушунгандарини нақл қилиб бердилар.



## **Араб тили**

Араб тилини бизгача етиб келган манбаларга таянган ҳолда ўрганадиган бўлсак, арабларнинг лафзларга маъно ва предметларга ном беришда тўрт манбага асосланганлари аён бўлади. Улар қўйидагилар:

1. Ҳақиқат
2. Мажоз
3. Иштиқоқ
4. Арабчалаштириш

**Биринчи: Ҳақиқат.** Ҳақиқат уч қисм бўлади:

а) Тилга оид ҳақиқат. Араб тилида лафзга қандай мазмун юклатилган бўлса, ўша мазмун тил ҳақиқати, дейилади. Масалан: (رسول) сўзи инсон ёки ҳайвон жасадининг энг юқори қисмини англатади.

б) Урфга оид ҳақиқат. Арабларнинг урфи бўйича лафзга қандай мазмун юклатилган бўлса, шу мазмун урф ҳақиқати, дейилади. Масалан, (الليل) сўзи тил ҳақиқатига кўра ерда ўрмалаб юрадиган жоноворларни англатса, урф ҳақиқатига кўра тўрт оёқли барча ҳайвонларни англатади. Шунинг учун бу сўздан агар умуман тўрт оёқли ҳайвон тушунилса, у урф ҳақиқатига кўра тушунилади.

Урф ҳақиқати икки қисмга бўлинади. Умумий урф ҳақиқати ва хусусий урф ҳақиқати. Юқорида айтиб ўтган мисолимиз умумий урф ҳақиқатига киради.

Ҳар бир фан асосчилари ўз фанлари учун қабул қилган истилоҳлар (терминлар) хусусий урф ҳақиқатига киради. Масалан, фоил сўзи хусусий урф ҳақиқатига кўра яъни, нахв фани истилоҳига кўра, феълнинг исноди унга берилган (яъни феълни суюб турган) сўзни англатади.

в) Шариатга оид ҳақиқат. (Шаръий ҳақиқат) Лафзга шариат воситасида бирор мазмун юклатилса, шу мазмун шаръий ҳақиқат бўлади. Масалан, (الصلوة) сўзи тил ҳақиқатига кўра дуо маъносини англатса, шаръий ҳақиқатга кўра маҳсус амаллар йиғиндисини англатади. (Яъни, намоз амалларини. Қиём, қаъда, руку, сужуд каби).

**Иккинчи: Мажоз**

Мажоз бу лафзни қўллашда яъни, унга мазмун беришда ҳақиқатдан ҳатлаб ўтишдир. Бошқачароқ қилиб айтганда лафзларни юқоридаги уч ҳақиқатга кўра англатадиган

мазмунидан бошқа мазмунда ишлатиш. Бундай қилишнинг албатта бир сабаби – асоси бўлади. Асослар қўйидагича бўлади:

а) Маълум бир муносабат туфайли ҳақиқий маънони қўллашга монеълик туғилади.

Агар ўша муносабат ўхшатиш учун бўлмаса, у мурсал мажоз, дейилади. Масалан:

﴿لَمْ يَعْلُمْ أَصْبَعَهُمْ فِي إِذَا هُمْ﴾

– „бармоқларини кулоқларига тиқиб олишиади“ [2:19]

Бу ерда кулл яъни, бармоқлар умумий қилиб айтиляпти. Улардан кўзланган маъно эса бармоқларнинг учлари, холос.

Агар ўша муносабат феълнинг иснодини фоилдан бошқасига бериш бўлса, у ақлий мажоз бўлади. Масалан, амир шаҳар қурди, дейилганда қурди феълининг исноди амирга бериляпти, аслида эса шаҳарни қургандар амир эмас, қурувчилардир.

Агар ўша муносабат ўхшатиш учун бўлса, у истиора, дейилади. Масалан, тоғнинг бошига чиқдим, дейилганда, бош сўзи тоғнинг энг юқори қисми маъносида ишлатиляпти. Аслида эса тоғнинг боши бўлмайди. Луғавий ҳақиқатга кўра, бош инсон жисмининг энг юқори қисмидир. Мазкур жумлада мана шу ҳақиқатга ўхшатиляпти.

Юқоридагиларнинг ҳар биридаги қарина (асос) асл маънони ишлатишдан тўсиб туради. Чунончи, бармоқларнинг ҳамма қисми қулоққа кирмайди, шаҳарни бевосита амирнинг ўзи қурмайди, ҳақиқий маънода тоғнинг боши бўлмайди.

б) Ҳақиқий маънони қўллашга ҳеч қандай моне бўлмайди.

Ҳақиқий маънони қўллашга монелик бўлмагани ҳолда мажозий маънони қўллаш киноядир. Масалан, уйқучи (тушгача ухлайдиган) қиз, дейилганда бу сўздан эркатой, уйига хизматкор аёл ёлланган қизча тушунилади. Бу ердаги қарина шу сўзни ҳақиқий маънода қўллашдан тўсмайди. Яъни, ўша қизча ҳақиқатда ҳам тушгача ухлайдиган бўлиши мумкин.

### Учинчи: Иштиқоқ

Агар араблар бир сўзнинг ўзагини муайян маънода қўллаган бўлсалар, тил қоидаларига биноан ундан келиб чиқсан барча сўзларни ўша ўзакнинг маъносига боғлаган ҳолда ишлатиш мумкин. Бунда шу янги иштиқоқ қилинган (келиб чиқсан) сўзни олдин араблар ишлатганларми ёки ишлатмаганларми, фарқи йўқ. Масалан, араблар (سلام) сўзини саломатлик маъносида ишлатишган. Ундан (سلام), (سلیم) сўзлари келиб чиқсан. Лекин улар (سلمان) сўзини ишлатишмаган. Бироқ бу сўз син, лом, ва

мим ҳарфларидан ташкил топган ўзакнинг фаълон вазнига тўғри келади. Шунинг учун уни ўзаги шу ҳарфлардан иборат бўлган муболага сийгаси сифатида қабул қилиш мумкин. Шу билан у ҳам гарчи олдин уни араблар ишлатишмаган бўлсалар-да, арабча сўз ҳисобланаверади. Негаки, араблар бу сўзниг ўзини ишлатмаган бўлсалар-да, унинг ўзагини ишлатганлар. Шу билан бирга бу сўз араб тилининг қонун-қоидаларига вазнига тўғри келади.

Иштиқоқ иккига кичик иштиқоқ ва катта иштиқоққа бўйлнади. Кичик иштиқоқ содда иштиқоқ, кичикроқ иштиқоқ ҳам деб юритилади. Бу иштиқоқ тилнинг деярли ҳамма қатламига тегишли. Масалан, юқорида айтиб ўтганимиздек, син, лом ва мим ҳарфларидан ташкил топган ўзак (**سلام**)дан саломатликка доир (**سلام**, **سلامی**), (**سلامه**), (**السلام**), (**السلامی**) каби жуда кўплаб сўзлар иштиқоқ қилинади. (**السلامی**) сўзи яхшиликка йўйиш маъносида ҳатто илон чаққан одамга нисбатан ҳам қўлланади.

Катта иштиқоқ каттароқ иштиқоқ деб ҳам юритилади. Бу иштиқоқ тилнинг айрим қисмларида ишлайди. Бу иштиқоқда бирлаштириб турувчи бир маъно орқали ҳарфлар ўрни алмаштирилади.

Масалан, (**جَرْب**) ўзакли сўздан (**جَرْب**) ўзакли, (**جَرْب**) ўзакли, (**رَجَب**) ўзакли, (**رَجَب**) ўзакли сўзлар иштиқоқ қилинган. Бу сўзларни бирлаштириб турувчи маъно куч ва қаттиқлиkdir.

Энди уларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқайлик.

(**جَرْب**) сўзи сувкни ўрнига солиш, камбағалга ёрдам бериш каби ибораларда қўлланади. Яъни, сувкни ҳам, камбағални ҳам кучга киритади, мустаҳкамлайди. Мажбур қилиш маънода қўлланганда ҳам ўзининг бошқадан кўра кучлироқ эканини кўрсатиши намоён бўлади.

(**جَرْب**) сўзидан эса масалан (**جَرْب**) сўзи келиб чиқади. Тажрибали маъносини англатувчи бу сўз ҳам кишининг мустаҳкам, пухта, кучли одамга айланганини англатади. Меш маъносини англатувчи (**جَرَاب**) сўзидан ҳам ўз ичидаги керакли нарсаларни сақлаши билан мустаҳкамлашгани, кучга киргани каби маъноларни тушуниш мумкин.

(**جَرْجَ**) сўзидан бурж сўзи келиб чиқади. Бу сўз ҳам ўзининг кучлилиги ва атрофидагилар ундан куч олиб туришини англатади.

(بَعْد) сўзи келиб чиқади. Бу сўз киндиги кучли деган маънони англатади.

Кимдантир ҳайиқиши, кимдантир уялиш, кимнингдир салобати босиши каби маъноларни англатувчи (رَجْب) сўзи ҳам ўша кимнингдир кучи, шаъни, обрўси ортганини англатади. Ражаб ойи ҳам шу сўздан олинган. Бу ой улугланиб унда жанг қилинмаган. Этилиб қолган хурмо дарахтини суяб туродиган нарса маъносини англатувчи (رُجْبَة) сўзи ҳам шу ўзакдан келиб чиқсан.

(الرَّجَاحِي) ўзагидан сўзи келиб чиқсан. Бу сўз қилган ишидан кўра кўпроқ фахрланадиган одамни англатади. Яъни, бундай одам ўзини улуглаб, ўз ишини кучайтиради, пухталайди.

Бу иштиқоқ олдинги содда, кичик иштиқоқقا нисбатан ўйл жиҳатидан ҳам, қидириб топиш жиҳатидан ҳам анча оғир. Шу билан бирга бу иштиқоқ тилнинг айрим қисмларидагина учрайди. Уни фақат мутахассисларгина илғай оладилар.

Одатда иштиқоқ содда ёки катта бўлишидан қатъий назар феъл ёки масдардан қилинади. Масалан, (سَلَمْ) ёки (جَبْرٌ) ёки (جَبْرٌ).

Лекин у гоҳида бошқа калималардан ҳам қилинади. Масалан, исми жомиддан. Масалан, (أَعْرَقْ) (أَنْجَدْ) сўзлари сўзларидан иштиқоқ қилинган. (أَعْرَقْ) Ироққа кирди маъносини англатса, (أَنْجَدْ) Наждга кирди маъносини англатади.

Ҳарфдан ҳам иштиқоқ қилинади. Масалан, (لَا لِتْ) (لَا لِتْ) сўзларидаги (لَا) ва (لَا) ҳарфлари. Туяни сугориш учун (جَاجِنَا) яъни, кел, кел, дейилади. Худди шундан (جَيْ جَيْ) яъни, кел-кел қилди сўзи иштиқоқ қилинган. Гапида ҳадеб фони ишларатерадиган кишига нисбатан (الْفَأْفَأْة) яъни фаъфаъ қилди, деб қўйишади. Ўзбек тилида ҳам гапида хўш сўзини ҳадеб ишларатерадиган одамга нисбатан хўшхўшчи, деб қўйишади.

Янги сўз ҳосил қилиш каби иштиқоқقا алоқадор бўлган бошқа ҳолатлар ҳам учраб туради. Гоҳида бу иш катта иштиқоқ, деб ҳам номланади. (بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ) (عَبْدُ شَمْسٍ) сўзидан иборасидан (حَوْقَلْ) иборасидан (لَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ) (بِسْمِ اللَّهِ) сўларини ясаш каби.

Иштиқоқ соҳаси бепоён ва муҳим соҳа. Унинг муҳимлиги шундаки, ундан келиб чиққан барча сўзларни битта умумий маъно бирлаштириб туради.

### **Тўртинчи: Арабчалаштириш**

Масалан, ажамлар ўзларича бир нарсага ном қўядилар. Араблар эса худди шу номни қабул қилиб оладилар. Лекин улар бу ажам сўзга қандайдир ҳарфлар қўшиб, ёки ундан қайсиdir ҳарфларни олиб ташлаб уни ўз тилларининг қонун-қоидаларига тўғри келтирадилар.

Ана шунда бу сўз арабча сўзга айланади. Бу сўз олдинги ажамлик пайтида қандай маънони англатган бўлса, арабчалаштирилганидан кейин ҳам худди шу маънони англатади. Нозик ва қўпол ипак маъносидаги (*سندرق*)<sup>(1)</sup> сўзлари шулар жумласидандир. Сўз арабчалаштирилганидан кейин яъни, араблар унинг қайсиdir ҳарфларини олиб ташлаб, ёки унга қайсиdir ҳарфларни қўшиб, ўз тилларининг қонун-қоидаларига тўғри келтирганларидан кейин у арабча сўзга айланади. Маъно жиҳатдан араб тилидаги ҳақиқат, мажоз ёки иштиқоқ қоидалари унга ҳам тўғри келаверади.

Маълумки, арабчалаштириш фақат ҳис этиладиган нарсалардагина бўлади. Маъноларда эса бўлмайди. Чунки араблар бу ишни фақат ажам диёrlарида мавжуд бўлган ва уни ўз диёrlарига олиб келган моддий нарсаларга ном бериш борасидагина қўллаганлар.

### **Араб тилининг номлар борасидаги манбалари мана шулар.**

#### **Демак арабча сўзнинг далолати, мазмуни қўйидагилардан бирiga кўра бўлади:**

- Шаръий, лугавий ёки урфга оид ҳақиқатга кўра;
- Араблар қўллаган мажозга кўра;
- Араблар ишлатган ўзакдан иштиқоқ қилинганикка кўра;
- Ажам сўзи арабча вазнларга тўғри келтирилиб арабчалаштирилганига кўра. Мана шу тўрт асосга кўра мазмун англатган сўз арабча сўздир.

Ундан бошқа сўзлар эса гарчи араб ҳарфида битилган бўлса ҳам арабча сўз ҳисобланмайди.

Масалан, (*عين*) сўзини инсоннинг кўрадиган кўзи маъносida ишлатсан, у арабча бўлади. Чунки араблар уни лугавий ҳақиқатга кўра худди шу маънода қўллашган. Уни (*جاسوس*) маъносida қўлласак ҳам у арабча ҳисобланади. Чунки араблар бу сўзни мажоз йўли билан шу маънода қўллаганлар. Лекин агар

уни (يىت يى) маъносида қўлласак, у арабча бўлмай қолади. Негаки, араблар бу сўзни ҳақиқатга кўра ҳам, мажозга кўра ҳам, иштиқоқ йўли билан ҳам, арабчалаштириш йўли билан ҳам уй маъносида мутлақо қўллашмаган. Шунга кўра бу сўз гарчи ҳарфлари арабча бўлса-да, уй маъносида ишлатиладиган бўлса, арабча сўз бўлмайди.

Шунингдек туркча, форсча ёки инглизча сўзларни араб ҳарфлари билан ёзсангиз, лекин бу сўзларни араблар ишлатмаган бўлсалар, улар арабча ҳисобланмайди. Масалан, инглизча (READ) сўзини араб ҳарфлари билан (رید) ёзсанк ва уни (ўқи) маъносида ишлатсак, (ўқи) маъносидаги бу инглизча (رید) сўзи араб ҳарфлари билан ёзилгани учунгина арабча бўлиб қолмайди. Чунки бу (رید) сўзи юқоридаги тўрт манбага – ҳақиқат, мажоз, иштиқоқ ва арабчалаштириш манбаларига тўғри келмайди. (Ёдда тутинг: арабчалаштириш фақат ҳис этиладиган нарсаларнинг номлари борасидагина ишлатилади. Ўқиш каби фақат маъно англатадиган сўзларда эса қўлланмайди).

Хуллас, сўз арабча бўлиши учун ўқилиши, айтилиши жиҳатидан унинг ҳарфлари арабча бўлиши ҳамда унинг маънолари араблар қўллаган юқоридаги тўрт манбадан – ҳақиқат, мажоз, иштиқоқ ва арабчалаштириш манбаларининг биридан келиб чиқсан бўлиши шарт. Шу шартлар топилмаса, сўз арабча бўлмайди. Қуръонни Пайғамбар ﷺ ва саҳоба ﷺлар замонида тушунилгандек тушуниш учун араб тилининг мана шу жиҳатларини билиш ўта муҳим.

Қуръон арабчадир. Унинг оятлари, сўзлари араб тили қонун-қоидаларига кўра тушунилади. Агар ундаги бирор сўз юқоридаги тўрт манбадан – ҳақиқат, мажоз, иштиқоқ ва арабчалаштириш манбаларидан бирига асосланилмаган ҳолда тафсир қилинса, у арабча бўлмай қолади. Бинобарин бу иш Аллоҳнинг Китоби ва Пайғамбар ﷺнинг суннатларига хилоф иш бўлади. Ундан залолат ёки куфр пайдо бўлади. Аллоҳнинг Ўзи паноҳ берсин.



## Нима учун араб тилига эътибор берилади?

Шу ерда икки муҳим ишни айтиб кетмасак бўлмайди:

Биринчи иш шуки, айримлар Қуръонни тушуниш учун тилга бу қадар эътибор бериш шарт эмас, чунки Қуръон ўзини ўзи тафсир қиласди, ёки уни ҳадис тафсир қиласди, яъни, оят яна бир оят билан ёки ҳадис билан тафсир қилинади, дейдилар.

Шунинг ортидан Қуръонни Қуръон билан тафсир қилиш каби айрим китоблар вужудга келди. Айримлар шу ишни тўғри, деб билишди.

### Хўш, тилда ва Қуръонда мажоз борми, йўқми?

Иккинчи иш шуки, бошқа бирорлар, тилда ҳам, Қуръонда ҳам мажоз йўқ, дейишди ва шу фикрни тўғри, деб қабул қилишди.

Биринчи гапга нисбатан бўлган муносабатимизни билдирайлик:

Бу гапни яхшилаб тадаббур қилган одам унинг қўйидаги сабабларга кўра тўғри эмаслигини топади:

1. Ҳамма оят ҳам оят ёки ҳадис билан тафсир қилинган эмас. Аксинча оят ёки ҳадис билан тафсир қилинган оятлар жуда озчиликни ташкил қиласди. Масалан,

﴿إِنَّ الْإِنْسَنَ خُلِقَ هَلْوَعًا ﴿٤٦﴾ إِذَا مَسَّهُ الشَّرُّ جَزُوعًا ﴿٤٧﴾ وَإِذَا مَسَّهُ الْحَيْرُ مَنْوِعًا ﴿٤٨﴾

– „Дарҳақиқат инсон бетоқат қилиб яратилгандир. Қачон унга ёмонлик (камбагаллик-кулфат) етиб қолса у ўта бесабрлик қилгувчиидир. Қачон унга яхшилик (бойлик, саломатлик) етса у ўта ман қилгувчи-баҳилдир“.

[70:19-21]

оятидаги (хэлоуа) сўзи

﴿إِذَا مَسَّهُ الشَّرُّ جَزُوعًا ﴿٤٦﴾ وَإِذَا مَسَّهُ الْحَيْرُ مَنْوِعًا ﴿٤٧﴾

– „Қачон унга ёмонлик (камбагаллик-кулфат) етиб қолса у ўта бесабрлик қилгувчиидир. Қачон унга яхшилик (бойлик, саломатлик) етса у ўта ман қилгувчи-баҳилдир“.

[70:20-21]

ояти билан тафсир қилинган.

﴿وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ﴾

– „Намозни тўқис адo қилинг“.

[2:43]

оятини Пайғамбар ﷺ ўзларининг намознинг маъноси ҳақидаги ҳадислари билан тафсир қилганлар. Ана шу ҳадислардан бирини Абу Ҳамид Соидий мана бундай ривоят қиласди:

«كَانَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ إِذَا قَامَ إِلَى الصَّلَاةِ اعْتَدَلَ قَائِمًا وَرَفَعَ يَدِيهِ حَتَّى يُحَادِيَ بَهَا مَنْكِبَيْهِ، ثُمَّ يُكَبِّرُ إِذَا أَرَادَ أَنْ يَرْكَعَ رَفَعَ يَدِيهِ حَتَّى يُحَادِيَ بَهَا مَنْكِبَيْهِ، ثُمَّ قَالَ اللَّهُ أَكْبَرُ، وَرَكَعَ ثُمَّ اعْتَدَلَ فَلَمْ يُصَوِّبْ رَأْسَهُ وَلَمْ يُقْنِعْ وَوَضَعْ يَدِيهِ عَلَى رُكْبَيْهِ، ثُمَّ قَالَ سَمِعَ اللَّهُ لِمَنْ حَمِدَهُ، وَرَفَعَ يَدِيهِ وَاعْتَدَلَ حَتَّى يَرْجِعَ كُلَّ عَظِيمٍ فِي مَوْضِعِهِ مُعْتَدِلاً ثُمَّ هَوَى إِلَى

الْأَرْضِ سَاجِدًا ثُمَّ قَالَ اللَّهُ أَكْبُرُ، ثُمَّ نَتَّى رِجْلَهُ وَقَعَدَ عَلَيْهَا وَاعْنَدَ حَتَّى يَرْجِعَ كُلُّ عَظِيمٍ  
فِي مَوْضِعِهِ، ثُمَّ نَهَضَ ثُمَّ صَنَعَ مَعَ الرَّكْعَةِ الثَّانِيَةِ مِثْلَ ذَلِكَ»

«Пайгамбар ﷺ намозга турғанларида тик бўлиб турардилар, қўлларини елкалари баробар кўтарардилар, кейин такбир айтардилар. Руку қилмоқчи бўлганларида қўлларини елкалари баробар кўтарардилар, кейин Аллоҳу Акбар, дердилар. Рукудан қайта тикланганларида бошлари тик ҳам, эгик ҳам бўлмаган пайтида қўлларини тиззаларига қўйиб, Самиаллоҳу лиман ҳамидаҳ (Аллоҳ Үзига ҳамд айтган кишини эшитади), дердилар ва қўлларини кўтариб, ҳар бир суюк ўз жойига келар даражада тик бўлардилар. Кейин сажда учун ерга йиқилардилар ва Аллоҳу Акбар, дердилар. Кейин оёқларини эгиб, уларнинг устига ўтирадилар. Шундай тик ўтирадиларки, ҳар бир суюк ўз ўрнига келарди. Кейин туриб иккинчи ракатда ҳам худди шу ишларни қиласардилар». <sup>20</sup>

Убода ибн Сомит ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ,  
«لَا صَلَاةً لِمَنْ لَمْ يَقْرَأْ بِأَمْ الْكِتَابِ»

«Китобнинг (Қуръоннинг) онасини (яъни, фотиҳа сурасини) ўқимаган одамнинг намози намоз эмас» деганлар.<sup>21</sup> Доруқутнийнинг матнида эса бундай дейилган:

«لَا تَجْزِئُ صَلَاةً لِمَنْ لَمْ يَقْرَأْ بِفَاتِحةِ الْكِتَابِ»

«Китобнинг (Қуръоннинг) фотиҳасини ўқимаган одамнинг намози ўтмайди». <sup>22</sup> Доруқутний бу ҳадиснинг исноди саҳих, деган.

2. Оят ёки ҳадис билан тафсир қилинган бу озгинагина оятларни тушуниш учун ҳам ўша уларни тафсир қилувчи оят ёки ҳадис тушунилиши керак. Уларни эса араб тилини билмасдан туриб, тушуниб бўлмайди. Зоро, оят ҳам, ҳадис ҳам араб тилидадир.

Мана шу икки иш яъни, биринчидан, хамма оят ҳам оят ёки ҳадис билан тафсир қилинмаганлиги, иккинчидан, уларни тафсир қилувчи оят ёки ҳадисни тушуниш учун ҳам араб тили зарурлиги

(20) Термизий: 304. Аҳмад: 5/424. Ибн Можа: 1061. Абу Яҳло: 12/295. Ибн Хаббон: 5/178.

(21) Бухорий: 756. Муслим: 394. Абу Довуд: 822. Термизий: 311. Аҳмад: 5/314.

(22) Доруқутний: 1/321, 322.

Қуръон ўзини ўзи тафсир қилади ёки Қуръон ҳадис билан тафсир қилинади, шунинг учун араб тилига у қадар эътибор беришнинг ҳожати йўқ, деган гапнинг нотўрилигини, асосизлигини кўрсатади.

Шуни айтиб ўтиш мақсадга мувофиқки, кимки Қуръонни Қуръон нозил бўлган тилсиз тушунмоқчи бўлса, Қуръонни тушунишни ҳам, унга амал қилишни ҳам барбод этади. Шу билан жуда катта гуноҳга ботади. Негаки, Қуръон араб тилида нозил бўлган. Уни араб тилисиз тўғри тушуниб бўлмайди.

Шунинг учун мужтаҳидлар у ёқда турсин, ҳатто фақиҳлар ҳам Қуръонни тушуниш ва аҳкомлар истинбот қилиш учун араб тилини билишга ҳарис бўлганлар.

Кўпгина адашишларнинг манбаи араб тилини билишдаги оқсоқлик бўлган. Тил билмаслик Аллоҳнинг оятларини Яратганнинг ўзи танлаган тил талабларига жавоб бермайдиган тарзда талқин қилишга олиб борган. Ҳатто Пайғамбар ﷺ бир кишининг оҳангга солиб ўқиётганини кўриб

«أَرْشِدُوا أَخَّاَكُمْ فَقَدْ ضَلَّ»

«Биродарингларни тўғри йўлга солиб қўйинглар, у адашиб қолибди»,<sup>23</sup> деганлар. Пайғамбар ﷺ оҳангга солишини адашиш, деб номлаганлар. Чунки у зот бу ишнинг қандай оқибатларга олиб боришини билганлар. Яъни, сабабнинг ўзини (оҳангга солишни) эмас, ундан келиб чиқадиган оқибатни (адашишни) гапирганлар.

Умар ﷺ бир қавмнинг камонни яхши отолмаётганларини кўриб, уларни койиган эди, улар, биз энди ўрганаётганлармиз, дейишиди. Шунда Умар ﷺ уларга, Аллоҳга қасамки, мен учун тилинглардаги хато отишинглардаги хатодан кўра қаттиқроқдир, Пайғамбар ﷺнинг

«رَحْمَ اللَّهُ أَمْرًا أَصْلَحَ مِنْ لِسَانِهِ»

«Тилини ўнглаб олган одамни Аллоҳ раҳм қилсин»,<sup>24</sup> деганларини эшитгандим, деди.

Қуръон араб тилидаги Китоб. Уни шу тилсиз тушуниб бўлмайди. Ким ўз эътиқодини ўнгламоқчи бўлса, шариат аҳкомларини билиб англамоқчи бўлса, араб тилини ва динни

(23) Ибн Жанийнинг «Хасоис» китоби 2/8 Миср китоблари босмахонаси 1955-босма. «Иршодул Ариб»: Ибн Масъуддан 1/82.

(24) «Иршодул Ариб»: 1/67 Маҳмун босмахонаси. Ибн Анборнинг «Аздод» китоби 244 бет, Қувайт ҳукумати босмаси. Умар деди: «Тилнинг ёмони ўқдан ҳам ёмон» Бухорийнинг «Адабул муфрад» китоби 884.

Пайгамбар ﷺ ва саҳобалар ўргатганлариdek пухта ўргансин. Саҳобаи киромлар ﷺ Аллоҳга онгли тарзда қуллик қилган зотлар эдилар. Шунинг учун ҳам зафар қучувчилардан бўлдилар.

Кимки араб тилини етарли даражада билмаса, Аллоҳнинг оятларини ўзича тафсир қилишга уринмасин. У яхшиси биладиган одамдан сўрасин. Негаки, билиб-билмай Аллоҳнинг оятлари ҳақида гапириш катта гуноҳдир. Бундай гуноҳни қилган киши Аллоҳнинг ғазабига учрайди. Аллоҳнинг ғазабига учрашдан, дўзахдан бизга Аллоҳнинг Ўзи паноҳ берсин. У Зотдан розилигини ва жаннатни сўраймиз.

Иккинчи гапни айтганлар икки қисмдир:

Биринчи қисмдагилар тилда ҳақиқат ва мажоз бор, аммо Қуръонда мажоз йўқ, фақат ҳақиқат бор, дейдилар.

Иккинчи қисмдагилар тилда ҳам, Қуръонда ҳам мажоз йўқ, араблар ишлатган ҳамма маънолар тилда ҳам, Қуръонда ҳам фақат ҳақиқатдир, дейдилар.

Биринчи қисмдагиларнинг гапи шунинг учун ҳам асоссизки, тилдаги мажозни тан олган одам, Қуръондаги мажозни ҳам тан олиши шарт. Чунки Аллоҳ Таоло бу Китоб ҳақида бундай деган:

﴿إِنَّا أَنْزَلْنَاهُ قُرْءَانًا عَرَبِيًّا﴾

– „Дарҳақиқат, Биз уни (бу оятларни) арабий Қуръон ҳолида нозил қилдик“.  
[12:2]

﴿وَهَذَا لِسَانٌ عَرَبِيٌّ مُّبِينٌ﴾

– „Бу эса очиқ-ойдин араб тилидаадир“.  
[16:103]

Демак, бу Китоб араб тилидаги Китобдир. Модомики, араб тили мажозни ўз ичига олар экан, модомики, арабларнинг тилларида, гапириш услубларида мажоз ишлатилар экан, Қуръон ҳам шу тилда нозил бўлганидан кейин унда ҳам мажознинг бўлишини тан олмасдан бошқа илож йўқ. Бу бир жиҳатдан.

Иккинчи жиҳатдан Қуръон амалда шундай мажозни ўз ичига олганки, уни фақат саркаш, ўзини катта оладиган одамгина инкор қилиши мумкин. Масалан

﴿نَجَعَلُونَ أَصْبَعَهُمْ فِي إِذَانٍ﴾

– „бармоқларини қулоқларига тиқиб олишиади“.  
[2:19]  
оятидаги бармоқ сўзининг ҳақиқий маъносини қўллаб бўлмайди. Уни фақат мажозий маънодагина қўллаш мумкин. Чунки, қулоққа бармоқнинг ҳаммасини тиқиб бўлмайди, бир учинигина тиқиш мумкин, холос.

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَسَعَلَ الْقَرِيَةَ﴾

– „Шаҳардан сўра“.

[12:82]

Бу мажоз. Чунки қишлоқнинг деворлари ва биноларидан эмас, унинг аҳолисидан савол сўралади. Яъни, қишлоқ аҳлидан сўра, деганидир.

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَسَأَلَتْ أُودِيَّةٌ بِقَدَرِهَا﴾

– „Жилгалар тўлиб-тошиб оқиб“.

[13:17]

Бу ҳам мажоз. Чунки оққан водий яъни, ернинг ўйилиб қолган бир жойи эмас, ундаги сувлардир.

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَتَحَرَّرُ رَقَبَةٌ مُؤْمِنَةٌ﴾

– „Битта мўмина қулни озод қилиши“.

[4:92]

Бу ҳам мажоз. Чунки бўйин эмас, мўмин қул – одам озод қилинади.

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّ أَرْنَى أَعْصَرُ حَمَرًا﴾

– „Мен тушимда шароб тайёрлаётган эмишман“.

[12:36]

Бу ҳам мажоз. Чунки сиқилган нарса бу узумдир. Ароқ деган сўздан мурод узумдир. Яъни, лафзнинг ҳақиқий маъноси эмас, мажозий маъноси ирода қилиняпти.

Бундан бошқа кўп мисоллар борки, уларни Куръонни онг ва тадаббур билан ўқиган киши инкор эта олмайди.

Мана шу асосларга кўра, мажоз тилда бор, аммо Куръонда йўқ, деганларнинг гапи ҳақиқатга тўғри келмайди.

Мажоз тилда ҳам, Куръонда ҳам йўқ, дейдиганлар қўйидагиларни далил қилиб келтирадилар:

1 – Араблар лафзларга қандай маънолар юклаган бўлсалар, ҳаммаси ҳақиқат. Улар бир-бирларидан фарқ қилмайдилар. Нега энди бир маънони олдин ишлатганлари учун уни ҳақиқат, деб бошқа бир маънони кейинроқ ишлатганлари учун уни мажоз, дейишимиз керак экан? Нега энди мана шу маъноларнинг ҳаммаси баб-баробар шу лафзга юклатилган, улардан ҳар бири керакли ўринда ишлатилаверади, дейиш мумкин эмас экан?

Яъни, нега энди юкланган маъноларнинг ҳаммаси ҳақиқий бўлиб, лафз муштарак бўлиши мумкин эмас экан?

Ахир, араблар бош сўзини инсону ҳайвонга нисбатан ҳам, тоққа нисбатан ҳам (тоғнинг боши), булоққа нисбатан ҳам (булоқ боши) ишлатишган-ку!

Шундай экан, нега энди бош сўзи инсон ва ҳайвонга нисбатан ишлатилганда ҳақиқат бўлиб, тоғ ва булоққа нисбатан ишлатилганда мажоз бўларкан?

Бош деган маъно олдин инсонга нисбатан қўлланиб, кейин мажоз йўли билан тоғ ва булоққа нисбатан қўлланган, деган гап қаердан келган ўзи?

Улар мана шу тушунчаларидан келиб чиқиб, инсоннинг боши, тоғнинг боши ва булоқнинг боши каби иборалардаги барча бош сўзларини ҳақиқат, деб лафзни эса муштарак, деб биладилар.

Дейдиларки, маъноларнинг ҳаммаси баб-баробар. Уларни ишлатаётганда ёки тушунаётганда оқимга қараб, муносиби танлаб олинаверади.

Шунга кўра, бош сўзида ҳақиқат, деган эътибор билан аввало инсоннинг бошини тушунамиз, бундай тушуниш мумкин бўлмай қолган тақдирдагина унинг мажозий маъносига ўтамиз, дейиш тўғри эмас. Аксинча, унинг ҳамма маъноларини бирданига тушунаверамиз, олаверамиз, ишлатаверамиз. Оқимга қараб муносибини олаверамиз. Аввало ҳақиқат, унинг иложи бўлмаса кейин мажоз, деган гапга ҳожат йўқ. Ҳаммаси ҳам ҳақиқат. Маънодаги бирламчилик оқимдаги қаринага, асосга қараб бўлади.

2 – Айтадиларки, қадимги араблардан ўз илмий изланишларида гапни ҳақиқат ва мажозга ажратганликлари нақл қилинмаган. Агар гап ҳақиқат ва мажозга бўлингандан эди қадимги араблардан бу нарса ривоят ёки китобат йўли билан (оғзаки ёки ёзма) нақл қилинган бўларди.

Мана шу икки сабабга кўра, улар, тил ҳақиқат ва мажозга бўлинмайди, балки ишлатилаётган барча маънолар бирдек ҳақиқатдир, дейишади.

### **Бу гапни муноқаша қилиш мумкин:**

1 – Бу гапда араблар лафзларга юклаган барча маънолар тан олинган ва улар тилдаги лафзга ҳам, Қуръондаги лафзга ҳам тўғри келаверади.

2 – Бу маъноларни ҳақиқат ва мажозга ажратмаслик. Негаки, лафзга уларнинг қайси бири олдин юклангандигини билиб бўлмайди. Шу билан бирга ишлатилиш жиҳатидан уларнинг даражалари бир хил. Шунинг учун улар лафзга нисбатан муштарак маънолар ҳисобланадилар.

3 – Матнни тушуниш учун уларни ишлатишда бирламчиликка қаралмайди. Олдин ҳақиқатга мурожаат қилиб, унинг иложи бўйлмай қолгандагина мажозга ўтиш шарт эмас. Балки, бу маъноларнинг ҳаммаси баб-баробар. Матнни тушунишда уларнинг ҳаммаси хаёлга келаверади, кейин оқимга қараб, улардан муносиби танлаб олинади.

Шу ерда бир савол туғилади: Дастрекки лафзга қайси маъно юклатилганини билишнинг иложи йўқ, деган гап тўғримикан? Дастрекки маъно билан кейинги маънони ажратиб олиш мумкин эмас, деган гап асослимикан?

Араблар лафзларга юклаган маъноларнинг ҳаммаси бир хил даражалимикан? Хаёлга улардан бири бошқасидан кўра тезроқ, олдинроқ келмасмикан?! Лафз эшитилган пайтда хаёлга унга юклатилган маънолардан бири бошқасидан кўра эртароқ келармикан, ёки ҳаммаси бирданига келармикан?

Шу ишни чуқур тадаббур қиласак, қуидаги хулосаларга келамиз:

Агар лафз унга юклатилган маъноларнинг ҳаммасига муштарак бўладиган бўлса, у айтилган пайтда хаёлга шу маънолардан бири келиб, бошқаси келмай қолиши мумкин эмас. Ҳаммаси бир хил даражали бўлганидан кейин лафз айтилган пайтда хаёлга уларнинг ҳаммаси бирданига келиши керак бўлиб қолади. Бироқ бу иш бундай юз бермайди.

Масалан, юқорида айтиб ўтганимиздек, араблар бош сўзини жasadга нисбатан ҳам, тоққа нисбатан ҳам, булоққа нисбатан ҳам қўллашган. Лекин бу лафз айтилган пайтда хаёлга биринчи бўлиб инсоннинг боши келади. Тоғнинг ёки булоқнинг боши эса бирданига келмайди.

Яна бир мисол. Қўл сўзини араблар ўзимизга маълум бир аъзо маъносида қўллашган. Шунингдек, уни куч маъносида ҳам (амирнинг қўли ҳар бир бузғунчига етади), саховат ва олийжаноблик маъносида ҳам (унинг менда оппоқ қўли бор). (Ўзбек тилида қўли очиқ, деган ибора ишлатилади) қўллашган. Лекин агар биз қўл сўзини ҳеч бир қаринасиз шундоқ ўзини айтадиган бўлсак, хаёлга фақат ўша ўзимиз билган аъзо келади, холос. Қолган маънолари эса қарина бўлсагина хаёлга келади.

Яна бир мисол. Қон сўзини араблар ўзимиз билган жонли бадандан чиқадиган қизил суюқлик маъносида қўллашган. Шунингдек, уни товон (хун) маъносида ҳам (фалончи фалончининг хунини еди) қўллаганлар. Лекин биз агар қон сўзини ҳеч бир қаринасиз ёлғиз ўзини келтирадиган бўлсак, хаёлга фақат ўша ўзимиз билган қизил суюқлик келади, холос. Қолганлари эса қаринасиз хаёлга келмайди.

Яна бир мисол. Араблар қуриш сўзини ўша ўзимиз билган бино қуриш маъносида ишлатишган. Шунингдек, уни уйланиш, турмуш қуриш маъносида ҳам қўллашган. (Фалончи фалончи билан турмуш қурибди) яъни, унга уйланибида ва у билан ўзи қурган янги уйга кирибди. Лекин агар биз бу сўзни ҳеч бир қаринасиз ёлғиз ўзини келтирадиган бўлсак, хаёлга фақат ўша ўзимиз билган қуриш, бино қуриш келади, холос. Уйланиш маъноси хаёлга келиши учун эса қарина бўлиши яъни, турмуш сўзи ишлатилиши шарт.

Мана шу қабилдаги мисоллар жуда кўп. Мана шулардан кўриниб турибдики, лафзга юклатилган маъноларнинг даражалари бир хил эмас. Ўлардан бири асл бўлиб, ёлғиз ўзи келганда ҳам хаёлга келаверади. Қолганлари эса хаёлга келиши учун қаринага муҳтож бўлади. Яъни, у асл маънога қарина билан, бирор муносабат билан боғланади. Мана шу нарса мажоз (олиб ўтилган), дейилади. Яъни, бир қарина, муносабат туфайли лафзни ҳақиқий маъносидан мажозий маъносига олиб ўтиш.

Шунга кўра, биз айтамизки, ҳақиқат ва мажоз деган тушунчалар бор нарсалар. Олдин лафзнинг ҳақиқий маъносига мурожаат қилинади. Унинг иложи бўлмай қолгандагина унинг мажозий маъносига ўтилади.

Энди уларнинг, агар ҳақиқат ва мажоз, деган гаплар бор бўлганида олдинги араблардан ёзма ёки оғзаки тарзда нақл қилинган бўларди, деган гаплари устида тўхталайлик. Бу гап асоссиз гап. Негаки, жоҳилият ва Исломнинг дастлабки давридаги араблар ўзларининг гапларида ҳақиқат ва мажозни ишлатишган ва қайсиниси ҳақиқату қайсисини мажоз эканлигини англашган. Улар жонзотнинг қўли маъносидаги қўл билан куч ёки саховат маъносидаги қўлни бир-биридан ажрата олишган. Шунингдек, инсоннинг боши билан тоғнинг ёки булоқнинг бошини ҳам бир-биридан фарқлай билишган. Улар ҳақиқат қаринага муҳтож бўлмаслигини ҳам, мажознинг эса қаринага муҳтожлигини ҳам тушунишган. Масалан, тил сўзини қаринасиз ўша ўзимиз билган оғиздаги бир аъзо, деб тушунишган бўлса, қаринага қараб уни гўзал зикр маъносида қўллашган.

﴿وَأَجْعَلْ لِي لِسَانَ صَدِيقٍ فِي الْأَخْرِينَ﴾

— „Яна мен учун кейин келгувчи кишилар ўртасида рост мақтovлар қилгин“. [26:84]

Қайси маъно асилу қайси маъно аслдан олиб ўтилган (мажоз)лигини яхши билишган. Лекин араб тили, Қуръон, ҳадис,

фиқұ әүсулға оид фанларнинг истилоҳлари (терминлари) кейинроқ, араб тилига айрим касалликлар илаша бошлаётган пайтда пайдо бўлди ва олдинги арабларнинг соф тили қандай бўлишини кўрсатиб берди.

Ана шунда мантук, мағхум, мажоз, тародуф, иштирок каби истилоҳлар пайдо бўлди. Шунинг учун гапни ҳақиқат ва мажозга ажратмасликка шу ишнинг қадимги араблардан нақл қилинмагани хужжат бўла олмайди.

Буни инкор қилиш қадимги арабларда бўлмаган, деган хужжат билан нахв фанига доир фоил, мағъулун биҳи, ҳол, тамйиз каби истилоҳларни инкор қилиш билан баробар.

Араблар гарчи қонун-қоидага солмаган бўлсалар-да, араб тилининг усулини, далолатларини жуда яхши билишган. Чунки бу тил уларнинг тили, табиати бўлган. Уларнинг гаплари ва гапириш услугбларини ўрганишдан келиб чиқсан кейинги даврда пайдо бўлган билимлардан мақсад ўша услугбларни кейинги авлодга етказиш бўлган. Токи, бу авлод уларни пухта ўзлаштира олсин.

Шуларга асосланиб, биз айтамизки, лафзларнинг ҳамма маънолари ҳақиқатdir, мажоз деган нарса йўқ нарсадир, деган гап асоссиздир.

Лекин шуни ҳам айтиб ўтишимиз лозимки, араблар лафзлар учун ишлатган ҳамма маънони тан оладиганлар, уларнинг ҳаммаси тилда ҳам, Қуръонда ҳам ишлатилади, деб эътибор қиласиганлар энг тўғри гапдан фақат қуйидаги жиҳатлари билангина фарқ қиласилар:

1 – Бу маъноларни ҳақиқат ва мажозга ажратмасдан ҳаммасини ҳақиқат, деб эътибор қилишлари билан;

2 – Маъноларни қўллашда улардан бирини бирламчи, деб эътибор қиласдан яъни, олдин ҳақиқатни олиб, у узрли бўлиб қолгандагина мажозга ўтмасдан ҳаммасини бирдек қабул қилиб, оқимга қараб муносабини танлаб олишлари билан.

Биз айтамизки, агар улар араблар ишлатадиган ҳамма маъноларни тўплаб, Қуръонни тушунишда уларнинг ҳаммасини ишлатиб, ҳаммасини ҳақиқат, деб номласалар, ўртадаги ихтилоф жуда оз бўлади.

Лекин агар улар Қуръонни тушунишда фақат ҳақиқий маънога таяниб, қолганини тарқ қиласалар, муаммо пайдо бўлади. У ҳолда улар тилда мажоз бор, Қуръонда эса йўқ, дейдиганлар билан бир хил бўлиб қоладилар.

## **Муҳкам ва муташобих**

Лафзларнинг араблар қўллаган айрим маъноларини (ҳақиқатни) ишлатиб, қолганларини (мажозларини) ишлатмаслик икки томонлама муаммо туғдиради.

Биринчидан, улар Қуръонни у нозил бўлган араб тили билан тушунмаганлари учун гуноҳкор бўладилар. Негаки, араблар ишлатган бир маънони олиб, қолганини олмаслик Қуръонни тушунишда араб тилини ишлатмасликдир. Бу нарса Қуръоннинг араб тилида эканлигига тўғри келмай қолади.

Иккинчидан, айрим маъноларни ишлатмаслик натижасида Аллоҳ Таолонинг оятларини тушунишда беқарорликка дуч келадилар. Масалан, улар Аллоҳ Таолонинг

﴿يَحْسِرَتَ عَلَىٰ مَا فَرَطْتُ فِي جَنْبِ اللَّهِ﴾

— „*Аллоҳ ҳаққида* (яъни У Зотга тоат-ибодат қилишида) сусткашилик қилганимга надомат бўлгай!“ [39:56] деган ва

﴿وَبِقَوْمٍ وَجْهُ رَبِّكَ﴾

— „*Парвардигорингизнинг юзи — боқий мангу қолур*“ [55:27] деган оятларини ўқисалар ва лафзларнинг ҳақиқий маънолари (ён ва юз) билан кифоялансалар, бу оятларнинг маъносини тушуна олмасдан гандираклаб қоладилар. Негаки, бу лафзларнинг ҳақиқий маънолари «ён» ва «юз» дан бошқа нарса эмас.

Агар бу сўзларнинг ҳақиқий маъноси қўлланадиган бўлса, Аллоҳ ундаи маънолардан пок Зот. Чунки Аллоҳ Субҳанаҳу

﴿لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ﴾

— „*Бирон нарса У Зотга ўхшаш эмасдирип*“ [42:11]

Шунинг учун улар бу оятларни қандай тафсир қилишларини билмасдан ҳайрон бўлиб қолдилар. Кейин унинг тафсирида бу ердаги ён сўзи биз тушунган маънодаги ён эмас, бу ердаги юз сўзи биз тушунган маънодага юз эмас, деб кўя қолдилар. Бу иш лафзларни араб тили билан тафсир қилмаслик бўлади.

Улар бу оятларни араблар лафзга юклаган ҳақиқий маънода ҳам, урфий ҳақиқатга кўра ҳам ва ҳатто Пайғамбар ﷺдан нақл қилиб, шаръий ҳақиқатга кўра ҳам тафсир қилмадилар. Шунингдек, уни мажозу киноя билан ҳам шарҳламадилар. Бор айтган гаплари бу ердаги ён сўзи биз билган ён маъносида эмас, бу ердаги юз сўзи биз билган юз маъносида эмас, деган гаплар бўлди, холос. Яъни, улар бу сўзлар бу муборак оятларда

ўзларининг ҳақиқий маъносига келмаганини тан оладилар. Лекин уларни араблардаги мажозий маъно билан тафсир қилиш ўрнига умуман араб тилида бўлмаган маъноларни уларга юклайдилар.

Масалан, араблар (وجه) юз) сўзини лугавий ҳақиқатга кўра ўша маълум бет, башара маъносига ишлатишган. Шунингдек, уни шахснинг ўзига нисбатан ҳам қўллаганлар. Мажоз бўйича (وجه), дейилганда юзнинг ўзи эмас, бутун бошли одам тушунилган. Лекин улар юз сўзини биз билган юздан бошқа юз маъносига қўллашмаган. Қуръон араб тилидаги Китобдир. Шунинг учун унинг оятлари, сўзлари араб тили билан тафсир қилиниши керак.

Агар шу йўлдан бориб, тадаббур қилганларида эди, қуидаги нарсаларни билиб олган бўлардилар:

(جَنْ جَنْ) ён (جَنْ) сўзи ҳам мажозий маънода келган. Араблар мана бу ишнинг олдида мана бу иш ҳеч нарса эмас, деган иборада ҳам шу (جَنْ) сўзини ишлатишади. Демак

﴿يَسْرِقُ عَلَىٰ مَا فَرَطَتُ فِي جَنْبِ اللَّهِ﴾

— „*Аллоҳ ҳаққида* (яъни У Зотга тоат-ибодат қилишида) *сусткашилик қилганимга надомат бўлгай!*“ [39:56] деган оят, ўзим билан Аллоҳ ўртасидаги ишда Аллоҳ Субҳанаҳунинг менга қилган фармон ва тақиқларига нисбатан қилган бепарволигимга надомат бўлгай, деган маънодадир.

Пайғамбар ﷺ нинг:

«كُلُّ الصَّيْدِ فِي جَنْبِ الْفَرَّا» «جَوْفُ الْفَرَّا»

«Ҳар қандай ов ёввойи эшак олдидан ўтаверсин»,<sup>25</sup> деган ҳадислари ҳам шу маънодадир. Бу ҳадисда ҳам (جَنْ) ёки (جَوْف) сўзи қўлланган.

Шунингдек, араблар юз сўзини мажозий маънода одамнинг ўзига нисбатан ҳам қўллашган. Бунда унинг улуғлиги, бообрўлиги назарда тутилган. Қавмнинг юзи келди, деб қўярдилар. Шунга кўра

﴿وَيَعْقِي وَجْهُ رَبِّكَ﴾

— „*Парвардигорингизнинг юзи — бокий мангу қолур*“ [55:27]

(25) Тазкиратул мавзуот: 168, у киши бу ҳадис жайийд, лекин мурсал, деди. Кашфул хафо: 2/177. Тарихи Бағдод: 13/60.

оятидаги (ج) сўзидан мурод Аллоҳ Таолонинг Ўзидир.

Бу маънодан узоқ таъвил, дейилмайди. Негаки, бу сўз арабчада мана шу маънода қўлланган. Араб тилининг ўзи шуни тақозо этади. Чунки калиманинг маъноси ё ҳақиқат бўлади ёки мажоз.

Ҳар бир мусулмон Аллоҳ (ج) ва (وَجْهِ) сўзларига араблар юклаган ҳақиқий маънодан пок, деб эътиқод қиласди.

Яъни, бу ерда бу сўзларнинг ҳақиқий маъноларини ишлатиш узрли. Шунинг учун у араблар қўллаган мажозий маъно билан тафсир қилинади. Чунки Исломда А-ллоҳ Таоло луғавий ҳақиқатга кўра англашилган юздан ҳам, ёндан ҳам Пок, деб эътиқод қилинади. Чунки У Зот ўхшашдан покдир.

﴿لَيْسَ كَمِثْلُهِ شَيْءٌ﴾

– „*Бирон нарса У Зотга ўхшаш эмасдир*“.

[42:11]

Шунга кўра:

1 – Ё оят араб тили билан тафсир қилиниб, мажозий маъно қўлланиши ва бу ердаги юз сўзидан мурод Аллоҳ Субҳанаҳунинг Ўзи, дейилиши керак.

2 – Ёки уни араб тилидан бошқа тил билан тафсир қилиб, худди билмайман, дейишга уялаётган одамдек юзга ўхшамаган юз, дейиш.

Шундай қилиб, мажоз тилда бору Қуръони Каримда йўқ, дейдиганлар ҳам ёки араблар лафзга юклаган ҳамма маънолар ҳақиқатдир, дейдиган, лекин Қуръон борасида фақат битта маънонигина олиб, бошқаларини ташлайдиганлар ҳам Қуръоний ҳужжатга

﴿وَهَذَا لِسَانٌ عَرَبِيٌّ مُّبِينٌ﴾

– „*Бу эса очик-ойдин араб тилидадир*“.

[16:103]

зид бўлишидан (чунки улар араб тилига мурожаат қилмаяптилар) ташқари улар ўзлари сезмаган ҳолларида мусулмонларнинг бир-бирларини кофирга чиқарадиган турли фирқаларга бўлиниб кетишлирага сабабчи бўладилар.

Агар улар тилнинг маъноларидан хабардор бўлганларида эди, ўша фирқалар пайдо бўлмаган бўларди. Ўзлари бир-бирларига биродар бўлганлари ҳолда Аллоҳга бандаликни давом эттирган бўладилар.

Сўзимни етук тилшунос олимлардан бири Ибн Жиннийнинг қўйидаги гаплари билан якунламоқчиман. У шундай дейди: «Бунинг йўли шуки, бу тилнинг аксар қисми мажозга қараб

кетади. Камдан-кам қисмигина ҳақиқий маъно касб этади. Шундай бўлгач, бу Қуръон кимларга хитоб қилинган бўлса, ана ўшалар унинг тилини яхшироқ билишган. Қуръон ўшалар ўрганиб, одатланиб қолган тилда нозил бўлган. Шунинг учун улар Хитоб қилувчи нимани назарда тутаётганини ўзлари урф-одатларига кўра ишлатадиган маъноларига қараб билиб олганлар». Шу билан уларнинг ақидалари тўғри, амаллари холис Худо учун бўлган. Шунинг натижаси ўлароқ ишлари ҳам, аҳволлари ҳам издан чиқмасдан бир маромда кетган. Улар Пайғамбар ﷺнинг замонларида ҳам, саҳобаларнинг замонида ҳам туни ҳам кундек бўлган ёруғ йўлдан боргандар. У пайтда фақат ҳалокат сари қадам босган одамгина тойилган, адашган кимсагина юз тубан йиқилган.



Қуръон билимлари борасида ҳақиқат ва мажоздан ташқари бошқа бир муҳим нарса ҳам бор. У ҳам бўлса Қуръонда муҳкам ва муташобиҳ оятларнинг борлигидир.

Бунга далил Аллоҳ Таолонинг мана бу ояти:

﴿هُوَ الَّذِي أَنْزَلَ عَلَيْكَ الْكِتَبَ مِنْهُ إِيمَانٌ حُكْمَتٌ هُنَّ أُمُّ الْكِتَبِ وَأَخْرُ  
مُتَشَبِّهَتٌ فَإِنَّمَا الَّذِينَ فِي قُلُوبِهِمْ رَيْغُ فَيَتَبَعُونَ مَا تَشَبَّهَ مِنْهُ أَبْتِغَاءُ  
الْفِتْنَةِ وَأَبْتِغَاءَ  
تَأْوِيلِهِ وَمَا يَعْلَمُ تَأْوِيلَهُ إِلَّا اللَّهُ وَالرَّاسِحُونَ فِي الْعِلْمِ يَقُولُونَ إِنَّمَا يَهِيءُ  
كُلُّ مِنْ  
عِنْدِ رَبِّنَا وَمَا يَدْكُرُ إِلَّا أُنْوَأْنَا لِلْأَكْبَرِ﴾

– „У сизга Китоб нозил қилган Зотдирки, у (Китобдан) шу Китобнинг асли моҳияти бўлган муҳкам аниқ-равишан оятлар ҳам ва бошика (қиёмат, жисннам, дўзах ва ҳоказолар ҳақидали) муташобиҳ тушуниши қийин бўлган оятлар ҳам (ўрин олгандир). Энди дилларида ҳақ йўлдан оғии бўлган кимсалар одамларни алдаб фитнага солиши ва ўз ҳавоий нафсларига мувофиқ таъвила-тафсир қилиши учун Унинг муташобиҳ оятларига эргашадилар. Унинг (муташобиҳнинг) таъвилини фақат Аллоҳ билади ва илмда собит бўлганлар (ҳам биладилар. Улар) «Унга имон келтирганимиз, ҳаммаси Роббимиз хузуридандир», дейдилар. Ва фақат аҳли дошишларгина панд-насиҳат олурлар“.

[3:7]

Хўш, муташобиҳ оятларнинг таъвилини, тафсирини Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайдими ёки Аллоҳ ва пухта билимга эга бўлганлардан ўзга ҳеч ким билмайдими?

Бошқачароқ қилиб айтадиган бўлсак

﴿وَالرَّسُخُونَ فِي الْعِلْمِ﴾

– „*Ва илмда собит бўлганлар*“.

[3:7]

оятидаги вов атф вовими ёки вови истиънофиями? (Араб тилида уюшиб келган сўзларнинг ўртасига биттадан вов қўйиб борилади. Бундай вов атф вови, дейилади. Айни пайтда айрим ҳолларда гапнинг бошланишига ҳам вов қўйилади. Бундай вов истиънофия (янгитдан бошлаш вови, дейилади). Агар бу вов атф вови бўлса, оятдан муташобиҳ оятларнинг таъвилини, тафсирини Аллоҳ ва пухта билимга эга бўлганлардан ўзга ҳеч ким билмайди, деган маъно чиқади. Агар у вови истиънофия бўлса, бу оят муташобиҳ оятларнинг таъвилини Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайди, деган маънони англатади ва бу ердаги пухта билимга эга бўлганлар сўзи янги гапнинг бошидаги сўзлар бўлиб қоладилар.

Агар шу ояти карима устида чуқур тадаббур қиласидиган бўлсак, бу ердаги вов истиънофия эмас, атф вови эканлиги аён бўлади. Қўйидаги асослар шуни кўрсатади:

1 – Аллоҳ Таоло айтади:

﴿هَذَا بَيَانٌ لِّلنَّاسِ وَهُدًىٰ وَمَوْعِظَةٌ لِّلْمُتَّقِينَ﴾

– „*Бу (Куръон) одамлар учун тўғри йўлни баён қилгувчи ва тақво эгалари учун ҳидоят ва панд-насиҳатdir*“.

[3:138]

Агар бояги оятдаги вов истиънофия бўлса, яъни, Қуръондаги муташобиҳ оятларнинг таъвилини Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайдиган бўлса, бундан Қуръонда одамлар билмайдиган оятлар ҳам бор, деган маъно келиб чиқиб, Қуръоннинг одамлар учун баён учун нозил қилинганига тўғри келмай қолади. Хуллас, у ердаги вовнинг истиънофия бўлиши

﴿هَذَا بَيَانٌ لِّلنَّاسِ﴾

– „*Бу (Куръон) одамлар учун (тўғри йўлни) баён қилгувчи*“.

[3:138]

оятига зиддир.

Лекин агар вов атф вови бўлса, муташобиҳ оятлар ҳам пухта билимга эга бўлганлар орқали одамларга баён бўлади. Бу нарса Қуръоннинг одамлар учун баён қилиб нозил бўлганига тўғри келади.

2 – Аллоҳ Таоло олимлар хусусида яна бир қўшимча сифатни – илмда событқадамлиликни (пухта билимга эгаликни) ҳам қўшяпти. Араб тилида ортиқча сифат унга алоқадор бўлган бир ҳукм муносабати билан айтилади. Агар вов истиънофия бўлса, кейинги

﴿وَالرَّسْخُونَ فِي الْعِلْمِ يَقُولُونَ إِمَانًا بِهِ﴾

– „Илмда событ бўлганлар (ҳам биладилар. Улар) «Унга имон келтирганмиз», дейдилар“. [3:7] оятининг ўқилиши ундан бошланади ва бу ортиқча сифат (пухта билимга эгалик, илмда событқадамлилик)

﴿يَقُولُونَ إِمَانًا بِهِ﴾

– „У Китобга имон келтирганмиз дейдилар“. [3:7] оятига алоқадор бўлиб қолади. Энди имон келтириш учун пухта билимга эга бўлиш шарт эмаслиги, оддий олимлар ҳам, ҳатто илмсиз омилар ҳам Аллоҳга имон келтириш учун пухта билимга муҳтож эмасликларини ҳисобга оладиган бўлсак, бу қўшимча васф (пухта билимга эгалик) кейинги

﴿يَقُولُونَ إِمَانًا بِهِ﴾

– „У Китобга имон келтирганмиз дейдилар“. [3:7] деган гапга тўғри келмайди.

Аммо агар вов атф вови бўлса, пухта билимга эгалик муташобиҳ оятларнинг таъвилини билишга боғлиқ васф бўлади. Бу иш учун ҳақиқатда пухта билим керак. Чунки бир неча маъноларни англатиши мумкин бўлган муташобиҳ оятларнинг аниқ бир маъносини ажратиб олиш жуда оғир иш. Шунинг учун ҳам улар тингловчи ва ўқувчига нисбатан муташобиҳ бир-бирига ўхшайдиган оятлардир.

﴿يَدُ اللَّهِ فَوْقَ أَيْدِيهِ﴾

– „Аллоҳнинг қўли уларнинг қўллари устидадир“. [48:10]

﴿وَيَبْقَى وَجْهُ رَبِّكَ﴾

– „Парвардигорингизнинг юзи — бокий мангу қолур“. [55:27]

﴿وَالْمُطَلَّقَتُ يَرَبَصُ بِأَنفُسِهِنَ ثَلَثَةُ قُرُوءٍ﴾

– „Талоқ қилинган аёллар ўзларини уч «куруъ» кутарлар“. [2:228]

Бу оятларнинг далолати (маъноси) битта далолатга эга бўлган муҳкам оятлар каби қатъий эмас.

Бундай ҳолатда муташобиҳ оятни тушуниш учун пухта билим керак бўлади. Яъни, уни билиш оддий олимларнинг эмас, илмда событқадамларнинг, пухта билимга эга бўлганларнинг иши бўлади.

Бу ердаги қўшимча васф (пухта билимга эгалик) муташобиҳ оятларнинг таъвилини билишга мос тушади. Шу билан бу ердаги вовнинг атф вови эканига ҳужжат кучлироқ бўлади. Қироат мана бундай бўлади:

﴿وَمَا يَعْلَمُ تَأْوِيلَهُ إِلَّا اللَّهُ وَالرَّسُولُونَ فِي الْعِلْمِ﴾

– „Унинг (муташобиҳнинг) таъвилини фақат Аллоҳ билади ва илмда событ бўлганлар (ҳам биладилар)“.  
[3:7]

Мана шулардан кўриниб турибдики, мазкур вовнинг атф эканига ҳужжат кучлироқ.

Ояти кариманинг маъноси мана бундай бўлади: Қуръонда муҳкам оятлар бўлиб, уларнинг маънолари очиқ кўриниб туради, уларни тушуниш учун у қадар катта билим шарт бўлмайди, уни оддий олимлар ҳам тушунаверадилар.

Қуръонда бундан ташқари муташобиҳ оятлар ҳам бўлиб, улардан бир неча хил маъно англашилиши мумкин бўлади. Бу маънолар ичидан тўғрисини, кучлироғини ажратиб олиш учун жуда катта куч керак бўлади. Уларни оддий олимлар тушуна олмайдилар. Бу иш учун илмда событқадам, пухта билимга эга бўлиш керак бўлади.

### **Бу оят шунингдек яна икки муҳим нарсани баён қиласи.**

1 – Муҳкам оятлар Китобнинг онаси яъни, асли, манбаидир. Бу гапдан шундай маъно келиб чиқадики, агар бир масалада фақат бир маънога далолат қиласиган муҳкам оят ва бир неча хил маъноларга далолат қиласиган муташобиҳ оят тўғри келиб қолса, муҳкам оят муташобиҳ оятдан ғолиб бўлиб, муташобиҳнинг маъноси муҳкамга ҳамл қилинади, яъни, муҳкамнинг изидан боради.

2 – Дилларида эгрилик, тойилиш, шак-шубҳа бор кимсалар ақллари, билимлари етмаса ҳам муташобиҳ оятлар ичига шўнгиб, фитна қўзийдилар, тафсир, таъвилни издан чиқарадилар, ноаниқлик ва залолатни юзага келтирадилар.

Шунинг учун ақли, билими етмайдиган бўлса ҳам муташобиҳ оятлар ичига шўнfigan киши қаттиқ гуноҳга ботиб қолиши мумкин. Бу гуноҳ уни куфрға олиб бориб қўйиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. Яъни, у шу кетишида ақидани инкор

қилишга ёки диндаги аниқ бир хукмни инкор қилишга бориб қолиши хеч гап эмас.

Кимки муташобиҳ оятнинг тафсирини билмаса, билмайман, десин. Чунки бу иш жуда катта иш. Унинг учун олим бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди, балки илмда событқадам, пухта илмга эга бўлиш керак бўлади. Ўзи билмаса, биладиган мужтаҳидлардан нақл қилсин, улардан ўргансин. Токи, Аллоҳнинг катта ғазабига учраб қолмасин.



### Тафсир борасида мен танлаган йўл

Ва баъд:

Аллоҳ Таолонинг хоҳиш-иродаси ила Қуръони Каримни тафсир қилиш дарвозасидан кирдим. Аллоҳнинг тавфиқи ва мадади ила қўлимдан келганича уни худди Пайғамбар ﷺ замонларида, саҳобаи киром ﷺлар замонларида қандай тушунилган бўлса, ўшандай тушунтиришга ҳаракат қилдим.

Бу ишда қўйидаги йўлни тутдим:

**Биринчидан: тил жиҳатидан:**

Аллоҳ Таоло Ўзининг Китобидаги муҳкам оятларда Қуръоннинг арабча эканини айтган.

﴿إِنَّا أَنْزَلْنَاهُ قُرْءَانًا عَرَبِيًّا﴾

– „Дарҳақиқат, Биз уни (бу оялларни) арабий Қуръон ҳолида нозил қилдик“. [12:2]

﴿وَهَذَا لِسَانٌ عَرَبِيٌّ مُّبِينٌ﴾

– „Бу эса очиқ-ойдин араб тилидадир“. [16:103]

Бас, Қуръонда арабчадан бошқа сўз йўқ. Муқаддимада арабча гапни қўйидагича баён қилгандик:

Арабча сўзнинг маъноси қўйидаги тўрт қисмдан бирига қараб бўлади:

- Шаръий, лугавий ёки урфий ҳақиқатга қараб;
- Бирор қарина ва муносабат туфайли асл маънодан четга чиққанида мажоз ёки кинояга қараб;
- Араблар ишлатган иштиқоққа қараб;
- Ажам юртларидаги сўзларнинг араб тилига кириб келиши ва арабча вазнларга солиниб, арабчалаштирилишига қараб. Арабчалаштирилган сўз арабча эканлигида асл арабча сўзлардан мутлақо фарқ қилмайди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Қуръон биринчи ҳарфидан тортиб охирги ҳарфига қадар араб тилида нозил бўлган. Бунга Қуръоннинг ўзи ҳужжат келтирган.

﴿إِنَّا أَنْزَلْنَاهُ قُرْءَانًا عَرَبِيًّا﴾

– „*Дарҳақиқат, Биз уни (бу оятларни) арабий Қуръон ҳолида нозил қилдик*“ [12:2]

Шунга кўра, Қуръонни араб тилидан бошқа тил орқали тушуниш мумкин эмас. Шунга биноан, мен бу тафсиридама тил жиҳатидан қўйидагиларга таяндим:

а) Шаръий ҳақиқат. Агар Пайғамбар ﷺдан оятни ёки ундаги бирор сўзни баён қиладиган саҳиҳ ҳадис бўлса, аввало шуни олдим. Чунки шаръий ҳужжатда бошқа ҳақиқатлардан олдин биринчи бўлиб шаръий ҳақиқат олинади.

Шуни айтиб ўтиш мақсадга мувофиқки, бирор сўзнинг шаръий ҳақиқати бўлиши учун айнан ўша сўзни баён қилгувчи бир саҳиҳ ҳадис Пайғамбар ﷺдан ворид бўлиши керак. Аммо агар айнан шу сўзга хос баён ворид бўлмаган бўлса, у сўзнинг шаръий ҳақиқати бор, дейилмайди.

Шаръий ҳақиқатга мисол намоз ёки ҳаж ҳақидаги оятларнинг тафсиридир.

﴿وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ﴾

– „*Намозни тўқис адо қилинг*“ [2:43]

﴿الْحُجَّةُ أَشْهُرٌ مَعْلُومٌ﴾

– „*Ҳаже (мавсуми) маълум ойлардир*“ [2:197]

Пайғамбар ﷺ бу фарзлар қандай адо этилиши, қандай сўзлар айтилиши, қандай ҳаракатлар қилиниши, қандай амаллар бажарилишини батафсил баён қилганлар. Шу билан уларнинг шаръий ҳақиқати вужудга келиб, тафсирда айнан шу ҳақиқатга таянилди. Дуо, мақсад каби уларнинг луғавий маънолари олинмайди.

б) Агар шаръий ҳақиқат бўлмаса, урфий ёки луғавий ҳақиқатга мурожаат қилдим. Масалан, одамлар, судралувчилар ва ҳайвонларнинг тафсирида шундай бўлди.

﴿وَمِنَ النَّاسِ وَالْدَوَابِ وَالْأَنْعَمِ﴾

– „*Шунингдек одамлардардан, ҳайвонлардан ва чорвалардан ҳам турли рангларини чиқардик*“ [35:28]

(اللَّهُ) сўзи Одам ва унинг зурриётини англатгани учун бу сўзниг лугавий ҳақиқати олинди. (نَعَمْ) сўзи тuya, сигир ва қўйни англатгани учун бу сўзниг ҳам лугавий ҳақиқати олинди. (دَوَابْ) сўзи тўрт оёқлаб юрадиганларга далолат қилгани учун бу сўзниг фақат судралувчиларнигина англатувчи лугавий ҳақиқати эмас, урфий ҳақиқати олинди. Негаки, арабларда сўзга маъно беришда урфий ҳақиқат лугавий ҳақиқатдан устун туради.

в) Агар ҳақиқатни олиш узрли бўлиб қолса, мажоз ва кинояга мурожаат қилдим. Чунки олдинги араблар шундай қилганлар. Масалан, Аллоҳ Таоло айтади:

﴿تَجْعَلُونَ أَصْبِعَهُمْ فِيَءَادَانِمْ﴾

– „*Бармоқларини қулоқларига тиқиб олишади*“ [2:19]

Бу ердаги қарина асл маънони ирова қилишдан қайтаради. Негаки, бармоқлар тўлалигича қулоққа кирмайди. Уларнинг бир учи киради, холос. Шунга кўра, бу ердаги бармоқлар сўзи мажоз йўли билан бармоқларнинг учлари, деб тафсир қилинди.

Яна Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَآتَكُنْ بَشِّرُوهُنَّ﴾

– „*Энди улар билан (рўза кечаларида ҳам бемалол) қовушингиз*“ [2:187]

Бу ерда ҳам бевосита лугавий маъно, яъни кишининг ўз аёлини ушлаши ирова қилинмаяпти. Бу ерда жимо – жинсий алоқа қилиш назарда тутиляпти. Чунки дастлабда рамазон тунида ҳам тақиқланган иш жимо бўлган. Кейин Аллоҳ бу тақиқни олиб ташлаган. Бу ердаги қарина асл маънони яъни, лугавий ҳақиқатга кўра маъно беришдан қайтармайди. Шунинг учун оятдаги

﴿بَشِّرُوهُنَّ﴾

– „*Қовушингиз*“ [2:187]

сўзи рамазондаги жимодан киноя бўлади.

г) Араблар қайсиdir иштиқоқ қилинган (келиб чиқсан, ясалган) сўзниг ўзагини ишлатган бўлсалар ёки бир ўзакдан иштиқоқ қилинган кўп сўзларни ишлатиб, улар орасидан биттасини ишлатмаган бўлсалар, мана шу янги иштиқоқ қилинган сўз қўлланиб қолса, унинг маъноси араб тилининг қонун-қоидаларига кўра ўзак билан боғланади.

Масалан, араблар (رحم، يرحم) ўзагидан чиққан каби сўзларни ишлатишган. Лекин улар Аллоҳ Таолони тавсифловчи (الرحمن) сўзини ишлатишмаганди. Бу сўз (رحم) ўзагидан иштиқоқ қилиниб, (فعان) вазнига солинган. Шунинг учун Қуръоннинг қаерида келса ҳам, кўп меҳрибон, жуда раҳмли маъноларида ишлатилади. Бу сўз Аллоҳ Таолонинг гўзал исмларидан биридир. Гарчи араблар бу сўзни шу маънода олдин ишлатмаган бўлсалар-да, модомики, у раҳм ўзагидан иштиқоқ қилинган экан, шу маънода қўлланаверади.

Шунинг учун Аллоҳ Таоло арабларнинг саркашликларини, талашиб-тортишишларини инкор қилиб, ҳужжатлари ночорлигини билдириб бундай дейди:

﴿وَإِذَا قِيلَ لَهُمْ أَسْجُدُوا لِرَحْمَنِ قَالُوا وَمَا أَلْرَحْمَنُ أَنْسَجُدُ لِمَا تَأْمُرُنَا وَرَآدُهُمْ نُفُورًا﴾



— „Қачон (муширикларга): «Раҳмонга сажда қилинглар», дейилса, улар: «Нима у Раҳмон? Сен буюрган нарсага сажда қиласкерамизи?» — дейишар ва (бу сўз) уларни янада ийроқлаштирап“ [25:60]

Улар Раҳмон сўзи қандай маъно англатишини ва бу ерда бу сўзининг Аллоҳга нисбатан қўлланаётганини билардилар. Негаки, улар раҳм ўзагидан иштиқоқ қилинган сўзлар қандай маъно англатишини яхши тушунардилар. Лекин улар бу ерда саркашлик қилдилар, ўзларини катта олдилар.

Аллоҳ Таоло яна бир оятда бундай дейди:

﴿قُلِ ادْعُوْا اللَّهَ أَوِ ادْعُوْا الرَّحْمَنَ أَيَّا مَا تَدْعُوْا فَلَهُ الْأَسْمَاءُ الْحَسَنَى﴾

— „(Эй Мұхаммад), айтинг: «Аллоҳ, деб чорлангиз, ёки Раҳмон — Меҳрибон, деб чорлангиз. Қандай чорласангизлар-да (жоиздир). Зоро, У Зотнинг гўзал исмлари бордир»“ [17:110]

Бинобарин араблар ишлатган ўзакдан иштиқоқ қилинган ҳар қандай сўз араб тили қонун-қоидаларига кўра, ўша ўзакнинг маъносида бўлса, у арабча сўз ҳисобланади.

д) Ажамлардаги қайсиdir нарсанинг номини араблар ўзларининг тилларига олиб кириб, ҳарфларини, вазнларини ўзгартириб, араб тили вазнларига тушадиган қилсалар, бу сўз ҳам арабча сўзга айланган ҳисобланади.

Том маънода арабча ҳисобланган бу сўзниг маъноси ўша араб тилига нақл қилинган пайтдаги маънонинг айнан ўзи бўлади.

Агар Қуръонда мана шундай араблар ажамлардан нақл қилиб олиб, ўзларининг қонун-қоидаларига солган сўзлар учраса, улар ҳам арабча сўзлар ҳисобланиб, ўша нақл қилинган ҳолидаги маъносида қўлланади. Масалан

﴿عَنِّيْمَمْ تِبَاعُ سُنْدُسٍ حُضُرٌ وَإِسْتَرْقٌ﴾

– „Уларнинг устларида яшил ипак ва шойи лиbosлар бўлиб“.  
[76:21]

оятидаги (سندهس)، (سترق) сўзлари арабчалаштирилиб, араблар ишлатдиган сўзларга айланган. Кейин уларни Қуръон ҳам ишлатган. Чунки Қуръон араб тилида нозил бўлган. Шунинг учун бу сўзларнинг тафсири ҳам араблар ажамлардан нақл қилиб олган пайтдаги маънода бўлаверади. Яъни, (سندهس) сўзи нозик, юмшоқ ипак маъносида, (سترق) сўзи эса дағал ипак маъносида тафсир қилинади.

Бу сўзлар арабчалигида бошқа асл арабча сўзлардан қолишмайдилар. Бунга Қуръоннинг ўзи ҳужжат келтирган.

﴿وَهَذَا لِسَانٌ عَرَبِيٌّ مُّبِينٌ﴾

– „Бу эса очик-ойдин араб тилидадир“.  
[16:103]

Хуллас, мен тил жиҳатидан Қуръони Каримдаги биронта сўзни араблар ишлатган ва араб тили қонун-қоидаларига тўғри келадиган йўлдан бошқача йўл билан тафсир қилмадим.

Яъни, сўзга маъно беришда қуйидагича йўл тутдим:

- Маъно юклатилиши ва нақл қилинишига қараб, шаръий, урфий ва луғавий ҳақиқатга кўра маъно бердим;
- Араблар ишлатганларига қараб мажоз ёки кинояга кўра маъно бердим;
- Араб тили қонун-қоидаларига қараб иштиқоқ қилинганига кўра маъно бердим;
- Араблар ажамлардан нақл қилиб, кейин уни ўз тилларининг қонун-қоидаларига қараб арабчалаштирганларига кўра маъно бердим.

Кўлимдан келганича Қуръондаги биронта сўзга араблар ишлатмаган биронта маънони бермадим.

**Иккинчидан: Ақл жиҳатидан:**

Нарсаларни тушуниш, идрок қилиш, улар ҳақида бир фикрга келиш учун ҳис этиладиган бир воқе бўлиши шарт. Бу воқе мияга уни шарҳлаб берувчи собиқ маълумотлар билан биргаликда ҳислар воситасида кўчиб ўтади. Мазкур тўрт иш яъни, воқе, ҳислар, соғ мия ва шу воқени тушунтириб берувчи собиқ маълумот билан муносабатга киришишда боғлиқлик, боғланиш хусусияти ишга солинади. Аллоҳ инсонни айнан шу хусусият билан мумтоз айлаган.

Шундан кейин улардан инсон ўйланиб кўрадиган, ақлини ишлатадиган ёки идрок қиладиган фикр келиб чиқади. Бу ҳақда Бақара сурасининг 31 ояти тафсирида батафсил тўхталганмиз.

﴿وَعَلِمَ آدَمَ الْأَنْسَاءَ كُلَّهَا﴾

– „*Ва У Зот Одамга барча нарсаларнинг исмларини ўргатди*“.  
[2:31]

Ниманингдир ўзини ёки таъсирини инсон ҳис этиши мумкин бўлган воқеи бўлмаса, у ҳақда одам боласи бирор фикр билдира олмайди.

Шунинг учун биз махлуқотлар ҳақида фикр юритамиз. Чунки уларнинг ҳис этиладиган воқеи бор. Мана шу тафаккуrimiz орқали Яратувчи борлигини ва У Аллоҳ Таоло эканини билиб оламиз. Лекин биз файб ишларини ақлий тадқиқот майдонига қамай олмаймиз. Чунки биз уларнинг ўзини ҳам, таъсирини ҳам ҳис эта олмаймиз. Бу борада нақлий ҳужжатларгагина таяниб бирор гап айтиа оламиз.

Файбга алоқадор ҳамма ишлар борасида мана шундай йўл тутилади. Негаки, модомики, уларнинг ўзини ҳам, таъсирини ҳам ҳис этиб бўлмас экан, ақл улар устида тадқиқот олиб бориш учун уларни ўз майдонига қамаб ололмайди. Бу борадаги ақлнинг ўйнайдиган роли тил талабларига риоя қилгани ҳолда нақлий ҳужжатдан далил келтира билишдан нарига ўтмайди.

Қуръони Каримда ворид бўлган файб ишларини тафсир қилишда мана шу қоидага таяндим. Файб ишларини ақлий тадқиқот майдонига қамамадим. Улар ҳақида Аллоҳнинг Китоби ва Пайғамбар ﷺ нинг суннатларидан ҳужжат келтириш билан чекландим.

Масалан, Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَإِنْ أَحَدٌ مِّنَ الْمُشْرِكِينَ أَسْتَجَارَكَ فَأَجِرْهُ حَتَّىٰ يَسْمَعَ كَلَمَ اللَّهِ ثُمَّ أَبْلَغْهُ مَأْمَنَةً﴾

– „(Эй Мұхаммад), агар мұшриклардан биронтаси сиздан ҳимоя сұраса, бас, уни ҳимоя қилинг, токи у Аллоҳнинг каломини эшиитсин. Сүнг уни ўзи учун тинч бўлган жойга етказиб қўйинг“.

[9:6]

Аллоҳ Таоло бу Қуръони Карим хусусида, у Аллоҳнинг каломи, дейди. Мен шундан ортиқ ҳеч гап айтмадим. Аллоҳнинг каломи қандай бўлиши хусусида баҳсга киришмадим. Негаки, бу ғайбга алоқадор иш. Ақлнинг унинг ичига шўнгиши дуруст эмас. Бу оятнинг маъносини тушунишда Аллоҳнинг Китоби ва Пайғамбар ﷺ суннатларидан олинган нақлгагина таянилади.

Шундай қилиб Аллоҳнинг сифатлари хусусида гап кетганда тил муқтазоларидан ташқарига чиқмадим. Бу сифатларнинг кайфияти (қандай бўлиши) борасида ақлий баҳсга киришмадим. Чунки Аллоҳ Таолонинг зоти ва сифатлари биздан боиб бўлган ишлардир. Уларни тушунишда Аллоҳнинг Китоби ва Пайғамбар ﷺ суннатларидан иборат бўлган нақлгагина таянамиз. Шу билан бирга ҳеч каму зиёдасиз тил муқтазоларига ҳам қараймиз.

Аллоҳ Самиъ (ҳамма нарсани эшитиб турувчи), Басир (ҳамма нарсани кўриб турувчи), Ҳаким (ҳар бир ишни ҳикмат билан қилгувчи), Алим (ҳамма нарсани билгувчи)дир. Аллоҳ Субҳанаҳунинг Ўзи Ўзини мана шу сифатлар билан сифатлайди. Биз бу сифатларнинг кайфияти баҳсига шўнгимасдан шу жойнинг ўзида тўхтаб қўя қоламиз. Негаки, уларнинг кайфияти ғайб ишларига киради. Инсоний ақл ғайб ишларига аралаша олмайди. Ақлни Аллоҳ Таоло мана шундай яратган. У юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳис этиладиган воқеи бор бўлган нарсалар устидагина ишлай олади.

Шунинг учун мен Аллоҳ Таолонинг сифатларини тушуниш борасида Пайғамбар ﷺ ва саҳобалар замонларида қандай бўлган бўлса, худди ўшандай бўлишига ҳарис бўлдим. Аллоҳнинг Китоби, Пайғамбар ﷺнинг саҳих ҳадислари ва саҳобалар ижмоидан нарига ўтмадим. Саҳобалардан кейинги асрларда юзага келган фирмалар каби бу борада ақлий баҳсга шўнгимадим.

### **Учинчидан: Мұҳкам ва муташобиҳлик жиҳатидан:**

Юқорида айтиб ўтганимдек, мұҳкамни муташобиҳ устидан ҳукмрон қилдим. Қайси бир масалада икки ҳужжат бўлса ёки битта оятнинг икки хил қироати бўлса ва улардан бири мұҳкам бўлиб, иккинчиси муташобиҳ бўлса, мұҳкамни муташобиҳдан устун қўйдим. Тафсирда муташобиҳга эмас, мұҳкамга таяндим.

Масалан, Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ إِذَا آمَنُوا إِذَا قُمْتُمْ إِلَى الْصَّلَاةِ فَاغْسِلُوْا وُجُوهُكُمْ وَأَيْدِيْكُمْ إِلَى الْمَرَافِقِ وَامْسَحُوا بِرُءُوسِكُمْ وَأَرْجُلَكُمْ إِلَى الْكَعْبَيْنِ وَإِنْ كُنْتُمْ جُنُّبًا فَاطَّهِرُوْا﴾

— „Эй мүмінлар, намозга турганингизда юзларингизни ҳамда кўлларингизни чиганоқларигача ювингиз, бошларингизга масҳ тортингиз (яъни нам кўлларингиз билан силангиз) ва оёқларингизни ошиқларигача ювингиз! Агар жуунуб бўлсаларингиз, чўмилингиз!“.

[5:6]

Бу ерда насб ўқилган мутавотир қироат ҳам бор (وَأَرْجُلَكُمْ), жар ўқилган мутавотир қироат ҳам бор (وَأَرْجُلَكُمْ). Насб ўқилган қироат муҳкамдир. У юзларни ювиш, қўлларни тирсакларгача ювиш ибораларига атфни англатади. Яъни оёқни тўпиққача ювиш бирикмаси, юзни ювиш, қўлни тирсаккacha ювиш бирикмаларига уюшиб келган бўлади. Шу билан унинг ҳукми таҳоратда оёқни ювиш бўлади. Жар ўқилганда эса муташобиҳ, яъни, икки маъноли бўлади.

а) Энг яқинидагига атфлиги эътибори билан мажрур, маҳаллан эса мансуб. Яъни маҳаллан қўлни ва юзларни ювишга атф бўлиб, унинг ҳукми оёқни ҳам ювиш бўлади.

б) (الرؤوس) сўзига атфлиги эътибори билан мажрур. Бу ҳолда унинг ҳукми ҳам яъни, оёқнинг ҳукми ҳам ювиш эмас масҳ тортиш бўлиб қолади.

Ҳар икки қироат ҳам мутавотир. Ҳар иккисидаги маъно бир.

Биринчи қироат муҳкам яъни, фақат бир маънони – ювишни англатади. Иккинчиси эса муташобиҳ, яъни, масҳ тортиш ва ювишни англатади.

Муҳкам муташобиҳ устидан ҳукмрон. Шунга кўра, ҳукм оёқларни тўпиққа қадар ювиш бўлади.

Шундай қилиб, битта масалада иккита хужжат келиб қолса ва уларнинг бири муҳкам бўлиб, иккинчиси муташобиҳ бўлса, муташобиҳ муҳкамга ҳамл қилинади (муташобиҳ эмас, муҳкам олинади). Чунки муҳкам Китобнинг онаси яъни, асли, манбаидир. Шунинг учун у муташобиҳ устидан ҳукмрон.

Шунинг учун мен битта оят борасида бири муҳкам, бири муташобиҳ бўлган икки хил қироат келиб қолса ёки бир мавзуда бири муҳкам, иккинчиси муташобиҳ бўлган икки хил оят келиб қолса, уларни тушунишда мана шу йўлдан бордим.

**Тўртингчидан: Битта сурадаги қейинги оятнинг олдинги оят билан муносабати:**

Аллоҳ Таоло оялтар мажмуини сура, деб номлаган.

﴿سُورَةُ أَنْزَلْنَاهَا﴾

– „Биз нозил қилган бир сурадир“ [24:1]

﴿فَاتُوا بِسُورَةٍ﴾

– „Биргина сура келтиринглар“ [2:23]

Ҳар бир сурадаги оялтарни тартиблаш Аллоҳ Таоло тарафидан Пайғамбар ﷺ га келган ваҳи билан амалга ошган. Оят нозил бўларди. Пайғамбар ﷺ мусулмонларга ва котибларга,

«صَعُوا هَذِهِ الْآيَةَ فِي مَكَانِهِ»

«Бу оятни фалон жойга қўйинглар»,<sup>26</sup> деб тайинлардилар. Хуллас, оялтарни сураларга тартиблаб қўйиш тавқифийдир. (Оят ва ҳадисга қараб бўладиган ишдир).

Мана шу нарса битта сурадаги кейинги оят билан олдинги оят ўртасида қандайдир боғлиқлик борлигини кўрсатади.

Шунга кўра, кейинги оят билан олдинги оят ўртасидаги боғлиқлик нимадан иборатлигини очиб беришга қўлимдан келганича ҳаракат қилдим. Аллоҳнинг изни или қандайдир муваффақиятларга эришган бўлсам, ажаб эмас. Бу Аллоҳнинг фазлидир.

### **Бешинчидан: Ривоятлар ва далолатлар хилмалиллиги жиҳатидан:**

Бир оят ёки бир неча оялтарни тафсир қилишда бир ривоят ёки бир маънони таржих қилишга (шуниси ҳақиқатга яқинроқ, шунисининг далили кучлироқ, деб ҳукм қилишга) ва бу таржихимнинг сабабини кўрсатишга ҳарис бўлдим. Шунинг учун оятнинг бир неча маъноларини санаб ўтишнинг ўзи билан кифояланмасдан, улар орасидан биттасини таржих қилдим. Биттасики, Аллоҳнинг изни или ундан кўнгиллар тўлади, диллар таскин топади.

\* \* \*

Бу тафсиридам мен мана шу йўлдан бордим. Китобимни «Тафсир усулини қулайлаштириш» (осонлаштириш, енгиллаштириш, қулайлик туғдириш), деб номладим. У номидан кўриниб турганидек, тафсирнинг ўзини эмас, тафсир усулини, тафсир қилиш асосларини, тафсир қилишда таяниладиган қоидаларни қулайлаштиришдир. Токи, у Пайғамбар ﷺ ва

(26) Термизий: 3011. У киши бу ҳадисни ҳасан, сахиҳ, деган. Аҳмад: 376, 468.

саҳобаи киромлар замонларидағи тафсирга ўхшасин. Шу иш учун қўлимдан келганича ҳаракат қилдим.

Қуръон оятларининг тафсири борасида мана шу китобимнинг ҳам ўз улуши бўлишига ҳаракат қилдим. Аллоҳдан умидим шуки, шу бобда қайсиdir даражада эътиборли билимларга эга бўлганларга бу китобим ҳақиқатда бир қулайлик яратиб берса.

Агар умидим ушалиб, шу иш менга мұяссар этилган бўлса, бу Аллоҳимнинг фазли. Бордию ундаи бўлмаган бўлса, Улуг ва Буюк Аллоҳимнинг Китобини тўғри тушунишга холис ният билан ҳаракат қилганимнинг ўзи менга кифоя.

Хожамдан сўрайманки, шу китобимни ўқиган одам ундан бир фойда олсин, уни тадаббур қилган кишининг савоби ортсин.

Яна шуни ёлвориб сўрайманки, бу ишимни мендан ҳусни қабул айласин ва молу дунё, бола-чақа асқотмайдиган, Аллоҳнинг олдига саломат қалб билан боргандаргина нажот топадиган кунда уни менга ҳамроҳ қилсин.

Зеро, Ундангина ёрдам сўралур, Унгагина таваккул қилинур, Угина тўғри йўлга ҳидоят қилур.

**(Савоқа) – Урдун**

**15 робиус соний шанба куни 1417ҳ**

**30 август 1996м**

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

# Ат-Тайсир фи усулил тафсир

Биринчи пора, биринчи қисм  
Бақара сурасидан

1416 ҳижрийнинг 15 зул-қаъда 1996 милодийнинг 3  
апрелида чоршанба куни бошланди  
1 оятдан 74 оятгача



## Биринчи пора, биринчи қисм, биринчи чорак

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

﴿الَّمَّا ذَلِكَ الْكِتَبُ لَا رَيْبٌ فِيهِ هُدًى لِلْمُتَّقِينَ ۚ الَّذِينَ يُؤْمِنُونَ بِالْغَيْبِ وَيُقِيمُونَ الْصَّلَاةَ وَمَا رَزَقْنَاهُمْ يُنفِقُونَ ۚ وَالَّذِينَ يُؤْمِنُونَ بِمَا أُنْزِلَ إِلَيْكَ وَمَا أُنْزَلَ مِنْ قَبْلِكَ وَبِالْآخِرَةِ هُمْ يُوقِنُونَ ۚ أُولَئِكَ عَلَىٰ هُدًى مِّنْ رَّبِّهِمْ ۗ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ ۚ إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا سَوَاءٌ عَلَيْهِمْ أَنْذَرْتَهُمْ أَمْ لَمْ تُنذِرْهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ ۚ حَتَّمَ اللَّهُ عَلَىٰ قُلُوبِهِمْ وَعَلَىٰ سَمْعِهِمْ وَعَلَىٰ أَبْصَرِهِمْ غِشْوَةٌ ۗ وَلَهُمْ عَذَابٌ عَظِيمٌ ۚ وَمِنَ النَّاسِ مَنْ يَقُولُ إِيمَانًا بِاللَّهِ وَبِالْيَوْمِ الْآخِرِ وَمَا هُمْ بِمُؤْمِنِينَ ۖ تُخَنِّدُهُنَّ اللَّهُ وَالَّذِينَ ءامَنُوا وَمَا تُخَنِّدُهُنَّ إِلَّا أَنفُسُهُمْ وَمَا يَشْعُرُونَ ۚ فِي قُلُوبِهِمْ مَرَضٌ فَزَادُهُمُ اللَّهُ مَرَضًا ۗ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ بِمَا كَانُوا يَكْذِبُونَ ۚ وَإِذَا قِيلَ لَهُمْ لَا تُفْسِدُوا فِي الْأَرْضِ قَالُوا إِنَّمَا نَحْنُ مُصْلِحُونَ ۚ أَلَا إِنَّهُمْ هُمُ الْمُفْسِدُونَ وَلِكُنْ لَا يَشْعُرُونَ ۚ وَإِذَا قِيلَ لَهُمْ ءامَنُوا كَمَا ءامَنَ النَّاسُ قَالُوا أَنُؤْمِنُ كَمَا ءامَنَ السُّفَهَاءُ ۗ أَلَا إِنَّهُمْ هُمُ السُّفَهَاءُ وَلِكُنْ لَا يَعْلَمُونَ ۚ وَإِذَا لَقُوا أَنَّهُمْ ءامَنُوا قَالُوا إِنَّمَا ءامَنُوا إِذَا خَلُوا إِلَيْ شَيْطَانِهِمْ قَالُوا إِنَّا مَعَكُمْ إِنَّمَا نَحْنُ مُسْتَزِدُونَ ۚ الَّذِينَ ءامَنُوا حَلَوْا إِلَيْ شَيْطَانِهِمْ يَعْمَهُونَ ۚ أُولَئِكَ الَّذِينَ آشَرُوا أَضَالَّةً بِالْهُدَى فَمَا رَجَحَتْ تَحْكِيرُهُمْ وَمَا كَانُوا مُهَتَّدِينَ ۚ مَثَلُهُمْ كَمَثَلِ الَّذِي آسَتَوْقَدَ نَارًا فَلَمَّا أَضَاءَتْ مَا حَوْلَهُ دَهَبَ اللَّهُ بِنُورِهِمْ وَتَرَكُوهُمْ فِي ظُلْمَتِ لَا يُبَصِّرُونَ ۚ صُمُّ بُكْمُ عُمُّ فَهُمْ لَا يَرْجِعُونَ ۚ أَوْ كَصِيبٌ مِّنَ السَّمَاءِ فِيهِ ظُلْمَتُ وَرَعْدٌ وَبَرْقٌ تَجْعَلُونَ أَصْبِعَهُمْ فِي ءاذاهُم مِّنَ الصَّوَاعِقِ حَذَرُ الْمَوْتَ ۗ وَاللَّهُ حُكْمٌ بِالْكَافِرِينَ ۚ

يَكُدُّ الْبَرْقُ تَحْكَمُ أَبْصَرَهُمْ كُلَّمَا أَصَاءَ لَهُمْ مَشْوَا فِيهِ وَإِذَا أَظْلَمَ عَلَيْهِمْ قَامُوا وَلَوْ  
 شَاءَ اللَّهُ لَذَهَبَ بِسَمْعِهِمْ وَأَبْصَرَهُمْ إِنَّ اللَّهَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴿١﴾ يَأْتِيهَا النَّاسُ  
 أَعْبُدُوا رَبِّكُمُ الَّذِي خَلَقَكُمْ وَالَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ ﴿٢﴾ الَّذِي جَعَلَ لَكُمْ  
 الْأَرْضَ فِرَشًا وَالسَّمَاءَ بِنَاءً وَأَنْزَلَ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَأَخْرَجَ بِهِ مِنَ الْثَّمَرَاتِ رِزْقًا  
 لَكُمْ فَلَا تَجْعَلُوا لِلَّهِ أَنْدَادًا وَإِنْتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿٣﴾ وَإِنْ كُنْتُمْ فِي رَيْبٍ مِمَّا نَزَّلْنَا عَلَيْ  
 عَبْدِنَا فَأَتُوا بِسُورَةٍ مِنْ مِثْلِهِ وَأَدْعُوا شُهَدَاءَكُمْ مِنْ دُونِ اللَّهِ إِنْ كُنْتُمْ صَدِيقِينَ  
 ﴿٤﴾ فَإِنْ لَمْ تَفْعَلُوا وَلَنْ تَفْعَلُوا فَاتَّقُوا النَّارَ أَلَّى وَقُودُهَا النَّاسُ وَالْحِجَارَةُ أُعِدَّتُ  
 لِلْكُفَّارِينَ ﴿٥﴾ وَيَتَّشَرُّ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ أَنَّهُمْ جَنَاحِتُ تَجْرِي مِنْ  
 تَحْتِهَا الْأَنْهَرُ كُلَّمَا رُزِقُوا مِنْهَا مِنْ ثَمَرَةِ رِزْقًا قَالُوا هَذَا الَّذِي رُزِقْنَا مِنْ قَبْلِ  
 وَأُتُوا بِهِ مُتَشَدِّهَا وَلَهُمْ فِيهَا أَزْوَاجٌ مُّظَهَّرٌ وَهُمْ فِيهَا حَلِيلُونَ ﴿٦﴾

– „1. Алиф, лом, мим. 2. (*Хақ* эканлигига) ҳеч қандай шак-шубҳа бўлмаган ушибу Китоб тақволи кишилар учун ҳидоятдир. 3. Улар гойибга ишонадилар, намозни тўқис адо этадилар ва Биз ризқ қилиб берган нарсалардан инфок-эҳсон қиласадилар. 4. Улар сизга нозил қилинган ва сиздан илгари туширилган нарсаларга (динларга) имон келтирадилар ва охират кунига аниқ ишонадилар. 5. Парвардигорлари тарафидан ҳидоят топганлар ана ўшалардир ва најсом топгувчилар ҳам уларнинг ўзиdir. 6. Куфр ўйини тутган кимсалар эса хоҳ (Аллоҳ азобидан) қўрқитинг, хоҳ қўрқитманг, уларга баробардир — имон келтирмайдилар. 7. Аллоҳ уларнинг дилларини ва қулоқларини мухрлаб кўйган. Кўзларини эса парда қоплаб олган. Улар учун буюк азоб бордир. 8. Одамлар орасида шундай кимсалар ҳам борки, ўзлари мўмин бўлмаганлари ҳолда «Аллоҳга ва охират кунига имон келтирдик», дейдилар. 9. Улар Аллоҳни ва имонли кишиларни алдамоқчи бўладилар ва ўзлари сезмаганлари ҳолда фақат ўзларинигина алдайдилар. 10. Уларнинг дилларида мараз бор эди, бас, Аллоҳ маразларини янада зиёда қиласи. Улар учун қиласан ёлғонлари сабаб аламли азоб бордир. 11. Уларга: «Ер юзида

**бузгунчилек құлманглар», дейилса, «Биз — ислоҳ құлувчилармиз», дейдилар. 12. Огоҳ бўлингизким, улар албатта бузгунчилардир, лекин ўзлари буни сезмайдилар. 13. Уларга: «Мана бу кишилардек имон келтиринглар», дейилса, «Шу пасткашларга ўхшаб мўмин бўламизми?» — дейдилар. Огоҳ бўлингизким, уларнинг ўзлари тубан кимсалардир, лекин буни билмайдилар. 14. Имон келтирган зотларга йўлиққанларида: «Биз ҳам имон келтиридик», дейдилар. Ўзларининг шайтонлари (бошлиқлари) билан ҳоли қолганда эса: «Биз албатта сизлар билан биргамиз, фақат (уларнинг устидан) кулмоқдамиз, холос», дейишади. 15. Аллоҳ уларнинг устидан кулади ва ўз түгёнларида адашиб-улоқиб юришларини давомли қиласди. 16. Улар ҳақ ийлнинг ўрнига залолатни сотиб олган кимсалар бўлиб, бу савдоларида фойда қиласдилар ва тўғри йўлга юрувчилардан бўлмайдилар. 17. Улар мисоли бир олов (машъала) ёқувчига ўхшайдилар. Энди олов атрофини ёритганида Аллоҳ ёргулкни кетказиб, уларни ҳеч нарсани қуролмайдиган ҳолда зулматларда қолдиради. 18. (Улар) кар, соқов, кўрдирлар, демак (йўлларидан) қайтмайдилар. 19. Ёки улар чакмоқ, момақалдироқ, қоронгуликлар билан осмондан қуяётган ёмегир остида яшиндан қўрққанларидан панжаларини қулоқларига тиқиб олган ҳолларида ўлим — ҳалокатдан қочмоқчи бўлиб турган кимсалар кабидирлар. Аллоҳ эса кофирларни ўраб олгувчиидир. 20. Яшин кўзларини кўр қилгудек бўлади. У (атрофини) ёритганида юрадилар, ўчганида туриб қоладилар. Агар Аллоҳ хоҳласа қулоқ ва кўзларини йўқ қилган бўлур эди. Шубҳасиз, Аллоҳ ҳар нарсага қодирдир. 21. Эй инсонлар, сизларни ва сизлардан илгари ўтганларни тақво эгалари бўлишингиз учун яратган Парвардигорингизга ибодат қилингиз. 22. У Зот сизлар учун ерни қароргоҳ, осмонни том қилиб қўйди ва осмондан сув тушириб, унинг ёрдамида сизларга ризқ бўлсин, деб мевалар чиқарди. Бас билиб туриб ўзгаларни Аллоҳга тенглаштирманг. 23. Агар биз бандамизга туширган нарсадан (Куръондан) шак-шубҳада бўлсангиз, у ҳолда шунга ўхшаган биргина сура келтиринг ва Аллоҳдан ўзга гувоҳларингизни чакиринг — агар ростгўй бўлсангиз. 24. Энди агар бундай қилолмасангиз — ҳаргиз қилолмайсиз ҳам — у ҳолда кофирлар учун тайёрлаб қўйилган дўзахдан қўрқингки, унинг ўтини одамлар ва тошлардир. 25. Имон келтириб, яхши амаллар қилган зотларга хушхабар берингки, улар учун осталаридан дарёлар оқиб турувчи боғлар бор. Қачон ўша боғларнинг бирор мевасидан баҳраманд бўлсалар, «Илгари татиб кўрган нарсамиз-ку», дейишади. Зоро уларга сурати бир-бирига**

*ўхшаш мевалар берилади. Ва улар учун жсаннатда покиза жуфтлар бордир. Узотлар жсаннатда абадий қолажаклар“.* [2:1-25]

### Тафсир:



– „Алиф лом мим“.

[2:1]

Мана шу оят ва шунга ўхшаш сураларнинг бошланишида келадиган алоҳида-алоҳида ёзилган ҳарфлардан ташкил топган оятларнинг ҳаммаси муташобиҳ яъни, бир неча маъноли оятлардандир. Бу маънолар орасидан рожиҳини (ҳақиқатга яқинроғини, ҳужжати қучлироғини) ажратиб олиш учун анча меҳнат қилиш керак бўлади. Муташобиҳ оятларга маъно беришда қатъий бир гап айтиш мутлақо мумкин эмас. Агар шундай қилиш мумкин бўлганида улар ҳам муҳкам бўлиб қолардилар.

Улар ҳақида бир неча хил гаплар ворид бўлган. Улардан энг рожиҳи шуки, бу ҳарфлар улар билан бошланган сураларнинг номлари бўлиб, арабларни беллашувга чақириш маъноларини билдирадилар.

Хўш, нима учун биз улар сураларнинг номлари, деган гапни рожих, деяпмиз? Чунки арабларда ном назарни, диққатни, эътиборни тортиш воситаларидан биридир. Масалан, бир киши ўтиб кетаётган пайтида Мұхаммад, десангиз, тингловчи ўша ўтиб кетаётган кишига қарайди. Бу сураларнинг мана шундай алоҳида-алоҳида ёзилган ҳарфлар билан бошланиши назарни, диққатни, эътиборни ўзига тортади.

Шунга кўра, суро бошланишидаги



деб айтишингиз билан тингловчиларнинг диққат-эътиборларини кейинги оятларни эшитишларига қаратиб оласиз. Бу ишда исмнинг маъноси мусаммога далолат қилиши кузатилади. (Исм бирор нарсанинг номи бўлса, мусаммо ўша нарсанинг ўзи) шунинг учун ҳам биз бу ҳарфларни сураларнинг номлари атаб, Алиф лом мим Бақара сураси, Ясин сураси, деб гапирамиз. Ва ҳоказо...<sup>27</sup>

(27) Араб тилица исм аломатлари мариға алиф ломи, нидо йоси ва от келишиги (хабар)да бўлади. Хабар арабларда исмнинг муҳим аломатларидан биридир. Ушбу хабар бу ерда мана шу ҳарфларга ҳам тўғри келади. Чунки **ذلك الكتاب** ўзидан аввалги **ئىننڭ** хабаридир.

Энди уларнинг арабларни беллашувга чақириш маъносини ҳам англатишларига келсак, бу ҳарфлар ўша араблар ишлатадиган ҳарфлар билан уларнинг диққатини тортияпти. Араблар худди шу ҳарфларни ишлатганларига қарамасдан Қуръоннинг ўхшашини, унинг бир сурасининг ўхшашини келтира олмадилар. Бундан ташқари одатда оми одам алиф, лом, мим, демайди, балки о, ил, им, деб гапиради. Фақат саводли одамгина алиф, лом, мим, деб ҳарфларнинг номларини тўла айта олади. Ўзларининг ораларида ўсиб улғайган Пайғамбар ﷺ оми эканликларини улар жуда яхши билардилар. Мана шунинг ўзи уларни мот қилиш, уларга қарши ҳужжат келтириш, уларни беллашувга чақириш эмасми?



﴿ذَلِكَ الْكِتَبُ لَا رَيْبَ فِيهِ هُدًى لِّلْمُتَّقِينَ﴾

— „(Ҳақ эканлигига) ҳеч қандай шак-шуубҳа бўлмаган ушибу Китоб тақволи кишилар учун ҳидоятдир“. [2:2]

Аллоҳ Таоло уларнинг диққат-эътиборларини кейинги оятларни эшитишга жалб қилиб олганидан кейин уларга мана шу Китобнинг ҳақиқатини, моҳиятини билдиради.

У яъни, сизларга тиловат қилинаётган Китоб ҳақиқатда Аллоҳ Таоло томонидандир. Унинг оятлари тақводорлар учун ҳидоятдир. У билан ҳидоят топадиганлар, ундан фойдалана биладиганлар тақводорлардир. Мантуқ жиҳатидан шундай. Мағҳум жиҳатидан эса шу оятлар билан ҳидоят топган кимсалар тақводорларга айланадилар. (Мантуқ гапнинг уст маъноси, мағҳум эса таг маъноси).

Тақводор мусулмонлар бу Китобнинг оятлари билан ҳидоят топадилар ва ҳидоятларини зиёдалаштирадилар. Унинг оятлари билан ҳидоят топган кофиirlар эса имон келтириб, тақводорлар сафига қўшиладилар. Мана шу маънога кўра, оятнинг

﴿لَا رَيْبَ﴾

(ҳеч қандай шак-шуубҳа бўлмаган), деган жойида тўхталади. Яъни, оят мана бундай бўлади.

﴿ذَلِكَ الْكِتَبُ لَا رَيْبَ فِيهِ هُدًى لِّلْمُتَّقِينَ﴾

((Ҳақ эканлигига) ҳеч қандай шак-шуубҳа бўлмаган ушибу Китоб тақволи кишилар учун ҳидоятдир). Шунингдек, сизларга тиловат қилинаётган бу Китоб ва унинг оятлари Аллоҳ томонидан

Эканлигига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ ҳамда у тақвадорлар учун ҳидоятдир деган маъно англашилганда оятнинг

﴿لَا رَبَّ﴾

деган жойида тўхталади. Яъни, оят мана бундай ўқилади:

﴿ذَلِكَ الْكِتَبُ لَا رَبَّ فِيهِ هُدًى لِّلْمُتَّقِينَ﴾

Биринчи тўхташда Китобдан шубҳани батамом инкор қилиш бор:

﴿ذَلِكَ الْكِتَبُ لَا رَبَّ﴾

(*Хеч қандай шак-шубҳа бўлмаган ушибу Китоб*). Унинг оятлари ҳидоятлиги айтилган:<sup>28</sup>

﴿فِيهِ هُدًى لِّلْمُتَّقِينَ﴾

(*тақвали кишилар учун ҳидоятдир*). Иккинчи тўхташда эса Аллоҳнинг оятларидан шубҳани рад этиш

(*Хеч қандай шак-шубҳа бўлмаган*). Ҳамда бутун Китобда ҳидоят борлиги баён қилинган.<sup>29</sup>

(*Тақвали кишилар учун ҳидоятдир*). Бунда оятнинг

﴿ذَلِكَ الْكِتَبُ﴾

(*ушибу китоб*), деган жойига таянилади. Ҳар икки тўхташ ҳам жоиз. Ҳосил бўлган маъно бир. Чунки Аллоҳнинг Китоби ундаги оятлар мажмуидир. Унинг оятлари хусусида айтилган қатъий сўз унинг ўзи хусусида айтилган қатъий сўздир. Унинг оятларидаги ҳидоят унинг ўзидаги ҳидоятдир.

✿✿✿

﴿الَّذِينَ يُؤْمِنُونَ بِالْغَيْبِ وَيُقِيمُونَ الصَّلَاةَ وَمَمَّا رَزَقْنَاهُمْ يُنِفِّقُونَ وَالَّذِينَ يُؤْمِنُونَ بِمَا أُنزَلَ إِلَيْكَ وَمَا أُنْزَلَ مِنْ قَبْلِكَ وَبِالآخِرَةِ هُمْ يُوْقِنُونَ أُولَئِكَ عَلَىٰ هُدًى مِّنْ رَبِّهِمْ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ﴾

(28) (28) *Фи* ҳидоят яъни Китобнинг ичидаги бор, деганидир. Яъни бу ердаги зарф учун бўлгани боис ҳидоят оятлари ичидадир.

(29) Яъни Китобнинг ичидаги, унинг оятларида шубҳа йўқ.

— „3. Улар гойибга ишонадилар, намозни тўқис адо этадилар ва Биз ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ-эҳсон қиласидилар. 4. Улар сизга нозил қилинган ва сиздан илгари туширилган нарсаларга (динларга) имон келтирадилар ва охират кунига аниқ ишонадилар. 5. Парвардигорлари тарафидан ҳидоят топганлар ана ўшалардир ва најот топгувчилар ҳам уларнинг ўзиодир“. [2:3-5]

Аллоҳ Таоло иккинчи оядда тақводорларни айтиб ўтди. Энди бу оятларда уларни најот топганларга, ҳидоят топганларга айлантирган айрим сифатларни келтириб, уларнинг файбга, Аллоҳ Ўзининг пайғамбарларига юборган китобларига, шундан кейин эса охират кунига имон келтирганларини, шунингдек намозни адо этишлари ва Аллоҳ берган ризқдан инфоқ-эҳсон қилишларини айтиб ўтяпти.

Бу оятлар хусусида тадаббур қилган киши қўйидагиларни топади:

1 – Ҳар қандай нуқсондан Пок Аллоҳ најотни икки иш билан боғлаган. Улардан бири имон

﴿يُؤْمِنُونَ بِالْغَيْبِ﴾

(гойибга ишонадилар).

﴿يُؤْمِنُونَ بِمَا أُنْزِلَ إِلَيْكَ وَمَا أُنْزِلَ مِنْ قَبْلِكَ وَبِآخَرَةٍ هُمْ يُوقِنُونَ﴾

(Улар сизга нозил қилинган ва сиздан илгари туширилган нарсаларга (динларга) имон келтирадилар ва охират кунига аниқ ишонадилар). Иккинчиси эса солиҳ амалдир

﴿وَيُقِيمُونَ الصَّلَاةَ وَمَمَّا رَزَقْنَاهُمْ يُنفِقُونَ﴾

(намозни тўқис адо этадилар ва Биз ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ-эҳсон қиласидилар). Аллоҳ Таоло имон билан солиҳ амални қўпгина оятларда бир-бирига боғлаб келтирган.

﴿الَّذِينَ إِيمَنُوا وَعَمِلُوا الْأَصْلِحَاتِ﴾

— „Улар имон келтириб, яхши амаллар қилган (зотлардир)“. [2:25]

2 – Аллоҳ Таоло файбга имон келтиришни айтиб ўтганидан кейин яна охиратга имон келтиришни алоҳида таъкидляяпти. Ҳолбуки, охиратга ишониш файбга ишонишнинг бир қисми. Бу омдан кейин хосни зикр қилиш, дейилади. (Ўумумий гап айтилганидан кейин унинг ичидаги бор бўлган хусусий гапни айтиш). Хос гапни айтишдан мақсад унинг нечоғли муҳимлигини кўрсатишдир. Файбга ишониш ақидадандир. Охиратга ишониш

эса шу ақидадаги әнг мұхим ишdir. Мусулмон киши ҳар доим охиратни әслаб туриши, унинг охиратга талпиниши дүнёга талпинишидан күра бир неча баробар күчлироқ бўлиши лозим.

3 – Аллоҳ Таолоғайб, охират, нозил қилинган китоблар ҳақида гапирганда уларга имон келтиришни буюряпти. Намоз инфоқ-әҳсон қилиш каби амалларни зикр қилганда эса уларни бажаришга буюряпти. Бу нарса имон бошқа, шаръий амаллар бошқалигини кўрсатади. Имон қатъий тасдиқлаш босқичи билан чегараланади. Аллоҳга, охират кунига, фаришталарга, китобларга, пайғамбарларга ва яхшилигу ёмонлик қадардан эканига имон келтириш каби.

Шаръий амалий аҳкомлар бажарилиши талаб қилинган ишларда бўлади. Имон амалдан бошқа эканини шу нарса ҳам таъкидлайдики, Аллоҳ Таоло юқоридаги оятлардағайб, намоз, инфоқ-әҳсон қилиш, нозил қилинган китоблар, охират каби бир неча ишларни кетма-кет зикр қилди. Энди уларга нисбатан қандай (позицияда туришни) муносабатда бўлишни баён қилганда эса гайб, нозил қилинган китоблар ва охиратга нисбатан имон келтиришни яъни, қатъий тасдиқни айтган бўлса, намоз, инфоқ-әҳсон қилиш кабиларга қандай муносабатда бўлишни баён қилганда эса гарчи улар имоннинг турлари ичидан зикр қилинаётган бўлса-да, уларга нисбатан бажаришни, адо этишни айтди.



Мана шу ерда шаръий аҳкомлар билан имон мавзуси устида бироз тўхталиб, улар ўртасидаги фарқни айтиб ўтишимиз зарур. Тавфиқ Аллоҳдан.

**Имон** қатъий тасдиқа алоқадор иш. Шаръий аҳкомлар эса баржаришга, адо этишга доир ишлардир. Имон далилдан келиб чиққан, воқега мутобиқ (мувофиқ) бўлган қатъий тасдиқдир.

**Қатъий тасдиқ** ҳеч қандай шак-шубҳа аралашмаган қатъий қаноат ҳосил қилишdir. Имоннинг лугавий маъноси мана шу, яъни, қатъий тасдиқдир. Воқега мутобиқлиги ҳис этиладиган воқеларнинг уни тасдиқлашидир, унга зид келмаслигидир. Воқега мутобиқ қатъий тасдиқ бўлиши учун унинг тўғрилигини кўрсатиб берадиган қатъий далил ҳам керак. Бу далил ақлий бўлиши ҳам, нақлий бўлиши ҳам мумкин.

**Ақлий далил** ҳис этиладиган воқелар борасидаги ақлий баҳснинг маҳсулидир.<sup>30</sup> Масалан, ҳис этиладиган маҳлуқотлар

(30) 23 оят, 30-33 оятлар тафсирини қаранг.

борасида баҳс юритиб, ундан уларнинг Яратувчиси – Аллоҳ борлигига далил ҳосил қилинади. Яна бир мисол: Аллоҳнинг каломи Қуръони Карим хусусида баҳс юритиб, ундан бу Китобнинг инсон каломи эмас, Аллоҳ Таолонинг Каломи эканига далил ҳосил қилинади. Бинобарин, шунинг ортидан Аллоҳнинг каломини олиб келган Мұхаммад ﷺнинг пайғамбар эканникларига ҳам далил ҳосил бўлади.

**Нақлий далил** қатъий нақл йўлидан яъни, Аллоҳ Таолонинг Китоби ва Пайғамбар ﷺнинг мутавотир ҳадисларидан олинган далиллар. Файбга, фаришталарга, олдин нозил қилинган китобларга, ўтган пайғамбарларга, охират кунига, яхшию ёмон қадарга ишонишларнинг барчаси нақлий далил билан бўлади. Аллоҳ Таоло Нисо сурасининг 136 оятида айтади:

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ إِمْنَوْا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ وَالْكِتَبِ الَّذِي نَزَّلَ عَلَى رَسُولِهِ وَالْكِتَبِ الَّذِي أَنْزَلَ مِنْ قَبْلٍ وَمَنْ يَكْفُرْ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَقَدْ ضَلَّ ضَلَالًا بَعِيدًا﴾ [4:136]

– „Эй мўминлар, Аллоҳга, унинг пайғамбарига ва шу пайғамбарига нозил қилган Китобига ҳамда илгари нозил бўлган Китобларига имонингиз комил бўлсин. Кимки Аллоҳга, фаришталарга, китобларига, пайғамбарларига ва охират кунига ишонмаса, демак, у жуда қатмиқ адасибди“. [4:136]

Пайғамбар ﷺ Жаброил رضнинг имон ҳақидаги саволига: «أَنْ تُؤْمِنَ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتَهُ وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَالْقَدَرِ خَيْرٌ وَشَرٌّ مِنْ اللَّهِ تَعَالَى»

«Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, охират кунига, яхшию ёмон қадарнинг Аллоҳ Таоло томонидан эканига ишонмогингдир»,<sup>31</sup> деб жавоб берганлар.

Мана шу имондир. У мана шундай маънони англатиши билан куфрнинг зиддидир. (Антоними) мўминмас одам қатъян кофирдир. Ярим мўмин, ярим кофир одам бўлмайди.

Аллоҳ Таоло қўйидаги оятларда имон билан куфрни бирбирига зид қўйған:

(31) Бухорий: 50. Муслим: 9.

﴿إِنَّ اللَّهَ لَا يَسْتَحِيَّ أَنْ يَصْرِبَ مَثَلًا مَا بَعْوَصَةً فَمَا فَوْقَهَا فَأَمَّا الَّذِينَ ءَامَنُوا فَيَعْلَمُونَ أَنَّهُ الْحَقُّ مِنْ رَبِّهِمْ وَأَمَّا الَّذِينَ كَفَرُوا فَيَقُولُونَ مَاذَا أَرَادَ اللَّهُ بِهِنَا﴾

﴿مَثَلًا﴾

— „Аллоҳ чишин ёки ундан-да ҳақири нарсалар ҳақида масал айтишидан ҳеч тортинмайды. Имонли кишилар унинг (масалнинг) ҳақиқатан Парвардигорлари тарафидан эканини биладилар. Кофирлар эса: «Буни мисол қилиши билан Аллоҳ нима демекчи?» — дейдилар“.

﴿إِنَّ الَّذِينَ آشَرُوا الْكُفَّارَ بِالْإِيمَنِ لَنْ يَضْرُبُوا اللَّهَ شَيْئًا وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ﴾

— „Албатта қуфрни имонга алмаштирадиган кимсалар Аллоҳга ҳеч қандай зарар етказа олмайдилар. Улар учун аламли азоб бордир“.

﴿وَإِذْ قَالَ إِبْرَاهِيمُ رَبِّيْ أَجْعَلْ هَذِهِ بَلَدًا ءَامِنًا وَأَرْزُقْ أَهْلَهُ مِنْ ءَامَنَ مِنْهُمْ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ آلَآخِرِ قَالَ وَمَنْ كَفَرَ فَأُمْتَعَهُ قَلِيلًا ثُمَّ أَضْطَرَهُ إِلَى عَذَابِ النَّارِ وَبِئْسَ الْمَصِيرُ﴾

— „Эсланг: Иброҳим: «Эй Парвардигор, бу шаҳарни тинч шаҳар қилгин ва унинг ахларидан Аллоҳга ва охират кунига ишонувчиларини турли мевалар билан ризқлантиргин», деганида, Аллоҳ Таоло: «Кофирларини ҳам бир оз фойдалантириб, сўнгра дўзах азобига дучор қиласманки, бу энг ёмон оқибатдир», деди“.

[2:126]

﴿أَللَّهُ وَلِيُّ الَّذِينَ ءَامَنُوا يُخْرِجُهُمْ مِنَ الظُّلْمَةِ إِلَى النُّورِ وَالَّذِينَ كَفَرُوا أَوْلِيَّهُمُ الظَّغْوُتُ يُخْرِجُونَهُمْ مِنَ النُّورِ إِلَى الظُّلْمَةِ﴾

— „Аллоҳ мўминларнинг дўстидир. Уларни қоронгу зулматлардан ёргулик — нурга чиқаради. Кофирларнинг дўстлари эса шайтонлардир. Улар кофирларни ёргулик-нурдан қоронгу зулматларга чиқарадилар“.

﴿وَلِكِنْ أَخْتَلَفُوا فَمِنْهُمْ مَنْ ءَامَنَ وَمِنْهُمْ مَنْ كَفَرَ﴾

— „Аммо улар ихтилоф қилдишлар. Бас, уларнинг орасида мўминлар ҳам бор, кофирлар ҳам“. [2:253]

﴿يَوْمَ تَبَيَّضُ وُجُوهٌ وَتَسُودُ وُجُوهٌ فَإِنَّمَا الَّذِينَ آسَوْدَتْ وُجُوهُهُمْ أَكَرَّتُمْ بَعْدَ إِيمَانِكُمْ﴾

﴿فَدُوقُوا الْعَذَابَ بِمَا كُنْتُمْ تَكُفُّرُونَ﴾

— „(Киёмат) кунида (мўминларнинг) юзлари оқ бўлур, (кофирларнинг) юзлари қора бўлур. Энди юзлари қора бўлган кимсаларга: «Имон келтиргандан кейин яна диндан чиқдингизми? Бас, кофир бўлганингиз касофатига мана бу азобни тотиб кўрингиз», дейилур“. [3:106]

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِذَا لَقِيْتُمُ الَّذِينَ كَفَرُوا رَحْفًا فَلَا تُولُّهُمْ أَلَّا أَدْبَارَ﴾

— „Эй мўминлар, кофирларнинг хужумига дуч келганингизда уларга орқа ўғирманглар (яъни қочманглар)“. [8:15]

﴿وَمَن يَتَبَدَّلِ الْكُفَّرُ بِالْإِيمَانِ فَقَدْ ضَلَّ سَوَاءَ الْسَّبِيلُ﴾

— „Ким имонга куфрни алмаштиrsa, албатта тўғри йўлдан адашиади“. [2:108]

Бу маънодаги оятлар яна кўп.

Айтиб ўтганларимиз имон хусусидаги, унинг қатъий тасдиқа алоқадорлиги хусусидаги гаплар.

Энди шаръий аҳкомлар ва уларнинг бажаришга алоқадорлиги устида тўхталамиз. Бу аҳкомлар намозни адо этиш каби ижобий маънода бўладими, ўғирлиқдан тийилиш каби салбий маънода бўладими, фарқи йўқ. (Бу ердаги салбий ва ижобий сўзлари ўзбек тилидаги яхши ва ёмон маъносидаги сўзлар эмас. Улар усул фанининг терминлари бўлиб, ижоб бир ишни бажариш, салб эса бир ишдан тийилиш маъноларини англатади).

Шаръий ҳукмнинг зидди имоннинг (акиданинг) зиддидан фарқ қиласди. Имонсизлик кофирликдир. Амалсизлик эса фосиқлик ва осийликдир. Амалсизлик кофирлик бўлмайди. Фақат шу амални бажаришни эмас, борлигини, шаръийлигини инкор этишгина<sup>32</sup>

(32) Худди Абу Бакр  замонида закот беришдан бош тортгандар ҳам кофир бўлишиди. Чунки улар закотни инкор қилишиб, уни ўзларининг устларидаги таклифлар жумласидан чиқаришини талаб қилишиди. Шу сабабли уларни муртад деб эътибор қилиниб, уларга қарши жанг қилинди. Шунингдек иблис (Аллоҳнинг унга лаънати бўлсин) ҳам Аллоҳнинг бўйргуни тўғрилигини инкор қылганлиги учун кофир бўлди. Иблис (Аллоҳнинг унга лаънати бўлсин)нинг фикрича Одам унга сажда қилиши тўғрироқ бўларди. Чунки у ўтдан яратилган, Одам эса лойдан яратилган эди.

кофириллик бўлади. Масалан, ўзи намоз ўқимаслиги билан бирга намознинг фарзлигини инкор ҳам қиласиган, ароқнинг ҳаромлигини инкор қиласиган, санамга, будга ибодат қиласиган, кофириларнинг ибодатини қиласиган одам кофирирди.

Шунга кўра гуноҳкорлик бошқа, кофирилик бошқа. Бу гапларни айтиётганимнинг боиси шуки, шу кунларда ўзининг мусулмон биродарини гумон билан кофирга чиқарадиганлар пайдо бўлиб қолиши. Улар учун кофирга чиқариш енгил бир ишга айланиб қолди. Ҳолбуки, қатъий далилсиз бир мусулмонни кофирга чиқариш Исломда жуда катта гуноҳдир. Пайғамбар ﷺ айтадилар:

«مَنْ قَالَ لِأَخِيهِ يَا كَافِرُ فَقَدْ بَاءَ بِهَا أَحَدُهُمَا»

**«Кимки ўз биродарига, эй кофир, деса, демак, шу гап билан улардан бири (ўз имонини) бой берибди».** (Яъни, бирорни ноҳақ кофир, деган одамнинг ўзи кофир бўлиб қолади). Бу ҳадисни Аҳмад чиқарган.

Шунинг учун биродарининг гуноҳ қилаётганини кўрган киши уни кофирга чиқаришга шошилмасин. Аксинча, уни яхшиликка буюриб, ёмонлиқдан қайтаришга ошиқсин. Токи, биродари ўнглансин, гуноҳини англасин, Парвардигоридан мағфират қилишини, кечиришини сўрасин.

Шуни айтиб ўтиш мақсадга мувофиқки, қатъий тасдиққа алоқадор бўлган имоннинг жойи қалбидир. Биз қалбнинг ичини то соҳибининг ўзи очиқ билдирамагунига қадар била олмаймиз. Шунинг учун ҳам мусулмонни қатъий далилсиз кофирга чиқариш Аллоҳнинг наздида катта гуноҳдир, дедик.

Бу бир томондан. Яна бир томондан номига, хўжакўрсинга мусулмон бўлиб, ичидан Исломни инкор қиласиган кишининг мусулмонлиги Аллоҳнинг олдига борганида фойда бермайди. Аксинча унинг азоби баттар ортади. Негаки, бундай мусулмонлик мунофиқларнинг мусулмонлигидир.

﴿قَالَتِ الْأَعْرَابُ إِمَّا قُلْ لَمْ تُؤْمِنُوا وَلَكِنْ قُولُوا أَسْلَمْنَا وَلَمَّا يَدْخُلُ الْإِيمَنُ﴾

في قلوبكم

– „Аъробийлар: «Имон келтирдик», дедилар. (Эй Мухаммад, уларга) айтинг: «Сизлар имон келтирсанларингиз йўқ, лекин

---

(Аллоҳ) деди: قَالَ مَا مَنَعَكَ أَلَا تَسْجُدَ إِذْ أَمْرَتُكَ قَالَ أَنَا خَيْرٌ مِّنْهُ حَلَقْتِنِي مِنْ نَارٍ وَحَقَّتْهُ مِنْ طِينٍ «Сенга буюрган пайтимда нима сени сажда қилишдан тўёди?». «Мен ундан (Одамдан) яшишроқман. Мени оловдан яратгансан. Уни эса лойдан яратдинг», деди у).

*сизлар «бүйсундик», дөнгөлар, (чунки ҳали-хануз) имон дилларингизга кирган эмасдир“.* [49:14]

Шунинг учун Аллоҳ тиллари билан имон келтирдиқ, деган дилларида эса ишонмаган арабларни инкор қилган. Сиртдан эса уларга мусулмонларга нисбатан қилинган муомала қилинаверган.

Мана бу оядта бу дунёдаги муносабат қандай бўлиши ҳақида маҳсус кўрсатма бор. Кимки кофирлигини яшириб, ўзини мусулмонман, деб эълон қилса, гарчи дилида кофир бўлса-да, унга нисбатан худди мусулмондек муомала қилинаверади.

Мана шулар бизни аниқ ҳужжатсиз гумон билан одамларни кофирга чиқаришдан қайтаради. Негаки, имон юқорида айтиб ўтганимиздек, далилдан келиб чиққан, воқега мутобиқ бўлган қатъий тасдиқка алоқадор бир ишдир.

Гуноҳкорни кофирга чиқармаслик дегани гуноҳга нисбатан енгил қарашиб, бепарво бўлиш дегани эмас. Исломда гуноҳ масаласига жуда қаттиқ эътибор берилади. Гуноҳкор учун ҳам дунёвий ва ҳам ухровий жазо тайин қилинган. Лекин қатъий далилсиз мусулмонни кофирга чиқариш Аллоҳнинг наздида улкан гуноҳдир. Модомики, мусулмон Исломдаги бирор нарсани инкор этмаётган экан, уни қандай бўлишидан қатъий назар бир гуноҳи учун кофирга чиқариш Аллоҳнинг наздида улкан гуноҳдир.

Шу хусусдаги сўзимиз якунида айримларнинг имон ортиб, камайиб турадими, деган саволларига жавоб бериб ўтамиз:

Юқорида биз айтиб ўтган имон яъни, далилдан келиб чиққан, воқега мутобиқ бўлган қатъий тасдиқ ортмайди ҳам, камаймайди ҳам. Чунки у қатъий тасдиқдир. Қатъийлик фақат ва фақат тўла бўлади. Тўқсон фоизлик имон тўқсон беш фоизга ёки юз фоизга кўтарилибди ёки юз фоизлик имон камайиб, тўқсон беш фоизга ёки тўқсон фоизга тушиб қолибди, дейилмайди. Чунки бундай камайиш қатъиймасликни, демакки, шакни, шубҳани англатади. Шак-шубҳа аралашган имон эмас, куфрдир.

Фикримиз янада аниқроқ бўлиши учун қўйидагиларни ҳам айтиб ўтайлик:

Ортиш ва камайиш тилдаги муштарак (омоним) сўзлардандир. Улар маълум чегарадан ўтиб кетиш ёки ўша чегарага етмай қолишини англатади. Бу сўзлар кучайиш ва кучсизланиш маъноларини ҳам англатади. Уларнинг қайси маънони англатаётганини қарина белгилаб беради. Агар сиз камайиш ва кўпайиш сўзларини имонга нисбатан қўллайдиган бўлсангиз, улар кучайиш ва кучсизланиш маъносида ишлайди. Чунки қатъий тасдиқда маълум чегара билан боғлиқ бўлган камайиш ва

ортиш ҳолатлари бўлмайди. Шунга биноан, оялар мана бундай тушунилади:

﴿الَّذِينَ قَالَ لَهُمُ النَّاسُ إِنَّ النَّاسَ قَدْ جَمَعُوا لَكُمْ فَأَخْشُوْهُمْ فَرَادَهُمْ إِيمَنًا وَقَالُوا حَسْبُنَا اللَّهُ وَنَعَمْ أَلَوْكِيلُ﴾

— „Ундаи зотларга айрим кимсалар: «Курайиш одамлари сизларга қарши (саноқсиз лашкар) тўплаган; қўрқингиз!» — деганларида бу гап уларнинг имонларини зиёда қилди ва: «Бизга ёлгиз Аллоҳнинг йўзи кифоя. У Зот энг яхши ишончли вакилдор!» — дедилар“.

[3:173]

﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ الَّذِينَ إِذَا ذُكِرَ اللَّهُ وَجَلَتْ قُلُوبُهُمْ وَإِذَا تُبَيَّنَتْ عَلَيْهِمْ أَيْمَنُهُمْ زَادَتْهُمْ﴾

﴿إِيمَنًا وَعَلَى رَبِّهِمْ يَتَوَكَّلُونَ﴾

— „Фақат Аллоҳ (номи) зикр қилинганида қалбларига Кўрқинч тушибидиган, Унинг оялари тиловат қилингандан имонлари зиёда бўладидиган ва Парвардигорларигагина суюнадиган кишилар (ҳақиқий) мўминидирлар“.

[8:2]

﴿وَلَمَّا رَأَهُمْ أَلَّا هُمْ حَزَابٌ قَالُوا هَذَا مَا وَعَدَنَا اللَّهُ وَرَسُولُهُ وَصَدَقَ اللَّهُ وَرَسُولُهُ وَمَا زَادَهُمْ إِلَّا إِيمَنًا وَتَسْلِيْمًا﴾

— „Мўминлар у фирмаларни кўрган вақтларида: «Бу Аллоҳ пайгамбари бизларга ваъда қилган нарсадир (яъни имтиҳондир). Аллоҳ ва пайгамбарининг сўзи ростидир», дедилар ва (устидларига бостириб келаётган фирмаларнинг сон-саноқсизлиги) уларнинг (Аллоҳга бўлган) имон ва итоатларини янада зиёда қилди холос“.

[33:22]

Яъни, мўминларнинг имонлари Аллоҳ Таоло шу ояларда баён қилган ишлар сабабли кучайиб, мустаҳкамланган. Нима учун шундай? Чунки биз юқорида баён қилган маънодаги имонда яъни, далилдан келиб чиқсан, воқега мутобиқ бўлган қатъий тасдиқда чегара билан боғлиқ бўлган ортиш ва камайиш ҳолатлари юз бермайди. Агар шундай ҳолатлар унда юз берадиган бўлса, унга ҳам шубҳа аралашиб, куфрга айланади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш мақсадга мувофиқи, қариналардан холи бўлган имон сўзининг мазмuni ҳозиргина айтганимиздек бўлади. Агар қарина мавжуд бўлса, унинг мазмунини ўша қарина белгилаб беради. Масалан Аллоҳ Таоло айтиади:

﴿وَمَا كَانَ اللَّهُ لِيُضِيعَ إِيمَانَكُمْ﴾

— „Аллоҳ имонларингизни (яъни, имон билан ўқиган намозларингизни) зое қилгувчи эмас“ [2:143]

Яъни, намозингларни. Чунки қибла ўзгартирилганидан кейин  
 ﴿وَمَا جَعَلْنَا الْقِبْلَةَ الَّتِي كُنْتَ عَلَيْهَا إِلَّا لِنَعِمَ مَنْ يَتَّبِعُ الرَّسُولَ مِمَّنْ يَنْقُلِبُ عَلَىٰ عَقِبَيْهِ وَإِنْ كَانَتْ لَكَبِيرَةً إِلَّا عَلَى الَّذِينَ هَدَى اللَّهُ وَمَا كَانَ اللَّهُ لِيُضِيعَ إِيمَانَكُمْ إِنَّ اللَّهَ بِالنَّاسِ لَرَءُوفٌ رَّحِيمٌ﴾

— „Сиз илгари қараган қиблани Биз фақатгина ким пайгамбарга эргашиб, ким орқасига қайтиб кетишини билиш учун қилганмиз, холос. Шубҳасиз, бу оғир иши. Магар Аллоҳ ҳидоят қилган зотларгагина (оғир эмасдир). Аллоҳ имонларингизни (яъни, имон билан ўқиган намозларингизни) зое қилгувчи эмас. Албатта, Аллоҳ одамларга меҳрибон ва раҳмлидир“ [2:143]

ояти нозил бўлиб, мусулмонларни тинчлантириди. Яъни, сизларнинг олдинги қиблага юбориши ўқиган намозларингиз ҳам қабул қилинган, уларнинг ҳам савобини оласизлар. Яна бир мисол: Пайғамбар ﷺ айтадилар:

«الْيَعَانُ بِضَعْ وَسَبْعُونَ شَعْبَةُ أَعْلَاهَا قَوْلُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَدْنَاهَا إِمَاطَةُ الْأَذَى عَنِ الطَّرِيقِ»

«Имон етмиш неча шоҳобчадир. Унинг энг юқориси Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, деб айтиш, энг қуийиси эса йўлдан озорни (одамларга озор берадиган нарсани) олиб ташлашдир».<sup>33</sup>

Маълумки, йўлдан озорни олиб ташламаслик инсонни кофир қилиб қўймайди. Шунинг учун бу ердаги имон умуман Аллоҳга қилинадиган тоатлардир. Яна Пайғамбар ﷺ айтадилар:

«لَا يَزِنِي الزَّانِي حِينَ يَرْبِّي وَهُوَ مُؤْمِنٌ»

«Зоний зино қилган пайтида мўмин ҳолида зино қилмайди...».<sup>34</sup> Пайғамбар ﷺ зонийни муртад сифатида жазоламаганлар. Унга зинонинг ҳади урилган. У мусулмон ҳисобланган. Унга жаноза ўқилган ва у мусулмонларнинг қабристонига кўмилган.

(33) Бухорий: 8. Муслим: 50. Абу Довуд: 4056. Насойи: 4919. Ибн Можжа: 56. Аҳмад: 2/414.

(34) Бухорий: 6782. Муслим: 100, 105. Абу Довуд: 4689. Термизий 2625.

Пайғамбар ﷺнинг шу қилған ишлари бу ҳадисдаги имон сўзининг маъноси куфрнинг зидди (антоними) бўлган имон маъносида эмаслигига, у фақат зино жиноятининг жуда ҳам улкан гуноҳлигини англатишига қаринадир. Зонийнинг зино қилаётган пайтида имонини йўқотиши мажозий ибора бўлиб, бу жиноятнинг нақадар улканлигини англатади.

Мана шу айтиб ўтганларимиздан имон билан шаръий аҳкомлар ўртасида фарқ борлиги аён бўлади.

Ҳар қандай нуқсондан Пок Аллоҳимиздан сўраймизки, дилларимиз имон билан таскин топсин, гапимиизда ҳам, ишимизда ҳам Ислом аҳкомларига амал қиласиганлардан бўлайлик, Аллоҳ бизни ўша Ўзининг инъомига мушарраф бўлганлар – пайғамбарлар, сиддиқлар, шаҳидлар, солиҳлар билан бирга қилсин.



﴿إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا سَواءٌ عَلَيْهِمْ أَنَذَرْتَهُمْ أَمْ لَمْ تُنذِرْهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ ﴾ حَتَّمَ اللَّهُ عَلَىٰ قُلُوبِهِمْ وَعَلَىٰ سَمْعِهِمْ وَعَلَىٰ أَبْصَرِهِمْ غَشْوَةٌ وَلَهُمْ عَذَابٌ عَظِيمٌ﴾

– „6. Куфр иўлини тутган кимсалар эса хоҳ (Аллоҳ азобидан) қўрқитинг, хоҳ қўрқитманг, уларга баробардир – имон келтирмайдилар. 7. Аллоҳ уларнинг дилларини ва қулоқларини муҳрлаб қўйган. Кўзларини эса парда қоплаб олган. Улар учун буюк азоб бордир“.


Аллоҳ Таоло ўтган оятларда Китобнинг ҳақиқатда Аллоҳ томонидан эканини, унда ҳеч қандай шубҳа йўқлигини, ҳидоятланганлар, тақводорларнинг аҳволини, уларнинг нажот топувчилар эканликларини баён қиласидан кейин бу икки оятда кофирларнинг аҳволларини, уларга огоҳлантириш таъсир этмаслигини, Аллоҳ уларнинг дилларини муҳрлаб қўйганлигини баён қиляпти.

Гёй бу оятлар кофирлар нима учун ҳидоятланмас эканлар-а, деб ҳайрон бўлиб турганларга жавобдек. Чунки араблар «Албатта Абдуллоҳ турувчи»дир, десалар, бу Абдуллоҳнинг турганига шубҳаланиб турган одамнинг саволига жавоб бўлади. Аллоҳ Таоло бу муборак оятни

﴿إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا سَواءٌ﴾

*(Күфр үйлини тутган кимсалар эса ...баробардир)* деб бошлайпти. Бу ҳам тил қоидаларига кўра мазкур мисол қабилидандир.<sup>35</sup> Бу ерда тасвия (баробарлик) ҳамзасининг (أم) қўшимчасининг<sup>36</sup> «ёки» сўзи билан бирга қўлланиши ҳар икки томондан истифҳомликни (сўроқ гапликни) олиб ташлайди. Чунки сўроқ маъносининг ишлатилишидан мурод баробарликни юзага келтириш, холос. Яъни, улар огоҳлантириладиларми ёки огоҳлантирилмайдиларми фарқи йўқ. Ҳар икки ҳолатда ҳам ишонмайдилар.

### 1 – Оятдаги



*(шундай кимсаларки),* сўзи умумий маънода келяпти. Шу маъно билан Аллоҳ Таоло бизга кофирлар ҳар қанча огоҳлантирилсалар ҳам, уларга Ислом ҳар қанча етказилса ҳам барибир ишонмасликларини билдирияпти. Хўш шу сўз умумийлигича қоладими ёки уни хослайдиган бирор қарина борми?

Қатъий гап шуки, бу сўз умумийлигича қолмайди. Чунки Пайғамбар ﷺ Ислом билан юборилганлар. Уни кофир ҳолдаги одамларга етказишлари керак. Бу одамларнинг айримлари имонга келиб, айримлари кофир ҳолича қолиб кетдилар. Шунинг учун бу умумий маънодаги ҳужжат хосланади. Унинг хосланиши ақл билан бўлади. Ақл шаръий ҳужжатни агар у ақида яъни, куфр ва имон мавзусида бўлса, хослай олади. Чунки имоннинг йўли ақлдир. Шунинг учун Аллоҳ Таолонинг:

﴿ذَلِكُمْ اللَّهُ رَبُّكُمْ حَلِقُّ كُلَّ شَيْءٍ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ فَأَنِّي تُوَفَّكُونَ﴾

– „*Мана шу Аллоҳ Парвардигорларингиздир, У барча нарсанинг яратгувчисидир. Ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар Унинг Ўзигина бордир. Бас қаёққа бурилиб кетмоқдасизлар?!“* [40:62]

(35) Бухорий: 8. Муслим: 548. Абу Довуд 4056. Насойи: 4919. Ибн Можа: 56. Аҳмад: 2/414.

(36) Агар сўзидан кейин алфи истифҳом келса, олдида (أم) келади. Масалан, سواء علی أفت أم قدت. Агар سواء сўзидан кейин икки исм бир-бирига атф қилинадиган бўлса, و билан атф қилинади, бoshqa ҳарф билан эмас. Масалан, سواء عندي زيد و عمرو سواء сўзидан истифҳомсиз икки феъл келса, бир-бирига атф қилинади. Масалан, مسالان، مسالان، سواء علی قمت أو قدت سواء علی قيامك و قعودك کаби, ўни қўйиш ёки اونی ихтиёргизда.

деган оятыни ақл хослайди. Бу оядаги «ҳамма нарса» ибораси умумий маңнода. Лекин у Аллоҳдан бошқа ҳамма нарса бўлиб хосланади. Бу хосланиш ақл воситасида амалга ошади.

Мана шунга биноан

﴿إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا﴾

(*куфр ийлини тутган кимсалар эса*) ояти кофиirlарнинг айrim қавмлари билан хосланади. Аллоҳ уларнинг ҳеч қачон имонга келмасликларини Пайғамбар ﷺ билдирияпти. Ибн Аббосдан ривоят қилингандан саҳиҳ ҳадисда у киши, бу оят Пайғамбар ﷺ замонларида бўлган, лекин имонга келмаган яхудларнинг олимлари ҳақидадир, деган. Рабиъ ибн Анас, бу оят Бадр жангидаги ўлдирилган Қурайшдан бўлган бир неча кишилар ҳақида, деган. Яна бошқалар, Абу Лаҳаб ва Абу Жаҳл<sup>37</sup> каби махсус кофиirlар ҳақида, дейишган.

2 – Мухрлаш феълининг иснодини Аллоҳга бериш муташобиҳ

﴿حَتَّمَ اللَّهُ عَلَىٰ قُلُوبِهِمْ﴾

(*Аллоҳ уларнинг дилларини муҳрлаб қўйган*) оятдандир.

Рожиҳ гап шуки, ўша махсус кофиirlар ўз куфрларида шу қадар қаттиқ туриб олганларки, ҳақиқатдан шу қадар қаттиқ юз ўргирганларки, бу нарса уларнинг дилларида шу қадар қаттиқ ўрнашиб олганки, гёё улар имон ва ҳидоятни қабул қилмайдиган қулфланган, беркитилган қалб билан яратилгандек бўлиб қолганлар. Бинобарин дилларида куфрнинг ўрнашиб қолиши мажозий маңнодир. Гёё Аллоҳ уларни шу сифат билан яратгандек.

Мухрлаш ва парда тортилиш куфрга маҳкам ёпишиб олганларини кўрсатувчи сўзлардир. Гёё улар кўр, кар ва соқовдирлар.

﴿صُمُّ بِكُمْ عُمُّ فَهُمْ لَا يَعْقِلُونَ﴾

– „*Улар кар, соқов, кўрдирлар. Демак, тушунмайдилар*“ [2:171]

Лекин Аллоҳ муҳрлаш сўзини қалб ва қулоққа нисбатан ишлатган бўлса, кўзга нисбатан парда тортиш сўзини ишлатяпти. Чунки муҳрланиш қалб (ақл)<sup>38</sup> ва қулоққа мос бўлса, парда

(37) Табарий тафсири 1/109.

(38) Бу ерда қалб мажозан ақл мањосида, чунки иккови жисмга нисбатан муҳимлигига бир-бирига ўхшайди. Араб лугатида қалб мажозан ақл мањосида кўп ўринларда ишлатилган. Қуръон араб тилида нозил бўлган, кўп оятларда қалб ақл мањосида

тортилиш кўзга мосдир. Чунки қалб билан (ақл билан) идрок қилиш ҳам, қулоқ билан эшитиш ҳам ҳамма томондан бўлади. Яъни ҳар тарафдан келган овозни эшитиш мумкин. Кўриш эса ундаи эмас. Фақат рўпарадаги яъни, олд тарафдаги нарсаларнигина кўриш мумкин. Шунга кўра, муҳрлаш қалб ва қулоқка мос тушади. Чунки уларни ҳар томондан беркитиш керак. Парда тортиш эса кўзга мос тушади. Чунки уни фақат бир томондан беркитиш керак. Шунинг учун на Куръоннинг, на ҳадиснинг ва на араблар гапининг ҳеч бир жойида кўзларга нисбатан муҳрланиш сўзи ишлатилмаган.

3 – Аллоҳ Таоло жар қилувчи (عَلَىٰ قُلُوبِهِمْ وَعَلَىٰ سَمْعِهِمْ وَعَلَىٰ أَبْصَرِهِمْ غِشْنَوْةً) 3

(*Аллоҳ уларнинг дилларини ва қулоқларини муҳрлаб қўйган. Кўзларини эса парда қоплаб олган*). бу билан муҳрлашнинг қаттиқлигини таъкидляяпти. Гёё муҳрлаш икки ўринда яъни, ҳам қалбда, ҳам қулоқда алоҳида-алоҳида бўлгандек. Икки ўринда муҳрлаш бир ўринда муҳрлашдан кучлироқ. Бу худди бойликни қулфланган сандиқ ичидаги яна бир қулфланган сандиқ ичидаги сақлашга ўхшайди. Очиқ ҳовлидаги қулфланган сандиқда сақлашга нисбатан қулфланган сандиқ ичидаги яна бир қулфланган сандиқ ичидаги сақлаш кучлироқ, албатта. Оятда ҳам худди шу ҳолатни кузатиш мумкин. Бу ерда жар қилувчи сўзининг (ўзбек тилидаги –ни қўшимчасига тўғри келади) такрорланиб келаётгани гёё шу ишни икки марта айтиётганга ўхшайди. Яъни, Аллоҳ уларнинг қалбларини муҳрлади, уларнинг қулоқларини муҳрлади, дегандек бўлади. Шунинг учун ҳам араблар (مررت بزيد وعمرو) Зайд ва Амрнинг олдидан ўтдим), деганда бир марта ўтишни, (مررت بزيد وعمرو) Зайднинг ва Амрнинг ёнидан ўтдим), деганда эса икки марта ўтишни тушунадилар. Яъни, жар қилувчи ҳарф такрорланмаса, атфинг ўзидан шу ишнинг икки марта бўлганилиги эҳтимоли камайиб кетади.

4 – Аллоҳ Таоло қалблар ва кўзлар сўзларини кўплиқда, қулоқ сўзини эса бирлиқда келтиряпти. Қуръоннинг ҳамма жойида қулоқ сўзи бирлиқда келган. Бу ҳақда айримлар, чунки (السمع қулоқ) сўзи аслида масдар (иш-ҳаракат номи, инфинитив),

---

ишлатилган. Аллоҳ Субҳанаху ақллардан қалблар билан таъбир қилган, мана бу оят каби. (لهم قلوب يعقلون بما улар учун доно диллар бўлур эди).

масдарнинг эса кўплиги бўлмайди, чунки у исми жинс (абстракт от), дейишган. Лекин бу шарҳ етарли даражада дақиқ-аниқ эмас. Чунки арабларнинг тилида (السمع) (اسمع) сўзи кўплиги келган. Лекин у жуда кам ишлатилган. Қулоққа кам чалинган.

Рожих гап шуки, одамлар фикрлашларида, ўйлашларида турличадирлар. Нарсаларга қарап борасида ҳам турли хилдирлар. Эшитиш борасида эса ундай эмас. Шунинг учун ҳам қалб (ақл) ва кўз сўzlари кўпликда, қулоқ сўзи эса бирликда келтирилган.

Шунинг учун бошқа бир оятда ҳеч қандай ихтилоф йўқлигини билдирувчи илм яъни, аниқ ишонч сўзи айтилганда қулоқ ҳам, кўз ҳам қалб ҳам бирликда келтирилган.

﴿وَلَا تَقْفُ مَا لَيْسَ لَكَ بِهِ عِلْمٌ إِنَّ الْسَّمْعَ وَالْبَصَرَ وَالْفُؤَادُ كُلُّ أُولَئِكَ كَانَ عَنْهُ﴾

﴿مَسْعُولاً﴾

— „(Эй инсон), ўзинг аниқ билмаган нарсага эргашма! Чунки қулоқ, кўз, дил — буларнинг барчаси тўгрисида (ҳар бир инсон) масъул бўлур (яъни, эшишган, кўрган ва ишонган ҳар бир нарсаси учун киши қиёмат кунида жавоб беради)“.

[17:36]



**Қалб, қулоқ ва кўз мавзуидан олинадиган ифодалар, фойдалар.**

1 – Қуръони Каримда имонга алоқадор иш ҳақида гап кетганида энг аввал қалблар, кейин қулоқ ва кўз зикр қилинган. Чунки имоннинг моддаси, хом ашёси ақлdir.

﴿خَتَمَ اللَّهُ عَلَىٰ قُلُوبِهِمْ وَعَلَىٰ سَمْعِهِمْ وَعَلَىٰ أَبْصَرِهِمْ غِشَوَةٌ وَلَهُمْ عَذَابٌ عَظِيمٌ﴾

(Аллоҳ уларнинг дилларини ва қулоқларини муҳрлаб қўйган. Кўзларини эса парда қоплаб олган. Улар учун буюк азоб бордир).

﴿إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا سَواءٌ عَلَيْهِمْ أَنَذَرْتَهُمْ أَمْ لَمْ تُنذِرْهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ﴾

(Куфр йўлини тутган кимсалар эса хоҳ (Аллоҳ азобидан) кўрқитинг, хоҳ кўрқитманг, уларга баробардир — имон келтирмайдилар).

﴿ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ آسْتَحْبُوا الْحَيَاةَ الدُّنْيَا عَلَى الْآخِرَةِ وَأَنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ إِلَّا كَفِرِينَ ﴾ أُولَئِكَ الَّذِينَ طَبَعَ اللَّهُ عَلَى قُلُوبِهِمْ وَسَمِعَهُمْ وَأَبْصَرُهُمْ وَأُولَئِكَ هُمُ الْغَافِلُونَ﴾

— „Бунга (яъни, бундай азоб-уқубатларга дучор бўлишиларига) сабаб улар ҳаёти дунёни охиратдан афзал билганилариdir. Аллоҳ эса коғир қавмни ҳидоят қилмас. (Бас, улар коғир бўлганилари сабабли ҳақ йўлни топа олмай ўлиб кетурлар). Аллоҳ ундаи кимсаларнинг дилларини, қулоқларини ва қўзларини муҳрлаб кўйгандир. Улар гоғил кимсалардир“. [16:107-108]

2 – Имондан бошқа нарса ҳақида гап кетганида эса, агар у насиҳатга эргашиш, кўрсатмага қараб иш қилиш маъноларида бўлса, қулоқ сўзи биринчи ишлатилган. Чунки бундай ўринда бевосита шу омил, қулоқ омили ишлайди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿أَفَرَيْتَ مَنِ اخْنَذَ إِلَهُهُ هَوَنَهُ وَأَضْلَلَهُ اللَّهُ عَلَىٰ عِلْمٍ وَحَمَّ عَلَىٰ سَعِهٍ وَقَلْبِهِ وَجَعَلَ عَلَىٰ بَصَرِهِ غِشَوَةً فَمَنْ يَهْدِيهِ مِنْ بَعْدِ اللَّهِ أَفَلَا تَذَكَّرُونَ﴾

— „(Эй Мұхаммад), ҳавоийи нағсини ўзига «илоҳ» қилиб олган ва Аллоҳ уни билган ҳолида йўлдан оздириб, қулоқ ва кўнглини муҳрлаб, қўз олдига парда тортиб кўйган кимсани кўрганмисиз? Бас, уни Аллоҳ (йўлдан оздиргани)дан сўнг ким ҳидоят қила олур?! Ахир эслатма-ибрат олмайсизларми?!“. [45:23]

Яъни, насиҳатларга бепарво бўлиш фосиқликдир. Шунинг учун ҳам оятнинг охирида бундай дейилган:

﴿أَفَلَا تَذَكَّرُونَ﴾

— „Ахир эслатма-ибрат олмайсизларми?!“. [45:23] Бу ерда қулоқ сўзини биринчи келтириш маънога муносибдир.

Аллоҳ Таоло Ўз бандаларига миннат қилиб уларни яратгани ҳақида гапирганда қулоқ, қўзлар ва қалблар сўзлари худди шу тартибда келтирилган. Бу нарсада шу аъзоларнинг яратилиш тартибига ишора бор. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَاللَّهُ أَخْرَجَكُم مِّنْ بُطُونِ أُمَّهَتُكُمْ لَا تَعْلَمُونَ شَيْئًا وَجَعَلَ لَكُمُ الْسَّمْعَ  
وَالْأَبْصَرَ وَالْأَفْعَدَةَ لَعَلَّكُمْ تَشَكُّرُونَ﴾

– „Аллоҳ сизларни оналарингиз қорнидан бирон нарса билмаган ҳолингизда чиқарди ва шукр қилишингиз учун сизларга кулоқ, қўзлар ва дилларни берди“. [16:78]

Яна айтади:

﴿وَهُوَ الَّذِي أَنْشَأَ لَكُمُ الْسَّمْعَ وَالْأَبْصَرَ وَالْأَفْعَدَةَ قَلِيلًا مَا تَشَكُّرُونَ﴾

– „(Аллоҳ) сизлар учун қулоқ(лар)ни, қўзларни ва дилларни пайдо қилган Зотдир. Сизлар эса камдан-кам шукр қилурсизлар“. [23:78]

Яна айтади:

﴿قُلْ هُوَ الَّذِي أَنْشَأَكُمْ وَجَعَلَ لَكُمُ الْسَّمْعَ وَالْأَبْصَرَ وَالْأَفْعَدَةَ قَلِيلًا مَا تَشَكُّرُونَ﴾

– „(Эй Мұхаммад, у кофирларга) айтинг: «У (Аллоҳ) сизларни (үйқдан) пайдо қилган ва сизлар учун қулоқ-қўзлар ва дилларни (ато) қилган Зотдир. Сизлар эса камдан-кам шукр қилурсизлар». [67:23]

Яна айтади:

﴿ثُمَّ سَوَّهُ وَنَفَخَ فِيهِ مِنْ رُوحِهِ وَجَعَلَ لَكُمُ الْسَّمْعَ وَالْأَبْصَرَ وَالْأَفْعَدَةَ قَلِيلًا مَا  
تَشَكُّرُونَ﴾

– „Сўнгра уни (инсон қилиб) ростлааб, ичига йўз (даргоҳидаги) жондан киритди. У Зот сизлар учун қулоқ, қўз, дилларни пайдо қилди. Сизлар эса камдан-кам шукр қилурсизлар“. [32:9]



﴿وَمِنَ النَّاسِ مَن يَقُولُ إِيمَانًا بِاللَّهِ وَبِالْيَوْمِ الْآخِرِ وَمَا هُم بِمُؤْمِنِينَ ﴿١﴾ تُخَدِّعُونَ  
اللَّهُ وَالَّذِينَ ءامَنُوا وَمَا تُخَدِّعُونَ إِلَّا أَنفُسَهُمْ وَمَا يَشْعُرُونَ ﴿٢﴾ فِي قُلُوبِهِمْ مَرَضٌ  
فَرَادَهُمُ اللَّهُ مَرَضًا وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ بِمَا كَانُوا يَكْذِبُونَ ﴿٣﴾ وَإِذَا قِيلَ لَهُمْ لَا  
تُفْسِدُوا فِي الْأَرْضِ قَالُوا إِنَّمَا نَحْنُ مُصْلِحُونَ ﴿٤﴾ أَلَا إِنَّهُمْ هُمُ الْمُفْسِدُونَ وَلَكِنْ

لَا يَشْعُرُونَ ﴿١﴾ وَإِذَا قِيلَ لَهُمْ إِنَّمَا ءامَنُوا كَمَا ءامَنَ النَّاسُ قَالُوا أَنَّمَّا ءامَنُوا كَمَا ءامَنَ السُّفَهَاءُ إِلَّا إِنَّهُمْ هُمُ الْسُّفَهَاءُ وَلَكِنَ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٢﴾ وَإِذَا لَقُوا الَّذِينَ ءامَنُوا قَالُوا إِنَّمَا ءامَنُوا خَلَوْا إِلَى شَيْطَانِهِمْ قَالُوا إِنَّا مَعَكُمْ إِنَّمَا نَحْنُ مُسْتَهْزِئُونَ ﴿٣﴾ اللَّهُ يَسْتَهْزِئُ بِهِمْ وَيَمْدُهُمْ فِي طُغْيَانِهِمْ يَعْمَهُونَ ﴿٤﴾ أُولَئِكَ الَّذِينَ آشَرُوا أَضْلَلَةً بِالْهُدَىٰ فَمَا رَبَحْتَ تَجْرِيَتْهُمْ وَمَا كَانُوا مُهْتَدِينَ ﴿٥﴾

— „8. Одамлар орасида шундай кимсалар ҳам борки, ўзлари мүмин бўлмаганлари ҳолда «Аллоҳга ва охират кунига имон келтиридик», дейдилар. 9. Улар Аллоҳни ва имонли кишиларни алдамоқчи бўладилар ва ўзлари сезмаганлари ҳолда фақат ўзларинигина алдайдилар. 10. Уларнинг дилларида мараз бор эди, бас, Аллоҳ маразларини янада зиёда қилди. Улар учун қилган ёлғонлари сабаб аламли азоб бордир. 11. Уларга: «Ер юзида бузгунчилик қилманглар», дейилса, «Биз — ислоҳ қилувчилармиз», дейдилар. 12. Огоҳ бўлингизким, улар албатта бузгунчилардир, лекин ўзлари буни сезмайдилар. 13. Уларга: «Мана бу кишилардек имон келтиринглар», дейилса, «Шу насткашларга ўхшаб мүмин бўламизми?» — дейдилар. Огоҳ бўлингизким, уларнинг ўзлари тубан кимсалардир, лекин буни билмайдилар. 14. Имон келтирган зотларга йўлиққанларида: «Биз ҳам имон келтиридик», дейдилар. Ўзларининг шайтонлари (бошлиқлари) билан ҳоли қолгандা эса: «Биз албатта сизлар билан биргамиз, фақат (уларнинг устидан) кулмоқдамиз, холос», дейишади. 15. Аллоҳ уларнинг устидан кулади ва ўз тугёнларида адашиб-улоқиб юришларини давомли қиласди. 16. Улар ҳак ўйланинг ўрнига залолатни сотиб олган кимсалар бўлиб, бу савдоларида фойда қилмадилар ва тўғри ўйлга юрувчилардан бўлмадилар“.

[2:8-16]

Аллоҳ Таоло суранинг бошларида бизга мўминларнинг аҳволини, ундан кейин эса кофирларнинг аҳволини баён қиласди. Энди мана бу оятларда мунофиқларнинг аҳволини баён қилиб кўрсатадилар, дилларида эса куфр бор. Улар Аллоҳ ва мўминлар билан алдашмачоқ ўйнамоқчи бўладилар. Лекин улар фақат ўзларинигина алдайдилар, холос. Уларнинг дилларидағи ақидалари касал, ночор, шак-шубҳага тўла. Ўзларини ислоҳчилармиз, деб даъво қиласдилар. Аслида эса улар

бузгунчилардир. Ўзларини мўмин ҳисоблайдилар. Аслида эса мўминликни мазах қиласидилар. Шундан кейин Аллоҳ уларнинг ўзларини мазах қилишини билдириб, уларнинг савдолари зиён кўрганини, ўzlари эса очиқ залолатда қолганларини баён қиласиди.

### **Бу оятларда қуийидаги масалалар намоён бўлади.**

1 –

﴿تُخَدِّعُونَ اللَّهُ وَالَّذِينَ إِمَّا مُؤْمِنُوْا وَمَا تَحْكُمُ عُورَتٌ إِلَّا أَنْفُسُهُمْ﴾

(Улар Аллоҳни ва имонли кишиларни алдамоқчи бўладилар ва фақат ўзларинигина алдайдилар).

Бу ердаги (مَفَاعِل) сўзи (مَعَادِعَة) бобида келяпти. Яъни, бу икки тарафлама бўладиган иш. Ҳар икки тараф бир-бирини алдамоқчи бўлади. Шунинг учун биз бу сўзни алдаш эмас, алдашмаочоқ ўйнаш, деб таржима қилдик. Хўш, бир тарафдаги Аллоҳ Таолонинг Ўзи билан мўминлару иккинчи тарафдаги мунофиқлар ўртасида шу иш қандай юз бериши мумкин?!

(الْخَدُود) сўзи яшириш, мубҳамлаштириш маъноларини англатади. Бу иш мўминлар билан мунофиқлар ўртасида бўлиши мумкин. Мунофиқ мўминларга ўзини мусулмон қилиб кўрсатади, дилидаги кофирлигини эса яширади. Шунингдек, мўмин ҳам айрим ишларини кофирлар ва мунофиқлардан яширади. Бундай ишлар масалан, урушларда, жангларда бўлади. «Уруш алдашдир». Лекин бу ерда табиий бир савол туғилади: хўш, мунофиқлар қандай қилиб Аллоҳ Таоло билан алдашмаочоқ ўйнайдилар? Мана шу ерда бироз тўхталиб ўтмасак бўлмайди. Бу масалага назар ташлайдиган бўлсак, Аллоҳ Таолонинг мунофиқларни алдаши уларни билдиримасдан даражама-даражага ҳалокат сари боришларига қўйиб беришидир.

﴿وَالَّذِينَ كَذَّبُوا بِعَايَتِنَا سَسْتَدِرِ جُهُمْ مِنْ حَيْثُ لَا يَعْلَمُونَ﴾

– „Бизнинг оятларимизни ёлгон деган кимсаларни эса ўзлари билмай қоладиган тарафдан секин-аста ҳалокатга олиб борурмиз“.

[7:182]

Мубҳамлаштириши, ноаниқ қилиб кўрсатиши эса уларга молу дунёни, соғликни ва қасрларни яхши нарса қилиб кўрсатишидир. Ҳолбуки, бу нарсалар улар учун ёмондир, улар дўзах сари элтувчи омиллардир.

﴿وَلَا تَحْسِنَ الَّذِينَ كَفَرُوا أَنَّمَا نُمْلِي لَهُمْ حَيْرٌ لَا نُنْسِيهِمْ إِنَّمَا نُمْلِي لَهُمْ لِتَبَدَّأُوا إِثْمًا وَلَهُمْ عَذَابٌ مُّهِينٌ﴾

— „Куфр үйлини тутган кимсалар уларга берган мухлатимизни зинхор ўзлари учун яшишик деб ҳисобламасынлар! Балки Биз уларга фақат гуноҳларини зиёда қилишилари учунгина мухлат берамиз. Улар учун хор қилгувчи азоб бордир“. [3:178]

Аллоҳ Таолонинг мунофиқларни алдаши мана шудир.

﴿إِنَّ الْمُنَافِقِينَ تُخَنَّدُ عَوْنَ آللَّهَ وَهُ خَنَّدَ عَهُمْ﴾

— „Албатта мунофиқлар Аллоҳни алдамоқчи бўладилар.— Ҳолбуки, Аллоҳ уларни «алдаб» қўйгувчиидир“. [4:142]

Энди мунофиқларнинг Аллоҳни алдашлари, тўғрироғи алдамоқчи бўлганлари масаласига тўхталаған бўлсак, Аллоҳ Таолодан ҳеч иш, ҳеч нарса маҳфий эмаслиги эътибори билан бу масалани чуқур тадқиқ этиш лозим бўлади. Масалага чуқурроқ кириб борадиган бўлсак, шу нарса аён бўладики, Аллоҳ Таоло, улар Аллоҳни ва мўминларни алдайдилар, демади, балки Аллоҳ ва мўминлар билан алдашмачоқ ўйнайдилар, деди.

﴿تُخَنَّدِ عَوْنَ آللَّهَ وَالَّذِينَ ءامَنُوا وَمَا تُخَنَّدُ عَوْنَ إِلَّا أَنفَسُهُمْ﴾

(Улар Аллоҳни ва имонли кишиларни алдамоқчи бўладилар ва фақат ўзларинигина алдайдилар). Юқорида айтиб ўтганимиздек, (خادعة) сўзи (مفاعل) бобида келяпти. (مفاعل) бобидаги феъллар икки тарафлама бўлади. Демак, бу ерда алдайдилар, деган маъно йўқ, алдамоқчи бўладилар, деган маъно бор, холос. Масалан, Зайд Амр билан (مقاتلة) жанг қилди, дегани Зайд Амрни қатл қилди (ўлдирди), дегани эмас. (مقاتلة) да Зайд Амрни ўлдириш ҳам ёки ўзи ўлдирилиши ҳам мумкин. Бу оятда ҳам худди шунга ўхшаш маъно бор. Мунофиқлар Аллоҳ билан алдашмачоқ ўйнамоқчи бўладилар. Ўзларича, Аллоҳдан ниманидир яширгандек бўладилар. Лекин оқибатда улар фақат ўзларини ўзлари алдайдилар. Чунки Аллоҳ уларнинг сир тутган нарсаларидан ҳам, ошкор этган нарсаларидан ҳам Огоҳ. Улар Аллоҳдан ҳеч нарсани яшира олмайдилар. Бу қилмишлари учун улар жазога, азобга сазовор бўладилар. Шу билан алдашга уринишлари ўзларининг фойдасига эмас, зиёнига ишлайди.

Шу ўринда бир нуқтага диққатимизни қаратайлик.

﴿وَمَا تَحْكُمُ عَوْنَاتٍ إِلَّا أَنفُسُهُمْ﴾

(*Фақат ўзларинигина алдайдилар*) ибораси оятдаги икки ишнинг ортидан яъни, «Аллоҳ билан алдашмачоқ ўйнайдилар» ва «мўминлар билан алдашмачоқ ўйнайдилар», деган иборалардан кейин келяпти. Энди мунофиқларнинг Аллоҳ Таолони алдай олмасликлари ўз-ўзидан аён бир иш. Шунга кўра

﴿وَمَا تَحْكُمُ عَوْنَاتٍ إِلَّا أَنفُسُهُمْ﴾

иборасининг

﴿تَحْكُمُ عَوْنَاتٍ اللَّهُ﴾

(*улар Аллоҳни алдамоқчи бўладилар*) иборасидан кейин келиши тушунарли. Лекин

﴿وَمَا تَحْكُمُ عَوْنَاتٍ إِلَّا أَنفُسُهُمْ﴾

(*ва фақат ўзларинигина алдайдилар*) иборасининг «мўминлар билан алдашмачоқ ўйнайдилар» иборасидан кейин келишини қандай тушунамиз? Ҳолбуки, мунофиқларнинг мўминларни ҳақиқатан алдашлари мумкин бўлган бир иш-ку! Бу нарса сиртдан қараганда Аллоҳ Таолодан ворид бўлган

﴿وَمَا تَحْكُمُ عَوْنَاتٍ إِلَّا أَنفُسُهُمْ﴾

хабарининг мантуқига (зоҳирий маъносига) тўғри келмайдигандек туюлади.

Бунга жавоб шуки, араб тилида гапнинг иқтизо далолати, деган далолати (маъноси) бор. Бунда гапнинг мантуқида келган хабар сўзловчининг аниқ рост гапираётганини тақозо қилиб қолса, талаб (буйруқ) маъносини англатади. Бу ерда ҳам худди шундай. Оятдаги

﴿وَمَا تَحْكُمُ عَوْنَاتٍ إِلَّا أَنفُسُهُمْ﴾

иборасининг мунофиқларнинг мўминлар билан алдашмачоқ ўйнашлари хусусидаги гапдан кейин келиши талаб (буйруқ) маъносидадир. Яъни, эй мўминлар, мунофиқларнинг сизларни алдашларига имкон берманглар. Мудом зийрак бўлиб туринглар. Токи, уларнинг алдашга уринишлари ўзларининг зарарига қайтсин. Сўзловчининг гапи ростлиги аниқлиги туфайли иқтизо далолатининг қўлланиши усул илмида маълум ва машҳурдир.

﴿فِي قُلُوبِهِمْ مَرَضٌ فَرَأَدُوهُمُ اللَّهُ مَرَضًا﴾

(Уларнинг дилларида мараз бор эди).

Мунофиқларнинг дилларидағи касаллик уларнинг дилларидан ўрин олган ақидаларидағи касалликдир. Қалбларининг ақидаларидаги иборасидан ақидалари сўзи олиб ташланиб дилларидаги сўзи қолган. Демак, бу жисмдаги касаллик эмас, ақидадаги касалликдир. Яъни, тойилишдир, йўлдан озишдир, шаккоклиkdir, шубҳадир, залолатdir. Аллоҳ уларга қанчалик янги вазифалар юкласа, қанчалик янги ҳадлар белгиласа, қанчалик уларнинг моҳиятларини, асл башараларини очиб ташласа, шунчалик уларнинг касалликлари ортиб бораверади. Негаки, янги фарзни бажариш, жиҳод учун ўз улушкини қўшиш ёки бирор ҳадни татбиқ этиш улар учун ўта оғир кечади. Бундан улар қаттиқ безовта бўладилар. Мана шу улардаги касалликнинг ортганидир.

﴿وَإِذَا مَا أَنْزَلْتُ سُورَةً فَمِنْهُمْ مَنْ يَقُولُ أَيْكُمْ رَأَدَهُ هَذِهِ إِيمَنًا فَامَّا الَّذِينَ

﴿إِمْنَوا فَزَادَهُمْ إِيمَنًا وَهُمْ يَسْتَبَشِّرُونَ ﴾ وَامَّا الَّذِينَ فِي قُلُوبِهِمْ مَرَضٌ﴾

﴿فَرَأَدَهُمْ رِجْسًا إِلَى رِجْسِهِمْ وَمَا تُوْا وَهُمْ كَافِرُونَ﴾

- „Қачон бирон сурा нозил қилинса, улардан (яъни, мунофиқлардан) бўлган кимсалар (масхара қилишиб): «Қани, бу сура қайси бирларингизнинг имонларингизни зиёда қилди?» - дейишади. Бас, у (сурә) имон келтирган зотларнинг иймоларини албатта зиёда қилур ва улар шод-хуррам бўлурлар. Аммо дилларида мараз бўлган кимсаларни эса динсизликларига яна динсизлик қўшур ва улар коғир ҳолларида ўлурлар“. [9:124-125]

З - Аллоҳ Таоло мунофиқларнинг ўзларини ислоҳчилармиз, деб даъво қилишларига жавобан

﴿أَلَا إِنَّهُمْ هُمُ الْمُفْسِدُونَ وَلَكِنْ لَا يَشْعُرُونَ﴾

(огоҳ бўлингизким, улар албатта бузгунчилардир, лекин ўзлари буни сезмайдилар), дейди. Уларнинг ўзларини мўминлармиз, дейишларига жавобан эса

﴿أَلَا إِنَّهُمْ هُمُ الْسُّفَهَاءُ وَلَكِنْ لَا يَعْلَمُونَ﴾

дейди.

Бу ерда Аллоҳ Сұханаху (لَا يَعْلَمُونَ لَا بِإِشْعَرُونَ سَيْمَايِدِيلَار) деди, бундан аввал эса (السَّفَهِ لَا سَيْمَايِدِيلَار) деди. Чунки Аллоҳ (السَّفَهِ) ни яъни пасткашлик ва тубанликни зикр қилди. Шунинг учун илм билан (السَّفَهِ) ни бирга келтириш улар бир-бирига мувофиқ бўлганлиги учун чиройли бўлди. Чунки имон чуқур назар ва далил келтиришга яъни илмга муҳтож бўлади. Шунинг учун бу ўринда билмайдилар, дейиш муносиб эди. Аммо ерда бузгунчилик қилиш ҳисга яъни сезишга боғлиқ бўлиб, у кўриниб турибди. Шунинг учун сezмайдилар дейиш бу ерда муносиб эди.

4 –

﴿أَللَّهُ يَسْتَهْزِئُ بِهِمْ وَيَمْدُهُمْ فِي طُغْيَانِهِمْ يَعْمَهُونَ ﴿۱﴾ أُولَئِكَ الَّذِينَ أَشْرَوْا أَضَالَّةً  
بِالْهُدَىٰ فَمَا رَجَحَتْ تَحْرِنَتْهُمْ وَمَا كَانُوا مُهَتَّدِينَ﴾

(Аллоҳ уларнинг устидан кулади ва ўз тугёнларида адашиб-улоқиб юришиларини давомли қилади. Улар ҳак ўйланинг ўрнига залолатни сотиб олган кимсалар бўлиб, бу савдоларида фойда қилмайдилар ва тўғри йўлга юрувчилардан бўлмайдилар).

Яъни, уларни мазахларига яраша мазах билан жазолайди. (استهزاء) нинг жазосини билан белгилаяпти.

﴿وَجَزَّوْا سَيِّعَةً سَيِّعَةً مِثْلَهَا﴾

– „(Хар қандай) ёмонликнинг жазоси худди ўзига ўхшаган ёмонликдир“.  
[42:40]

﴿فَمَنِ اعْتَدَىٰ عَلَيْكُمْ فَاعْتَدُوا عَلَيْهِ بِمِثْلِ مَا اعْتَدَىٰ عَلَيْكُمْ﴾

– „Бас, ким сизларга тажсовуз қиласа, сизлар ҳам уларга тажсовузлари муқобилида тажсовуз қилинг!“.  
[2:194]

Бу ерда ёмонликнинг жазоси ёмонлик, тажсовузнинг жазоси тажсовуз бўляпти. Гарчи жазонинг ўзи ёмонлик ва тажсовуз бўлмаса-да, шундай сўзлар ишлатиляпти. Бу нарса араб тилига кўра, мажозий истеъмол, дейилади. Аллоҳ Таолонинг

﴿يَسْتَهْزِئُ بِهِمْ﴾

(уларнинг устидан кулади), деган гапи олдингиларга атф қилинмасдан (олдингиларга уюшиб келмасдан) алоҳида янги гап бўлиши унинг маъносини ўта кучайтириб юборади. Яъни, Аллоҳнинг Ўзи уларни қиёмига етказиб мазах қилур. Бу ерда уларнинг

деган гапларига монанд қилиб, Аллоҳ мазах қилгувчидир, ибораси ишлатилмасдан унинг ўрнига мазах қилур иборасининг ишлатилаётгани бу ишнинг соатма-соат такрорланиб туришини, давомийлигини англатади. Токи, уларга бериладиган жазо қаттиқ ва давомий бўлсин. Шунинг учун ҳам унинг ортидан уларнинг залолатда адашиб-довдираб юришлари давомли этилиши айтиляпти. Яъни, улар ўз залолатларида, кофирликларида чиқиб кетишга йўл топа олмасдан, гангиб-довдираб юраверадилар.

Кейин Аллоҳ Таоло мунофиқларнинг ҳидоят ўрнига залолатни сотиб олганларини, савдоларида зиён кўриш билан бу дунёларини қўлдан бой берганларини, ҳидоятларини йўқотишлари билан эса охиратларини ҳам қўлдан бой берганларини баён қилади.



﴿كَمَلُهُمْ كَمِثْلُ الَّذِي أَسْتَوْقَدَ نَارًا فَلَمَّا أَضَاءَتْ مَا حَوْلَهُ دَهَبَ اللَّهُ بِنُورِهِمْ وَتَرَكَهُمْ فِي ظُلْمَتِ لَا يُبَصِّرُونَ ﴾<sup>١٧</sup> صُمُمُ بُكْمُ عُمُمُ فُهُمْ لَا يَرْجِعُونَ ﴾١٨﴾ أَوْ كَصِيرٍ مِّنْ السَّمَاءِ فِيهِ ظُلْمَتٌ وَرَاعُدٌ وَبَرَقٌ سَجَعُونَ أَصَبَعُهُمْ فِي إِذَا هُمْ مِّنَ الظَّوَاعِقِ حَدَرَ الْمَوْتٌ وَاللَّهُ مُحِيطٌ بِالْكُفَّارِينَ ﴾١٩﴾ يَكَادُ الْبَرْقُ تَخْطَفُ أَبْصَرَهُمْ كُلُّمَا أَضَاءَ لَهُمْ مَشَوْا فِيهِ وَإِذَا أَظْلَمَ عَلَيْهِمْ قَامُوا وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ لَذَهَبَ بِسَمْعِهِمْ وَأَبْصَرَهُمْ إِنَّ اللَّهَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴾٢٠﴾

— „17. Улар мисоли бир олов (машъала) ёқувчига ўхшайдилар. Энди олов атрофини ёритганида Аллоҳ ёргулекни кетказиб, уларни ҳеч нарсани кўролмайдиган ҳолда зулматларда қолдиради. 18. (Улар) кар, соқов, кўрдирлар, демак (йўлларидан) қайтмайдилар. 19. Ёки улар чақмоқ, момақалдироқ, қоронгуликлар билан осмондан куяётган ёмғир остида яшиндан қўрққанларидан панжасаларини қулоқларига тиқиб олган ҳолларида ўлим — ҳалокатдан қочмоқчи бўлиб турган кимсалар кабидирлар. Аллоҳ эса кофирларни ўраб олгувчидир. 20. Яшин кўзларини кўр қилгудек бўлади. Ў (атрофини) ёритганида

*юрадилар, ўчганида туриб қоладилар. Агар Аллоҳ хоҳласа қулоқ ва кўзларини йўқ қилган бўлур эди. Шубҳасиз, Аллоҳ ҳар нарсага қодирдир“.* [2:17-20]

Мана бу муборак оятларда икки масални зарб қиласди. Бу масаллар ўзларини мусулмон қилиб кўрсатиб, дилларидағи кофирилкларини яширган мунофиқлар ҳақида. Уларга бундай мусулмон бўлганлари фойда қилмайди. Чунки улар чин мусулмонлар эмаслар. Аксинча залолатида, гангид-довдираб юришида давом этаётган кимсалардирлар. Уларнинг қонларида оқаётган ва қалбларини тўлдирган нарса куфран бошқа нарса эмас.

Биринчи масал кучли ёруғлик таратадиган олов ёқаётган кимса.

﴿أَضَاءَتْ مَا حَوْلَهُ﴾

*(Энди олов атрофини ёритганида).* У кучлилигидан фақат ўз ўрнинигина эмас, атрофини ҳам ёритади. Лекин улар бу ёруғликдан фойдалана олмайдилар. Аллоҳ уни бутунлай йўқ қиласди.

﴿ذَهَبَ اللَّهُ بِنُورِهِمْ﴾

*(Аллоҳ ёруғликни кетказиб).* Нур сўзи зиё сўзига нисбатан кучсизроқ маънони беради.

﴿هُوَ الَّذِي جَعَلَ الشَّمْسَ ضِيَاءً وَالْقَمَرَ نُورًا﴾

– „У (Аллоҳ) қуёшини зиё сочгувчи, ойни ёруғлик қилган“.

[10:5] Яъни, у батамом ўчди, ҳатто чўфи ҳам қолмади. Зиёсигина эмас, ҳатто нури ҳам қолмади, дегани мана шу маънода. Шу билан уларни буюк зулмат қуршаб олди. Шу зулматда адашиб-гангиб юришларига қўйиб берилдилар. Зиёдан кейинги зулмат! Нақадар улкан фожеа! Бу масал уларнинг Исломдан фойдалана олмасдан куфру залолатда гангид юрганликлари ҳақидадир. Улар қулоғи, тили ва кўзи бор бўлганларига қарамасдан кар, соқов ва кўрдирлар. Чунки улар мана шу аъзоларидан фойдалана билмаяптилар. Ҳидоятни тарк этиб, очиқ залолатни танлаяптилар.

Шундан сўнг Аллоҳ Таоло иккинчи масални зарб қиласди.

﴿وَكَصَّبَ مِنَ السَّمَاءِ﴾

*(Осмондан қуяётган).* Яъни, осмондан ёғаётган ёмғир мисоли. Лекин улар бу ёмғирдан фойдаланиш ўрнига кўрлик қилдилар.

Натижада жала ўзи билан бирга момақалдироқ ва яшинни олиб келди. Момақалдироқ овозидан қулоқлари ёрилиб кетмаслиги учун мунофиқлар бармоқларини қулоқларига тиқиб олдилар. Бу ердаги бармоқ сўзи мажозий маънода қўлланяпти. Бармоқнинг ҳаммаси қулоққа кирмайди, сифмайди. Унинг фақат бир учигина киради. Демак, бу ердаги бармоқдан мурод бутун бармоқ эмас, унинг бир учи, холос. Мунофиқлар яшиннинг кучлилигини ифодалаяпти. Улар яшин чаққан пайтда бироз юриб оладилар. Кейин у ўчиши билан яна тўхтаб қоладилар. Нақадар даҳшат, нақадар азоб! Бу ҳам мунофиқларнинг Исломдан фойдалана билмасдан, куфру залолатда давом этаверганликлари ҳақидаги масалдир.



﴿يَأَيُّهَا النَّاسُ أَعْبُدُوا رَبَّكُمُ الَّذِي خَلَقَكُمْ وَالَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ ﴾ الَّذِي جَعَلَ لَكُمُ الْأَرْضَ فِرَاشًا وَالسَّمَاءَ بَنَاءً وَأَنْزَلَ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَأَخْرَجَ بِهِ مِنْ أَلْثَمَرَاتِ رِزْقًا لَكُمْ فَلَا يَجِدُونَا لِلَّهِ أَنَدَادًا وَأَنْتُمْ تَعْلَمُونَ ﴾ وَإِنْ كُنْتُمْ فِي رَيْبٍ مِمَّا نَزَّلْنَا عَلَىٰ عَبْدِنَا فَأَتُوا بِسُورَةٍ مِنْ مِثْلِهِ وَأَدْعُوا شُهَدَاءَكُمْ مِنْ دُونِ اللَّهِ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴾ فَإِنْ لَمْ تَفْعَلُوا وَلَنْ تَفْعَلُوا فَأَتَقُولُوا النَّارُ أَنَّىٰ وَقُوْدُهَا أَنَّاسٌ وَالْحِجَارَةُ أُعِدَتْ لِلْكَفَرِينَ ﴾ وَبَشِّرِ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ أَنَّهُمْ جَنَّتٌ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَرُ كُلُّمَا رُزِقُوا مِنْهَا مِنْ ثَمَرَةٍ رِزْقًا قَالُوا هَذَا الَّذِي رُزِقْنَا مِنْ قَبْلٍ وَأَتُوا بِهِ مُتَشَبِّهِا وَلَهُمْ فِيهَا أَزْوَاجٌ مُطْهَرَةٌ وَهُمْ فِيهَا حَلِيلُونَ ﴾



— „21. Эй инсонлар, сизларни ва сизлардан илгари ўтганларни тақво эгалари бўлишингиз учун яратган Парвардигорингизга ибодат қилингиз. 22. У Зот сизлар учун ерни қароргоҳ, осмонни том қилиб қўйди ва осмондан сув тушириб, унинг ёрдамида сизларга ризқ бўлсин, деб мевалар чиқарди. Бас билиб туриб

*ўзгаларни Аллоҳга тенглаштирманг. 23. Агар биз бандамизга туширган нарсадан (Куръондан) шак-шубҳада бўлсангиз, у ҳолда шунга ўхшаган биргина сура келтиринг ва Аллоҳдан ўзга гувоҳларингизни чақиринг — агар ростгўй бўлсангиз. 24. Энди агар бундай қиломасангиз — ҳаргиз қиломайсиз ҳам — у ҳолда кофирлар учун тайёрлаб қўйилган дўзахдан қўрқинги, унинг ўтими одамлар ва тошлилардир. 25. Имон келтириб, яхши амаллар қилган зотларга хушхабар берингки, улар учун осларидан дарёлар оқиб турувчи боғлар бор. Қачон ўша боғларнинг бирор мевасидан баҳраманд бўлсалар, «Илгари татиб қўрган нарсамизку», дейшиади. Зоро уларга сурати бир-бираига ўхиши мевалар берилади. Ва улар учун жаннатда покиза жуфтлар бордир. У зотлар жаннатда абадий қолажаклар.“ [2:21-25]*

Мана бу оятларда Буюк Аллоҳ одамларни ёлғиз Ўзигагина ибодат қилишга буюряпти. Шояд улар шу ибодатлари билан Аллоҳнинг ризосига эришган тақводорларга айлансалар. Шояд сўзи гарчи умид қилиш маъносини англатса-да, Аллоҳ томонидан айтилаётганлиги эътибори билан Аллоҳнинг изни или вафо қилиниши аниқ бўлган ваъда маъносини ҳам англаради.

Кейин Аллоҳ уларга уларни ҳам, улардан олдингиларни ҳам яратганлигини баён қилди. Еру осмонни яратган ҳам, ерни яшаш учун қулай қилиб берган ҳам, осмонни шифт қилиб ўрнатиб қўйган ҳам Ўша Зотдир. Қайси бир нарса қайси бир нарсанинг устида турган бўлса, у ўша ўзининг остидаги нарсага нисбатан осмондир. Шунинг учун ҳам уйнинг шифтини осмони, деб ишлатишган. Шундан сўнг Аллоҳ бандаларига Ўзининг Раззоқ эканини айтди. Яъни осмондан ёмғир ёғдириб, турли хил экинларни, меваларни чиқарадиган ҳам Ўша Зотдир. Шундан кейин ҳам улар қандай қилиб шундай улуғ Зотга бошқа нарсаларни тенглаштирадилар? Шундай буюк Зотни қўйиб, ҳеч нарсани яратса олмайдиган, ўзлари яралган нарсаларга ибодат қиласидилар? Агар улар ақлларини ишлатганларида эди, Аллоҳ Таолонинг шериксиз, тенгсиз, ягона Маъбуд эканини билиб олган бўлар эдилар.

### **Қуръоннинг мўъжизалиги ҳақида**

Шундан сўнг Аллоҳ Таоло уларга қарши ҳужжат келтириб, Қуръонни биргина сурасига ўхшаган бир сура келтиринглар, деб уларни беллашувга чақиряпти. Шу гапнинг ортидан эса улар ўзларининг Аллоҳдан бошқа ҳар қанча ёрдамчиларини чақирсалар ҳам бу ишни ҳеч қачон қила олмасликларини ҳам таъкидлаб қўйяпти.

Шуни айтиб ўтиш мақсадга мувофиқки, Аллоҳ Таоло уларни Маккада бир сурани келтиришларини айтиб, беллашувга қағирганди. Улар эса ожизлик қилгандилар. Бунинг тафсилоти Юнус сурасида келган.

﴿أَمْ يَقُولُونَ أَفْتَرَنَا قُلْ فَأَتُوا بِسُورَةٍ مِّثْلِهِ وَأَدْعُوا مَنِ اسْتَطَعْتُمْ مِّنْ دُونِ اللَّهِ إِنْ﴾

﴿كُنْتُمْ صَدِقِينَ﴾

— „Ёки: «Уни (Мұхаммад) тұқиб чиқарған», дейдиларми?! Айтинг (Эй Мұхаммад): «У ҳолда агар ростгүй бўлсангизлар, Аллоҳдан ўзга кучингиз етган барча бутларни (ёрдамга) чорлаб шу (Куръон)га ўхшаш биргина сура келтиргизлар!». [10:38]

Бу ерда Бақара сурасида эса мана бундай дейиляпти:

﴿وَإِنْ كُنْتُمْ فِي رَيْبٍ مِّمَّا نَزَّلْنَا عَلَىٰ عَبْدِنَا فَأَتُوا بِسُورَةٍ مِّنْ مِّثْلِهِ﴾

(Агар биз бандамизга туширган нарсадан (Куръондан) шакшуубхада бўлсангиз, у ҳолда шунга ўхшаган биргина сура келтиргинг) (Мітлә) сўзидан олдин бир (Мен) ҳарфи зиёда қилиняпти.

Бу зоида ҳарф таъкидни ифодалайди.<sup>39</sup> Чунки Бақарадаги бу оят Юнус сурасидаги оятнинг таъкидидир. Шунинг учун кейинги оят уларнинг бу ишни ҳеч қачон қила олмасликларига узил-кесил ҳукм чиқаряпти.

﴿فَإِنْ لَمْ تَفْعُلُوا وَلَنْ تَفْعَلُوا﴾

(Энди агар бундай қилолмасангиз, ҳаргиз қилолмайсиз ҳам). Шу билан уларга қарши қатъий ҳужжатни келтиряпти. Яъни, улуг Куръон ҳар қандай нуқсондан Пок Аллоҳнинг каломидирки, унинг олди ҳам, орти ҳам ботилдан холидир ва у Азиз ва Ҳамид Зот тарафидан нозил қилингандир.

Шундан сўнг Аллоҳ бу оятларнинг охирларида Ўзининг кофирлар учун жуда катта ўт, олов, мўминлар учун эса остидан анҳорлар оқиб турадиган боғлар тайёрлаб қўйганини баён қилди. Бу боғларда мўминлар ўзлари истаган мевалардан тановул қиласидилар. Чиройи, хушбўйлиги ва ажойиблигида бу мевалар бир-бирига ўхшайди. Шунингдек мўминлар учун у ерда ҳар

(39) Куръони Каримда битта маънодан бошқа таъкид ҳам, зиёдалик ҳам бўлмайди. Шунинг учун Куръонда таъкид ё зиёда бўлиб кўринган нарса, аслида маънони янада зиёда қилиш учун келади. Масалан ушбу من каби. Бу аввалги Юнус сурасидаги оятнинг таъкидидир.

қандай гуноху озордан (хайз, нифос каби озорланишлардан) пок бўлган жуфтлар ҳам бор.

Кейин Аллоҳ Ўзининг содиқ мўмин бандаларига кўрсатган марҳаматини, яъни, уларни жаннатларда, барқарор неъмат ичиди, мўл, сероб эзгулик ичиди абадий қолдиришини айтади.



Мана шу ерда Аллоҳ Таолонинг пайғамбарларни юборгани ва уларга мўъжизалар бергани ҳақида бироз тўхталиб ўтмасак бўлмайди.

1 – Аллоҳ бутун халойиқни бир ҳикмат билан яратди. Бу ҳикмат Аллоҳга бандалик қилишдир.

﴿وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونَ﴾

– „Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишилари учунгина яратдим“. [51:56]

2 – Аллоҳ одамларга қандай ибодат қилиш ўйларини ўргатишлари учун пайғамбарларни юборди. Пайғамбар юбормай туриб азобламасликни Аллоҳнинг раҳмати тақозо этди.

﴿وَمَا كُنَّا مُعَذِّبِينَ حَتَّىٰ تَبَعَثَ رَسُولًا﴾

– „Биз то бирон пайғамбар юбормагунча азоблагувчи эмасмиз“. [17:15]

﴿وَرُسُلًا قَدْ قَصَصْنَاهُمْ عَلَيْكَ مِنْ قَبْلُ وَرُسُلًا لَمْ نَقْصُصْهُمْ عَلَيْكَ﴾

– „Айрим пайғамбарлар ҳақида сизга илгари ҳикоя қилдик, айрим пайғамбарларни эса сизга ҳикоя қилганимиз йўқ“. [4:164]

3 – Аллоҳ Ўзининг пайғамбарларини одамларга мўъжизалар билан бирга юборди. Мўъжизалар уларнинг пайғамбарликларини исботловчи қатъий далил, исбот вазифасини бажарди.

4 – Мусо нинг замонида сеҳр золим, тоғий Фиръавн учун ҳам, унинг оиласи учун ҳам ўта эътиборли соҳа бўлган.

﴿فَالَّتَّ عَصَاهُ فَإِذَا هِيَ ثُبَّانٌ مُّبِينٌ وَتَرَعَ يَدُهُ فَإِذَا هِيَ بَيْضَاءُ لِلنَّاظِرِينَ﴾

– „Шунда (Мусо тутиб турган) асосини ташлаган эди, баногоҳ у асо ростакам ажедарга айланди. Кейин қўлини (чўнтағидан)

*чиқарған әди, баногох у қараб турғанларга* (кундан ҳам) *оқ бұлиб күринди* (холбуки, Мусо қорамағыз одам әди)“ [7:107-108]

Фиръавн ўздидеги сеҳрнинг буюклигига ишониб, ишларни менсимаган. Яъни, у учун ҳар қандай иш сеҳр йўли билан осонгина ҳал бўладигандек туюлган. Мусо  нинг мўъжизасини синдириш учун ҳам сеҳргарларини тўплаган.

﴿قَالُوا أَرْجِهْ وَأَخَاهُ وَأَرْسِلْ فِي الْمَدَائِنِ حَشِيرِينَ ﴿١﴾ يَأْتُوكَ بِكُلِّ سَحْرِ عَلِيمٍ  
وَجَاءَ الْسَّحَرَةُ فِرْعَوْنَ قَالُوا إِنَّا لَأَجْرَأَ إِنْ كُنَّا نَحْنُ الْغَلِيلِينَ ﴿٢﴾ قَالَ نَعَمْ  
وَإِنَّكُمْ لَمِنَ الْمُقْرَّبِينَ﴾

– „Улар дедилар: «Уни ва акаси (Хорун)ни қўйиб тургин-да, ҳамма шаҳарларга (сеҳргарларни) йиғиб келадиган кишиларни юборгин, улар сенга жами үткир сеҳргарларни келтирсинглар». (Шундан кейин) сеҳргарлар Фиръавн олдига келишиб: «Агар биз голиб бўлсан, албатта (китта) мукофот (берурсан)», дейшиди. У: «Ҳа», (агар голиб бўлсангизлар), албатта сизлар менинг яқинларимдан бўлурсизлар, деди“ [7:111-114]

Мусо  сеҳргарлар билан ҳайит қунида халойиқ кўз олдида учрашган. Ўшанда Аллоҳ сеҳрни фош этиб, мағлуб қилиб, Ўз пайғамбарининг мўъжизасини ғолиб қилган.

﴿قَالَ الْقُوَّاٰ فَلَمَّا آتَقُوا سَحْرُوا أَعْيُّنَ النَّاسِ وَأَسْتَرْهُبُوهُمْ وَجَاءُو بِسَحْرٍ عَظِيمٍ  
وَأَوْحَيْنَا إِلَى مُوسَىٰ أَنَّ الْقِعْصَالَكَ فَإِذَا هِيَ تَلْقَفُ مَا يَأْفِيْكُونَ﴾

– „У (Мусо): «Сизлар ташланглар», деди. Бас, улар ташлаганларида одамларни кўзларини бўяб даҳшатга солиб қўйдилар ва зўр сеҳр кўрсатдилар. Биз Мусога: «Асойингни ташлагин», деб ваҳи юбордик. Баногоҳ у (ажсадарга айланган ҳасса) уларнинг «уидирма»ларини юта бошлиди“ [7:116-117]

Ана шунда сеҳргарлар Мусо  нинг ҳақиқатда Аллоҳнинг пайғамбари эканини ва у киши олиб келган нарса сеҳр эмаслигини англаб етгандар-да, оламлар Парвардигори Аллоҳга имон келтирганлар. Уларнинг имонга келишлари ўта ажабланарли бир ҳол бўлган. Дарҳақиқат, бирозгина олдин ғолиб бўлиб, Фиръавндан мукофот олиш пайида турган кишиларнинг бор дунёни унутиб, золимнинг ўлдираман, осаман, деган таҳдидларига ҳам парво қилмай, эгилмай, синмай Фиръавнга қарши бораётганларига нима дейсиз?!

﴿لَا قَطَّعْنَ أَيْدِيْكُمْ وَأَرْجُلُكُمْ مِنْ خَلْفِ ثُمَّ لَا صِلْبَنُكُمْ أَجْمَعِينَ ﴾ ﴿قَالُوا إِنَّا إِلَى رَبِّنَا مُنْقَلِبُونَ ﴾ وَمَا تَنْقِمُ مِنَّا إِلَّا أَنْ ءَامَنَّا بِغَايَتِ رَبِّنَا لَمَّا جَاءَنَا رَبِّنَا أَفْرَغَ عَلَيْنَا صَبَرًا وَتَوَفَّنَا مُسْلِمِينَ﴾

— „Албатта оёқ-күлларингизни қарама-қаршиисига (унг қўл, чап оёгингизни) кесурман, сўнгра сизларнинг барчангизни дорга осурман». Улар дедилар: «Албатта бизлар Парвардигоримизга қайтгувчимиз (бас, сен бизни ўлим билан қўрқита олмайсан). Сен биздан фақатгина Парвардигоримизнинг ояллари келганда уларга имон келтирганимиз учунгина ўч олмоқдасан. Парвардигоро, устимиздан сабру тоқатни ёғдиригайсан ва бизларни фақат мусулмон бўлган ҳолимизда ўлдиригайсан!». [7:124-126]

﴿فَأَقْضِ مَا أَنْتَ قَاضٍ إِنَّمَا تَقْضِي هَذِهِ الْحَيَاةُ الْدُّنْيَا﴾

— „Бас, қиласидаги хукмингни қиласер. Сен фақат мана шу дунёдагина хукм қилурсан“. [20:72]

5 – Исо ғонинг замонида тиббиётнинг обрўси баланд эди. Табиблар учун ўликни тирилтиришнинг, мохов ва песни даволашнинг имкони топилмаётган бир пайт эди. Исо ғонга берилган мўъжиза ўшалардаги илмнинг энг юқори кўрининишини гавдалантириб туарди. Бу мўъжиза уларни лол қолдирап дараражада кучли ва равшан эди.

﴿وَرَسُولاً إِلَى بَنِ إِسْرَائِيلَ أَنِّي قَدْ جِئْتُكُمْ بِإِيمَانَ أَنِّي أَحْلُقُ لَكُمْ مِنْ

﴿الْطَّيْرِ فَأَنْفُخُ فِيهِ فَيَكُونُ طَيْرًا بِإِذْنِ اللَّهِ﴾

— „Уни Бану Исроил қавмига пайгамбар қиласи. (Исо Бану Исроилга дейди): «Мен (ўзимнинг ҳақ пайгамбар эканлигим ҳақида) сизларга Парвардигорингиздан оят-далил келтирдим: Мен сизларга лойдан қуш тимсолини ясаб унга пуфласам, у Аллоҳнинг изни-иродаси билан ҳақиқий қуш бўлади». [3:49]

У кишини ўлдиримоқчи бўлганларида бошқа одам уларнинг кўзига пайгамбар бўлиб кўринди. Аллоҳ уларга Ўз пайгамбарини ўлдиришларига, осишларига имкон бермади ва у зотни Ўзи томон кўтариб олиб чиқиб кетиб, уларнинг ёмонликларидан нажот топтириди.

﴿وَتُولِّهِمْ إِنَّا قَاتَلْنَا الْمَسِيحَ عِيسَى ابْنَ مَرْيَمَ رَسُولَ اللَّهِ وَمَا قَاتَلُوهُ وَمَا صَلَبُوهُ وَلَكِنْ شُيْءَةٌ هُمْ وَإِنَّ الَّذِينَ أَخْتَافُوا فِيهِ لَفِي شَكٍّ مِنْهُ مَا هُمْ بِهِ مِنْ عِلْمٍ إِلَّا أَتِبَاعُ الظَّنِّ وَمَا قَاتَلُوهُ يَقِيْنًا ﴾ ﴿بَلْ رَفَعَهُ اللَّهُ إِلَيْهِ وَكَانَ اللَّهُ عَزِيزًا حَكِيمًا﴾

— „Аллоҳнинг пайғамбари бўлган ал-Масиҳ Исо бинни Марямни «бизлар ўлдирғанмиз», деган сўзлари сабабли (Биз уларни лаънатладик). Ҳолбуки, улар уни ўлдирғанлари ҳам, осганлари ҳам йўқ. Фақат улар учун (бошқа бирор Исога) ўхшатиб қўйилди, холос Албатта, Исо ҳақида талашиб-тортишиган кимсалар унинг (ўлдирилган-ўлдирилмагани) ҳақида шубҳада қолганлар. У ҳақда фақат гумонларга бериладилар, холос. Уни ўлдирмаганлари аниқдир. Балки уни Аллоҳ ўз ҳузурига кўтартгандир. Аллоҳ қудрат ва ҳикмат эгаси бўлган Зотdir“.

[4:157-158]

Исо ﷺ асҳобларининг имони ҳам ўта фаройиб бўлган.  
 «فُلْ كُوئُوا كَاصْحَابَ عِيسَى تُشْرُوا بِالْمَنَاسِيرِ وَحَمْلُوا عَلَى الْخَشْبِ فَوَالذِي نَفْسِي  
 بِيَدِهِ لَمَوْتَهِ فِي سَيِّلِ اللَّهِ خَيْرٌ مِنْ حَيَاةِ فِي مَعْصِيَتِهِ»

«Исонинг саҳобаларига ўхшаган бўлинглар. Улар арралар билан арралангандар, ўтиналарнинг устларига қўйилиб, (ёқиб юборилганлар). Жоним Унинг қўлида бўлган Зотга қасамки, Аллоҳнинг йўлида улиш У Зотга гуноҳ қилиб яшагандан кўра яхшироқдир».<sup>40</sup>

6 – Пайғамбар ﷺ замонларидаги арабларнинг санъати, усталиги фасоҳатли гапириш бўлган. Энг ширин ва энг балофатли гапларни айтиш билан ким ўзар ўйнардилар, анжуманлар ўтказардилар. Шунга кўра, Мұҳаммад ﷺ нинг мўъжизалари у кишига Аллоҳ Таоло томонидан нозил қилинган Қуръон бўлган. Худди ўша араблар ишлатадиган ҳарфлардан таркиб топган Қуръон ўзига ўхшаган бир сураларни айтиб, уларни мусобақага чақирган. Лекин улар бунинг имконини топа олмагандар. Қуръон олдинига шу Қуръоннинг ўхшашини келтиришларини айтиб, беллашувга чақирган.

﴿فُلِّ إِنْ أَجْتَمَعَتِ الْإِنْسُ وَالْجِنُّ عَلَى أَنْ يَأْتُوا بِمِثْلِ هَذَا الْقُرْءَانِ لَا يَأْتُونَ بِمِثْلِهِ وَلَوْ كَارَ بَعْضُهُمْ لِبَعْضٍ ظَهِيرًا﴾

(40) Мўъжамус сағир: 749. Мўъжамул кабир: 9 / 20. Муснадуш шомийийн: 658.

– „Ким нақд (дунё)ни күзловчи бўлса, Биз (шу дунёда улардан) Ўзимиз истаган кимсалар учун Ўзимиз хоҳлаган нарсани нақд қилиб берурмиз. Сўнгра (яъни, охиратда) унинг учун ўзи мазаммат ва қувгинга дучор бўлган ҳолда кирадиган жаҳаннамни жой қилиб берурмиз“.

[17:88]

Кейин унинг ўн сурасига ўхшашини келтиришларини айтган.

﴿أَمْ يَقُولُونَ أَفَتَرَلَهُ قُلْ فَأَتُوا بِعَشْرِ سُورٍ مِّثْلِهِ مُفْتَرِيَتٍ وَادْعُوا مَنِ اسْتَطَعْتُمْ مِّنْ

﴿دُونِ اللَّهِ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ﴾

– „Ёки: «Уни (яъни, Куръонни Мухаммад) тўқиб чиқарган», дейдиларми? Айтинг: «У ҳолда, агар ростгўй бўлсангизлар, Аллоҳдан ўзга кучингиз етган барча бутларни (ёрдамга) чорлаб шунга ўхши ўнтағина «тўқилган» сурә келтирингиз!»“.

Ундан сўнг эса унинг бир сурасига ўхшашини келтиришларини айтган.

﴿أَمْ يَقُولُونَ أَفَتَرَلَهُ قُلْ فَأَتُوا بِسُورَةٍ مِّثْلِهِ وَادْعُوا مَنِ اسْتَطَعْتُمْ مِّنْ دُونِ اللَّهِ إِنْ

﴿كُنْتُمْ صَادِقِينَ﴾

– „У кемани ясар экан, қачон олдидан ўз қавмидан бўлган (кофир) кимсалар ўтсалар, уни масхара қилиб кулдилар. У деди: «Агар (бугун) сизлар биздан кулсангизлар, бас, яқинда худди сизлар кулганингиз каби биз ҳам сизлар(нинг устингиз)дан кулурмиз»“.

[10:38]

Шунда ҳам улар бу ишнинг уддасидан чиқа олмаганлар. Ҳолбуки, улар Пайғамбар ﷺнинг даъватларини пучга чиқаришга қандалар муҳтоҷ-харис эдилар, боз устига ўзларининг сўз устаси эканликлари билан фахрланардилар. Бу беллашувга чақириш ва бу мағлубият араблар беллашувга чақириш ва мағлубият сўзлари қандай маъноларни англатишини жуда яхши биладиган аслзодалар ҳисобланган бир пайтда рўй берган. Бу ишнинг уддасидан чиқа олмаганларидан кейин унинг Аллоҳ Таоло томонидан эканини билдилар. Шунинг учун ҳам уларнинг имонлари ажойиб, фаройиб имон бўлди. Улар Аллоҳнинг йўлида ҳеч қандай маломатчининг маломатидан қўрқмадилар. Гўё ўзларининг жаннатдаги қасрларини ўз кўзлари билан кўриб тургандек, сабр билан, матонат билан жон бердилар, шаҳид бўлдилар. Улардаги Аллоҳга ва Унинг пайғамбарига бўлган имон шу қадар кучли эди.

«صَبَرًا آلَ يَاسِرٍ إِنْ مَوْعِدُكُمُ الْجَنَّةُ»

**«Эй аҳли Ёсир, сабр қилингиз. Сизларга ваъда қилингган нарса жаннатдир!».**<sup>41</sup> Шунинг учун ҳам ўша машҳур саҳобанинг тилидан Аҳад, Аҳад, деган ўша машҳур сўзлардан бошқа сўз чиқмаганди. Ҳолбуки, шу сўзларни айтиётган тил соҳиби Аллоҳнинг йўлида жуда қаттиқ азобланарди. Бошқа бир саҳобанинг эса тирик ҳолида гўшидан бир парчаси кесиб олинганди. У эса ўз ўрнида тоғдек қимир этмай туради. Унга, қанийди, мен ўз оиласдан тинчгина ўтирасму менинг ўрнимга Пайғамбар ﷺ азобланса, деб умид қилиб қўйсанг бас, сени қўйиб юборамиз, дейишди. Шунда у киши (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин) шундай жавоб берди: «Аллоҳга қасамки, мен уйимда тинчгина ўтирган ҳолимда Пайғамбар ﷺ (менинг ўрнимда бўлишлари у ёқда турсин), ўзлари турган жойларида ҳам бир тикон киришини ҳам истамайман».<sup>42</sup> Бу гапни эшитган Абу Суфён, Муҳаммаднинг саҳобалари Муҳаммадни яхши кўрганидек бирор бирорни яхши кўрганини кўрмадим, деди. Кейин уни ўлдириши. У шаҳид бўлди. Аллоҳ раҳмат қилсин. Шунинг учун ҳам Аллоҳ уларни Ўз дини билан азиз, фолиб қилди. Уларга Ўз нусратини берди. Шу билан улар ҳар икки дунё саодатига эришдилар. Амал қилгувчиларнинг ажри нақадар яхши.

7 – Пайғамбарларга берилган бу мўъжизалар уларнинг пайғамбарликларига қатъий далил бўлган. Лекин олдинги пайғамбарларнинг мўъжизалари муваққат бўлиб, уларни ўша замонда яшаганларгина кўрганлар. Рисолатлари тугаганидан кейин давом этмаган. Бизнинг пайғамбаримиз Муҳаммад ﷺнинг мўъжизалари эса боқийдир, абадийдир. У ҳар доим, ҳар жойда ҳамма одамларни беллашувга чақириб бораверади.

Улуғ Куръон боқийдир. У ўтмишдаги ҳозирда мавжуд бўлмаган одамларни эмас, айнан шу кунда бор бўлган одамларни ҳам беллашувга чақиради. Ислом рисолати ҳамма одамларга ва Қиёмат кунига қадар юборилган охирги рисолатдир. Олдинги пайғамбарларнинг рисолатлари эса ўзларининг қавмларигагина хос бўлган.

«أُعْطِيَتْ خَمْسًا لَمْ يُعْظَهُنَّ أَحَدٌ مِنْ قَبْلِي: كَانَ كُلُّ نَبِيٍّ يُبَعْثُ إِلَى قَوْمِهِ خَاصَّةً وَبُعْثُ إِلَى كُلِّ أَحْمَرٍ وَأَوْسَدٍ، وَأَحْلَتْ لِي الْعَنَائِمُ وَلَمْ تُحَلِّ لِأَحَدٍ مِنْ قَبْلِي، وَجَعَلَتْ لِي الْأَرْضُ

(41) Мустадрак: 3/383. Матолибул Олия: 4034. Ҳиля: 1 / 140.

(42) Сийрати Ибн Ҳишом: 3 / 181.

طَيِّبَةً طَهُورًا أَوْ مَسْجِدًا فَإِيمَانًا رَجُلٌ أَذْرَكَتُهُ الصَّلَاةُ صَلَى حَيْثُ كَانَ، وَنُصِرْتُ بِالرُّغْبِ  
بَيْنَ يَدَيْ مَسِيرَةَ شَهْرٍ، وَأُعْطِيَتُ الشَّفَاعَةَ»

«Менга олдинги (пайғамбарлардан) ҳеч кимга берилмаган беш нарса берилди: Ҳар бир пайғамбар ўзининг қавмигагина юбориларди. Мен эса ҳамма қизил танлигу қора танликка (яъни ҳамма одамларга) юборилдим. Менга ўлжалар ҳалол қилинди. Мендан олдингиларга эса ҳалол қилинмаганди. Менга бутун ер юзи тоза, пок, саждагоҳ қилиб берилди. Қайси бир киши қайси бир жойда бўлмасин, намоз вақти кириб қолган бўлса, уни ўша жойнинг ўзида адо этиши мумкин. Менга бир ойлик масофадан туриб, (душманларимнинг) ичига қўрқув солинипи (неъмати) ҳам берилди. Менга яна шафоат (қилиш хуқуқи) ҳам берилди». <sup>43</sup>

﴿وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا رَحْمَةً لِلنَّاهِمْ﴾

– „(Эй Мұхаммад) дарҳақиқат Биз сизни барча оламларга фақат раҳмат қилиб юбордик“. [21:107]

﴿وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا كَافَةً لِلنَّاسِ بَشِّرًا وَنَذِيرًا﴾

– „(Эй Мұхаммад), Биз сизни шак-шубҳасиз, барча одамларга: (мұмилларга жаңнамат ҳақида) хушхабар элтгувчи, (коғирларни эса дүзах азобидан) огоҳлантиргувчи бўлган ҳолингизда, пайғамбар қилиб юбордик“. [34:28]

Мана бу буюк Куръон Пайғамбар ﷺ га берилган мўъжизадир. У Аллоҳнинг каломидир.

﴿إِنَّ هَذَا الْقُرْءَانَ يَهْدِي لِلّٰقِي هٰيْ أَقْوَمُ وَيُبَشِّرُ الْمُؤْمِنِينَ الَّذِينَ يَعْمَلُونَ الْصَّالِحَاتِ﴾

«Ан ھем әжъра қириа»

– „Албатта, бу Куръон энг тўғри йўлга ҳидоят қилур ва яхши амалларни қиладиган мұмилларга, албатта, ўшаларга, улуғ ажэр борлиги хушхабарини берур“ [17:9]



(43) Бухорий: 323, Муслим: 810.

## Биринчи пора, биринчи қисм, иккинчи чорак

**بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ**

إِنَّ اللَّهَ لَا يَسْتَحِي أَن يَضْرِبَ مَثَلًا مَا بَعُوضَةً فَمَا فَوْقَهَا فَأَمَّا الَّذِينَ ءَامَنُوا فَيَعْلَمُونَ أَنَّهُ الْحَقُّ مِن رَّبِّهِمْ وَأَمَّا الَّذِينَ كَفَرُوا فَيُقُولُونَ مَاذَا أَرَادَ اللَّهُ بِهِنَا مَثَلًا يُضْلِلُ بِهِ كَثِيرًا وَيَهْدِي بِهِ كَثِيرًا وَمَا يُضْلِلُ بِهِ إِلَّا الْفَسِيقِينَ هُنَّ الَّذِينَ يَنْقُضُونَ عَهْدَ اللَّهِ مِنْ بَعْدِ مِيقَاتِهِ وَيَقْطَعُونَ مَا أَمَرَ اللَّهُ بِهِ أَن يُوصَلَ وَيُفْسِدُونَ فِي الْأَرْضِ أُوْتِلَكُ هُمُ الْحَسِرُونَ كَيْفَ تَكْفُرُونَ بِاللَّهِ وَكُنْتُمْ أَمْوَاتٍ فَأَحْيَكُمْ ثُمَّ يُمِيتُكُمْ ثُمَّ تُحْيِكُمْ ثُمَّ إِلَيْهِ تُرْجَعُونَ هُوَ الَّذِي خَلَقَ لَكُمْ مَا فِي الْأَرْضِ جَمِيعًا ثُمَّ أَسْتَوَى إِلَى السَّمَاءِ فَسَوَّهُنَّ سَبْعَ سَمَوَاتٍ وَهُوَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ وَإِذْ قَالَ رَبُّكَ لِلْمَلَائِكَةِ إِنِّي جَاعِلٌ فِي الْأَرْضِ خَلِيفَةً قَالُوا أَتَجْعَلُ فِيهَا مَن يُفْسِدُ فِيهَا وَيَسْفِكُ الدِّمَاءَ وَهُنْ نُسَيْخُ نَحْمَدِكَ وَنُنَقِّدُنَّ لَكَ قَالَ إِنِّي أَعْلَمُ مَا لَا تَعْلَمُونَ وَعَلَّمَ إَدَمَ الْأَسْمَاءَ كُلَّهَا ثُمَّ عَرَضَهُمْ عَلَى الْمَلَائِكَةِ فَقَالَ أَنْبِعُونِي بِالْأَسْمَاءِ هَؤُلَاءِ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ قَالُوا سُبْحَنَنَا لَا أَعْلَمُ الْمَلَائِكَةُ فَقَالَ أَنْبِعُونِي بِالْأَسْمَاءِ هَؤُلَاءِ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ قَالُوا سُبْحَنَنَا لَا أَعْلَمُ إِلَّا مَا عَلَّمْنَا إِنَّكَ أَنْتَ الْعَلِيمُ الْحَكِيمُ قَالَ يَتَعَادُمُ أَنْبِعُهُمْ بِالْأَسْمَاءِ إِيمَمْ فَلَمَّا أَنْبَاهُمْ بِالْأَسْمَاءِ إِيمَمْ قَالَ أَلَمْ أَقْلُ لَكُمْ إِنِّي أَعْلَمُ غَيْبَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَأَعْلَمُ مَا تُبَدِّدُونَ وَمَا كُنْتُمْ تَكْتُمُونَ وَإِذْ قُلْنَا لِلْمَلَائِكَةِ أَسْجُدُوا لِأَدَمَ فَسَجَدُوا إِلَّا إِنَّمَا سَاجَدَ لَهُ مَنْ أَنْبَاهُمْ بِالْأَسْمَاءِ إِيمَمْ قَالَ أَنْتَ الْحَكِيمُ الْحَكِيمُ قَالَ يَتَعَادُمُ أَنْبِعُهُمْ بِالْأَسْمَاءِ إِيمَمْ فَلَمَّا مِنْهَا رَغَدَا حَيْثُ شِئْنَمَا وَلَا تَقْرَبَا هَذِهِ الشَّجَرَةَ فَتَكُونُوا مِنَ الظَّالِمِينَ فَأَزَلَّهُمَا الْشَّيْطَانُ عَنْهَا فَأَخْرَجَهُمَا مِمَّا كَانَا فِيهِ وَقُلْنَا آهِي طُوا بَعْضُكُمْ لِبَعْضٍ عَدُوٌّ وَلَكُمْ فِي

الْأَرْضِ مُسْتَقْرٌ وَمَتَعٌ إِلَى حِينٍ ﴿٢٦﴾ فَتَلَقَّى آَدَمُ مِنْ رَبِّهِ كَلِمَاتٍ فِتَابٍ عَلَيْهِ إِنَّهُ رَبُّ  
 هُوَ الْتَّوَابُ الرَّحِيمُ ﴿٢٧﴾ قُلْنَا أَهْبِطُوا مِنْهَا حَمِيعًا فَإِمَّا يَأْتِيَنَّكُمْ مِنْ هُدًى فَمَنْ تَبَعَ  
 هُدًى إِلَيْهِ فَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ تَحْزُنُونَ ﴿٢٨﴾ وَالَّذِينَ كَفَرُوا وَكَذَّبُوا بِعَايِتِنَا أُولَئِكَ  
 أَصْحَبُ الْنَّارِ هُمْ فِيهَا خَلِيلُونَ ﴿٢٩﴾ يَبْنَى إِسْرَائِيلَ أَذْكُرُوا نِعْمَتَ اللَّهِي أَنْعَمْتُ عَلَيْكُمْ  
 وَأَوْفُوا بِعَهْدِكُمْ وَإِيَّيَ فَارَّهُبُونَ ﴿٣٠﴾ وَءَامِنُوا بِمَا أَنْزَلْتُ مُصَدِّقًا لِمَا  
 مَعَكُمْ وَلَا تَكُونُوا أَوَّلَ كَافِرِيهِ وَلَا تَشْتَرُوا بِثَغْرٍ ثَمَنًا قَلِيلًا وَإِيَّيَ فَاتَّقُونَ ﴿٣١﴾ وَلَا  
 تَلْبِسُوا الْحَقَّ بِالْبَطْلِ وَتَكْبِرُوا الْحَقَّ وَأَنْتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٣٢﴾ وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَاءُتُوا  
 الْزَّكُوةَ وَارْكَعُوا مَعَ الْرَّاكِعِينَ ﴿٣٣﴾

– „26-27. Аллоҳ чивин ёки ундан-да ҳақири нарсалар ҳақида масал айтишидан ҳеч тортинмайди. Имонли кишилар унинг (масалнинг) ҳақиқатан Парвардигорлари тарафидан эканини биладилар. Кофирлар эса: «Буни мисол қилиши билан Аллоҳ нима демоқчи?» — дейдилар. Бу масал сабаб (Аллоҳ) кўпларни адаштиради ва кўпларни ҳақ йўлга ҳидоят қиласди. Бу масал сабаб фақат Аллоҳнинг аниқ кўрсатмаларини бузадиган, У боғланишига буюрган нарсаларни узадиган ва ер юзида бузгунчилик қилиб юрадиган фосиқ кимсаларнигина адаштиради. Улар, шубҳасиз, зиён кўргувчилардир. 28. Ўлик танангизга жон берган, кейин ўлим берадиган, сўнгра яна тирилтирганидан кейин Ўзига қайтажагингиз — Аллоҳни қандай инкор қиласиз-а? 29. У шундай Зотки, сиз учун ердаги барча нарсани яратди. Сўнгра самога юзланди-да, уларни етти осмон қилиб тиклади. У ҳамма нарсани билгувчиидир. 30. Эсланг, (эй Мұхаммад), Парвардигорингиз фаришталарга: «Мен ерда (Одамни) халифа қылмоқчиман», деганида улар айтдилар: «У ерда бузгунчилик қиласидиган, қонлар тўқадиган кимсани (халифа) қиласанми? Ҳолбуки, биз ҳамду сано айтиши билан Сени улуғлаймиз ва Сенинг номингни мудом пок тутамиз». (Аллоҳ) айтди: «Мен сизлар билмаган нарсаларни биламан». 31. Ва У Зот Одамга барча нарсаларнинг исмларини ўргатди. Сўнгра уларни фаришталарга рўбарў қилиб деди: «Агар Халифаликка биз ҳақдормиз, деган сўзларингиз рост бўлса, мана бу нарсаларнинг исмларини Менга билдиринг!» 32. Улар

айтдилар: «Эй пок Парвардигор, биз фақат Сен билдирган нарсаларнигина биламиз. Албатта, Сен Ўзинг илму ҳикмат соҳибисан». 33. (Аллоҳ): «Эй Одам, уларга у нарсаларнинг исмларини билдирип», деди. (Одам) уларга барча нарсаларнинг исмларини билдирганидан кейин (Аллоҳ) айтди: «Сизларга, Мен еру осмонларнинг сирларини ва сизлар ошкор қилган ва яширган нарсаларни биламан, демаганимидим?» 34. Эсланг, (эй Мұхаммад), Биз фаришталарга Одамга таъзим қилинг дейишимииз билан саждага әгилдилар. Фақат Иблис кибр ва ор қилиб — коғирлардан бўлди. 35. Ва айтдик: «Эй Одам, сиз жуфтиңиз билан жаннатни маскан тутиңг ва ундан хоҳлаган жойларингизда бемалол таомланинг. Фақат мана бу дараҳтга яқинлашманги, у ҳолда золимлардан бўлиб қоласиз». 36. Бас, уларни шайтон ўйлдан озириб, масканларидан чиқарди ва айтдик: «Тушингиз (жаннатдан ерга)! (Сизлар) бир-бирингизга душмансиз. Энди маълум вақтгача (ажсалларингиз етгунча) ерда маскан тутиб яшайсиз». 37. Кейин, Одам Парвардигор тарафидан бир неча сўзлар (фармонлар) қабул қилиб олганидан сўнг Аллоҳ унинг тавбасини қабул қилди. Албатта У тавбаларни қабул қилгувчи меҳрибон Зотдир. 38. «У жойдан (жаннатдан) ҳаммангиз тушиңг», дедик. «Бас, сизларга Мен тарафдан ҳидоят келганида, шу ҳақ ўйлга эргашган кишиларга хавфу хатар ийқ ва улар гамгин бўлмайдилар». 39. Оятларимизни инкор қилиб, ёлгон деган кимсалар эса дўзах эгалари бўлиб, унда абадий қолажасклар. 40. Эй Бану Исроил, сизларга инъом қилган неъматимни эсланг ва Менга берган ваъда — аҳдга вафо қилинг. Шунда Мен ҳам аҳдга вафо қиласман. Ва мендангина қўрқинглар. 41. Сизлардаги нарсани (Тавротни) тасдиқ этган ҳолда нозил қилган нарсам (Куръонга) имон келтирингиз. Уни биринчи инкор қилувчилардан бўлмангиз. Ва оятларимни қиймати оз нарсаларга алмаштируманглар ва Мендангина эҳтиёт бўлинглар. 42. Ҳақни ботилга аралашибирманглар ва билган ҳолингизда ҳақни беркитманглар. 43. Намозни тўқис адo қилинг, закотни беринг ва руку қилгувчилар билан бирга руку қилинг“.

[2:26-43]

**Тафсир:**

﴿إِنَّ اللَّهَ لَا يَسْتَحِي إِنْ يَضْرِبَ مَثَلًا مَا بَعْوَذَةً فَمَا فَوَّهَا فَأَمَّا الَّذِينَ ءَامَنُوا فَيَعْلَمُونَ أَنَّهُ الْحَقُّ مِن رَبِّهِمْ وَأَمَّا الَّذِينَ كَفَرُوا فَيُقُولُونَ مَاذَا أَرَادَ اللَّهُ بِهِنَّا مَثَلًا يُضْلُلُ بِهِ كَثِيرًا وَيَهْدِي بِهِ كَثِيرًا وَمَا يُضْلُلُ بِهِ إِلَّا الْفَسِيقُونَ ﴾ الَّذِينَ

يَنْقُضُونَ عَهْدَ اللَّهِ مِنْ بَعْدِ مِيقَاتِهِ وَيَقْطَعُونَ مَا أَمَرَ اللَّهُ بِهِ أَنْ يُوصَلَ  
وَيُفْسِدُونَ فِي الْأَرْضِ أُولَئِكَ هُمُ الْحَسِيرُونَ ﴿٢٧﴾

— „26-27. Аллоҳ чивин ёки ундан-да ҳақиқар нарсалар ҳақида масал айтишидан ҳеч тортинмайди. Имонли кишилар унинг (масалнинг) ҳақиқатан Парвардигорлари тарафидан эканини биладилар. Кофирлар эса: «Буни мисол қилиши билан Аллоҳ нима демоқчи?» — дейдилар. Бу масал сабаб (Аллоҳ) кўпларни адаштиради ва кўпларни ҳақ йўлга ҳидоят қиласди. Бу масал сабаб фақат Аллоҳнинг аниқ кўрсатмаларини бузадиган, У боғланишига буюрган нарсаларни узадиган ва ер юзида бузгунчилик қилиб юрадиган фосиқ кимсаларнигина адаштиради. Улар, шубҳасиз, зиён кўргувчилардир“.

[2:26-27]

Бу оятлардан қўйидагилар англашилади:

1 — Аллоҳ Таолонинг

﴿إِنَّ اللَّهَ لَا يَسْتَخِي﴾

(*Аллоҳ ҳеч тортинмайди*), деган гапи араб тили қоидаларига кўра, савол берувчининг саволига жавоб бўляпти. Ривоятларда келишича, кофирлар, Мұҳаммаднинг Парвардигори чивин, ўргимчак каби майда нарсаларни мисол қилиб келтиришдан уялмайдими, дейишган. Шу гапдан олдин Аллоҳ Таоло Ўзидан бошқага ибодат қиласидиганлар, Аллоҳга ширк келтирадиганлар ҳақида бир масал зарб қиласди.

﴿إِنَّمَا النَّاسُ ضُرِبَ مَثَلٌ فَمَنْ سَمِعَ أَنَّهُ رَبٌّ إِنَّ الَّذِينَ تَدْعُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ لَنْ تَخْلُقُوا ذُبَابًا وَلَوْ أَجْتَمَعُوا لَهُ وَإِنْ يَسْأَلُهُمُ الْذَّبَابُ شَيْئًا لَا يَسْتَقِدُهُ مِنْهُ صَعْفَ الظَّالِبِ وَالْمَطْلُوبِ﴾

— „Эй инсонлар, бир масал айтилганdir, бас унга қулоқ тутингиз! — Аниқки, сизлар Аллоҳни қўйиб илтижсо қилаётган бутлар агар барчалари бирлашганларида ҳам бир чивин яратса олмаслар, агар чивин улардан бирон нарсани тортшиб олса уни (ўша чивиндан ҳам) қутқариб ола билмаслар. (Демак ўша бутлардан ҳожсатини раво қилишини) сўрагувчи (муширик) ҳам, сўралгувчи (бутлар) ҳам ноҷор-нотавонондир“.

[22:73]

﴿مَثُلُ الَّذِينَ أَخْنَدُوا مِنْ دُوبِ اللَّهِ أَوْيَاءَ كَمْثُلِ الْعَنَكَبُوتِ أَخْنَذْتُ بَيْتًا وَإِنَّ أَوْهِنَ الْبَيْوتَ لَيَبْتُ الْعَنَكَبُوتَ لَوْ كَانُوا يَعْلَمُونَ﴾

— „Аллоҳдан ўзга «дўстлар»ни ушлаган кимсаларнинг мисоли худди (ўзи учун) уй қуриб олиб, (ўша уйидан паноҳ истаган) ўргимчакка ўхшайди. Албатта уйларнинг энг нимжони ўргимчак уясидир. Кошки билсалар эди“ [29:41]

Шундан кейин кофирлар ўша гапларини айтгандилар. Бунга жавобан Аллоҳ Таоло

﴿إِنَّ اللَّهَ لَا يَسْتَحِيْ إِنَّمَا يَصْرِيْبُ مَثَلًا مَا بَعْوَذَةً فَمَا فَوْقَهَا﴾

(*Аллоҳ чивин ёки ундан-да ҳақиқар нарсалар ҳақида масал айтишидан ҳеч тортинмайди*) оятини нозил қилди. Бу араб тили бадиий санъатининг бир кўринишидир. Бу ерда рожиҳ маъно бор.

﴿لَا يَسْتَحِيْ﴾

(*Ҳеч тортинмайди*). Бу оят муташобиҳ оятлардан. Яъни, Аллоҳ Таоло сизларнинг бу гапинглардан қўрқиб мисоллар келтиришни тўхтатиб қўймайди. Чунки бу масаллар ҳақ масаллардир. Зоро, зарбулмасал маънени ойдинлаштириш учун қўлланади. Агар гап буюк ишлар ҳақида кетаётган бўлса, зарб қилинаётган масал ҳам буюк бўлади. Агар гап майда нарсалар ҳақида кетаётган бўлса, зарбулмасал ҳам майда бўлади. Ўларнинг Аллоҳга шерик қилган худолари майда нарсалар бўлгани учун Ҳаж, Анкабут сурасидаги зарбулмасаллар ҳам майда бўлди. Мана бу оятни ҳам шу маънодан келиб тушунадиган бўлсак, ўз ўрнига жуда мослиги аён бўлади. Бунинг учун ундан олдинги оятларга бир назар ташлайлик:

﴿فَلَا تَجْعَلُوا لِلَّهِ أَنْدَادًا وَأَنْتُمْ تَعْلَمُونَ﴾

(*Бас билиб туриб ўзгаларни Аллоҳга менглаштирманг*).

2 – *Ан يَصْرِيْبُ مَثَلًا مَا بَعْوَذَةً فَمَا فَوْقَهَا* – (*Чивин ёки ундан-да ҳақиқар нарсалар ҳақида масал айтишидан*). Бу ердаги ундан тепаси, деган сўз ўша зарб қилинаётган нарсага нисбатан қўлланяпти. Зарб қилинаётган нарса эса майдалик ва арзимаслиқдир. Шунга кўра, бу сўздан чивин ва ундан паст нарсалар... деган маъно чиқади. Пайғамбар ﷺ чивиннинг қанотини дунёга нисбатан зарбулмасал қилгандилар:

«لَوْ كَانَتِ الدُّنْيَا عِنْدَ اللَّهِ تَعْدُلُ جَنَاحَ بَعْوَضَةً مَا سَقَى الْكَافِرُ مِنْهَا شُرْبَةَ مَاءً»

«Агар дунёнинг Аллоҳ наздида бир чивиннинг қанотичалик қадри бўлганида кофир ундан бир ҳўплам сув ҳам ича олмаган бўларди». <sup>44</sup> Бу ерда Аллоҳнинг наздида охират неъматига нисбатан дунёвий луқманинг нақадар арзимас, майда нарсалиги кўрсатиляпти.

3 –

﴿فَأَمَّا الَّذِينَ ءَامَنُوا فَيَعْلَمُونَ أَنَّهُ الْحَقُّ مِنْ رَبِّهِمْ وَأَمَّا الَّذِينَ كَفَرُوا فَيَقُولُونَ  
مَاذَا أَرَادَ اللَّهُ بِهِنَّا مَثَلًا﴾

(Имонли кишилар унинг (масалнинг) ҳақиқатан Парвардигорлари тарафидан эканини биладилар. Кофирлар эса: «Буни мисол қилиши билан Аллоҳ нима демоқчи?» — дейдилар).

Бу ердаги (أَمَّا) ҳарфида шарт маъноси бор. Шунинг учун ҳам жавоби фо билан бериляпти. Жавобдаги бу фо таъкидни ифодалайди. Масалан, Сибавайҳ «أَمَّا زَيْدٌ فَذَاهِبٌ» аммо Зайд бас, у кетувчидир», деган иборага нима бўлишидан қатъий назар, Зайд барибир кетади, деган маънони берган. Шунга кўра, бу оятдан масал қандай бўлишидан қатъий назар, мўминлар ундан қониқадилар, уни тасдиқлайдилар, кофирлар эса уни масхаралаб, саркашликларида, манманликларида қолаверадилар, деган маъно келиб чиқади.

﴿مَاذَا أَرَادَ اللَّهُ بِهِنَّا مَثَلًا﴾

(Буни мисол қилиши билан Аллоҳ нима демоқчи?) оятидан кейин тўла тўхталади. Чунки бу ерда васл қилинса, яъни, тўхтамасдан кейинги гапга қўшиб келтилса, кейинги жумла олдинги жумлага сифат бўлиб қолади. Аслида эса бундай эмас. Зеро, адаштирадиган ва ҳидоят қиласиган масал эмас. Бизнинг айтиётганларимиз аммо сўзи билан бошланган икки жумланинг баёни ва тафсири, холос. Яъни, худди шу масал туфайли бир гурӯҳ одамлар ҳидоятга келиши

﴿فَأَمَّا الَّذِينَ ءَامَنُوا﴾

(Имонли кишилар), яна бир гурӯҳ одамлар эса залолатга кетиши

(44) Термизий: 2242, бу ҳалис саҳиҳ гариф, деди. Ибн Можа: 4100.

﴿وَمَا أَلِّذِينَ كَفَرُوا﴾

(коғирлар эса) мумкин. Шунинг учун бу жумла...нинг (юқорига боғлаб таркиб қилишнинг – грамматик таҳлил қилишнинг) ҳожати йўқ. Чунки у жумлайи тафсириядир, (тафсир қилувчи жумладир).

﴿يُضْلُّ بِهِ كَثِيرًا وَيَهْدِي بِهِ كَثِيرًا﴾

(Бу масал сабаб (Аллоҳ) кўпларни адаштиради ва кўпларни ҳак йўлга ҳидоят қиласди).

4 – Аллоҳ Субҳанаҳу зарб қилган масаллар туфайли залолатга кетадиганлар аслида фосиқларнинг ўзлари. Фисқ дегани аслдан чиқиш деганидир. Қушнинг тухумни синдириб чиқиши каби. Шариат аҳкомларидан чиқиш ҳам фисқдир. Бу ерда Аллоҳ Таоло фосиқларнинг икки белгисини баён қиляпти. Улар Аллоҳга берган аҳдларни бузиш ва Аллоҳ томонидан боғланилиши буюрган нарсаларни узишдир.

Биринчиси яъни, (نقض) сўзи боғланган нарсани ечиш, келишилган ишни бузиш маъноларини англатади. У умумий маънода бўлиб, Аллоҳга берилган ҳамма аҳдларга тегишлидир. Аллоҳ Ўзининг Китобида халқи устидаги бир қанча аҳдларни айтиб ўтиб, уларни бузмасдан бажаришга буюрган.

﴿وَإِذْ أَحَدَ رَبُّكَ مِنْ بَنِي آدَمَ مِنْ طُهُورِهِمْ ذُرِّيَّتُهُمْ وَأَسْهَدَهُمْ عَلَىٰ أَنْفُسِهِمْ أَلْسُتْ

﴿بِرَبِّكُمْ قَالُوا بَلَى شَهِدْنَا أَنْ تَقُولُوا يَوْمَ الْقِيَامَةِ إِنَّا كُنَّا عَنْ هَذَا غَافِلِينَ﴾

– „Парвардигорингиз Одам болаларининг белларидан зурриётларини олиб: «Мен Парвардигорингиз эмасманми?», деб, ўзларига қарши гувоҳ қилганида, улар: «Ҳақиқатан Сен Парвардигоримизсан, бизлар бунга шоҳидмиз», деганларини эсланг! (Сизлардан бундай гувоҳлик — аҳд-паймон олишимиз) қиёмат қунида: «Бизлар бундан бехабар эдик», демасликларингиз учундир“ [7:172]

Аллоҳ Одам зурриётидан У Зотнинг Парвардигор эканини тан олишлари ҳақида аҳд олган.

﴿وَإِذْ أَحَدَنَا مِنَ الْنَّبِيِّنَ مِيقَاتُهُمْ وَمِنْ لَكَ وَمِنْ نُوحٍ وَإِبْرَاهِيمَ وَمُوسَى وَعِيسَى أَبْنَ

﴿مَرِيمَ وَأَحَدَنَا مِنْهُمْ مِيقَاتًا عَلَيْظَا﴾

— „Эсланг, Биз (барча) пайғамбарлардан ва (хусусан) сиздан, Нұхдан, Иброҳим, Мусо ва Исо бинни Марямдан ақду паймонарларни олғандык. У ростғүйлардан (қиёмат қунида) ростғүйликлари ҳақида сұраш үчун улардан пухта ақду паймон олдик. Аллоҳ коғирлар үчүн аламли азоб тайёрлаб қўйгандир“.

[33:7]

Аллоҳ пайғамбарлардан рисолатни етказишлари ва динни барпо қилишлари ҳақида ақд олган.

﴿وَإِذْ أَخَذَ اللَّهُ مِيثَقَ الَّذِينَ أَوْتُوا الْكِتَابَ لَتُبَيِّنَنَّهُ لِلنَّاسِ وَلَا تَكُنُمُونَهُ فَنَبْذُوهُ وَرَأَءَ ظُهُورِهِمْ وَآشَرَوْا بِهِ مَمَّا نَعَمَّا قَلِيلًا فَبِئْسَ مَا يَشَرُّونَ﴾

— „Эсланг (эй Мұхаммад), Аллоҳ Китоб берилған кимсалардан «Албатта у Китобни одамларга очық баён қилурсизлар ва яширмайсизлар!» — деб ақд-паймон олған эди. Сұнг улар бу ақд-паймонни ортларига ташладилар ва уни озгина қийматтаға сотдилар. Уларнинг бу олди-сотдилари нақадар ёмон иш бўлди!“

[3:187]

Бу ақд пайғамбарлардан кейин олимларга тегишлидир. Иккинчиси яъни, узиш Аллоҳ томонидан боғланилиши буюрилған барча нарсалар борасидадир. У Аллоҳга итоат этишини ҳам, Пайғамбар ﷺ га эргашишни ҳам, қариндошлилик ришталарини узмасликини ҳам ҳамма-ҳаммасини бирдек ўз ичига олади.

Аллоҳ йиғири томонидан боғланилиши буюрилған нарсаларни узадиган ва Аллоҳнинг аҳдини бузадиган фосиқларни зиён кўргувчилар, деб сифатлади.



### **Қариндошлар ҳақида:**

Жоҳилятдаги араблар она томонидан бўладиган қариндошни айниқса у асаба ёки ўша замонда эътироф этилган меросхўрлардан бўлмаса, сариқ чақага ҳам олмасдилар. Чунки улар уруш пайтида йиғиладиган яъни, қон ва молга алоқадор ишларда асқотадиган кишиларгагина аҳамият берардилар. Она томонидан бўлган қариндошларга эса эътибор бермасдилар. Умуман олганда аёллар у пайтда жуда қадрсиз эдилар.

Ислом келиб, ҳамма одамларни Ислом риштаси билан боғлади.

﴿يَأَيُّهَا النَّاسُ إِنَّا خَلَقْنَاكُم مِّنْ ذَكَرٍ وَأُنثَىٰ وَجَعَلْنَاكُمْ شُعُوبًا وَقَبَائِلَ لِتَعَارِفُوا إِنَّ أَكْرَمَكُمْ عِنْدَ اللَّهِ أَنَّكُمْ إِنَّ اللَّهَ عَلَيْمٌ حَبِيرٌ﴾

— „Эй инсонлар, дарҳақиқат Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишинглар (дўст-биродар бўлишинглар) учун сизларни (турли-туман) ҳалқлар ва қабила-элатлар қилиб қўйдик. Албатта сизларнинг Аллоҳ назидаги энг ҳурматлирогингиз тақвадоррингиздир. Албатта Аллоҳ билгувчи ва огоҳдир“.

[49:13]

У кишини ўзининг барча қариндошлари билан ҳам боғлади. Ҳар бир ҳақдорга ўз ҳаққини берди. Асабалар кимлар, хун оладиганлар кимлар, меросхўрлар кимлар, уларнинг оладиган улушлари қанча ҳамма-ҳаммасини баён қилди. Шунингдек асаба бўлмаган қариндошларни ҳам, мерос олмайдиган қариндошларни ҳам айтиб ўтиб, уларни улил-арҳам яъни қариндошлар, деб номлади. Айтиб ўтганимиздек бундай қариндошларга жоҳилиятда эътибор берилмасди.

﴿وَأُولُو الْأَرْحَامِ بَعْضُهُمْ أُولَئِي بَعْضٍ فِي كِتَابِ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ﴾

— „Аллоҳнинг Китобида қон-қариндошлилар бир-бирларига (меросхўр бўлишига) ҳақдорроқдирлар. Албатта, Аллоҳ ҳамма нарсани билгувчиdir“.

[8:75]

﴿وَاتَّقُوا اللَّهَ الَّذِي تَسَاءَلُونَ بِهِ وَالْأَرْحَامَ﴾

— „Яна ораларингиздаги савол-жавобларда ўртага номи солинадиган Аллоҳдан қўрқингиз ва қариндошилик (алоқаларидан) қўрқинг“.

[4:1]

«مَنْ سَرَّهُ أَنْ يُبَسِّطَ عَلَيْهِ رِزْقُهُ، وَيُنَسِّأَ لَهُ فِي أَثْرِهِ فَلِيُصْلِ رَحْمَةً»

«Кимики ризқи мўл бўлишилиги, номи узоқ яшашлиги хурсанд қиласа, қариндошлари билан борди-келди қиласин». <sup>45</sup>

«الرَّحْمُ مُعلَّقةٌ بِالْعَرْشِ تَقُولُ: مَنْ وَصَلَّى وَصَلَّاهُ اللَّهُ وَمَنْ قَطَعَنِي قَطَعَهُ اللَّهُ»

«Қариндошлилик Аршга осилган бўлади ва шундай дейди: Қим мен билан уланса, Аллоҳ у билан уланади, ким мен билан узилса, Аллоҳ у билан узилади».<sup>46</sup>

(45) Бухорий: 1925, 5526, Муслим: 4638.

Ислом борди-келди қилишга ундаиди. Қариндошлилк ришталарини узишни ҳаром қилади. Бу ишда у жуда қаттиқ туради. Улул-арҳамлар юқорида айтиб ўтганимиздек кишининг асаба ва меросхўр бўлмаган қариндошларири. Улар тоға, хола, амма, амакининг қизи, қизнинг ўғли, аканинг қизлари, опасингилнинг ўғли, аканинг она бир ўғли, она бир амаки, онанинг бобоси ва шулар орқали боғланувчи қариндошлардир.

Юқоридаги далилларга кўра, маҳрам қариндош билан боғланиш (унинг ҳолидан хабар олиб туриш) фарзdir.

Маҳрам бўлмаган қариндош билан борди-келди қилиш эса мандубдир. Негаки, номаҳрам билан холи қолиш мумкин эмаслиги, аёл ўзининг шахсий ҳаётида фақат ўз маҳрамлари билангина жам бўла олиши номаҳрам қариндошлардаги боғланиш фарз эмаслигини яъни, шу ҳақдаги буйруқ қатъий эмаслигини кўрсатади.



﴿كَيْفَ تَكُفِّرُونَ بِاللَّهِ وَكُنْتُمْ أَمْوَاتًا فَأَحْيَنَاكُمْ ثُمَّ يُمِيتُكُمْ ثُمَّ تُحْيِيْكُمْ ثُمَّ إِلَيْهِ﴾

تَرْجُعُونَ

— „28. Ўлик танангизга жон берган, кейин ўлим берадиган, сўнгра яна тирилтирганидан кейин Ўзига қайта жасагингиз — Аллоҳни қандай инкор қиласиз-а?“ [2:28]

Бу ердаги сўроқ гап, оддий сўроқ гап эмас, таажжубланиш маъносидаги, маъқулламаслик маъносидаги сўроқ гапдир. Аслида тирилтирадиган ва ўлдирадиган Яратувчига куфр келтириш эмас, бандалик қилиш лозим эди. Зеро, сизлар бир томчи сув бўлиб турган пайтингизда сизларга ҳаёт берган ҳам, онангизнинг қорнида бўлиб турган пайтингизда ичингизга жонни пуфлаб киритган ҳам, сизларни ҳаёт майдонига олиб чиқсан ҳам, ажалинглар етганидан кейин сизларни вафот эттирадиган ҳам, ўлганинглардан кейин сизларни яна қайта тирилтирадиган ҳам Ўша Аллоҳдир. қиёмат кунида ҳисоб бериш учун борадиган жойинглар ҳам Ўша Аллоҳгадир. Мана шуларнинг барчаси аслида сизларни куфрга эмас, имонга ундаши керак эмасмиди?! Шунинг учун ҳам биз бу ердаги сўроқ гап оддий сўроқ гап эмас, таажжубланиш маъносини, маъқулламаслик маъносини англатувчи сўроқ гапдир, дедик.

(46) Муслим: 4635. Термизий: 3011. Абу Довуд: 2520. Аҳмад: 2 / 163. Ибн Ҳаброн 2 / 175.



﴿هُوَ الَّذِي خَلَقَ لَكُمْ مَا فِي الْأَرْضِ جَمِيعاً ثُمَّ أَسْتَوَى إِلَى السَّمَاءِ فَسَوَّهُنَّ سَبْعَ

سَمَوَاتٍ وَهُوَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ﴾

– „29. У шундай Зотки, сиз учун ердаги барча нарсаны яратди. Сүнгра самога юзланды-да, уларни етти осмон қилиб тиклади. У ҳамма нарсаны билгувчиодир“.

[2:29]

Аллоҳ Таоло ердаги ҳамма нарсаларни инсонлар улардан фойдаланишлари учун яратган. Мана шу оят нарсалардаги асллик мубохлиkdir, деган шаръий қоидданинг далилларидан биридир. Араблар (استوى) сүзини ҳеч нарсага қарамасдан түппат-түғри мақсад қилинган иш сари бориш, деган маънода ҳам ишлатишган. Бу гапни Фарро айтган. Мен бу оятда (استوى) сүзининг худди шу маъносини қўллаш рожихроқ, деб биламан. Яъни, Аллоҳ ерни яратганидан кейин бошқа ҳеч нарсанни яратмай туриб, осмонни яратишга киришди. Рожихроқ, деб биламан деганимнинг боиси бу ердаги истиво сўзи муташобиҳ сўзлардандир. Аллоҳ осмонларнинг яратилишини қиёмига етказиб, уларни еттида қилди. Аллоҳ Ўзи яратган нарсаларнинг ҳаммасини билгувчи бўлган Алим Зотdir.



﴿وَإِذْ قَالَ رَبُّكَ لِلْمَلَائِكَةِ إِنِّي جَاعِلٌ فِي الْأَرْضِ خَلِيفَةً قَالُوا أَجَعِلُ فِيهَا مَن يُفْسِدُ فِيهَا وَيَسْفِكُ الدِّمَاءَ وَنَحْنُ نُسَبِّحُ بِحَمْدِكَ وَنُقَدِّسُ لَكَ قَالَ إِنِّي أَعْلَمُ مَا لَا تَعْلَمُونَ﴾

﴿وَعَلَمَ إِدَمَ الْأَسْمَاءَ كُلَّهَا ثُمَّ عَرَضَهُمْ عَلَى الْمَلَائِكَةِ فَقَالَ أَنْبِعُونِي بِاسْمَاءِ هَؤُلَاءِ إِنْ كُنْتُمْ صَدِيقِينَ﴾

﴿قَالُوا سُبْحَنَكَ لَا عِلْمَ لَنَا إِلَّا مَا عَلَمْنَا إِنَّكَ أَنْتَ الْعَلِيمُ الْحَكِيمُ﴾

﴿قَالَ يَعَادُمُ أَنْبِعُهُمْ بِاسْمَاءِهِمْ فَلَمَّا أَنْبَاهُمْ بِاسْمَاءِهِمْ قَالَ أَلَمْ أَقْلِ لَكُمْ إِنِّي أَعْلَمُ غَيْبَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَأَعْلَمُ مَا تُبَدِّدُونَ وَمَا كُنْتُمْ تَكْتُمُونَ﴾

– „30. Эсланг, (эй Мұхаммад), Парвардигорингиз фаршишталарга: «Мен ерда (Одамни) халифа қилмоқчиман»,

*деганида улар айтдилаr: «У ерда бүзгүнчилк қиладиган, қонлар түкадиган кимсани (халифа) қиласанми? Ҳолбуки, биз ҳамду сано айтиши билан Сени улуглаймиз ва Сенинг номингни мудом пок туттамиз». (Аллоҳ) айтди: «Мен сизлар билмаган нарсаларни биламан». 31. Ва У Зот Одамга барча нарсаларнинг исмларини ўргатди. Сўнгра уларни фаришталарга рўбарў қилиб деди: «Агар Халифаликка биз ҳақдормиз, деган сўзларингиз рост бўлса, мана бу нарсаларнинг исмларини Менга билдиринг!» 32. Улар айтдилаr: «Эй пок Парвардигор, биз фақат Сен билдирган нарсаларнигина биламиз. Албатта, Сен Ўзинг илму ҳикмат соҳибисан». 33. (Аллоҳ): «Эй Одам, буларга у нарсаларнинг исмларини билдири», деди. (Одам) уларга барча нарсаларнинг исмларини билдирганидан кейин (Аллоҳ) айтди: «Сизларга, Мен еру осмонларнинг сирларини ва сизлар ошкор қилган ва яширган нарсаларни биламан, демаганимидим?» [2:30-33]*

Аллоҳ Таоло ўлдирувчи ҳам, тирилтирувчи ҳам, осмонлару ерни яратган ҳам, ҳамма нарсани биладиган Алим ҳам Ўзи эканини баён қилганидан кейин одамларга берган яна бир ортиқча неъматини ҳам айтиб ўтяпти. Юқоридагилар Аллоҳнинг шунча неъматларини кўриб туриб ҳам яна кофир бўлаётган кимсалардан ажабланиш, уларни койиш маъноларини англатади. Негаки, аслида бу нарсалар уларни имон келтиришга, ўнгланишга ундаши керак эди. Лекин улар куфр келтирилар, залолатга кетдилар.

Аллоҳнинг инсонларга ато этган бу ортиқча неъмати Одам ~~халифалик~~ни ердаги Халифалик, ноублик мақомига муносиб айлаганидир, яъни, у кишига Халифалик, ноублик қила олиш қобилиятини инъом этганидир.

Фаришталар нима учун Халифаликка фаришталарни эмас, Одамни муносиб айлагани хусусида Аллоҳдан изоҳ сўрагандилар. Ахир биз кечаю кундуз тасбех айтиб, ибодат қилсак, Аллоҳни улуғласак, Одам фарзандлари эса ноҳақ қонлар тўкишса, дейишганди. Буни уларга Аллоҳ Таоло билдирганди. Бунга жавобан Аллоҳ Одамга уларга бермаган бир неъматини ато этганини айтди. Яъни, У Зот Одамга номларни ўргатди. Номлар ичида уларнинг обьекти бўлган маҳлуқотларнинг хусусиятлари ҳам, мазмун моҳиятлари ҳам бор.

Аллоҳ бу нарсаларни фаришталарга ўргатмаганди. Уларни фақат Одамга ўргатди. Токи, Одам шу маълумотларни ишга солиб, ерни обод қиладиган, ўзини Халифалик мақомига муносиб, қобил этадиган фикрларни ўйлаб топсин. Ана шунда фаришталарга Аллоҳ Ўз фазли ила Одамга улар билмайдиган

нарсаны ўргатгани, хилофат, ноиблик иши Аллоҳнинг қўлида бўлиб, уни Ўзи истаган маҳлуқига бериши мумкинлиги, Аллоҳ ҳар бир маҳлуқни нима учун яратган бўлса, ўша нарсага лаёқатли қилгани, фаришталар бошқа нарса учун, Одам эса бошқа нарса учун яратилганилиги аён бўлди. Аллоҳ ғайбни ҳам, улар ошкор этгану сир сақлаган ишларни ҳам биладиган Зотдир.



### **Ақл мавзуси**

Шу ўринда бироз тўхтаб, нарсаларни қандай тушуниш, идрок қилиш, қандай қилиб инсонда янги фикрлар туғилиш йўлларини кўриб чиқиш зарур бўлса керак.

Шу ишни чуқур тадаббур қиласиган бўлсак, инсонда қайси бир нарса ҳақида фикрлаш, ақл юритиш амалиёти бўлиши учун тўрт иш зарурлигини англаймиз. Улар қўйидагилар:

1 – Идрок қилиниши, ақл юритилиши, тафаккур қилиниши зарур бўлган ишнинг ўзини ёки таъсирини (қолдирган изини) инсон ҳис эта олиши мумкин бўлган воқеи бўлиши;

2 – Шу инсонда шу воқенинг ўзини ёки таъсирини ҳис этиш учун керак бўлган соғлом ҳисларнинг мавжуд бўлиши;

3 – Шу инсонда унга воқени ҳис этишни кўчириб берадиган соғлом миянинг мавжуд бўлиши;

4 – Шу воқени изоҳлаб берадиган собиқ маълумотларнинг мавжуд бўлиши.

Мана шу тўрт ишдан бири бўлмай қолса, ақлий амалиёт тўлақонли амалга ошмайди. Бинобарин, нарсани тушуниш, идрок қилиш, у ҳақда ўйлаш ҳосил бўлмайди. Бу уч сўз яъни, ақл юритиш, идрок қилиш, тафаккур қилиш сўзлари бир хил маънода. Хаёл қилиш, фараз қилиш каби маънолар ҳам шулар жумласидандир.

Дейлик, бир яхшигина воқе бор. У яхшилаб сайқалланган қоғозга араб тилида яхшилаб ёзилган бир китоб. Шу воқенинг олдига соғлом мияси, соғлом ҳислари бор бўлган бир олимни олиб келиб қўяйлик. Лекин бу олим арабчани билмайди. Бу олим ҳеч қачон бу китобдаги бирон нарса хусусида ҳам ақл юритолмайди, фикр қилолмайди. Чунки унда собиқ маълумотлар йўқ. Яъни, у арабчани билмайди. Бошқачароқ қилиб айтганда бу ерда юқоридаги тўрт элементдан биттаси мавжуд эмас. Шунингдек ўша элементлардан бошқа бири мавжуд бўлмаса ҳам ақлий амалиёт амалга ошмайди. Масалан, ўша олим арабчани билсаю лекин унинг кўзи кўр бўлса.

Аллоҳ инсонни яратиб, унга шундай хусусиятни бердики, бу хусусият билан инсон юқорида айтиб ўтилган элементлар тўла бўлса, тафаккур, идрок қила олади ва унга асосланиб, инсонда тинимсиз турли фикрлар туғилиб туради.

Шу ерда бир савол туғилади: Модомики, инсон фикрлаш учун собиқ маълумотларга муҳтож бўлар экан, у ҳолда унинг биринчи фикрлаши қандай ҳосил бўлган?

Бу нарсани бизга Аллоҳ Таоло мана шу ояти карима билан ўргатади. Яъни, Одамга ўша собиқ маълумотларни берган Зот Аллоҳдир. Инсонга халифалик, ноиблик қилиб, ер юзини обод қилиш учун фикрлаш қобилиятини ато этган ҳам Ўша Зотдир. Фаришталар худди мана шу нарса ҳақида изоҳ сўраганлар. Одам وَلَمْ يَرَهُ إِذْ أَنْشَأَهُ اللَّهُ مِنْ عَرْضِهِ ердаги ноибликка қобил қилган омил ҳам мана шудир.

وَلَمْ يَرَهُ إِذْ أَنْشَأَهُ اللَّهُ مِنْ عَرْضِهِ

*(Ва У Зот Одамга барча нарсаларнинг исмларини ўргатди. Сўнгра уларни фаришталарга рўбарў қилди).*

Шундай қилиб тафаккур собиқ маълумотларсиз рўй бермайди. Даҳрийлар ақлни воқенинг миядаги инъикоси, деб таърифлаб ўзларини ўзлари алдаганлар. Улар собиқ маълумотлар ҳақида лом-мим демаганлар. Чунки шу ҳақда ҳам гапирадиган бўлсалар, инсонга илк фикрни келтириб чиқарган собиқ маълумотни ато этган борлиқнинг Яратувчиси борлигига имон келтиришлари зарур бўлиб қоларди.

Бу таърифни синчиклаб ўрганадиган бўлсак, унинг матн жиҳатидан ҳам, мавзу (қўйилиши) жиҳатидан ҳам хатолиги аён бўлади.

Матн жиҳатидан қаралганда воқе билан мия ўртасида инъикос бўймайди. Чунки инъикос нурнинг воқега тушиши, кейин шу нурнинг мияда аксланишидир. Лекин бу иш бўймайди. Мия билан воқе ўртасидаги муносабатда воқени ҳис этишгина ҳосил бўлади, холос. Ҳатто уларни матн жиҳатидан тўғри, деб олган тақдиримизда ҳам иш миянинг воқени ҳис этиши билан якун топади. Бу нарса фикрни пайдо қилишга кифоя қилмайди. Бунинг учун шу уч омил билан бирга тўртингч омил яъни, шу воқени изоҳлаб берадиган собиқ маълумотлар омили ҳам бўлиши шарт.

Улар бу нарсани жуда яхши биладилар. Чунки ўзлари ҳам нарсалар воқелари хусусидаги фикрларни уларни изоҳлаб берадиган собиқ маълумотларни ишга солиш йўли билан келтириб чиқарадилар. Лекин улар коғирликлари, саркашликлари, безликлари туфайли Мудабibir Яратувчига имон

келтиришга бориб қолмаслик мақсадида ўзларини ўзлари алдайдилар, ишларни атайин чалкаштирадилар.

Шунга кўра, Аллоҳ хусусан инсоннинг ўзигагина бериб, шу билан уни муфаззал қилган ва унга биноан Одамга нарсаларнинг номларини ўргатган бу неъмат инсонни ердаги ноибликка муносиб қилиб қўяди. Бу неъмат фаришталарда мавжуд эмас. Аллоҳ ҳар қандай нуқсонлардан Покдир. Беҳисоб неъматлари учун Унга ҳамд бўлсин!



﴿وَإِذْ قُلْنَا لِلْمَلَائِكَةِ اسْجُدُوا لِأَدَمَ فَسَجَدُوا إِلَّا إِبْلِيسَ أَبَى وَاسْتَكَبَرَ وَكَانَ مِنَ

الْكُفَّارِ ﴿الكافرят﴾

— „34. Эсланг, (эй Мұхаммад), *Биз фаришталарга Одамга таъзим қилинг дейшишимиз билан саждага эгилдилар. Фақат Иблис кибр ва ор қилиб — кофирлардан бўлди“.* [2:34]

Аллоҳ Таоло Одам яратганидан кейин фаришталарга Одамга сажда қилишни буюрди. Ҳаммалари унга сажда қилдилар. Бу оятдан қуидагилар тушунилади:

1 — Аллоҳ Одамга сажда қилишга буюрди. Сажда эса маълумки, фақат Аллоҳгагина хос бўлган ибодатdir.

﴿وَمَا حَلَقْتُ آنِينَ وَالْإِنْسَانَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ﴾

— „Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишилари учунгина яратдим“.

[51:56]

Шунинг учун бу ердаги Одамга сажда қилиш ҳақидаги буйруқ қатъий буйруқдир яъни, фарздир. Чунки агар у фарз амал бўлмайдиган бўлса, Одамга сажда қилиш гуноҳ ва қуфр бўларди. Мана шу усул фанидаги тадқиқотларга кўра, бу буйруқнинг қатъийлигига далилдир. Шунинг учун бу ердаги (اسْجُدُوا) деган буйруқ мазкур қаринага биноан вожибликни ифодалайди.

2 — Шундай қилиб иблис лаъиннинг сажда қилмаслиги Аллоҳнинг фармонига осийлик қилишидир. Лекин иблис тарафидан бўлган бу осийлик Аллоҳ фармонининг тӯғрилигини инкор этиш бўлди. Шунинг учун иблис кофирга айланди. Чунки Аллоҳнинг буйруфини инкор қилган кимса кофир бўлади.

﴿قَالَ مَا مَنَعَكَ أَلَّا تَسْجُدَ إِذْ أَمْرَتُكَ قَالَ أَنْ أَسْجُدَ لَهُ مِنْهُ خَلَقْتَنِي مِنْ نَارٍ وَخَلَقْتَهُ مِنْ

طِينٍ﴾

– „(Аллоҳ) деди: «Сенга буюрган пайтимда нима сени сажда қилишдан түсди?». «Мен ундан (Одамдан) яхшироқман. Мени оловдан яратгансан. Уни эса лойдан ярататдинг», деди у“. [7:12]

Яъни, иблик лаъин Аллоҳнинг буйругини нотўғри, деб ҳисоблади. Шунга биноан, қайси бир одам қатъий фарзни инкор қилгани ҳолда бажармаса, кофир бўлади. Бу масалада ҳеч қандай шубҳа ҳам, ихтилоф ҳам йўқ.

3 – Бу ердаги истисно мунқатиъ (узилган) истиснодир.

﴿فَسَاجَدُوا إِلَّا إِبْلِيسَ أَبِي﴾

(Саждага эгилдилар. Фақат Иблис кибр ва ор қилиб - кофирлардан бўлди). Агар у мунқатиъ бўлмасдан муттасил (тушашган) бўлганида, иблик фаришталардан бўларди. Истиснонинг мунқатиълиги иблиснинг фаришталардан эмаслигини билдиради. Бу ердаги (إِلَّا) мунқатиъдир, лекин маъносидадир. Мана бу оятга мурожаат қилсақ, бу фикримиз ойдинлашади.

﴿وَإِذْ قُلْنَا لِلْمَلَائِكَةِ اسْجُدُوا لِأَدَمَ فَسَاجَدُوا إِلَّا إِبْلِيسَ كَانَ مِنَ الْجِنِّ فَسَقَ عَنْ أَمْرِ

رَبِّهِ﴾

– „Эсланг, (эй Мухаммад), фаришталарга Одамга таъзим қилинг, дейишимииз билан саждага эгилдилар. Фақат иблис (сажда қилмади). У жинлардан эди. Бас, Парвардигорининг амрига бўйсуншидан бош тортди“. [18:50]

Демак, иблик фаришталардан эмас, жинлардандир.



﴿وَقُلْنَا يَأَادُمُ أَسْكُنْ أَنْتَ وَزَوْجُكَ الْجَنَّةَ وَكُلَا مِنْهَا رَغْدًا حَيْثُ شِئْتُمَا وَلَا تَقْرَبَا

هَذِهِ الْشَّجَرَةَ فَتَكُونَا مِنَ الظَّالِمِينَ ﴿٢٥﴾ فَأَزَّلَهُمَا الشَّيْطَنُ عَنْهَا فَأَخْرَجَهُمَا مِمَّا كَانَا

فِيهِ ﴿٢٦﴾ وَقُلْنَا أَهْبِطُوكُمْ لِبَعْضِكُمْ عَدُوًّا وَلَكُمْ فِي الْأَرْضِ مُسْتَقْرٌ وَمَتَّعْ إِلَى حِينِ

فَتَلَقَّىٰ ءَادُمُ مِنْ رَّبِّهِ كَلِمَتٍ فِتَابٍ عَلَيْهِ إِنَّهُ هُوَ الْتَّوَابُ أَلَّرَحِيمُ ﴿٧﴾ قُلْنَا آهَمِطُوا  
مِنْهَا جَمِيعًا طَفَلًا مِّنْكُمْ مَّتَّىٰ هُدًى فَمَنْ تَبَعَ هُدًى اَفَلَا حَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ  
تَحْزَنُونَ ﴿٨﴾ وَالَّذِينَ كَفَرُوا وَكَذَّبُوا بِمَا يَتَبَشَّرُونَ أُولَئِكَ أَصْحَبُ النَّارِ هُمْ فِيهَا خَلِيلُونَ



— „35. Ва айтдик: «Эй Одам, сиз жуфтингиз билан жаннатни маскан тутинг ва ундан хоҳлаган жойларингизда бемалол таомланинг. Фақат мана бу дараҳтга яқинлашмангки, у ҳолда золимлардан бўлиб қоласиз». 36. Бас, уларни шайтон йўлдан оздириб, масканларидан чиқарди ва айтдик: «Тушингиз (жаннатдан ерга)! (Сизлар) бир-бирингизга душмансиз. Энди маълум вақтгача (ажалларингиз етгуунча) ерда маскан тутиб яшийсиз». 37. Кейин, Одам Парвардигор тарафидан бир неча сўзлар (фармонлар) қабул қилиб олганидан сўнг Аллоҳ унинг тавбасини қабул қилди. Албатта У тавбаларни қабул қилгувчи меҳрибон Зотдир. 38. «У жойдан (жаннатдан) ҳаммангиз тушинг», дедик. «Бас, сизларга Мен тарафдан ҳидоят келганида, шу ҳақ йўлга эргашган кишиларга ҳавфу ҳатар йўқ ва улар гамгин бўлмайдилар». 39. Оятларимизни инкор қилиб, ёлғон деган кимсалар эса дўзах эгалари бўлиб, унда абадий қолажаклар“.

[2:35-39]

Бу оятлардан қуидагилар англашилади:

1 – Иблис коғир бўлганидан кейин Аллоҳ уни жаннатдан чиқариб юборди.

﴿قَالَ فَأَخْرَجَ مِنْهَا فَإِنَّكَ رَجِيمٌ ﴿٩﴾ وَإِنَّ عَلَيْكَ لَعْنَتٌ إِلَى يَوْمِ الْدِينِ﴾

— „(Аллоҳ) деди: «Бас ундан (яъни, жаннатдан) чиқ! Энди сен, шак-шуҳбасиз, (Менинг даргоҳимдан) кувилган — малъунсан. Ва албатта то жазо (қиёмат) қунигача сенга Менинг лаънатим бўлур»“.

Кейин Одам билан унинг аёлига жаннатни маскан қилиб берди. Уларга жаннатдаги ҳамма нарсадан ейишга рухсат бериб, фақат бир дараҳтдан емасликни, агар ундан ейдиган бўлсалар, золимлардан бўлиб қолишлиарини тайинлади. Зулм бу бир нарсани ўз ўрнига қўймасликдир. Шунга биноан,

﴿إِنَّ الْشَّرَكَ لَظُلْمٌ عَظِيمٌ﴾

— „Чунки ширк келтириши катта зулмдир“.

[31:13]

оятининг маъносини ширқ, деб тушунамиз. Бу ерда махлук Холиқ мартабасига қўйиляпти. Бояги гапга қайтадиган бўлсак, махлук ўз ўрнига қўйилмаяпти. Қайси бир нарса ўз ўрнига қўйилмаса, у зулмдир. Ким Аллоҳ нозил қилган ҳужжатлар билан ҳукм юритмаса, у золимдир.

﴿وَمَنْ لَمْ يَحْكُمْ بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ﴾

– „Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм қилмас экан, бас, улар золимлардир“. [5:45]

Бу ерда башар қонуни башар Парвардигорининг қонуни ўрнига қўйиляпти. Яъни, башар қонуни ўз ўрнига қўйилмаяпти. Башар қонунини ўз ўрнига қўймаган кимса золимдир. Биз тафсир қилаётган оятда Аллоҳ бир дараҳтни тақиқлади. Улар эса шу тақиқни ўз ўридан жилдиришиб, ҳалиги дараҳтдан ейиши ва шу билан золимлардан бўлиб қолишли.

2 – Лекин уларни иблис васваса қилганди. Тўғри, Аллоҳ Таоло иблисни жаннатдан ҳайдаганди. Лекин унинг жаннатдан ташқарида туриб ҳам васваса қила олиш қурдатини ўзида қолдирганди. Бу васваса қандай юз беришини Аллоҳнинг Ўзи билади. Бу Одамни синаш учун, имтиҳон қилиш учун қилинган иш эди.

﴿فَوَسَوَسَ لَهُمَا الشَّيْطَنُ﴾

– „Сўнг шайтон уларни васвасага солди“. [7:20]

Шайтон уларни тойилтириди. Яъни, ўша дараҳтдан еб, тойилишларига унгади. Натижада Аллоҳ Одам ва унинг аёлинни жазолаб, уларни жаннатдан чиқариб, ерга қўйди ҳамда унинг зурриёти ўртасида душманлик бўлишини, то ажаллари етиб, яна Аллоҳга қайтгунларига қадар ер улар учун (Одам ва унинг зурриёти учун) қароргоҳ, яшайдиган маскан бўлишини билдириди.

3 – Шундан кейин Аллоҳ Одамга Аллоҳга тавба қилиш учун айтиладиган сўзларни ваҳи қилди. Одам ўша сўзларни айтди ва Аллоҳ унинг тавбасини қабул қилди. Оятнинг маъносига қараганда бу сўзларни ўрганиш, тавба қилиш ва тавбанинг қабул бўлиши жуда тез, Одам ﷺ жаннатдан ерга тушган пайтнинг ўзида бўлган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَتَلَقَّى إِدَمُ مِنْ رَبِّهِ كَلِمَتٍ فَتَابَ عَلَيْهِ﴾

(Кейин, Одам Парвардигор тарафидан бир неча сўзлар (фармонлар) қабул қилиб олганидан сўнг Аллоҳ унинг тавбасини қабул қилди) бу ердаги фо таъқиби (тез, бевосита ортидан

содир бўлганликни) ифодалайди. Тавба қилиш ва тавбасининг қабул бўлиши бу ерда Ҳаво онамизга ҳам тааллуқлидир. Чунки араблар кишиларни аёллардан устун қўйиб гапирадилар. Яъни, уларнинг эркакларига айтилган гап аёлларига ҳам айтилган гап бўлаверади.

4 – Аллоҳ Таолонинг

﴿فَلَنَا أَهِبْطُوا مِنْهَا جَمِيعًا﴾

(«У жойдан (жаннатдан) ҳаммангиз тушинг», дедик), деган гапи олдинги буйруққа таъкидdir, қўшимча хитоб баёнидир. Яъни, Аллоҳ Одам зурриётiga яқинда уларга Аллоҳнинг ҳидоятини етказадиган пайғамбарларни юборишини билдирияпти. Шундан сўнг Аллоҳ ҳам ёмон оқибатдан огоҳлантиряпти ва ҳам яхши оқибатнинг суюнчли хабарини беряпти. Ҳидоятга эргашганлар Аллоҳ томонидан бўладиган хавфсизликка ноил бўладилар. Бу баён ўта кучли сийгада (ифодада) келяпти. Улар ўтиб кетиб бўлгану энди келадиган ҳар қандай хавфдан омонда бўладилар.

﴿فَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ تَحْزَنُونَ﴾

(Уларга хавфу хатар йўқ ва улар ғамгин бўлмайдилар). Бу дунёю охиратдаги хавфсизликнинг, хотиржамликнинг энг юксак чўққисидир. Коғир бўлиб, Аллоҳнинг пайғамбарларини ёлғончига чиқарганлар эса жаҳаннам аҳлига айланиб, унда абадий қолурлар.

\* \* \*

﴿إِبْرَئِيلَ أَذْكُرُوا نِعْمَتَ اللَّهِ الَّتِي أَنْعَمْتُ عَلَيْكُمْ وَأَوْفُوا بِعَهْدِكُمْ وَإِيَّى فَارَّهُبُونَ ﴿١﴾ وَءَامِنُوا بِمَا أَنْزَلْتُ مُصَدِّقًا لِمَا مَعَكُمْ وَلَا تَكُونُوا أَوَّلَ كَافِرِينَ وَلَا تَشْتَرُوا بِثَائِيَّتِي شَمَانًا قَلِيلًا وَإِيَّى فَاتَّقُونَ ﴿٢﴾ وَلَا تَلْبِسُوا الْحَقَّ بِالْبَطْلِ وَتَكْتُمُوا الْحَقَّ وَأَنْتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿٣﴾ وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَءَاتُوا الْزَكُوْةَ وَأَرْكَعُوا مَعَ الْرَّاكِعِينَ ﴿٤﴾﴾

– „40. Эй Бану Исроил, сизларга инъом қилган неъматимни эсланг ва Менга берган ваъда — аҳдга вафо қилинг. Шунда Мен ҳам аҳдга вафо қиласман. Ва мендангина қўрқинглар. 41. Сизлардаги нарсани (Тавротни) тасдиқ этган ҳолда нозил қилган нарсам (Куръонга) имон келтирингиз. Уни биринчи инкор қилувчилардан бўлмангиз. Ва оятларимни қиймати оз нарсаларга

*алмаштирганлар ва Мендангина эҳтиёт бўлинглар. 42. Ҳақни ботилга аралаштирганлар ва билган ҳолингизда ҳақни беркитманглар. 43. Намозни тўқис адо қилинг, закотни беринг ва руку қилгувчилар билан бирга руку қилинг“.* [2:40-43]

Бу оятлардан қўйидагилар англашилади:

1 – Бу Бану Исроилга яъни, Аллоҳнинг пайғамбари Яъқуб ёнинг авлодига қаратилган хитобдир. Улар Аллоҳнинг ўзларига берган неъматларини эсласинлар. Аллоҳ уларни Фиръян оиласидан, чўкиб кетишдан қутқарди. Уларни яшин урганидан кейин қайта тирилтириди. Уларга осмондан шириналлик, бедана ва бошқа Куръонда айтилган неъматларни ёғдириб берди. Бу оядта улар Аллоҳнинг ҳамма неъматларини батамом унутишган, деган маъно бор. Демак, улар фақат ношукрлик қилибгина қолишмасдан, бу неъматларни батамом унутишган. Оятнинг оқими шунга далолат қилади.

﴿أَذْكُرُوا نِعْمَتَ اللّٰهِ الَّتِي أَنْعَمْتُ عَلَيْكُمْ﴾

*(Сизларга инъом қилган неъматимни эсланг).* Чунки эслашга буориш

﴿أَذْكُرُوا﴾

*(эсланг)* уларнинг бу неъматларни батамом унутиб юборишганига далилдир.

2 – Аллоҳ уларни имон келтириш, итоат этиш борасидаги улардан олинган аҳдларга вафо қилишга буоради. Шунда Аллоҳ ҳам уларни савоб билан тақдирлаб, йўз аҳдига вафо қилишини айтади. Аҳд сўзи аҳд берувчи ва аҳд олинувчига изофа қилинганди. Кейин Аллоҳ Таоло

﴿وَإِيَّى فَارَّهُبُونَ﴾

*(ва мендангина қўрқинглар),* деяпти. Яъни, фақат Мендангина қўрқинглар. Бу хослашнинг кучли ифодасидир. Фо ҳарфи ҳам борлигини эътиборга оладиган бўлсак, унда шарт маъноси ҳам борлиги чиқади. Гўё, агар сизлар нимадандир қўрқишинглар керак, бас, Мендангина қўрқинглар, дейилаётгандек. Оят ваъдани ҳам ваъидни ҳам ўз ичига олган. (Ваъда сўзи мукофотлаш, тақдирлаш каби сўзларга нисбатан ишлатилса, ваъид сўзи азоблаш, жазолаш каби сўзларга нисбатан қўлланади).

3 – Аллоҳ уларни ўзларидаги ҳақиқатни тасдиқлаб келган, нозил қилинган Қуръонга имон келтиришга буоради. Улардаги

ҳақиқат ўзгартырмалық ҳолдаги Аллоҳнинг ваҳиларири. Лекин улар бу ваҳиларни кейинроқ ўзгартыриб юборғанлар. Бу ҳақда Аллоҳ Таолонинг йи хабар берган.

﴿لَكُحْرُفُوكَ الْكَلِمَةَ عَنْ مَوَاضِعِهِ﴾

— „Улар (Тавротдаги Мұхаммад алаіхис-саломнинг пайғамбар бўлишилари ҳақиқадаги) сўзларини ўз ўринларидан ўзгартырадилар“. [5:13]

Яъни, уни ўз ўрнидан, Аллоҳ қўйған жойдан олиб ташлайдиганлар, бошқа томонга буриб қўядиганлар.

﴿يَسْمَعُونَ كَلِمَةَ اللَّهِ ثُمَّ تُحَرِّفُونَهُ﴾

— „Аллоҳнинг қаломини эшигадилар, сўнгра ўзгартырадилар“. [2:75]

Шунингдек, улар Пайғамбар нинг белгиларини ҳам, тошбўрон қилиш ҳади(жазоси)ни ҳам ўзгартирғанлар. Ҳадисда келади: ...Яҳудлар, келинглар, обрўлигу обрўсизга нисбатан битта жазони қўллашга келишиб олайлик, тошбўрон қилиш ўрнига дарра уриш ва сазоий қилиш жазосини қўяйлик, дейишди. Пайғамбар ﷺ

«اللَّهُمَّ! إِنِّي أَوَّلُ مَنْ أَحْيَا أَمْرَكَ، إِذْ أَمَأْتُهُ، فَأَمَرَ بِهِ فَرِجَمَ»

«Эй Аллоҳим, улар ўлдирган амрингни мен биринчи бўлиб тирилтирияпман, дедилар ва уни тошбўрон қилишга буюрдилар». <sup>47</sup>

Шунингдек, уларни бу Қуръонга энг биринчи куфр келтирганлардан бўлиб қолмасликка буюрятти. Аслида улар энг биринчи бўлиб имон келтирувчилардан бўлишлари керак эди. Чунки улар Пайғамбар нинг белгиларини билардилар. Энг биринчи бўлиб имон келтириши лозим бўлган кишига энг биринчи бўлиб куфр келтирма, дейишда ажиб бир киноя, таъриз бор. Аллоҳ уларни дунёвий манфаатни кўзлаб, Тавротни ўзгартырдан огоҳлантиради. Аллоҳга тақво қилиб, ундан бошқа ҳеч нарсадан қўрқмасликни буюради.

Аллоҳ Таолонинг

﴿وَلَا تَشَرُّو بِعَيْنِي شَمَانَ قَلِيلًا﴾

(ва оятларимни қиймати оз нарсаларга алмаштириманлар), деган гапида муҳолафа мафҳуми йўқ. (Яъни, бу оятдан оз пулга

<sup>(47)</sup> Аҳмад: 4 / 386.

сотиш мумкин бўлмаса, демак, кўп пулга сотиш мумкин экан-да, деган маъно чиқмайди). Чунки у ғолиб маҳражидан чиқяпти. Усул фанида бу қоида маълум ва машҳур. Негаки, бўлган иш ўзи шу. Улар арзимас дунёвий манфаатни деб Аллоҳнинг каломини ўзгартиргандилар. Шунинг учун огоҳлантириш нарх оз ёки кўп бўлишидан қатъий назар, ҳар қандай ўзгартиришга тааллуқлидир.

4 –

﴿وَلَا تَلِسُوا الْحَقَّ بِالْبَطْلِ وَتَكْتُمُوا الْحَقَّ وَأَنْتُمْ تَعَمَّلُونَ﴾

**(Ҳақни ботилга аралаштирганглар ва билган ҳолингизда ҳақни беркитманглар).**

Яъни, ҳақни ноҳаққа аралаштириб юборманглар. Бу ерда бо ҳарфи ёпиштириш маъносида. Шунга кўра, оят икки ишдан қайтаряпти. Улардан бири ҳақни ноҳаққа аралаштириб юбориш бўлса, иккинчиси билиб туриб ҳақиқатни яширишдир. Ҳақни ноҳаққа аралаштириш адаштиришдир. Ҳақиқатни яшириш эса уни зое кетказишдир. Ҳар иккиси ҳам Аллоҳнинг динида улуғ гуноҳлардандир.

5 – Аллоҳ уларни мусулмон бўлишга, ўзларининг китобларида мавжуд бўлган, ўзлари уни ўз ўғилларини танигандек таниган ўша пайғамбарга эргашишга буюради. Мазкур оятлардан мана шу маънони уқамиз. Аллоҳ уларга хитоб қилиб, ўзларидаги нарсани тасдиқлаб келган Пайғамбар ﷺ га нозил қилинган Қуръонга имон келтиришга буюриб, ортидан намоз ва закотни адо этишларини буюряпти.

﴿وَاقِيمُوا الصَّلَاةَ وَءَاتُوا الْزَكُوَةَ وَأَرْكَعُوا مَعَ الْرَّكَعَيْنَ﴾

**(Намозни тўқис адо қилинг, закотни беринг ва руку қилгувчилар билан бирга руку қилинг).** Яъни, Исломдаги намоз ва закотни.

Чунки шаръий ҳақиқат шаръий ҳужжатда китобимизнинг муқаддимасида айтиб ўтганимиздек, бошқа ҳақиқатлардан устун туроради. Бу оятлар мусулмон бўлинглар ва Ислом аҳлига ўхшаб амал қилинглар, деган маънони англатади.

﴿وَمَنْ يَبْتَغِ غَيْرَ أَلِإِسْلَمِ دِينًا فَلَنْ يُقْبَلَ مِنْهُ﴾

– „Кимда-ким Исломдан ўзга дин истаса, бас (унинг «дини» Аллоҳ ҳузурида) ҳаргиз қабул қилинмайди“.

[3:85]

Шунинг учун Ислом нозил бўлганидан кейин кофир, яхудий ёки насронийни ўз динида барқарор туришга ундалмайди. Аксинча, уни Исломга киришга буюрилади. Собиқ китоблар

ўзгартирилиб юборилгани учунгина эмас, ҳатто олдинги динлар түфри ҳолларида қолган тақдирларида ҳам Ислом уларни насх қилиб келгани учун ҳам шундай қилинади.

﴿وَنَزَّلْنَا إِلَيْكَ الْكِتَبَ بِالْحَقِّ مُصَدِّقاً لِمَا بَيْنَ يَدَيْهِ مِنَ الْكِتَبِ وَمُهَمِّمًا﴾

عليهِ

— „Сизга эса (Эй Мұхаммад) үзидан олдинги китоб(ларни) тасдиқлагувчи ва у (китоблар) устида гувоҳ бўлган бу Китобни ҳаққирот нозил қилдик“. [5:48]

Яъни, уларни насх қилиб.

﴿إِنَّ الَّذِينَ عِنْدَ اللَّهِ أَلْأَسْلَمُ﴾

— „Албатта Аллоҳ наздида мақбул бўладиган дин фақат Ислом динидир“. [3:19]



## Биринчи пора, биринчи қисм, учинчи чорак

### بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

﴿ أَتَأْمُرُونَ النَّاسَ بِالْيِرَادَةِ وَتَنْسَوْنَ أَنْفُسَكُمْ وَأَنْتُمْ تَتَلَوَّنَ الْكِتَابَ أَفَلَا تَعْقِلُونَ ﴾  
 وَآسْتَعِينُوا بِالصَّابِرِ وَالصَّلُوةِ وَإِنَّهَا لَكَبِيرَةٌ إِلَّا عَلَى الْحَذِشِينَ ﴿ الَّذِينَ يَظْهَنُونَ أَنَّهُمْ مُلْقُوا رَبِّهِمْ وَأَنَّهُمْ إِلَيْهِ رَاجِعُونَ ﴾ يَبْيَنِي إِسْرَاءِيلَ أَذْكُرُوا نَعْمَتِي الَّتِي أَنْعَمْتُ عَلَيْكُمْ وَأَنِّي فَضَلَّتُكُمْ عَلَى الْعَلَمِينَ ﴿ وَاتَّقُوا يَوْمًا لَا تَجْزِي نَفْسٌ عَنْ نَفْسٍ شَيْئًا وَلَا يُقْبَلُ مِنْهَا شَفَاعَةٌ وَلَا يُؤْخَدُ مِنْهَا عَدْلٌ وَلَا هُمْ يُنْصَرُونَ ﴾ وَإِذْ جَنَاحِنَكُمْ مِنْ إِلَيْكُمْ فِرْعَوْنَ يَسُومُونَكُمْ سُوءَ الْعَذَابِ يُدَحِّنُونَ أَبْنَاءَكُمْ وَيَسْتَحِيُونَ نِسَاءَكُمْ وَفِي ذَلِكُمْ بَلَاءٌ مِنْ رَبِّكُمْ عَظِيمٌ ﴿ وَإِذْ فَرَقْنَا بِكُمُ الْبَحْرَ فَأَنْجَيْنَاكُمْ وَأَغْرَقْنَا إِلَيْهِ فِرْعَوْنَ وَأَنْتُمْ تَنْظُرُونَ ﴾ وَإِذْ وَعَدْنَا مُوسَى أَرْبَعِينَ لَيَلَةً ثُمَّ أَخْتَذَتُمُ الْعِجْلَ مِنْ بَعْدِهِ وَأَنْتُمْ ظَلَمُوْرَكَ ﴿ ثُمَّ عَفَوْنَا عَنْكُمْ مِنْ بَعْدِ ذَلِكَ لَعَلَّكُمْ تَشَكُّرُونَ ﴾ وَإِذْ أَتَيْنَا مُوسَى الْكِتَابَ وَالْفُرْقَانَ لَعَلَّكُمْ تَهَتَّدُونَ ﴿ وَإِذْ قَالَ مُوسَى لِقَوْمِهِ يَقُولُمِ إِنَّكُمْ طَلَمْتُمْ أَنْفُسَكُمْ بِأَخْتَادِكُمُ الْعِجْلَ فَوْبُوا إِلَيْ بَارِيْكُمْ فَاقْتُلُوا أَنْفُسَكُمْ ذَلِكُمْ حَيْرَ لَكُمْ عِنْدَ بَارِيْكُمْ فَنَابَ عَلَيْكُمْ إِنَّهُ هُوَ التَّوَابُ الْرَّحِيمُ ﴾ وَإِذْ قُلْتُمْ يَمْوَسَى لَنْ نُؤْمِنَ لَكَ حَتَّى نَرَى اللَّهَ جَهَرًا فَأَخَذْتُكُمُ الصَّاعِقةَ وَأَنْتُمْ تَنْظُرُونَ ﴾ ثُمَّ بَعْتَنَّكُمْ مِنْ بَعْدِ مَوْتِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَشَكُّرُونَ ﴾ وَظَلَّلَنَا عَلَيْكُمُ الْغَمَامَ وَأَنْزَلَنَا عَلَيْكُمْ الْمَنَّ وَالسَّلَوَى كُلُّوا مِنْ طَيَّبَتِ مَا رَزَقْنَكُمْ وَمَا ظَلَمْوْنَا وَلَكِنْ كَانُوا أَنْفَسُهُمْ يَظْلِمُونَ ﴿ وَإِذْ قُلْنَا أَدْخُلُوا هَذِهِ الْقَرْيَةَ فَكُلُّوا مِنْهَا حَيْثُ شِئْتُمْ رَغْدًا وَأَدْخُلُوا الْبَارَكَ سُجَّدًا وَقُولُوا حِطَّةً نَغْفِرْ لَكُمْ حَطَّيْكُمْ وَسَزِيْدُ الْمُحْسِنِينَ ﴾ فَبَدَأَ

الَّذِينَ ظَلَمُواْ قَوْلًاً غَيْرَ الَّذِي قِيلَ لَهُمْ فَأَنْزَلْنَا عَلَى الَّذِينَ ظَلَمُواْ رِجْزًا مِّنَ السَّمَاءِ بِمَا كَانُواْ يَفْسُقُونَ

— „44. Одамларни яхшиликка чорлаб, ўзларингизни унутасизларми? Ҳолбуки, ўзларингиз китоб (Таврот) тиловат қиласизлар. Ақлингизни юргизмайсизларми? 45. Сабр ва салот (намоз ўқиши) билан мадад сўранглар. Ва, албатта, у нафси синиқлардан бошқаларга жуда катта ишидир. 46. Улар (нафси синиқлар) албатта Роббиларига рўбарў бўлишилари ва албатта Ўнга қайтиб боришиларига ишонган зотлардир. 47. Эй Бану Исроил, сизларга инъом қилган неъматимни ва сизларни бутун оламдан афзал қилган пайтимни эсланглар! 48. Бирор бирор томонидан ҳеч нарса ўтай олмайдиган, ҳеч кимдан оқлов қабул қилинмайдиган ва (гуноҳлари учун) эваз ҳам олинмайдиган — ёрдам берилмайдиган кундан қўрқинглар! 49. Сизларни оғир азоблар билан қийнаган, ўғилларингизни сўйиб, хотинларингизни тирик қолдираётган Фиръавн одамларидан қутқарганимизни эсланглар. Ана ўша ишларда Парвардигорингиз томонидан буюк синов бордир. 50. Денгизни ўртасидан бўлиб сизларни кутқариб, қўз ўнгингизда Фиръавн одамларини гарқ қилганимизни эсланглар. 51. Мусо билан қирқ кечага ваъдалашганимиз, у (бизнинг ҳузуримизга) кетганидан кейин сизлар ўзингизга зулм қилган ҳолингизда бузоққа ибодат қилганингизни эсланглар. 52. Сўнгра, ўша ишлардан кейин ҳам шукр қилишингиз учун сизларни афв этгандик. 53. Сизлар ҳақ ийлни топишингиз учун Мусога китоб ва Фурқонни (яъни Тавротни) берганимизни эсланглар. 54. Мусонинг ўз қавмига айтган гапларини эсланг: «Қавмим, сизлар бузоққа ибодат қилиши билан ўзингизга зулм қилдингиз. Энди ўзингизни (бир-бирингизни) ўлдириши билан сизни бор қилгувчи Зотга тавба қиласиз. Бор қилгувчи Зот наздида мана шу (қатл) сизлар учун ҳайрлироқдир». Бас, Аллоҳ Таоло тавбангизни қабул қилди, албатта У кечиримли, меҳрибондир. 55. Эй Бану Исроил, эсланг: «Эй Мусо, Аллоҳни очиқ-равшан кўрмагунимизча ҳаргиз сенга ишонмаймиз», дейшишингиз билан қараб турган ҳолингизда сизларни чақмоқ урди. 56. Сўнгра шукр қилишингиз учун ўлганингиздан кейин тирилтиридик. 57. Ва булутни устингизга соябон қилдик ва осмондан шириналлик ва беданалар ёғдириб, «Сизларга ризқ қилиб берган пок нарсалардан енглар», (дедик). (Бану Исроил) Бизга зулм қилмадилар, балки ўзларига зулм қилгувчи бўлдилар. 58. «Ушибу қишлоққа (Куддусга) киринглар-да,

ундан хохлаган жойларингизда еб-ичинглар. Дарвозадан сажда қилган ҳолингизда кириңглар ва «афв эт» денглар, Биз хатоларингизни магфират қиласын да яхшилик эгаларига зиёда неъматлар ато қиласын», деганимизни эсланглар. 59. Шунда золим кимсалар уларга айттылган сүздан башка сүзни алмаштириб айттылар. Бас, Биз — қилган исенлари оқибатидан бу золимлар устига осмондан бало ёғдирдик “.

[2:44-59]

### Тафсир:

﴿ أَتَأْمُرُونَ النَّاسَ بِالْبِرِّ وَتَسْوُنَ أَنْفُسَكُمْ وَأَنْتُمْ تَتَنَاهُونَ إِنَّمَا يَنْهَا الْكَافِرُونَ أَفَلَا تَعْقِلُونَ ﴾

— „44. Одамларни яхшиликка чорлаб, ўзларингизни унутасизларми? Холбуки, ўзларингиз китоб (Таврот) тиловат қиласизлар. Ақлингизни юргизмайсизларми?“. [2:44]

Бу ерда хитоб аслида Бану Исроилга қаратылған. Лекин у умумий бўлиб, уларнинг ишини қилган ҳар бир одамга тегишилдири. Уларни одамларни Аллоҳга итоат этишга, У Зотдан тақво қилишга буюриб туриб, ўзлари осийлик қилардилар. Бу ердаги сўроқ ҳам истинкор (маъқулламаслик) маъносида бўлиб, уларнинг ишларини хунук санаш, уларга танбех бериш учун келяпти.

Одамларни яхшиликка буюриб, ўзини унудиш ўзи ана шу яхшиликни қилмаслигиdir, унудиб қолдиришидири.

﴿ نَسُوا اللَّهَ فَنَسِيَهُمْ ﴾

— „Улар Аллоҳни унудишигач, Аллоҳ ҳам уларни унудди“. [9:67]

Яъни, улар Аллоҳга итоат этишни ташлагандилар, Аллоҳ уларга савоб беришни ташлади. Бирорларни яхшиликка буюриб, ўзини унугланган кимса мазамматга, койилишга лойиқ кимсадир. Айниқса бундай кимсалар китоб ўқиб, ўрганадиган, унудаги яхшиликни била оладиган кимсалар бўлсалар. Аллоҳ Таоло сўзини мана бу оят билан якунлаяпти:

﴿ أَفَلَا تَعْقِلُونَ ﴾

(Ақлингизни юргизмайсизларми?). Шу билан жиноятнинг нақадар буюклигини ифодалаяпти. Гүё одамларни яхшиликка буюриб, ўзи осийлик қиладиган одам ақлини еб қўйган, ҳеч нарсани англамайдиган, ёмон оқибатни идрок қилолмайдиган одамга айланиб қолгандек. Худди шу маъно мана бу ҳадисда бор: «يُؤْتَى بِالرَّجُلِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فَيَقْذَفُ فِي النَّارِ فَتَنْدَلُقُ فِيهَا أَقْتَابَ بَطْنِهِ وَيَدُورُ فِيهَا كَمَا يَدُورُ الْحَمَارُ فِي الرَّحِيْمِ فِي أُتْيَاهِ النَّاسُ فَيَقُولُونَ: يَا فُلَانُ: كُنْتَ ثَائِمُ النَّاسَ بِالْمَعْرُوفِ

وَتَنْهَىٰ عَنِ الْمُنْكَرِ! قَالَ: نَعَمْ، كُنْتُ آمِّرُ النَّاسَ بِالْمَعْرُوفِ وَلَا آتَيْهِ وَأَنْهَىٰ عَنِ الْمُنْكَرِ  
وَآتَيْهِ»

«Қиёмат кунида бир кишини олиб келиб дұзахга ташлайдилар. У ерда унинг қорнидаги ичак-човоқлари осилиб қолади ва ичак-човоқлари атрофида әшак тегирмон атрофида айланғандек айланиб юради. Одамлар келишиб, әй фалончи, сен одамларни яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтараар әдинг-ку, дейишади. Шунда у, ҳа, мен одамларни яхшиликка буюрадим, аммо үзим қылмасдим, уларни ёмонликдан қайтараардим, аммо үзим уни қиласдым, деб жавоб беради». <sup>48</sup>



﴿وَأَسْتَعِينُوا بِالصَّبَرِ وَالصَّلَاةِ وَإِلَيْهَا لَكَبِيرَةٌ إِلَّا عَلَى الْحَسْبَانِ﴾

– „45. Сабр ва салот (намоз ўқиши) билан мадад сұранглар. Ва, албатта, у нафси синиқлардан бошқаларга жуда катта ишадир“.

[2:45]

Аллоҳ Таоло бу оятда бало келган пайтда сабр билан ёрдам сүрашни буюрятти. Токи, киши ҳақиқат устида барқарор тұра олсин. Токи, күргиликлар ва мусибатлар унинг шаштини синдира олмасин.

﴿إِنَّ اللَّهَ مَعَ الصَّابِرِينَ﴾

– „Албатта Аллоҳ сабр қылгувчилар билан биргадир“. [2:153]

Бирор фожеа юз берганды намоз билан ёрдам сүраш ҳам шу қабилдандыр. Намозда киши Аллоҳға яқынлашиб, дили хотиржам бўлиб қолади. «Қачон Пайғамбар ﷺни бирор муаммо ўраб олса, намозга югурадилар». <sup>49</sup>

«أَرْحَنَا بِهَا يَا بَالَّلُ»

Ва «Эй Билол, бизни у билан (намоз билан, аз он билан) роҳатлантир»,<sup>50</sup> дердилар.

Кейин Аллоҳ Таоло намоз хушу қымайдиганлар (бўйин эгмайдиганлар) учун ўта оғир эканини билдиради. Бирор иш

(48) Бухорий: 3094. Муслим 2989. Аҳмад 5/205.

(49) Муслим: 4909. Абу Довуд: 1124. Аҳмад: 5/388. Тафсири Табарий 1/260.

(50) Мажмауз завоид: 1/145. Абу Довуд: 4987. Аҳмад: 5/364, 371.

оғирлик қилаётган бўлса, бу иш менга катталик қилди, дейсиз. Бу ердаги каттадир сўзи мана шу маънода. Лекин намоз хушу қилувчилар яъни, Аллоҳдан қўрқадиганлар учун енгилдир. Улар намоз орқали Аллоҳга яқин бўлишга, Аллоҳни ёдга олиш билан дилларини хотиржамлантиришга ошиқиб, интилиб борадилар.

﴿لَا بِذِكْرِ اللَّهِ تَطْمِئْنُ الْفُلُوْبُ﴾

– „Огоҳ бўлингизким, Аллоҳни зикр қилиши билан қалблар ором олур“ [13:28]

Бу ердаги хушу сўзи Аллоҳдан қўрқиш маъносида.

﴿خَسِعَتْ مِنَ الدُّلُّ﴾

– „хорликдан эгилган“ [42:45]

Яъни, уларнинг бошига тушган хавф уларни хор қилди.



﴿الَّذِينَ يَظْنُونَ أَنَّهُمْ مُلْقُوا رَبِّهِمْ وَأَنَّهُمْ إِلَيْهِ رَاجِعُونَ﴾

– „46. Улар (нафси синиқлар) албатта Роббилиарига рўбарў бўлишилари ва албатта Унга қайтиб боришиларига ишонган зотлардир“ [2:46]

Бу оятда Аллоҳ Таоло ўша хушу қилувчиларнинг аҳволини баён қилди. Улар ўзларининг бир куни ўлишларини ва қайта тирилиб, қиёмат кунида Парвардигорларига қайтиб боришиларини биладилар. Аҳволи шу эканини билган киши Аллоҳга Аллоҳ ундан рози бўлгани ҳолда йўлиқиши учун намозни адо этишга ҳарис бўлади. Бу ибодатга камоли эътибор билан ёндашади. Аллоҳга қайтиб боришига ҳам, савобу азобга ҳам имон келтирмайдиганларга келсак, улар учун намоз жуда оғир иш бўлиб туюлади. Чунки улар намознинг ортидан келадиган яхши нарсаларни умид қилмайдилар.

(ظن) сўзининг асл маъноси шубҳаланишdir. Лекин бу ерда бу сўз бир қарина билан арабларнинг ўз гапларида ишлатадиган одатларига кўра мажоз йўли билан аниқ ишонч маъносида қўлланяпти. Қарина шундан иборатки, Аллоҳ билан учрашиш ва Аллоҳга қайтиш феълларининг исноди хушу қиладиган мўминларга бериляпти. Шунинг учун у аниқ ишонч маъносида келяпти. Яъни, ўйлайдилар сўзи биладилар маъносини англатяпти. Чунки бундай ҳолатдаги гумон куфрdir. Мана бу оятда ҳам сўзни худди шундай қўллаш бор:

﴿إِنِّيٌ ظَنَتُ أَنِّيٌ مُلْكٌ حِسَابِيَّهُ﴾

— „Дархакиқат мен ҳисоб-китобимга (яъни охиратдаги ажр-мукофотга) рўбару бўлишишни билган эдим“ [69:20]

Яъни, билди. (ظن) сўзи қаринасиз келганда шубҳаланиш маъносини англатади.

﴿مُلْكُوا رَبِّهِمْ﴾

(Роббиларига рўбару бўлишиларига). Яъни, улар Парвардигорлари билан келгусида учрашадилар. Арабларда келаси замонни англатувчи феълдан мабний қилинган исмларга нисбатан изофа қилиш ва нунни ҳазф қилиш қоидалари ишлаган. Яъни,

﴿مُلْكُوا رَبِّهِمْ﴾

ояти Парвардигорлари билан келгусида учрашадилар, деган маънодадир. Аллоҳ Таолонинг

﴿إِنَّا مُرْسِلُوا النَّاقَةَ فِتْنَةً لَهُمْ﴾

— „Албатта Биз уларни имтиҳон қилиши учун бир тужа юборгувчидирмиз“. [54:27] деган ояти ҳам шунга ўхшайди. Яъни, кейинроқ уни юборганида.

\*\*\*

﴿يَسْبِيَ إِسْرَاءِيلَ آذْكُرُوا بِعْمَتِيَ الَّتِي أَنْعَمْتُ عَلَيْكُمْ وَأَنِّيٌ فَضَّلْتُكُمْ عَلَى الْعَالَمِينَ ﴾  
 ﴿وَأَنْقُوا يَوْمًا لَا تَجِزِي نَفْسٌ عَنْ نَفْسٍ شَيْئًا وَلَا يُقْبَلُ مِنْهَا شَفَعَةٌ وَلَا يُؤْخَذُ مِنْهَا عَدْلٌ وَلَا هُمْ يُنْصَرُونَ ﴾  
 ﴿وَإِذْ نَجَّيْنَاكُمْ مِنْ ءالِ فِرْعَوْنَ يُسُومُونَكُمْ سُوءَ الْعَذَابِ يُدَحِّلُونَ أَبْنَاءَكُمْ وَيَسْتَحْيِيُونَ نِسَاءَكُمْ وَفِي ذَلِكُمْ بَلَاءٌ مِنْ رَبِّكُمْ عَظِيمٌ ﴾  
 ﴿وَإِذْ فَرَقْنَا بِكُمُ الْبَحْرَ فَأَنْجَيْنَاكُمْ وَأَغْرَقْنَا ءالَ فِرْعَوْنَ وَأَنْتُمْ تَنْظُرُونَ ﴾  
 ﴿وَأَعْدَنَا مُوسَى أَرْبَعِينَ لَيْلَةً ثُمَّ أَخْذَنُتُمُ الْعِجْلَ مِنْ بَعْدِهِ وَأَنْتُمْ ظَالِمُونَ ﴾ ثُمَّ

عَفَوْنَا عَنْكُم مِّنْ بَعْدِ ذَلِكَ لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴿٤٦﴾ وَإِذْ أَتَيْنَا مُوسَى الْكِتَابَ وَالْفُرْقَانَ  
لَعَلَّكُمْ تَهْتَدُونَ

– „47. Эй Бану Исроил, сизларга инъом қилган неъматимни ва сизларни бутун оламдан афзал қилган пайтимни эсланглар! 48. Бирор бирор томонидан ҳеч нарса ўтай олмайдиган, ҳеч кимдан оқлов қабул қилинмайдиган ва (гуноҳлари учун) эваз ҳам олинмайдиган — ёрдам берилмайдиган кундан қўрқинглар! 49. Сизларни оғир азоблар билан қийнаган, ўғилларингизни сўйиб, хотинларингизни тирик қолдираётган Фиръавн одамларидан қутқарганимизни эсланглар. Ана ўша ишларда Парвардигорингиз томонидан буюк синов бордир. 50. Денгизни ўртасидан бўлиб сизларни қутқариб, кўз ўнгингизда Фиръавн одамларини гарқ қилганимизни эсланглар. 51. Мусо билан қирқ кечага ваъдалашганимиз, у (бизнинг ҳузуримизга) кетганидан кейин сизлар ўзингизга зулм қилган ҳолингизда бузоққа ибодат қилганингизни эсланглар. 52. Сўнгра, ўша ишлардан кейин ҳам шукр қилишингиз учун сизларни афв этгандик. 53. Сизлар ҳақ йўлни топишингиз учун Мусога китоб ва Фурқонни (яъни Тавротни) берганимизни эсланглар“. [2:47-53]

Бу оятларда Аллоҳ Таоло Пайғамбар ﷺ нинг замонидаги яхудларга хитоб қиляпти. Яъни, Аллоҳ сизларнинг Мусо ﷺ га имон келтирган ота-боболаринга мўл қилиб берган неъматларни эсланглар. Бу оядан қўйидагилар англашилади:

1 – Биринчи оят ўзидан олдинги оятни таъкидлаб келяпти.

﴿أَذْكُرُوا نِعْمَتَ اللَّهِ الَّتِي أَنْعَمْتُ عَلَيْكُمْ﴾

(Сизларга инъом қилган неъматимни эсланглар!). Аллоҳ Таоло неъматларни такроран эслатяпти. Бу неъматларга нонқўрлик қилган пайтларида қандай азоб-уқубатларга йўлиққанлари билан боғлаш учун уларнинг турларини санаб ўтятпи. Аллоҳ уларга жуда қаттиқ жазо берганди. Уларга ўзларини ўзлари ўлдиришни фарз қилганди, айримларини маймун ва тўнғизларга айлантириб қўйганди. Бундан ташқари улар кофир ҳолларида ўладиган бўлсалар, дўзахда абадий қолишлари ҳам бор.

2 – Бу ерда Аллоҳ зикр қилаётган неъматлар Мусо ﷺ га асрдош бўлган мўминларга берилганди. Мазкур оятлардаги Фиръавн оиласи, денгизнинг ёрилиши, чўкиб кетишдан нажот топиш, бузоқни Худо қилиб олиш, Мусо ﷺ билан ваъдалашиб

каби воқеалар фикримизнинг тўғрилигини кўрсатувчи қариналардир.

3 – Бу неъматларнинг энг бирламчиси шундан иборатки, Аллоҳ Таоло Мусо ﷺни ва у киши билан бирга имон келтирганларни ўз замонасидаги бошқалардан афзал қилди. Яъни, уларга Тавротни билиш, унга амал қилиш ва уни одамларга етказишдек шарафли ишни топширди.

4 – Аллоҳ Таоло Пайғамбар ﷺнинг замонидаги яҳудларга агар улар коғир ҳолларида тураверсалар, олдинги отабоболарининг имонлари уларга фойда бермаслигини билдири. Қиёмат кунидаги азобдан нажот топиш учун уларнинг ўзлари имон келтиришлари шартлигини уқтириди.

﴿وَاتَّقُوا يَوْمًا﴾

(*Кундан қўрқинглар!*). Яъни, у кундаги азобдан. Бу ерда ҳам мажоз қўлланяпти. Ўша кунда бирон жонни бирон жоннинг ҳожатини чиқара олмас, ўрнини боса олмас.

﴿كُلُّ نَفْسٍ بِمَا كَسَبَتْ رَهِيْنَةٌ﴾

– „Ҳар бир инсон қилган ишига жавобгардор“.

[74:38]

Шунингдек бирон жондан шафоат қабул қилинmas. Бир одамни қучоқлаб олиб, ўзи билан олиб чиқиб кетган киши шафиъ, шафоат қилувчи, дейилади. Шафоат қабул қилинмаслиги уни шафоат қилмоқчи бўлиб кимдир келса, унинг шафоат қилишига рухсат берилмаслигидир, унинг қайсиdir гуноҳини бошқа бирор кўтаришига йўл қўйилмаслигидир. У кунда азоб эвазига фидя ҳам олинмайди. Бу ердаги (عَذْل) сўзи, фидя маъносида.

Буларнинг ҳаммаси бирон жон бошқа бирон жоннинг бирон ҳожатини чиқара олмаслигини таъкидовчи омиллардир. Демак, кимки ўша кундаги азобдан нажот топмоқчи бўлса, имон келтирсинг, яхши амаллар қилсин. Шундай қилсагина шу иши Аллоҳнинг изни илинганини беради, асқотади. Бундан бошқа нарса фойда бермайди, асқотмайди. Аллоҳ оятни мана бундай якунляяпти:

﴿وَلَا هُمْ يُنْصَرُونَ﴾

Яъни, ҳеч ким уларни Улуғ ва Буюк Аллоҳнинг азобидан қайтара (қутқара) олмас. (يُنْصَرُونَ) замири кўпликда келяпти. Чунки у (نَفْسٌ) сўзига қайтади. У нафий оқимида

﴿لَا تَجْزِي نَفْسٌ عَنْ نَفْسٍ شَيْئًا﴾

**(Бирор бирор томонидан ҳеч нарса ўтай олмайдиган)** накра бўлиб келгани учун умумийликни (демакки, кўпликни, мўлликни) ифодалайди.

Шу ерда айтамизки, бу муборак оят яхудлар ҳақида нозил бўлган. Лекин улар умумийликни ифодаловчи сийгада келган. Шунинг учун у ҳамма жонни ўз ичига олади. Лекин бу ерда бир хослаш ҳам бор. Яъни, кимки мусулмон бўлиб ўлса, унга Пайғамбар ﷺ шафоатлари фойда беради. Олдинги оятни хословчи далиллар ворид бўлган. Масалан, шафоат қилишига рухсат этилган кимсанинг шафоати ҳам фойда беради. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَوْمَئِنْ لَا تَنْفَعُ الْشَّفَاعَةُ إِلَّا مَنْ أَدْنَى لَهُ الْرَّحْمَنُ وَرَضِيَ لَهُ قَوْلًا﴾

– „У кунда оқлов фойда бермас, магар Раҳмон изн берган ва сўзидан У Зот рози бўлган кишигагина (фойда берур)“. [20:109]

Шунингдек Пайғамбар ﷺ ўз Умматини қиёмат кунида шафоат қилишлари суннатда ҳам ворид бўлган.

«وَأُعْطِيَتْ شَفَاعَةً»

**«Менга шафоат (қилиш ҳуқуқи) берилди».**<sup>51</sup>

«Ҳеч бир пайғамбар шафоат қилмайди. Фақат Муҳаммадгина шафоат қиласди».<sup>52</sup>

Шундан сўнг Аллоҳ Таоло Ўзининг бошқа неъматларини зикр қиляпти. Улар:

а) Уларга энг ёмон азоб бераётган Фиръавн одамларидан уларни қутқарган Ўша Аллоҳ эди. Фиръавн одамлари уларнинг ўғилларини ўлдириб, қизларини тирик қолдираётганди.

﴿وَيَسْتَحْيُونَ نِسَاءَ كُنْكُنَ﴾

**(хотинларингизни тирик қолдираётган).** Аллоҳ Таоло бу оятни мана бундай якунляяпти:

﴿وَفِي ذَلِكُمْ بَلَاءٌ مِّنْ رَّبِّكُمْ عَظِيمٌ﴾

**(Ана ўша ишларда Парвардигорингиз томонидан буюк синов бордир).** Бало сўзи араб тилида синов, имтиҳон маъноларини

(51) Бухорий: 323. Муслим: 810.

(52) Бухорий: 4343. Муслим: 287.

англатади. Бу сўз яхшиликка нисбатан ҳам ёмонликка нисбатан ҳам ишлатилаверади.

﴿وَنَبْلُوكُمْ بِالشَّرِّ وَأَخْيِرِ فِتْنَةٍ﴾

— „*Биз сизларни* (сабр-тоқатларингизни синаши учун) ёмонлик билан ҳам, (шукр қилишингизни билиши учун) яхшилик билан ҳам «алдаб» имтиҳон қилурмиз“ [21:35]

У муштарак (омоним) сўзлардандир. Бу муборак оятда у ҳар икки маънода қўлланяпти. Агар (ذلكم) замири (جَنِيَّاتِكُمْ) га қайтадиган бўлса, бу ердаги бало яхшиликка нисбатан қўлланган бўлади. Яъни, сизларга берилган мана шу неъматда сизлар учун синов бордир. Агар (ذلكم) азоб, сўйиш сўзларига қайтадиган бўлса, бу сўз ёмонликка нисбатан қўлланган бўлади. Яъни, мана шу қийинчиликларда, меҳнатларда буюк бир синов бордир, дегани бўлади.

Муштарак (омоним) сўзни ҳамма маъноларида қўлланниши Аллоҳнинг буюклигидандир. Мана бу оятда ҳам худди шундай бўлган. Омоним сўз ҳамма маъноларида қўлланган.

﴿هُوَ الَّذِي يُصَلِّ عَلَيْكُمْ وَمَلَئِكَتُهُ وَلِيُخْرِجُكُمْ مِّنَ الظُّلُمَاتِ إِلَى النُّورِ﴾

— „*У сизларни* (куфр) зулматларидан (имон) нурига чиқарши учун сизларга марҳамат кўрсатадиган Зотdir. Унинг фаришталари ҳам (ҳақларингизга дуо қитуллар). *У мўминларга меҳрибон бўлган Зотdir*“ [33:43]

Аллоҳнинг саловот айтиши, сизларга раҳм қилиши, фаришталарнинг саловот айтиши сизларнинг ҳаққингизга дуо қилиши ва ҳоказо... Шу билан Аллоҳ Таоло

﴿يُصَلِّ عَلَيْكُمْ﴾

сўзини бир неча маъноларда қўллаган.

б) Кейин Аллоҳ Таоло уларга денгизни бўлиб берди. Яъни, иккига ажратди. Ўртасидан йўл очилди. Аллоҳ Таолонинг

﴿فَرَقَنَا بِكُمُ الْبَحْرَ﴾

(Денгизни ўртасидан бўлиб сизларни), деган гапига эътибор берайлик. Яъни, денгизни ўртасидан бўлиш тингловчиларнинг ҳозирда мавжуд бўлмаган салафлари – ота-боболари (Мусо ع ва у кишининг саҳобалари) туфайли бўлганди. Араблар мавжуд, тирик Зайддан ғазабланганини ифодалаганда ли қўшимчасини ишлатишади. Ўлиб кетган Зайддан ғазабланганини билдиromoқчи

бўлганда эса би қўшимчасини қўллашади. Бу оятда ҳам ўтиб кетганлар туфайли шу иш бўлгани учун би қўшимчиши ишлатиляпти. Яъни, Фиръавн ва унинг одамлари уларни чўқтироқчи бўлиб турганида Аллоҳ уларга нажот берди. Бу ердаги Фиръавн оиласидан мурод унинг одамларидир. Аллоҳ Таоло бошқа бир оятда айтади:

﴿فَأَغْرَقْنَاهُ وَمَنْ مَعَهُ رَجَبًا﴾

– „*Биз уни (Фиръавнни) ва у билан бирга бўлган кимсаларнинг барчаларини* (денгизга) **гарқ қилдик**“.

﴿فَأَخَذْنَاهُ وَجْنُودَهُ فَنَبَذَنَهُمْ فِي آيَةٍ﴾

– „*Бас, Биз уни ҳам, қўшинларини ҳам ушлаб, уларни дengizga отдик — гарқ қилиб юбордик*“.

[51:40]

Бу ишларнинг барчаси Мусо ﷺ ва у киши томонидагиларнинг кўз ўнгидаги содир бўлганди.

в) Кейин Аллоҳ Таоло бошқа бир неъматини зикр қиласди. Аллоҳ Фиръавн ва унинг одамларини ҳалок қилганидан кейин Мусога Тавротни нозил қилишни ваъда қилди. Бу иш учун қирқ кечани белгилади. Мусо қавмига укаси Ҳорунни қўйиб, ўзи белгиланган жойга Тур тогига кетди. Ўша Аллоҳ унга Тавротни нозил қилди. Шу орада қавми Мусо кетганидан кейин бир бузоқни ўзларига худо қилиб олдилар. Шу билан золимларга айландилар.

Бу оят (وَعَدْنَا) тарзида ҳам, (وَعَدْنَا) тарзида ҳам ўқилган. Ҳар иккиси ҳам бир хил маънода. Ваъда Аллоҳ Таоло томонидан, белгиланган вақтга, жойга келиш Мусо ﷺ тарафидан. Белгиланган жойга келиш ваъддани қабул қилиш ёки мажозий ваъдалашиб, деб эътибор қилинади. Шунинг учун ҳам бу оятни (عَدْنَا) тарзида ўқиш ҳам дуруст. Бунда феъл (فاعل) бобидан бўлиб, Аллоҳ томонидан бўлган ваъда ҳақиқат, Мусо ﷺ тарафидан бўлган ваъда эса мажоз бўлади. Шунингдек уни (وعَنْنَا) тарзида ўқиса ҳам бўлади. Чунки ҳақиқатда ваъда қилаётган Аллоҳ Таолодир.

г) Яна Аллоҳ шояд улар шукур қилиб қолсалар, деб уларнинг тавбасини қабул қилганини ва уларни кечирганини зикр қиласди.

д) Шунингдек, Аллоҳ уларга ҳидоятланишлари учун Тавротни нозил қилишдек буюк неъматни ҳам берганини айтади. Уни Аллоҳ Китоб ва Фурқон, деб тавсифлайди, унинг ҳар икки

сифатини жамлаб айтади. Яъни, у нозил қилинган Китоб ва ҳақ билан ботилни ажратувчи Фурқондир. Араблар ҳам саховатли ва ҳам кучли бир одамни кўрганларида ёмғир ва шерни кўрдим, деб қўйишади. Аслида икки одамни эмас, бир одамни кўрган бўлишади.



﴿وَإِذْ قَالَ مُوسَى لِقَوْمِهِ يَنَّقُومِ إِنَّكُمْ ظَلَمْتُمْ أَنفُسَكُمْ بِأَخْنَادِكُمُ الْعِجْلَ فَتَوْبُوا إِلَىٰ بَارِئِكُمْ فَاقْتُلُوا أَنفُسَكُمْ ذَلِكُمْ حَيْرَ لَكُمْ عِنْدَ بَارِئِكُمْ فَتَابَ عَلَيْكُمْ إِنَّهُ هُوَ الْتَّوَابُ الْرَّحِيمُ ﴾ وَإِذْ قُلْتُمْ يَمُوسَى لَنْ نُؤْمِنَ لَكَ حَتَّىٰ نَرَى اللَّهَ جَهَرًا فَأَخَذْتُكُمُ الصَّعِقَةُ وَأَنْتُمْ تَنْظُرُونَ ﴾ ثُمَّ بَعْثَتْكُمْ مِنْ بَعْدِ مَوْتِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَشَكُّرُونَ ﴾ وَظَلَّلُنَا عَلَيْكُمُ الْغَمَامَ وَأَنْزَلْنَا عَلَيْكُمُ الْمَنَّ وَالسَّلَوَىٰ كُلُّوْا مِنْ طَيِّبَاتِ مَا رَزَقْنَاكُمْ وَمَا ظَلَمُونَا وَلِكُنْ كَانُوا أَنفُسَهُمْ يَظْلِمُونَ ﴾ وَإِذْ قُلْنَا آدْخُلُوا هَذِهِ الْقَرْيَةَ فَكُلُّوْا مِنْهَا حَيْثُ شِئْتُمْ رَغْدًا وَآدْخُلُوا الْبَابَ سُجَّدًا وَقُولُوا حِطَّةً نَغْفِرْ لَكُمْ خَطَائِيكُمْ وَسَنَزِيدُ الْمُحْسِنِينَ ﴾ فَبَدَلَ الَّذِينَ ظَلَمُوا قَوْلًا غَيْرَ الَّذِي فِي لَهُمْ فَأَنْزَلْنَا عَلَى الَّذِينَ ظَلَمُوا رِجَزًا مِنَ السَّمَاءِ بِمَا كَانُوا يَفْسُدُونَ ﴾

– „54. Мусонинг ўз қавмига айтган гапларини эсланг: «Қавмим, сизлар бузоққа ибодат қилиши билан ўзингизга зулм қилдингиз. Энди ўзингизни (бир-бирингизни) ўлдириши билан сизни бор қилгувчи Зотга тавба қиласиз. Бор қилгувчи Зот наздига мана шу (қатл) сизлар учун ҳайрлироқдир». Бас, Аллоҳ Таоло тавбангизни қабул қилди, албатта У кечиримли, меҳрибондир. 55. Эй Бану Исроил, эсланг: «Эй Мусо, Аллоҳни очиқ-равишан кўрмагунимизча ҳаргиз сенга ишонмаймиз», дейшишингиз билан қараб турган ҳолингизда сизларни чақмоқ урди. 56. Сўнгра шукр қилишингиз учун ўлганингиздан кейин тирилтиридик. 57. Ва булутни устингизга соябон қилдик ва осмондан шириналлик ва беданалар ёғдириб, «Сизларга ризқ қилиб берган пок нарсалардан енглар», (дедик). (Бану Исроил) Бизга зулм қилмадилар, балки ўзларига зулм қилгувчи бўлдилар. 58. «Ушибу қишилокқа (Куддусга) киринглар-да,

*ундан хоҳлаган жойларингизда еб-ичинглар. Дарвозадан сажда қилган ҳолингизда киринглар ва «афв эт» денглар, Биз хатоларингизни магфират қиласиз ва яхшилик эгаларига зиёда неъматлар ато қиласиз», деганимизни эсланглар. 59. Шунда золим кимсалар уларга айтилган сўздан бошқа сўзни алмаштириб айтдилар. Бас, Биз — қилган исёнлари оқибатида бу золимлар устига осмондан бало ёғидирик“.* [2:54-59]


Бу оятларда Аллоҳ Таоло Ўзининг Мусо ﷺ ва у кишининг қавмига берган яна бошқа неъматларини айтиб ўтади:

1 – Мусо ﷺ уларга Павардигорининг амри билан Аллоҳга қиласидиган тавбалари қилмишларига – бузоқни худо қилиб олганликларига яраша жазо тарзида ўзларини (бир-бирларини) ўлдиришдан иборатлигини билдиради. Агар шу ишни қилсангизлар, Яратувчинглар олдида, сизларни бор қилган Зот олдида ўзларингизга яхши бўлади, чунки сизлар шу билан Аллоҳнинг охиратдаги азобидан нажот топасизлар, бундан ташқари савобга ҳам ноил бўласизлар, шу ишни қилмасанглар, сизлар учун ёмон бўлади, чунки сизлар бузоқни худо қилиб олганинглар учун жуда улкан азобга лойиқ бўлиб турибсизлар, дейди.

Оят шунга далолат қиласидики, улар шу ишни ҳақиқатда қилиб, бир-бирларини ўлдиридилар ва Аллоҳ уларнинг тавбасини қабул қилди. Оятнинг якуни шунга далолат қилиб турибди.



*(Бас тавбанингизни қабул қилди).* Шу оятдан олдин



*(энди ўзингизни (бир-бирингизни) ўлдириши билан сизни бор қилгувчи Зотга тавба қиласиз),* дейилганди. Яъни, сизларнинг тавба қилишинглар бир-бирингларни ўлдиришинглардир. Шундан кейин Аллоҳ уларнинг тавбасини қабул қилганини билдирияптими, демак, улар ҳақиқатда бир-бирларини ўлдирганлар ва Аллоҳ уларнинг тавбасини қабул қилган.

2 – Кейин Аллоҳ уларга Мусо ﷺнинг қавмидан бўлган салафларига берган бошқа бир неъматини айтипти. Улар ўз пайғамбарлари Мусо ﷺга, сенинг Аллоҳ томонидан олиб келган гапларингни то Аллоҳни ўз кўзимиз билан кўрмагунимизча тасдиқ этмаймиз, дейишди. Шунда уларни яшин урди ва улар ўлдиilar. Шояд шукр қилсалар, деб Аллоҳ уларни шундан кейин ҳам яна қайта тирилтирди.

﴿فَأَحَدَّتُكُمْ أَصَعَّةً وَأَنْتُمْ تَنْظَرُونَ﴾

(қараб турган ҳолингизда сизларни чақмок урди), деган гапи устингизга тушиб, сизларни ҳалок қилган бу даҳшатли ҳолатни ўз кўзинглар билан кўрдинглар, деган маънодадир. Яшин аслида шундай бир даҳшатли нарсаки, оқибатда у ё ҳалокатга ёки ҳалокатга яқин бир ҳолатга олиб боради. Лекин бу ердаги

﴿لَمْ يَعْشَكُمْ مِنْ بَعْدِ مَوْتِكُمْ﴾

(ўлганингиздан кейин тирилтиридик), деган гап яшин уларни аниқ ҳалок қилгани яъни, аниқ ўлдирганига қаринадир.

3 – Шунингдек, Аллоҳ уларга булутларни бўйсундириб берди. Булутлар уларнинг юришига қараб юрадиган, уларга қуёшдан соя бўлиб турадиган бўлди.

﴿وَظَلَّنَا عَلَيْكُمْ الْغَمَام﴾

(Ва булутни устингизга соябон қилдик). Яна уларга икки хил ажойиб емишни нозил қилди.

﴿وَأَنْزَلْنَا عَلَيْكُمْ الْمَنَّ وَالسَّلَوَى﴾

(Ва сизларга осмондан ширинлик ва беданалар ёғдирдик). Токи, улар Аллоҳ берган ризқдан тановул қилинлар, берган неъматлари учун У Зотга шукр қилинлар. Лекин улар бундай қилиш ўрнига бу неъматларга нонкўрлик қилдилар, шукр ўрнига куфрни қўйдилар. Шу билан жазога лойиқ бўлиб қолдилар. Бу жазо улар учун зарардир ва улар ўзлари ўшанга лойиқ бўлганлари ҳолда уни кўрадилар. Демак, зулм қилиш билан улар фақат ўзларига зарар қилдилар. Уларнинг зулмлари Аллоҳга ҳеч қандай зарар келтира олмайди. Аллоҳ Таолонинг

﴿وَمَا ظَلَمْوْنَا وَلِكِنْ كَانُوا أَنْفَسَهُمْ يَظْلَمُونَ﴾

((Бану Исроил) Бизга зулм қилмадилар, балки ўзларига зулм қилгувчи бўлдилар), деган гапи мана шу маънода.

4 – Кейин улар ўзларига яна бир марта зулм қилдилар. Аллоҳнинг фармонини бажариш ўрнига яъни, Аллоҳ уларга баён қилган қишлоққа кириб, ундаги емишлардан, хурмолардан bemalol, маза қилиб (رَغْدًا) ейиш ўрнига, шу қишлоқнинг эшигидан кираётib миннатдорлик сифатида Аллоҳга сажда қилиш ва мағфират сўраш ўрнига мазах, масхара қилиб, ўзларига

айтилган сўзни ўзгартирилар, шу билан ўзларига яна бир бор зулм қилдилар, фосиқлик қилдилар ва натижада Аллоҳ уларга аламли азобни татитди. Қишлоққа кириб, у ерда бемалол бўлиш ўша ерда яшашга ишорадир. Мана бу оятда ҳам худди шундай маъно бор:

﴿أَسْكُنُوا هَذِهِ الْقَرَيْةَ﴾

– „*Мана шу шаҳарни (Байтул Муқаддасни) маскан тутингиз*“.  
[7:161]

Кираётиб (حَطَّةً) дейиш, қишлоққа киришни муюссар айлашини, гуноҳларини кечиришини сўраб, Аллоҳга ёлвориш маъносини билдиради. Бу сўз Байтул Мақдиснинг (حَطَّةً) номли бир дарвозаси бўлиши ҳам мумкин.

Бухорий Абу Ҳурайра (رضي الله عنه)дан, у киши Пайғамбар ﷺдан ривоят қилишича Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«قَبِيلَ لِبْنِي إِسْرَائِيلَ ادْخُلُوا الْبَابَ سُجَّدًا وَقُولُوا حَطَّةً، فَدَخَلُوا يَرْحُفُونَ عَلَى أَسْتَاهُمْ فَبَدَّلُوا وَقَالُوا حَطَّةٌ حَبَّةٌ فِي شِعِيرَةٍ»

«Бану Исроилга эшикдан сажда қилган ҳолингларда киринглар ва ҳитта денглар, дейилди. Улар бостириб кириб бордилар ва айтилган сўзни ўзгартириб, ҳитта бу арпанинг бир дони, уруги, дейишди». <sup>53</sup>



(53) Бухорий: 3403, 4479, 4641.

## Биринчи пора, биринчи қисм, тұртсынчы чорак

**بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ**

﴿ وَإِذَا سَتَسْقَى مُوسَى لِقَوْمِهِ فَقُلْنَا أَضْرِبْ بِعَصَالَكَ الْحَجَرَ فَانْفَجَرَتْ مِنْهُ آثَنَتَا عَشْرَةَ عَيْنًا قَدْ عَلِمَ كُلُّ أَنَاسٍ مَشْرِبُهُمْ كُلُّهُوا وَأَشْرَبُوا مِنْ رِزْقِ اللَّهِ وَلَا تَعْثَوْا فِي الْأَرْضِ مُفْسِدِينَ ﴾ ۱ وَإِذْ قُلْتُمْ يَمْوُسَى لَنَ نَصْبِرُ عَلَى طَعَامٍ وَاحِدٍ فَادْعُ لَنَا رَبَّكَ تُخْرِجْ لَنَا مِمَّا تُنْتَبِتُ الْأَرْضُ مِنْ بَقِيلَاهَا وَقِثَائِهَا وَفُومَهَا وَعَدَسَهَا وَبَصَلَهَا قَالَ أَتَسْتَبْدِلُونَ الَّذِي هُوَ أَدْنَى بِالَّذِي هُوَ خَيْرٌ أَهْطُوا مِصْرًا فَإِنَّ لَكُمْ مَا سَأَلَتُمْ وَصُرِبَتْ عَلَيْهِمُ الْذِلَّةُ وَالْمَسْكَنَةُ وَبَاءُوا بِغَضَبٍ مِنْ أَنَّ اللَّهَ ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ كَانُوا يَكْفُرُونَ بِإِيمَانِ اللَّهِ وَيَقْتُلُونَ النَّبِيَّنَ بِغَيْرِ الْحَقِّ ذَلِكَ بِمَا عَصَوْا وَكَانُوا يَعْتَدُونَ ﴾ ۲ إِنَّ الَّذِينَ ءاْمَنُوا وَالَّذِينَ هَادُوا وَالنَّصَرَى وَالصَّابِرِينَ مَنْ ءاْمَنَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَعَمِلَ صَالِحًا فَلَهُمْ أَجْرُهُمْ وَلَا حُوقْ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ تَحْزَنُونَ ﴾ ۳ وَإِذَا أَخْذَنَا مِيشَقَكُمْ وَرَفَعْنَا فَوْقَكُمُ الظُّورَ خُذُوا مَا ءاتَيْنَتُكُمْ بِقُوَّةٍ وَادْكُرُوا مَا فِيهِ لَعْلَكُمْ تَتَّقُونَ ﴾ ۴ ثُمَّ تَوَلَّيْتُمْ مِنْ بَعْدِ ذَلِكَ فَلَوْلَا فَضْلُ اللَّهِ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَتُهُ لَكُنْتُمْ مِنَ الْخَسِيرِينَ ﴾ ۵ وَلَقَدْ عَلِمْتُمُ الَّذِينَ أَعْتَدَوْا مِنْكُمْ فِي السَّبَّتِ فَقُلْنَا لَهُمْ كُوْنُوا قِرَدَةً حَسَسِينَ ﴾ ۶ فَجَعَلْنَاهَا نَكَلًا لِمَا بَيْنَ يَدِيهَا وَمَا خَلْفَهَا وَمَوْعِظَةً لِلْمُمْتَقِينَ ﴾ ۷ وَإِذْ قَالَ مُوسَى لِقَوْمِهِ إِنَّ اللَّهَ يَأْمُرُكُمْ أَنْ تَذْكُرُوا بَقَرَةً قَالُوا أَتَتَخْذِنُ دَنَارًا هُرْوَأً قَالَ أَعُوذُ بِاللَّهِ أَنْ أَكُونَ مِنَ الْجَاهِلِينَ ﴾ ۸ قَالُوا أَدْعُ لَنَا رَبَّكَ يُبَيِّنَ لَنَا مَا هِيَ قَالَ إِنَّهُ يَقُولُ إِنَّهَا بَقَرَةٌ لَا فَارِضٌ وَلَا بِكَرٌ عَوَانٌ بَيْنَ ذَلِكَ فَأَفْعَلُوا مَا نُؤْمِنُونَ ﴾ ۹ قَالُوا أَدْعُ لَنَا رَبَّكَ يُبَيِّنَ لَنَا مَا لَوْنُهَا قَالَ إِنَّهُ يَقُولُ إِنَّهَا بَقَرَةٌ

صَفَرَاءَ فَاقْعُ لَوْنُهَا تَسْرُ الْنَّنْظِرِينَ ﴿٢﴾ قَالُوا أَدْعُ لَنَا رَبَّكَ يُبَيِّنَ لَنَا مَا هِيَ إِنَّ الْبَقَرَ  
 تَشَبَّهَ عَلَيْنَا وَإِنَّا إِنْ شَاءَ اللَّهُ لَمُهَتَّدُونَ ﴿٣﴾ قَالَ إِنَّهُ يَقُولُ إِهْبَأَ بَقَرَةً لَا ذُلُولٌ تُثِيرُ  
 الْأَرْضَ وَلَا تَسْقِي الْحَرَثَ مُسْلَمَةً لَا شِيَةَ فِيهَا ﴿٤﴾ قَالُوا أَئْنَ جِئْتَ بِالْحَقِّ فَذَكِّرْهَا  
 وَمَا كَادُوا يَفْعَلُونَ ﴿٥﴾ وَإِذْ قَتَلْتُمْ نَفْسًا فَآدَرْتُمْ فِيهَا وَاللَّهُ مُخْرِجٌ مَا كُنْتُمْ تَكْتُمُونَ  
 ﴿٦﴾ فَقُلْنَا أَضْرِبُوهُ بِعَصْبَاهَا كَذَلِكَ يُحِيِّ اللَّهُ الْمَوْقَى وَيُرِيكُمْ إِيمَانِكُمْ لَعَلَّكُمْ  
 تَعْقِلُونَ ﴿٧﴾ ثُمَّ قَسَتْ قُلُوبُكُمْ مِنْ بَعْدِ ذَلِكَ فَهُنَّ كَالْحِجَارَةِ أَوْ أَشَدُ قَسْوَةً وَإِنَّ مِنَ  
 الْحِجَارَةِ لَمَّا يَتَفَجَّرُ مِنْهُ الْأَنْهَرُ وَإِنَّ مِنْهَا لَمَّا يَسْقُفُ فَيَخْرُجُ مِنْهُ الْمَاءُ وَإِنَّ مِنْهَا لَمَّا  
 يَهْبِطُ مِنْ حَشِيشَةِ اللَّهِ وَمَا اللَّهُ بِغَافِلٍ عَمَّا تَعْمَلُونَ ﴿٨﴾

– „60. Эсланг (эй Бану Исройл), Мусо ўз қавми учун сув тилаганида: «Асойингни тошига ургин», дедик. Бас, ундан ўн икки чаимса отилиб чиқди — ҳар бир қабилага (улар ўн икки уруг эдилар) ўз суви маълум бўлди. «Аллоҳ берган ризқдан еб-ичинглар, ер юзида бузгунчилик жиноятларини қилманглар». 61. Эсланг: «Эй Мусо, бир ҳил таомга ҳеч қаноат қила олмаяпмиз. Парвардигорингга дуо қил, бизга ерда униб-ўсадиган сабзавотлардан, бодринг, саримсоқ, мош, пиёзга ўхшаган ўсимликлардан чиқариб берсин», деганингизда, у: «Яхши нарсани паст нарсага алмаштиришини истайсизларми? Қайси шаҳарга тушисангизлар сўраган нарсаларингиз турибди-ку?» — деди. (Ношукурликлари сабаб) уларга хорлик ва мискинлик ёзиб қўйилди ва Аллоҳнинг газабига дучор бўлдилар. Бунга сабаб уларнинг Аллоҳ оятларини инкор қилганлари ва Пайгамбарларни ноҳақ қатл қилганлари дидир. Бунга сабаб итоат қилмай тажсовузкор бўлганлари дидир. 62. Албатта, имон келтирган зотлар, яхудий бўлганлар, насронийлар ва собиийлар — (улардан) қайсилари Аллоҳга, охират кунига ишонса ва яхши амаллар қилса, ўшаларга Парвардигорлари хузурида ажер бордир ва улар учун хавфу хатар, гам-андух йўқдир. 63. Эсланг (эй Бану Исройл), Биз аҳду паймонингизни олгандик ва устингизда Тур тогини кўтариб туриб, «Келтирган нарсамизни (Тавротни) маҳкам ушланг ва ундаги бор нарсани ёдингизда тутинг — шояд тақво эгаларидан бўлсангиз», дегандик. 64. Кейин — ўша аҳду паймондан кейин юз ўғирдингиз. Агар сизларга Аллоҳнинг фазлу

*карами бўлмагандада эди, зиён кўргувчилардан бўлиб қолар эдингиз.*

65. Орангиздан шанба кунида ҳаддан ошган кимсаларни билдингиз. Бас, Биз уларга: «Бадбахт маймунларга айланингиз», дедик. 66. Биз бу уқубатни ўша вақт ва кейинги даврлар учун ибрат, тақвони кишилар учун мавъиза (насиҳат) қилдик. 67. Эсланг! Мусо ўз қавмига: «Аллоҳ бир сигир сўйишларингни буюорди», деганида, улар: «Устимиздан қуляпсанми?» — дедилар. (Мусо) деди: «Ундай жоҳиуллардан бўлиб қолишидан Аллоҳ паноҳ бериишини сўрайман». 68. Улар дедилар: «Парвардигорингга дуо қил, унинг қандайлигини баён қиласин». (Мусо) деди: «У Зотнинг айтишича, у қари ҳам, ёш гунажсин ҳам бўлмаган ўрта бир сигирдир. Энди фармонни адо этинглар». 69. Улар дедилар: «Парвардигорингга дуо қил. Унинг рангини баён қиласин». (Мусо) айтди: «У Зотнинг айтишича, у очик-малларанг сигир бўлиб, кўрганларнинг кўнгли чог бўлади». 70. Улар айтдилар: «Парвардигорингга дуо қил, унинг қандайлигини баён қиласин, бу мол бизга шитибоҳли бўлиб қолди. Иниша Аллоҳ, энди йўлимизни топиб оламиз». 71. (Мусо) айтди: «У Зотнинг айтишича, у шундай сигирки, хор бўлиб ер ҳайдамайди, у билан (сув ташиб) экин сугормайдилар, айбу нуқсонсиз, унда ўз рангидан бошқа ранг-бўёқ ҳам йўқ». Улар: «Энди ҳакиқатни айтдинг», дедилар-да, узоқ мишаққатлар чекиб (ӯша айтилган сифатларга эга бўлган сигирни топиб) сўйдилар. 72—73. Эсланг (эй Бану Исроил), бир жонни ўлдириб қўйиб, унинг қотили ким экани ҳақида жсанжаллашиб қолганингизда — ҳолбуки, Аллоҳ яширган нарсаларингизни юзага чиқаргувчилир — «уни (мақтулни) сўйилган сигирнинг бир бўлаги билан уринглар», дегандик. Аллоҳ ўликларни шу тариқа тирилтиради ва сизларга фикр қилишингиз учун ўз оятларини кўрсатади. 74. Сўнгра — шундай мўъжизаларни кўргандан кейин ҳам дилларингиз қотди. Бас, у диллар тоши кабидир ёки ундан-да қаттикроқдири. Зоро, шундай тошлилар борки, улардан дарёлар отилиб чиқади, яна шундайлари борки, ёрилиб, ичидан сув чиқади, яна шундайлари ҳам борки, Аллоҳдан қўрққанидан пастга қулайди. Аллоҳ қилаётган амалларингдан гофил эмасдир.“ [2:60-74]

**Тафсир:**

﴿ وَإِذْ أَسْتَسْقَى مُوسَى لِقَوْمِهِ فَقَلَّنَا أَصْرِب بِعَصَالَكَ الْحَجَرَ فَانْفَجَرَتْ مِنْهُ آنَّتَ عَشْرَةَ عَيْنًا قَدْ عَلِمَ كُلُّ أَنَّاسٍ مَشَرِّبُهُمْ كُلُّهُوا وَأَشْرَبُوا مِنْ رِزْقِ اللَّهِ وَلَا تَعْثُوا فِي الْأَرْضِ مُفْسِدِينَ ﴾

— „60. Эсланг (эй Бану Исроил), Мусо ўз қавми учун сув тилаганида: «Асоингни тошга ургин», дедик. Бас, ундан ўн икки чаима отилиб чиқди — ҳар бир қабилага (улар ўн икки уруғ эдилар) ўз суви маълум бўлди. “Аллоҳ берган ризқдан еб-ичинглар, ер юзида бузгунчилик жиноятларини қилманглар”“. [2:60]

Аллоҳ Таоло Бану Исроилга уларга берган неъматларини эслатяпти. Гёё уларга, Мусонинг сув сўраган пайтини эсланглар, дейиляпти. Бу ерда Аллоҳ Таоло баён қиляпти, Мусо  нинг қавми ташна бўлишган эди, Мусо  уларга сув беришини сўраб, Аллоҳга дуо қилди. Шунда Аллоҳ унга асойингни тошга ур, деб ваҳи қилди. Мусо  шундай қилган эди, тошдан ўн иккита булоқ оқди. Яҳудларнинг уруғлари ҳам ўн иккита эди. Ҳар бир уруққа биттадан булоқ тегди. Уларнинг бедана ва шириналклардан ейиши, булоқларнинг сувидан ичишлари Аллоҳнинг уларга берган неъматлариdir. Токи, улар бу ризқлар учун Аллоҳга шукр қилсинлар, ҳадларидан ошмасинлар, ер юзида бузгунчилик қилмасинлар.



﴿ وَإِذْ قُلْتُمْ يَمْوُسَى لَن نَصِيرَ عَلَى طَعَامِ وَحِدِّ فَادْعُ لَنَا رَبَّكَ تُخْرِجْ لَنَا مِمَّا تُبْتِ الأَرْضُ مِنْ بَقِيلَاهَا وَفَثَاءِهَا وَفُومَهَا وَعَدَسَهَا وَبَصَلَهَا قَالَ أَتَسْتَبْدِلُونَكَ الَّذِي هُوَ أَدْنَى بِالَّذِي هُوَ خَيْرٌ أَهْبِطُوا مِصْرًا فَإِنَّ لَكُمْ مَا سَأَلْتُمْ وَظُرِبَتْ عَلَيْهِمُ الْذِلْلَةُ وَالْمَسْكَنَةُ وَبَاءُ وَبَغَضَ مِنَ اللَّهِ ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ كَانُوا يَكُفُرُونَ بِإِيمَانِ اللَّهِ وَيَقْنُلُونَ الَّنَّبِيِّنَ بِغَيْرِ الْحَقِّ ذَلِكَ بِمَا عَصَوا وَكَانُوا يَعْتَدُونَ ﴾

— „61. Эсланг: «Эй Мусо, бир хил таомга ҳеч қаноат қила олмаяпмиз. Парвардигорингга дуо қил, бизга ерда униб-ўсадиган сабзвотлардан, бодринг, саримсоқ мош, пиёзга ўхшаган ўсимликлардан чиқариб берсин», деганингизда, у: «Яхши нарсани

*паст нарсага алмаштиришини истайсизларми? Қайси шаҳарга тушсангизлар сўраган нарсаларингиз турибди-ку?» — деди. (Ноиукрликлари сабаб) уларга хорлик ва мискинлик ёзib қўйилди ва Аллоҳнинг газабига дучор бўлдилар. Бунга сабаб уларнинг Аллоҳ оятларини инкор қилганлари ва Пайгамбарларни ноҳақ қатл қилганлариидир. Бунга сабаб итоат қилмай тажсовузкор бўлганлариидир.* [2:61]

**Бу муборак оятдан қўйидагилар англашилади:**

1 – Мусо ﷺ нинг қавми Аллоҳ нозил қилган бедана ва шириналикдан иборат бўлган таомнинг ўзи билангина давом этишни ёқтиришмади. Мусо ﷺ га ердан униб чиқадиган бодринг, саримсоқ, мөш, пиёзга ўхшаган ўсимликлардан чиқариб беришини Аллоҳдан сўра, дейиши. Улар бу нарсаларни Мисрда саҳрога чиқмасларидан олдин ер эдилар. Оятдаги (فُوْمَهَا) сўзи Ибн Аббос тафсирига кўра, буғдой маъносини англатади. (Бу сўзнинг саримсоқпиёз, деган маъноси ҳам бор).

Юқорида биз ёқтиришмади, деган гапни айтдик. Чunksi

﴿لَنْ نَصِرَ﴾

**(ҳеч қаноат қила олмаяпмиз)** сўзи шунга далолат қиласи. Аслида сабр нафсни тийишdir, озга қаноат қилдиришdir. Шунинг учун ҳам Мусо ﷺ уларнинг бу ишларини инкор қилиб, яхши нарсага ёмон нарсани алмаштириб юборасизларми, деди. Дарҳақиқат улар сўраётган таом шириналик ва беданадан кўра қадри ҳам, нархи ҳам арzonроқ нарсалар эди. Тил қоидаларига кўра алмаштириш маъносини англатувчи гапдаги бо ҳарфи олинадиган эмас, бериладиган нарсага қўшилади.

﴿أَكَسْتَبَدِلُونَ الَّذِي هُوَ أَدْنَى بِالَّذِي هُوَ خَيْرٌ﴾

**(Яхши нарсани паст нарсага алмаштиришини истайсизларми?).** Бу ерда юксак нарсани бериб, унинг эвазига паст нарса талаб қилинаётганида ҳеч қандай шубҳа йўқ.

2 – Мусо ﷺ улар сўраган нарсаларни беришини сўраб, оламлар Парвардигорига дуо қилди. Аллоҳ унинг дуосини ижобат қилиб, уларга сўраган нарсаларини берди.

﴿أَهِبْطُوا مَصْرًا فَإِنَّ لَكُم مَا سَأَلْتُم﴾

**(Қайси шаҳарга тушсангизлар сўраган нарсаларингиз турибди-ку?).** Яъни, бирор шаҳарга тушинглар, чunksi сизлар истаётган нарсалар саҳрова бўлмайди, улар шаҳар ва қишлоқларда бўлади.

(مِصْر) сўзи накра бўлиб, арабчалаштирилгандир. Шунинг учун қандайдир бир шаҳар маъносини англатади. Аслида эса Миср сўзи маълум ва машҳур юртнинг номи. Бу сўз хусусидаги рожиҳ гап шуки, у фойри мунсарифдир, яъни, сарфга солинмайдиган сўздир. Мана бу оялар шу фикрнинг далиллариdir.

﴿وَقَالَ اللَّهُ أَشَّرِنَهُ مِنْ مِصْرَ﴾

– „Уни Мисрдан сотиб олган айтдики“ [12:21]

﴿أَدْخُلُوا مِصْرَ إِنْ شَاءَ اللَّهُ إِمَّا مُنِينَ﴾

– „Иниша Аллоҳ, Мисрга тинч-омон киринглар“ [12:99]

﴿أَلَيْسَ لِي مُلْكُ مِصْرَ﴾

– „Миср подиоҳлиги менинг (мулким) эмасми?!“ [43:51]

﴿أَنْ تَبُوءَ لِقَوْمٍ كَمَا يَمْصِرُ بُيُوتًا﴾

– „Қавмларингиз учун Мисрда уйлар тайёрланглар“ [10:87]

Лекин унинг мана бу ояти каримада (مِصْر) накра бўлиб келишидан ўша машҳур Миср маъносини англатмайди, деган маъно чиқмайди. Аллоҳ уни накра келтиряпти. Яъни, қайсиadir бир шаҳар маъносида келяпти. Лекин у ўша машҳур Миср бўлиши ҳам, бошқа бўлиши ҳам мумкин.

(أَهْبَطُوا) сўзи гарчи тушиш маъносини англатса-да, лекин бу ерда афзал ердан ночор ерга тушиш эканига ишора бор.

З – Шундан кейин Аллоҳ уларни жазолади. Уларни хорлик ва бечораликка гирифтор қилди. (ضُرِبَتْ) яъни, уларнинг устига хорлик ва мискинлик чодири қурилди. Ташқи қўринишлар ҳар қанча бошқача бўлиб қўринмасин, энди улар учун барibir азизлик йўқ.

﴿ضُرِبَتْ عَلَيْهِمُ الَّذِلَّةُ إِنَّ مَا ثِقُفُوا إِلَّا بَحْتَلٍ مِّنَ النَّاسِ﴾

– „Агар Аллоҳнинг ва одамларнинг (яъни мусулмонларнинг) аҳди паноҳида бўлмасалар, албатта уларга қаерда бўлмасинлар, хорзорлик битиб қўйилди“ [3:112]

Яъни, уларнинг азизлиги Мусо ﷺ билан бирга бўлган мўминларга ўхшаб Аллоҳ билан бирга бўлганларидағина намоён бўлади.

﴿بِحَبْلٍ مِّنْ أَنَّا﴾

Ёки бошқа халқларга таянган пайтларидагина азиз бўладилар.

﴿وَحَبْلٍ مِّنْ أَنَّا﴾

Худди шу нарсани яъни, бошқа давлатларга боғланиш, уларнинг кучлари ва озуқаларига таяниш ҳолатларини ҳозирда биз кўриб турибмиз.

Шунингдек уларнинг устига мискинлик чодири қурилди. Мискинлик бу муҳтоҗлик, ноҷорлиқдир. Бу ҳам уларнинг доимий белгиларидан биридир. Улар мудом ёрдамга, кимнингдир саҳоватига муҳтоҷ бўладилар. Уларнинг бошқалар молига муҳтоҷлиги маълум ва машхурдир.

Кейин Аллоҳ улардан ғазабланди ва улар шу ғазаб билан қайтдилар. Гўё Аллоҳнинг ғазаби уларнинг устида тургандек. Қаерга борсалар, ўша ерга уларнинг елкасида борадигандек. Ҳа, улар қаерга бормасинлар, Аллоҳнинг ғазабини кўтариб юришарди.

Мана шуларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг оятларига ва неъматларига қуфр келтирганлари, Закариё ва Яҳё каби пайғамбарлар ﷺларни ўлдирганлари, Аллоҳнинг ҳадларига риоя қилмаганлари, У Зотнинг буйрутини бажармаганлари туфайли юз берди.

﴿دَلِكَ بِأَنَّهُمْ﴾

Бу ердаги (.) сабабни билдириб келяпти. Яъни, ўша ишлар туфайли...

\*\*\*

﴿إِنَّ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَالَّذِينَ هَادُوا وَالنَّصَرَى وَالصَّابِرَى مَنْ ءَامَنَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمَ﴾

﴿الْأَخْرَى وَعَمِلَ صَالِحًا فَلَهُمْ أَجْرُهُمْ عِنْدَ رَبِّهِمْ وَلَا حَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ تَحْزَنُونَ﴾



— „62. Албатта, имон келтирган зотлар, яхудий бўлганлар, насронийлар ва собиийлар — (улардан) қайсилари Аллоҳга, охират кунига ишонса ва яхши амаллар қилса, ўшаларга Парвардигорлари

**хүзүрида ажер бордир ва улар учун хаефу хатар, гам-андух йўқдир “**

[2:62]

Бу муборак оят ҳақида тадаббур қилган одам унинг Аллоҳнинг каломи эканини, Пайғамбар ﷺ га берилган буюк мўъжиза эканини тўла идрок қилгани ҳолда хушу билан Аллоҳга эгилади. Бу оят Аллоҳ томонидан турли динлардаги бутун башариятга шарт қўйиш тарзида берилган бир ваъдани баён қилди. (فَلَهُمْ) яъни, агар улар шартни бажарсалар, ўшанга яраша жавоб ҳам бўлади. Мана шундай буюк ҳақиқат бир неча сўзлардан тузилган қисқагина жумлада ўз ифодасини топган.

﴿الَّذِينَ إِمْرَأً﴾

**(Имон келтирган зотлар).** Бу ибора Исломдаги имоннинг ақидавий маъносини ўз ичига олади. У Ислом ақидасини қатъий тасдиқ этишдир. Шунингдек, у Одам ﷺдан тортиб то пайғамбарлар хотами Муҳаммад ﷺ га қадар бўлган ҳамма замону ҳамма макондаги пайғамбарлар олиб келган ҳақиқатга имон келтирганларни ўз ичига олади.

﴿الَّذِينَ هَادُوا﴾

**(Яхудий бўлганлар).** Бу ибора яхудийлик вужудга келгандан тортиб то Аллоҳ ер юзини ва ундаги нарсаларни Ўзига олгунига қадар ўтган вақт мобайнida мана шу яхудийлик динига мансуб бўлганларни ўз ичига олади.

**(نَصْرَى نَصْرَى насронийлар).** бу ибора насронийлик бошланганидан тугагунига қадар ўтган вақт мобайнida шу насронийликка мансуб бўлганларни ўз ичига олади.

**(الصَّبَرِيَّاتِ собиийлар).**<sup>54</sup> Агар бу сўзни (الصَّبَرِيَّاتِ) сўзидан олинган десак, у ҳолда бу сўз динсизлар маъносини англатади. (الصَّبَرِيَّاتِ) сўзи ҳақиқатдан юз ўгириш маъносидадир. Агар уни (صَابِيَّاتِ) сўзидан олинган десак, у ҳолда бу сўз ўз динидан чиққанлар маъносини англатади. Юлдузнинг чиқишини ифодалашда ҳам шу сўз ишлатилган. Фалончи фалон жойга чиқди, дейилганда ҳам шу сўз қўлланган. Демак, (الصَّبَرِيَّاتِ) сўзи ё динсизлар ё динидан

(54) Бу ерда собиа номи билан исмланган тоифа ва тоифалар ҳақида ривоятлар бор. Лекин уларда суняса бўладиган саҳиҳ нассни кўрмадим. Шунинг учун лугатда келган мадбулини олдим.

бошқа динга ўтганлар ёки динидан динсизликка ўтганлар, деган маъноларни англатади. Шунга кўра

﴿إِنَّ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَالَّذِينَ هَادُوا وَالنَّصَارَى وَالصَّابِرِينَ﴾

(албатта, имон келтирган зотлар, яхудий бўлганлар, насронийлар ва сабиийлар) ибораси турли динлардаги бутун башариятни ўз ичига олади. Шу ерда қуйидагилар англашилади:

1 – Оят умумийликни ифодалайди. (الَّذِينَ) бу ҳам умумийликни ифодаловчи сийфа. (النَّصَارَى) (الصَّابِرِينَ) алиф лом кирган бу сўзлар ҳам умумийликни ифодалайди. Уларнинг умумийликни ифодалашлари айтиб ўтганимиздек бутун башариятни ўз ичига олишидир.

2 – Бу муборак оят Аллоҳ Таоло олдинги оятда яхудларга қотилликлари, кофирилларни ва осийликлари учун қаттиқ жазо ҳақидаги ваъдани баён қилганидан кейин келяпти. Гёё ўша яхудлар, бизнинг авлоду аждодимиздан ҳам Исломга кириб яхши бўлганлари, савоб олганлари ҳам бўлиши мумкинми, деб сўрамоқдалару бу оят уларнинг шу саволларига жавоб бўлаётгандек. Яъни, Аллоҳ бу муборак оятда баён қиляптики, яхудлар бўладими, оятда айтилган бошқалар бўладими, агар Аллоҳ шарт тарзида айтган ўша яхшиликни қилган одам савобга эришади.

3 –

﴿مَنْ ءَامَنَ بِاللَّهِ وَآلِيَّمِ الْآخِرِ وَعَمِلَ صَلِحًا فَلَهُمْ أَجْرُهُمْ عِنْدَ رَبِّهِمْ وَلَا حَوْفٌ﴾

﴿عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ تَحْزَنُونَ﴾

((Улардан) қайсилари Аллоҳга, охират кунига ишонса ва яхши амаллар қиласа, ўшаларга Парвардигорлари хузурида ажер бордир ва улар учун хавфу хатар, гам-андух ўйқидир). Имон келтирганлар ўз имонларида барқарор туриб, яхши амалларни қилсалар, яхудлар, насоролар, собиинлар ҳам Аллоҳга, охират кунига имон келтириб, яхши амалларни қилсалар, бир сўз билан айтганда Аллоҳ қўйған шартларни бажарсалар

﴿فَلَهُمْ أَجْرُهُمْ عِنْدَ رَبِّهِمْ وَلَا حَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ تَحْزَنُونَ﴾

(ўшаларга Парвардигорлари хузурида ажер бордир ва улар учун хавфу хатар, гам-андух ўйқидир).

4 – (صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ) сўзи накра келяпти. Накра бир турдаги бир нечаликни билдиради. Агар алиф лом артикли қўшилган ва қўплик сийфасида келганида Ислом олиб келган ҳамма яхшиликлар учун умумий бўларди.<sup>55</sup>

Бу гап Исломдан олдин имон келтириб, яхши амаллар қилган кишиларни ҳам ўз ичига олади. Масалан, Нуҳ ﷺга имон келтириб, у киши олиб келган шариатга амал қилган кишини. У кишидан кейинги пайғамбарларнинг кўрсатмаларига амал қилганлар учун ҳам Парвардигорлари ҳузурида савоб бор, улар учун ҳеч қандай хавф йўқ ва улар хафа ҳам бўлмайдилар. Агар бу ердаги савобнинг, ажрнинг шарти Ісломда кўрсатилган яхши амалларни қилиш бўлганида олдинги пайғамбарларга имон келтирсанлар бу ваъдадан сиртга чиқиб кетган бўлардилар. Лекин ўша ўтмишдаги ўз пайғамбарига имон келтириб, яхши амаллар қилганлар учун ҳам Аллоҳнинг ажру савоб бериш ва уларга хавф бўлмаслиги ҳамда улар хафа бўлмасликлари ҳақидаги ваъдаси бор. Пайғамбар ﷺ Салмон Форсийга у мусулмон бўлишидан олдин дўст бўлган руҳонийлар ҳақида шундай дейдилар:

«مَنْ مَاتَ عَلَىٰ دِينِ عِيسَىٰ قَبْلَ أَنْ يَسْمَعَ بِيٰ فَهُوَ عَلَىٰ خَيْرٍ وَمَنْ سَمِعَ بِيٰ وَلَمْ يُؤْمِنْ فَقَدْ هَلَكَ»

«Кимки мен ҳақимда эшитмай туриб, Исо ﷺнинг динида ўлса, у яхшилик устидадир. Кимки мен ҳақимда эшитиб туриб, менга имон келтирмаса, унинг ҳалокатта учраши аниқдир».<sup>56</sup>

5 –

﴿وَلَا حَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ تَحْزُنُونَ﴾

(Улар учун хавфу хатар, ғам-андух йўқдир). Юқоридаги оятда ҳам худди шу гап келган.

(55) Пайғамбар ﷺ فَإِنَّ مَعَ الْأَعْسَرِ يُسْرًا ﴿٦﴾ إنَّ مَعَ الْأَعْسَرِ يُسْرًا (Bas, албатта ҳар бир оғирлик-машаққат билан бирга бир енгиллик ҳам бордир. Албатта ҳар бир оғирлик-машаққат билан бирга бир енгиллик ҳам бордир) оятини ўқиб ва енгиллик сўзи накра келаётгани, оғирлик сўзи эса маърифа бўйиб келаётганини эътиборга олиб, битта оғирлик икки енгилликдан устун келолмайди, деганлар. Яни, такрорланиб келаётган накра сўз олдинги сўзнинг айнан ўзи бўлмайди. Такрорланиб келаётган маърифа эса олдинги маърифа сўзининг айнан ўзи бўлади. Масалан киши келди, киши келди, иборасидаги киши сўзини маърифа қиласек, битта киши келгани, накра қилганимизда эса иккита киши келгани англашилади.

(56) Тафсири Табарий: 1 / 323. Дуррул мансур: 1 / 74.

﴿فَلَا حَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ تَحْزَنُونَ﴾

(Улар учун хавфу *хатар*, *гам-андуҳ* *йўқдир*) яъни, уларга келажакда бўладиган ишлардан хавф йўқ ва улар ўтиб кетган ишларига хафа бўлмайди. Демак, бу ердаги маъно мана бундай бўлади: Улар учун қиёмат кунининг даҳшатларидан хавф йўқ ва улар охиратда Аллоҳ улар учун тайёрлаб қўйган савобни, туганмас, ўзгармас неъматни кўриб, бу дунёда қолиб кетган нарсалари учун хафа бўлмайдилар.



﴿وَإِذْ أَخَذْنَا مِيشَقَكُمْ وَرَفَعْنَا فَوْقَكُمُ الْطُّورَ خُدُوا مَا إِاتَيْنَكُمْ بِقُوَّةٍ وَأَذْكُرُوا مَا فِيهِ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ ﴾ ۲۳ ثُمَّ تَوَلَّتُم مِنْ بَعْدِ ذَلِكَ فَلَوْلَا فَضْلُ اللَّهِ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَتُهُ لَكُنْتُم مِنَ الْخَسِيرِينَ ﴾ ۲۴ وَلَقَدْ عَمِّتُمُ الدِّينَ أَعْتَدْنَا مِنْكُمْ فِي السَّبَّتِ فَقُلْنَا لَهُمْ كُونُوا قَرَدَةً حَسَيْرِينَ ﴾ ۲۵ فَجَعَلْنَاهَا نَكَلًا لِمَا بَيْنَ يَدَيْهَا وَمَا حَلْفَهَا وَمَوْعِظَةً لِلْمُنْتَقِينَ﴾

- „63. Эсланг (эй Бану Исроил), Биз аҳду паймонингизни олгандик ва устингизда Тур тогини кўтариб туриб, «Келтирган нарсамизни (Тавротни) маҳкам ушиланг ва ундаги бор нарсани ёдингизда тутинг — шояд тақво эгаларидан бўлсангиз», дегандик. 64. Кейин — ўша аҳду паймондан кейин юз ўғирдингиз. Агар сизларга Аллоҳнинг фазлу карами бўлмаганда эди, зиён кўргувчилардан бўлиб қолар эдингиз. 65. Орангиздан шанба кунида ҳаддан ошган кимсаларни билдингиз. Бас, Биз уларга: «Бадбахт маймунларга айланингиз», дедик. 66. Биз бу укубатни ўша вақт ва кейинги даврлар учун ибрат, тақволи кишилар учун мавъиза (насиҳат) қилдик“.

**Бу оятлардан қуийидагилар англашилади:**

1 – Аллоҳ Таоло яхудларга улардан аҳду паймон олганини эслатяпти.

﴿وَإِذْ أَخَذْنَا مِيشَقَ بَنِي إِسْرَائِيلَ لَا تَعْبُدُونَ إِلَّا اللَّهُ وَبِأَنْوَلِ الدِّينِ إِحْسَانًا وَذِي الْقُرْبَى وَالْيَتَامَى وَالْمَسَاكِينَ وَقُولُوا لِلنَّاسِ حُسْنًا وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَءَاتُوا الْزَكُوَةَ ثُمَّ تَوَلَّتُمْ إِلَّا قَلِيلًا مِنْكُمْ وَأَنْتُمْ مُعْرِضُونَ ﴾ ۲۶ وَإِذْ أَخَذْنَا مِيشَقَكُمْ لَا تَسْفِكُونَ

دِمَاءُكُمْ وَلَا تُخْرِجُونَ أَنفُسَكُمْ مِّن دِيْرِكُمْ ثُمَّ أَقْرَرْتُمْ وَأَنْتُمْ تَشَهُّدُونَ ﴿٣﴾ ثُمَّ أَنْشَمْ  
هَوْلَآءِ تَقْتُلُونَ أَنفُسَكُمْ وَتُخْرِجُونَ فَرِيقًا مِّنْكُمْ مِّنْ دِيْرِهِمْ تَظَاهِرُونَ عَلَيْهِمْ  
بِالْإِلَهِ وَالْعُدُوَانِ وَإِنْ يَأْتُوكُمْ أُسْرَى تُفَدِّوْهُمْ وَهُوَ حُرْمٌ عَلَيْكُمْ إِخْرَاجُهُمْ  
أَفَتُؤْمِنُونَ بِعَصْمِ الْكِتَابِ وَتَكْفُرُونَ بِبَعْضٍ فَمَا جَزَاءُ مَنْ يَفْعَلُ ذَلِكَ مِنْكُمْ  
إِلَّا خَرْزٌ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَيَوْمَ الْقِيَمَةِ يُرَدُّونَ إِلَى أَشَدِ الْعَذَابِ وَمَا اللَّهُ بِغَافِلٍ  
عَمَّا تَعْمَلُونَ ﴿٤﴾

— „Фақат Аллоҳгагина ибодат қиласизлар, ота-она, қариндоши-уруг, етим ва мискинларга яшилил қиласизлар. Кишиларга чиройли сўзлар сўзлангиз ва намозни тўқис адо қилинг, закотни беринг», деб Бану Исроилдан аҳду паймон олганимизни эсланглар. Кейин эса (эй Бану Исроил) озгина кишиидан ташқари ҳаммангиз юз ўғирган ҳолда кетдингиз. 84. Эсланг, «бир-бирингизнинг қонингизни тўқмайсиз, бир-бировларингизни диёрларингиздан ҳайдамайсиз», деб аҳду паймонингизни олгандик, сўнгра (Ислом келган даверда) ўзингиз гувоҳ бўлганингиз ҳолда бунга икror бўлгандингиз. 85. Кейин эса сизларнинг ўзингиз бир-бирингизни ўлдирмоқдасиз, ўз тоифангиздан бўлган бир гуруҳни диёрларидан ҳайдаб, уларнинг устида гуноҳ ва зулм билан бир-бирингизга ҳамкорлик қилмоқдасиз. Агар улар сизларга асир ҳолда келишса, товон тўлаб қутқариб ҳам оласиз. Ҳолбуки, уларни ҳайдаш сизларга ҳаром қилинган эди. Ё китобнинг (Тавротнинг) бир қисмига ишониб, бир қисмини инкор қиласизми? Ораларингдан ким бу ишини қилса, унинг жазоси бу дунёда расво бўлиши, қиёмат кунида эса қаттиқ азобга дучор қилинадилар. Аллоҳ қилаётган ишларингдан гофил эмасdir“ [2:83-85]

2 — Улар Аллоҳга берган аҳду паймонларини бажаришмагач, Аллоҳ қўрқитиш учун уларнинг устига Тур тогини худди булатдек кўтарди. Токи, улар имонга келсинлар, Аллоҳ уларга берган Тавротни, ундаги фармону тақиқларни маҳкам ушласинлар, яъни уларга қаттиқ амал қилсинлар ва шу билан Аллоҳдан тақво қилувчиларга айлансинлар. Акс ҳолда Аллоҳ Тур тогини уларнинг устига ташлаб юборади. Бас, улар шунга икror бўлдилар ва имон келтирдилар.

Турни уларнинг устига кўтариш улардан олинган аҳду паймонни бузганларидан кейин бўлди. Аллоҳ Таолонинг бошقا бир оятдаги гапидан шу маъною англашилади.

﴿وَرَفِعْنَا فَوْقَهُمْ أَطْوَرَ بِمِثْقَلِهِمْ﴾

— „Аҳдни бузганлари сабабли устларига Тур тогини кўтардик“. [4:154]

Яъни, уларнинг ўз аҳду паймонларини бузганлари сабабли.

3 – Лекин улар яна қайтадан Аллоҳга берган аҳдларини бажаришдан бош тортдилар. Шу ерда Аллоҳ уларга шу ишни қилган уларнинг салафларига ато этган яна бир неъматини, Ўзининг уларга нисбатан фазлу марҳаматли, раҳмли бўлганини эслатяпти. Негаки, Аллоҳ улар аҳдларини бузиб, устларига Тур кўтарилганидан кейин ҳам уларнинг тавбаларини қабул қилди. Агар Аллоҳнинг раҳмати ва уларнинг тавбаларини қабул қилиши бўлмаганида уларнинг зиён кўргувчилардан бўлиб қолишлари аниқ эди.

4 – Кейин Аллоҳ уларга шанба кунида қилган тажовузкорликларини эслатяпти. Яъни, улар шанба кунида Аллоҳнинг ҳудудларига тажовуз қилгандилар. Аллоҳ уларга шанба кунида ов қилишни ҳаром қилганди. Кейин ҳудди шу кунда овланадиган балиқларни кўпайтириб қўйиш билан уларни синади. Шунда улар найранг ишлатдилар. Сув ичида бир чуқурча очиш ёки бошқа бирор восита билан балиқларни якшанбагача ушлаб туришди ва якшанба куни бориб, уларни олишди.

﴿إِذْ تَأْتِيهِمْ حِيَاتُهُمْ يَوْمَ سَبَّهُمْ شُرُعًا وَيَوْمَ لَا يَسْتُرُونَ لَا تَأْتِيهِمْ﴾

— „Ўшанда, шанбалик қилган (яъни балиқ овламаган) кунларида балиқлар (сув юзида) очиқ келар эди, шанбалик қилмаган кунларида (яъни шанбадан бошқа кунларда) эса келмас эди“. [7:163] Шунинг оқибатида Аллоҳ уларни жазолади. Уларни маймунларга айлантириб қўйди. Уларни (خَسِئِينَ) қилди. Яъни, уларни эзгуликдан узоқ, хор, ҳақир одамларга айлантириди.

5 – Мана шу ҳайвонга айлантириш (كَلَّا) яъни, уларнинг қилмишларига, Аллоҳнинг ҳудудларига тажовуз қилганликларига яраша жазо бўлди. Бу жазо ҳам қилиб бўлинган иш учун

﴿لَمَّا بَيْنَ يَدَيْهَا وَمَا حَلَفَهَا﴾

(ўша вакт ва кейинги даврлар учун) ва ҳам энди қилинадиган иш учундир. Шунингдек, энди қилинадиган иш учун жазо тайинлаш

насиҳат ва ибрат маъноларини англатади. Яъни, шундай ишларни қайта қила кўрманглар, токи, сизларга ҳам ўша жазо (ҳайвонга айлантириш жазоси) қўлланиб қолмасин. Бу нарса Аллоҳ Таолонинг мана бу гапига ўхшайди:

### ﴿وَلَكُمْ فِي الْقِصَاصِ حَيَّةٌ﴾

– „Сизлар учун қасосда ҳаёт бор“.

[2:179]

Яъни, қасос жазоси бошқаларнинг тирик қолишларига олиб боради. Чунки бу жазони ҳис этган одам қотилликдан тийилади. Бу ерда ҳам худди шундай. Ҳайвонга айлантириш жазосини олиб қолиши мумкинлигини ҳис этган киши бу жиноятни қилмайди. Шунинг учун у бундан ибрат олиб, насиҳатланиб, ҳудудларга тажовуз қилмайди ва оқибатда ҳайвонга айлантирилиш жазосини олмайди. Энди қилинадиган иш учун жазолаш мажозий маънодадир. Яъни, кейинги ишларда шундан ибратланиш, насиҳатланишдир. Бу ерда бир муносабат, сабабият ҳам бор. Чунки насиҳатланиш ва ибратланиш ўша ҳайвонга айлантириш сабабли юзага келади.

Кейин Аллоҳ Таоло бу жазода кейинги яҳудийлар учунгина эмас, балки ҳар бир тақводор киши учун бир насиҳат борлигини баён қиласди.



﴿وَإِذْ قَالَ مُوسَى لِقَوْمِهِ إِنَّ اللَّهَ يَأْمُرُكُمْ أَنْ تَذْكُرُوا بَقَرَةً فَالْوَأْتَتَنَحْذُنَا هُزُوا قَالَ أَعُوذُ بِاللَّهِ أَنْ أَكُونَ مِنَ الْجَاهِلِينَ ﴾١٧٩﴾ قَالُوا أَدْعُ لَنَا رَبَّكَ يُبَيِّنْ لَنَا مَا هَيَّ قَالَ إِنَّهُ رَبُّهُ يَقُولُ إِنَّهَا بَقَرَةٌ لَا فَارِضٌ وَلَا بِكْرٌ عَوَانٌ بَيْتٌ ذَلِكَ فَأَفْعَلُوا مَا تُؤْمِرُونَ قَالُوا أَدْعُ لَنَا رَبَّكَ يُبَيِّنْ لَنَا مَا لَوْنُهَا قَالَ إِنَّهُ يَقُولُ إِنَّهَا بَقَرَةٌ صَفَرَاءٌ فَاقِعٌ لَوْنُهَا تَسْرُ الْنَّنْظَرِينَ ﴾١٨٠﴾ قَالُوا أَدْعُ لَنَا رَبَّكَ يُبَيِّنْ لَنَا مَا هَيَّ إِنَّ الْبَقَرَ تَشَبَّهَ عَلَيْنَا وَإِنَّ إِنْ شَاءَ اللَّهُ لَمُهْتَدُونَ ﴾١٨١﴾ قَالَ إِنَّهُ يَقُولُ إِنَّهَا بَقَرَةٌ لَا ذُلُولٌ تُثِيرُ الْأَرْضَ وَلَا تَسْقِي الْحَرَثَ مُسَلَّمَةٌ لَا شَيْءَ فِيهَا قَالُوا أَغْنِنَ جِئْتَ بِالْحَقِّ فَذَكَرُوهَا وَمَا كَادُوا يَفْعَلُونَ وَإِذْ قَاتَلُتُمْ نَفْسًا فَآذَرْتُمْ فِيهَا وَاللَّهُ خُرْجٌ مَا كُنْتُمْ تَكْسِبُونَ ﴾١٨٢﴾ فَقُلْنَا أَضْرِبُوهُ

بِعَضُهَا كَذَلِكَ يُحِيِّ أَلَّهُ الْمَوْتَىٰ وَرِيشُكُمْ إِاَيْتِهِ لَعُلُوكُمْ تَعْقِلُونَ ﴿٧﴾ ثُمَّ قَسَّ  
 قُلُوكُمْ مِنْ بَعْدِ ذَلِكَ فَهَيِّ كَالْحِجَارَةِ أَوْ أَشَدُ قَسْوَةً وَإِنَّ مِنَ الْحِجَارَةِ لَمَا يَتَفَجَّرُ  
 مِنْهُ الْأَنْهَرُ وَإِنَّ مِنْهَا لَمَا يَشَقَّقُ فَيَخْرُجُ مِنْهُ الْمَاءُ وَإِنَّ مِنْهَا لَمَا يَهْبِطُ مِنْ خَشْيَةِ اللَّهِ  
 وَمَا اللَّهُ بِغَنِيلٍ عَمَّا تَعْمَلُونَ ﴿٨﴾

— „67. Эсланг! Мусо ўз қавмиға: “Аллоҳ бир сигир сүйишиларингни буюрди”, деганида, улар: «Устимиздан куляпсанми?» — дедилар. (Мусо) деди: «Ундаи жсоҳиллардан бўлиб қолишдан Аллоҳ паноҳ беришини сўрайман». 68. Улар дедилар: «Парвардигорингга дуо қил, унинг қандайлигини баён қилсин». (Мусо) деди: «У Зотнинг айтишича, у қари ҳам, ёш гунажин ҳам бўлмаган ўрта бир сигирдир. Энди фармонни адо этинглар». 69. Улар дедилар: «Парвардигорингга дуо қил. Унинг рангини баён қилсин». (Мусо) айтди: «У Зотнинг айтишича, у очиқ-малларанг сигир бўлиб, кўрганларнинг кўнгли чоғ бўлади». 70. Улар айтдилар: «Парвардигорингга дуо қил, унинг қандайлигини баён қилсин, бу мол бизга шитибоҳли бўлиб қолди. Иниша Аллоҳ, энди йўлимизни топиб оламиз». 71. (Мусо) айтди: «У Зотнинг айтишича, у шундай сигирки, хор бўлиб ер ҳайдамайди, у билан (сув ташиб) экин сугормайдилар, айбу нуқсонсиз, унда ўз рангидан бошиқа ранг-бўёқ ҳам иўқ». Улар: «Энди ҳақиқатни айтдинг», дедилар-да, узоқ машаққатлар чекиб (ўша айтилган сифатларга эга бўлган сигирни топиб) сўйдилар. 72—73. Эсланг (эй Бану Исроил), бир жонни ўлдириб қўйиб, унинг қотили ким экани ҳақида жсанжаллашиб қолганингизда — ҳолбуки, Аллоҳ яширган нарсаларингизни юзага чиқаргувчиидир — «уни (мақтулни) сўйилган сигирнинг бир бўлаги билан уринглар», дегандик. Аллоҳ ўликларни шу тариқа тирилтиради ва сизларга фикр қилишингиз учун ўз оятларини кўрсатади. 74. Сўнгра — шундай мўъжизаларни кўргандан кейин ҳам дилларингиз қотди. Бас, у диллар тоши кабиодир ёки ундан-да қаттикроқдир. Зоро, шундай тошлиар борки, улардан дарёлар отилиб чиқади, яна шундайлари борки, ёрилиб, ичидан сув чиқади, яна шундайлари ҳам борки, Аллоҳдан қўрққанидан пастга қулагиди. Аллоҳ қилаётган амалларингдан гофил эмасдир.“ [2:67-74]

Бу оятлардан қуийидагилар англашилади:

1 – Бу ерда тақдим ва таъхир (олдга қўйиш ва ортга қўйиш) қоидаси ишлатилган. Оятлардан кўринишича, кимdir ўлдирилган ва унинг қотили номаълум бўлиб қолган. Аллоҳ уларга бир сигир сўйиб, унинг қайсиdir бир қисми билан ўлган кишини уришини буюради ва шунда у тирилиб, ўзининг қотилини айтиб беришини баён қиласди. Лекин оятлар сигирни сўйиш мавзуусидан бошланади.

﴿إِنَّ اللَّهَ يَأْمُرُكُمْ أَنْ تَذَكُّرَوْا بَقَرَةً﴾

*(Аллоҳ бир сигир сўйишиларингни буюорди).* Бу мавзу тўла айтилиб бўлганидан кейин Аллоҳ Таоло кейинги ишларни зикр қиласди.

﴿وَإِذْ قَاتَلْتُمْ نَفْسًا فَآدَارْتُمْ فِيهَا وَاللَّهُ خُرْجٌ مَا كُنْتُمْ تَكْسُبُونَ ﴾ فَقُلْنَا أَضْرِبُوهُ

﴿بِعَضُهَا﴾

*(Эсланг (эй Бану Исроил), бир жонни ўлдириб қўйиб, унинг қотили ким экани ҳақида жсанжсаллашиб қолганингизда — ҳолбуки, Аллоҳ яширган нарсаларингизни юзага чиқаргувчиidir — «уни (мақтулни) сўйилган сигирнинг бир бўлаги билан уринглар», дегандик).* Бу қоида Аллоҳнинг китобида шунчаки ишлатилмайди, балки бир мақсадда қўлланади. Қуръон араб тилида нозил бўлган. Араб сўз усталари тақдим ва таъхир қоидасини маълум бир мақсадда қўллаганлар. Бу ердаги ишни тадаббур қиласдиган бўлсак, унинг остида икки мақсад борлигини англаймиз:

а) Қиссанинг сигирни сўйишдан бошланганлигига сабаб Аллоҳнинг буйругини бажаришни пайсалга солишининг, уни бажармаслик учун ҳадеб изоҳ сўрайвериш, кераксиз саволларни беравериш каби баҳоналар ахтаришнинг зааралилигини кўрсатишдир. Шу билан бирга ҳадеб баҳона қидираверадиганлар ва кераксиз савол бераверадиганларга Аллоҳ ишни баттар оғирлаштириб юборишини тушунтириб қўйишдир.

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ إِنْ شَاءُوا لَا تَسْكُلُوا عَنْ أَشْيَاءِ إِنْ تُبَدِّلَ لَكُمْ تَسْوِيْكُمْ﴾

– „Эй мўминлар (Аллоҳ сизлардан кечиб юборган), очилганда сизларни хафа қиласдиган нарсалар ҳақида сўраманглар!“ [5:101]

Бу ердаги гап Аллоҳнинг динига кирган ҳаммага тегишлидир. Яъни, ҳар бир замон ва ҳар бир макондаги мусулмон Аллоҳнинг буйругини ҳеч қандай баҳона изламасдан бажариши лозим. Бу иш шу қадар эътиборли бўлгани учун ҳам бу сура Бақара сураси, деб номланган бўлиши мумкин.

б) Иккинчи мақсад бир мавзуни икки мавзудек қилиб күрсатышдир. Агар бу ерда тақдим ва таъхир қоидаси қўлланмасдан олдин ўша кимнингдир ўлдирилгани, ундан кейин эса сигирни сўйишга буюриш мавзуси айтилганда қисса битта мавзу бўлиб, ўқувчи уни оддийгина (қотилни топиш учун сигир сўйилибди) маъносида тушуниб қўя қоларди.

Бу ерда эса у худди икки қиссадек, икки насиҳатдек турибди:

Биринчидан: Бўйруқни пайсалга солмасдан, баҳона изламасдан бажариш;

Иккинчидан: Умуман олганда Аллоҳ Таолонинг ўликни тирилтиришга ҳам, қотилни аниқлаб беришга ҳам қодирлиги.

﴿فَقُلْنَا أَضْرِبُوهُ بِعَضِهَا كَذَلِكَ يُحِيِّ اللَّهُ الْمَوْتَىٰ وَيُرِيكُمْ إِيمَانَهُ لَعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ﴾

(«Уни (мақтулни) сўйилган сигирнинг бир бўлаги билан уринглар», дегандик. Аллоҳ ўликларни шу тариқа тирилтиради ва сизларга фикр қилишингиз учун ўз оятларини кўрсатади).

Бу мавзунинг таъхир этилиши уни гўё янги бир мавзудек кўрсатиб турибди.

2 – Мусо ﷺ улардан Парвардигорларининг буйруғини бажаришларини, яъни, сигирни сўйишларини талаб қилди. Агар улар тўғри келган бир сигирни дарҳол сўйганларида бўйруқни осонгина бажарган бўлардилар. «Агар улар ўзлари истаган бир сигирни сўйганларида шу ишлари ўрин ўтган бўларди. Лекин улар ўзларига ўзлари ишни оғирлаштириб олишди. Шундан кейин Аллоҳ ҳам уларга ишни оғирлаштириди».<sup>57</sup> Лекин улар бунинг ўрнига иккиландилар, ишни пайсалга солиш учун баҳоналар қидирдилар. Шундан кейин Аллоҳ ҳам уларга ишни қийинлаштириди. Улар сигирнинг белгиларини сўраб, қанчалик ортиқча саволлар берсалар, Аллоҳ ишни шунчалик оғирлаштириди. Охири бориб савол сўрашга ўрин қолмаган пайтда янги белгиларга эга бўлган сигир уларга жуда қимматга тушди. Уларга Мусо ﷺ дастлаб

﴿إِنَّ اللَّهَ يَأْمُرُكُمْ أَنْ تَذَكُّرَوْ بَقَرَةً﴾

(Аллоҳ бир сигир сўйишларини буюрди), деганди. Яъни, қандай бўлишидан қатъий назар, бир сигирни. Унинг тафсилотини, қандай бўлиши кераклигини сўрашганида Аллоҳ Таоло

﴿إِنَّهَا بَقَرَةٌ لَا فَارِضٌ وَلَا بَكَرٌ﴾

(57) Тафсири Табарий: 1 / 374.

(у қари ҳам, ёш ғунажин ҳам бўлмаган ўрта бир сигирдир), деди. Яъни, у на ёш ва на қари бўлиши керак. Оятдаги (فَارِضٌ) сўзи ёши ўтиб қолган, қариб қолган маъноларини англатади. (جُنُبٌ) сўзи эса кичкина маъносида. (عَوَانٌ) сўзи ўрта маъносини билдиради. Яъни, у ёш ҳам, қари ҳам эмас, ўрта ёшли бўлсин. Шундай қилиб, улар ўзларига ўзлари ишни оғирлаштириб олишди. Олдин қандай бўлишидан қатъий назар, умуман бир сигир бўлса, энди ёш ҳам, қари ҳам бўлмаган ўрта ёшли сигир бўлиши керак бўлиб қолди.

Лекин шунда ҳам уларнинг кўзлари очилмади. Мана шу айтилган сигирни қидириш ўрнига унинг қандайлигини яна баттар суриштирилар. Шундан кейин Аллоҳ уларга ишни олдингидан ҳам оғирроқ қилиб юборди.

﴿إِنَّمَا بَقَرَةٌ صَفَرَاءُ فَاقِعٌ لَوْنُهَا﴾

(у очиқ-малларанг сигир), яъни, оддий сариқ эмас, энг тўқ сариқ рангда. Бу ердаги (فَاقِعٌ) сўзи хабар эмас, таъкид бўлиб келяпти.<sup>58</sup> Лекин улар шуни ҳам қилмасдан яна савол сўрашларида давом этдилар: Натижада Аллоҳ уларга ишни олдингидан ҳам оғирроқ қилиб юборди.

﴿إِنَّهُ يَقُولُ إِنَّمَا بَقَرَةٌ لَا ذُلُولٌ تُشِيرُ إِلَأَرْضَ وَلَا تَسِقِي الْحَرَثَ مُسْلَمَةً لَا شِيَةَ فِيهَا﴾

(У Зотнинг айтишича, у шундай сигирки, хор бўлиб ер ҳайдамайди, у билан (сув ташиб) экин сугормайдилар, айбу нуқсонсиз, унда ўз рангидан бошқа ранг-бўёқ ҳам йўқ). Яъни, у эгасининг эркатоиӣ бўлган. (ذُلُولٌ) яъни, у минилмаган, у билан ер ҳайдалмаган. У (تَسِقِي) экинни суғориш учун сув ташишда ишлатилмаган. Кейин у (مُسْلَمَةً) яъни, ҳеч айби йўқ,

﴿لَا شِيَةَ فِيهَا﴾

---

(58) (الصُّفَرَاءُ فَاقِعٌ لَوْنُهَا) сўзи таъкидидир, ининг таъкидидир, ининг хабари эмас. Яъни لونها сўзи мубтадолиги учун роф эмас, балки فاقع ининг фоили бўлгани учундир.

яъни, унда ўша сариқ рангдан бошқа ранг йўқ. Қорни ҳам, бели ҳам ҳамма ёғи сариқ. (شَيْءٌ) сўзи аслида масдар бўлиб, рангининг аксар қисми бошқа рангда, деган маънони англатади.

Шундай қилиб, энди уларга савол бериш туйнуклари батамом ёпилди. Шу билан улар мазкур белгиларга эга бўлган сигирни қидиришга мажбур бўлдилар. Уни топиш жуда оғир кечди, пули ҳам жуда қимматга тушди. Агар улар шунча саволларидан кейин ҳам бу ишни қилмаганларида худди улар қотил бирор обрўлироқ одам бўлгани ёки шунга ўхшаш бирор сабаб борлиги туфайли унинг ошкор бўлишини истамаётгандек бўлиб қолардилар.

﴿فَذَحُوا وَمَا كَادُوا يَفْعَلُونَ﴾

**(Узоқ машаққатлар чекиб (ўша айтилган сифатларга эга бўлган сигирни топиб) сўйидилар).**

3 – Кейин Аллоҳ Таоло сигирни сўйиш нима учун талаб қилинган бўлса, ўша мавзуга ўтятпи. У ўлдирилган кимса бўлиб, ҳеч ким бу ишни бўйнига олмаётган эди. Аллоҳ Таолонинг

﴿وَإِذْ قَتَلْتُمْ نَفْسًا فَآدَرْتُمْ فِيهَا﴾

**(бир жонни ўлдириб қўйиб, унинг қотили ким экани ҳақида жсанжаллашиб қолганингизда),** деган гапи қотил бегона эмаслигини, уларнинг ўзларининг орасида эканини кўрсатади.

﴿فَآدَرْتُمْ فِيهَا﴾

**(Унинг қотили ким экани ҳақида жсанжаллашиб қолганингизда)** сўзи ҳар бирингиз ўзингизни мудофаа қилдингиз, маъносида. Яъни, улардан ҳар бири, мен ўлдиримадим, мендан бошқаси ўлдирган, деб ўзини ўзи мудофаа қилган.

Шунда Аллоҳ сўйилган сигирнинг бир қисми билан ўликни уришга буюрди. Шундай қилган эдилар, Аллоҳ уни тирилтириди ва у ўзининг қотилини айтиб берди. Шу билан Аллоҳ улар беркитган ишни очиб юборди.

﴿وَاللهُ خَرَجَ مَا كُنْتُ تَكْتُبُونَ﴾

**(Аллоҳ яширган нарсаларингизни юзага чиқаргувчиidir).**

Бу ишда яъни, ўликни тирилтиришда улар учун Аллоҳнинг қиёмат кунида уларни тирилтира олишини кўрсатувчи аломат бор эди. Бу иш айниқса ўша пайтдаги қайта тирилишни инкор қилувчиларга тегишли эди. Бу иш эй қайта тирилишни инкор этувчилар, сизларга қарши ҳужжатдир. Ақлингларни

ишлигинлар, жон олувчи ҳам, жон берувчи ҳам Аллоҳ эканини билиб қўйинглар.

4 – Аллоҳ Таоло бизга хабар беряпти, шунча оятларга, аломатларга қарамасдан, ўликни тирилтириш ҳолатини ўз кўзлари билан кўриб туриб ҳам Бану Исроил кофирлари барибир имон келтирмадилар. Чунки уларнинг қалблари қотиб кетган. Бу қалблар ҳақиқатга эгилмайди. (قَسْوَةً) сўзи, қотиб кетиш, дагаллашиш, қўполлашиш маъноларини англатади.

Аллоҳ Таоло уларнинг қалбларини қаттиқликда тошга ўхшатяпти. Ҳатто ундан ҳам қаттиқроқ, деяпти.

﴿فَهِيَ كَالْحِجَارَةِ أَوْ أَشَدُ قَسْوَةً﴾

(Бас, у диллар тош кабидир ёки ундан-да қаттиқроқдир). Бу ердаги (أَوْ ёки) сўзи араб тилида бир неча маъноларда келади. Унинг икки тарафидан исталганини танлаш, ҳар икки тарафи бир хил бўлиши, (أَوْ) маъносини англатиши, тингловчига мубҳам қилиб кўрсатиш ва (بَلْ) балки маъноларида. Унинг қайси маънода келаётгани қаринага қараб аниқланади. Оятни бутунлигича кўриб чиқадиган бўлсак, бу ерда (أَوْ) унинг (بَلْ) маъносини англатаётгани аён бўлади. Чунки бу ердаги мазмун шундан иборатки, тош уларнинг дилларидан кўра яхшироқ, фойдалироқ. Уларнинг қалблари тош кабигина эмас, тошдан ҳам баттардир.

﴿فَهِيَ كَالْحِجَارَةِ أَوْ أَشَدُ قَسْوَةً﴾

(Бас, у диллар тош кабидир ёки ундан-да қаттиқроқдир). Яъни, улар тош кабидир, балки, тошдан ҳам қаттиқроқдир. Уларнинг қалблари тошдан ҳам қаттиқ. Негаки, тошда бироз бўлса ҳам яхшилик бор, фойда бор. Уларнинг қалбларида эса на яхшиликдан ва на фойдадан асар ҳам йўқ. Айрим тошлардан сувлар отилиб чиқади, айримлари ёрилиб, улардан булоқлар оқади, айримлари Аллоҳдан қўрқанидан пастга қулайди. Аллоҳ Таоло бизга Ўзи кўриниш берган пайтида бир тогнинг майдамайда бўлиб кетгани ҳақида хабар беради.

﴿فَلَمَّا تَجَلَّ رَبُّهُ وَلِلْجَبَلِ جَعَلَهُ دَكَّ﴾

– „Қачонки, Парвардигори у тоққа кўринган эди, уни майдамайда қилиб ташлади“ [7:143]

Кейин Аллоҳ Таоло бу муборак оятлар якунида Ўзининг бандаларининг амалларидан ғофил эмаслигини, уларни ҳар доим

кузатиб туришини, қилган ишларини белгилаб, ёзиб боришини, ҳеч бир ишлари назардан четда қолмаслигини, улар учун шу дүнёда ёки охиратда жазо беришини айтади.

Бир нарсадан ғафлатда қолиши уни унугиб, эътиборсиз ташлаб қўйишидир. Аллоҳ уларга бу тошюракларнинг ифлос ишларидан Ўзининг ғофил эмаслигини, ҳаммасини билиб, ҳисоблаб туришини билдирияпти.

Хуллас, бу буюк оятлар ҳақида тадаббур қилган киши яҳудларнинг табиатларида ишни пайсалга солиш, иккиланиш, умуман бажармасликнинг иложи бўлмай қолгандаги кечикитириш учун баҳоналар ўйлаб топиш каби иллатлар мавжудлигини англайди. Улар ўзларини яратган Аллоҳ билан ҳам, уларга ҳақиқатни олиб келган пайғамбарлари билан ҳам, ҳамма одамлар билан ҳам шундай муомалада бўладилар.

Улардан ҳуқуқлар ҳужжатлашишу қаноатлантириш, музокаралару шартномалар орқали эмас, шайтон васвасаларини эсдан чиқартириб юборадиган зарбалар орқали олинади. Мадинада Пайғамбар ﷺ уларнинг муаммосини мана шундай ҳал қилгандилар. Чунки улар аҳду паймонларини бузгандилар, хиёнат қилгандилар. Фаластин борасидаги ягона ечим ҳам мана шудир. Тонг яқин!



Аллоҳга ҳамдлар бўлсинки, Бақара сурасидан биринчи пора, биринчи қисми ниҳоясига етди.

**Энди Аллоҳнинг изни ила иккинчи чорак тафсирига  
киришшамиз, у**

﴿أَفَتَطْمَعُونَ أَن يُؤْمِنُوا لَكُمْ﴾

**оятидан бошланади  
сешанба, 5 зулҳижжа 1416ҳ – 23 апрел 1996м**



# Ат-Тайсир фи усули тафсир

Биринчи пора, иккинчи қисм  
Бақара сурасидан

1416 ҳижрийнинг 5 зул-ҳижжа 1996 милодийнинг 23  
апрелида сешанба қуни бошланди  
75 оятдан 141 оятгача



## Биринчи пора, иккинчи қисм, биринчи чорак

**بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ**

﴿ أَفَتَطْمَعُونَ أَن يُؤْمِنُوا لَكُمْ وَقَدْ كَانَ فَرِيقٌ مِّنْهُمْ يَسْمَعُونَ كَلَمَّا أَلَّهُ ثُمَّ يُخْرِفُونَهُمْ مِّنْ بَعْدِ مَا عَقَلُوهُ وَهُمْ يَعْلَمُونَ ﴾ **وَإِذَا لَقُوا الَّذِينَ ءَامَنُوا قَالُوا إِنَّا وَإِذَا حَلَّ بَعْضُهُمْ إِلَى بَعْضٍ قَالُوا أَتُخَدِّثُنَّهُمْ بِمَا فَتَحَ اللَّهُ عَلَيْكُمْ لِيُحَاجِجُوكُمْ بِهِ عِنْدَ رَبِّكُمْ أَفَلَا تَعْقِلُونَ ﴾ **أَوَلَا يَعْلَمُونَ أَنَّ اللَّهَ يَعْلَمُ مَا يُسْرُونَ وَمَا يُعَلِّمُونَ ﴾ **وَمِنْهُمْ أُمِّيُّونَ لَا يَعْلَمُونَ الْكِتَابَ إِلَّا أَمَانَّهُ وَإِنَّهُمْ إِلَّا يَظْلَمُونَ ﴾ **فَوَيْلٌ لِّلَّذِينَ يَكْتُبُونَ الْكِتَابَ بِأَيْدِيهِمْ ثُمَّ يَقُولُونَ هَذَا مِنْ عِنْدِ اللَّهِ لِيُشَرِّعُوا بِهِ شَمَانًا قَلِيلًا فَوَيْلٌ لَّهُمْ مِّمَّا كَتَبَتْ أَيْدِيهِمْ وَوَيْلٌ لَّهُمْ مِّمَّا يَكْسِبُونَ ﴾ **وَقَالُوا لَنْ تَمَسَّنَا الْنَّارُ إِلَّا أَيَّامًا مَعْدُودَةً قُلْ أَتَخَذُتُمْ عِنْدَ اللَّهِ عَهْدًا فَلَنْ تَخْلِفَ اللَّهُ عَهْدَهُ أَمْ تَقُولُونَ عَلَى اللَّهِ مَا لَا بَلَى مَنْ كَسَبَ سَيِّئَةً وَأَخْطَطَ بِهِ حَطِيعَتُهُ فَأُولَئِكَ أَصْحَابُ الْنَّارِ هُمْ فِيهَا حَلَدُونَ ﴾ **وَالَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ أُولَئِكَ أَصْحَابُ الْجَنَّةِ هُمْ فِيهَا حَلَدُونَ ﴾ **وَإِذَا أَخَذْنَا مِيشَقَ بَنِي إِسْرَائِيلَ لَا تَعْبُدُونَ إِلَّا اللَّهُ وَبِالْوَالِدِينِ إِحْسَانًا وَذِي الْقُرْبَى وَالْيَتَامَى وَالْمَسَاكِينِ وَقُولُوا لِلنَّاسِ حُسْنًا وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَءَاتُوا الْزَّكَوَةَ ثُمَّ تَوَلَّتُمْ إِلَّا قَلِيلًا مِنْكُمْ وَأَنْتُمْ مُعْرِضُونَ ﴾ **وَإِذَا أَخَذْنَا مِيشَقَكُمْ لَا تَسْفِكُونَ دِمَاءَكُمْ وَلَا تُخْرِجُونَ أَنفُسَكُمْ مِّنْ دِيْرِكُمْ ثُمَّ أَفْرَرْتُمْ وَأَنْتُمْ تَشَهَّدُونَ ﴾ **ثُمَّ أَنْتُمْ هَتُّلَاءِ تَقْتُلُونَ أَنفُسَكُمْ وَتُخْرِجُونَ فَرِيقًا مِنْكُمْ مِّنْ دِيْرِهِمْ تَظَاهِرُونَ عَلَيْهِمْ بِالْأَثْمِ وَالْعُدُوانِ وَإِنْ يَأْتُوكُمْ أَسْرَى تُفَدِّوْهُمْ وَهُوَ مُحَرَّمٌ عَلَيْكُمْ إِحْرَاجُهُمْ أَفَتُؤْمِنُونَ بِعَضِ الْكِتَابِ وَتَكْفُرُونَ بِبَعْضٍ فَمَا جَزَاءُ مَنْ******************

يَفْعُلُ ذَلِكَ مِنْكُمْ إِلَّا خَرْزٌ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَيَوْمَ الْقِيمَةِ يُرْدُونَ إِلَى أَشَدِ  
الْعَذَابِ وَمَا اللَّهُ بِغَافِلٍ عَمَّا تَعْمَلُونَ ﴿٤٦﴾ أُولَئِكَ الَّذِينَ أَشْرَوْا الْحَيَاةَ الدُّنْيَا  
بِالْآخِرَةِ فَلَا تُخَفَّفُ عَنْهُمُ الْعَذَابُ وَلَا هُمْ يُنْصَرُونَ ﴿٤٧﴾ وَلَقَدْ أَتَيْنَا مُوسَى الْكِتَابَ  
وَقَوَّيْنَا مِنْ بَعْدِهِ بِالرُّسُلِ وَأَتَيْنَا عِيسَى ابْنَ مَرْيَمَ أَلَّيْنَتِ وَأَيَّدْنَاهُ رُوحُ الْقُدْسِ  
أَفَكُلَّمَا جَاءُكُمْ رَسُولٌ بِمَا لَا تَهْوَى أَنفُسُكُمْ أَسْتَكْبِرُمُ فَفَرِيقًا كَذَبْتُمْ وَفَرِيقًا  
تَقْتُلُونَ ﴿٤٨﴾ وَقَالُوا قُلُوبُنَا غُلْفٌ بَلْ لَعْنَهُمُ اللَّهُ بِكُفْرِهِمْ فَقَلِيلًا مَا يُؤْمِنُونَ  
وَلَمَّا جَاءَهُمْ كَتَبْ مِنْ عِنْدِ اللَّهِ مُصَدِّقٌ لِمَا مَعَهُمْ وَكَانُوا مِنْ قَبْلٍ يَسْتَفْتِحُونَ  
عَلَى الَّذِينَ كَفَرُوا فَلَمَّا جَاءَهُمْ مَا عَرَفُوا كَفَرُوا بِهِ فَلَعْنَةُ اللَّهِ عَلَى الْكُفَّارِ  
يُعْسِمَا أَشْرَوْا بِهِ أَنفُسُهُمْ أَن يَكُفُرُوا بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ بِغَيْرِهِ أَن يُنْزِلَ اللَّهُ مِنْ  
فَضْلِهِ عَلَى مَنْ يَشَاءُ مِنْ عِبَادِهِ فَبَاءُوا بِغَضَبٍ وَلِلْكُفَّارِينَ عَذَابٌ  
مُهِمَّ بِهِ ﴿٤٩﴾ وَإِذَا قِيلَ لَهُمْ إِيمَنُوا بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ قَالُوا نُؤْمِنُ بِمَا أُنْزِلَ عَلَيْنَا  
وَيَكْفُرُونَ بِمَا وَرَأَءُوا وَهُوَ الْحُقْقُ مُصَدِّقًا لِمَا مَعَهُمْ قُلْ فَلِمَ تَقْتُلُونَ أَنْبِيَاءَ اللَّهِ مِنْ  
قَبْلٍ إِنْ كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ ﴿٥٠﴾

— „75. Уларнинг имонга келишиларига орзуманд бўласизми (эй мўминлар)? Холбуки улардан бир гурухи Аллоҳнинг каломини эшишадилар, сўнгра, уни англаб етганларидан кейин билиб туриб ўзгартирадилар. 76. Улар имонли кишиларга йўлиққанларида: «Имон келтирдик» дейдилар. Бир-бировлари билан ёлгиз қолганларида эса: «Уларга (мусулмонларга) Аллоҳ сизларга очган нарса ҳақида гапиряпсизларми? Ўша хужжат билан Парвардигорингизнинг хузурида хужжатлашишлари учун-а? Ақлингизни ишлатмайсизми?» — дейишади. 77. Аллоҳ, шубҳасиз, уларнинг яширган нарсаларини ҳам, ошкор қилган нарсаларини ҳам билгувчи эканини билмайдиларми? 78. Уларнинг ичидагитобдан бехабар, фақат хом хаёлларнигина биладиган омийлари ҳам борки, улар фақат, гумон қиласидилар, холос. 79. Ўз қўллари

билин китоб ёзиб, сўнгра озгина қийматга сотиши учун: «Бу китоб Аллоҳ ҳузуридан келди», дейдиган кимсаларга ҳалокат бўлгай, бас, ёзган нарсалари уларга ҳалокат бўлгай, топган фойдалари уларга ҳалокат бўлгай. 80. Яхудийлар: «Бизларга дўзах ўти саноқни кунлардагина тегади», дедилар. Уларга айтинг: (Эй Мұхаммад), Аллоҳдан аҳду паймон олдингизми — зотан, Аллоҳ ҳаргиз аҳдига хилоф қилмайди — ёки Аллоҳ ҳақида билмаган нарсаларингизни айтмасизми?» 81. Йўқ! Кимда-ким ёмонлик касб қилса ва гуноҳга ўралиб қолса, ана ўшалар дўзах эгалари дир. Улар ўша жойда абадий қолажсаклар. 82. Имон келтириб, яхши амаллар қилган зотлар эса жаннат эгалари бўлиб, ўша жойда абадий қолгувчилардир. 83. «Фақат Аллоҳгагина ибодат қиласизлар, отана, қариндош-уруг, етим ва мискинларга яхшилик қиласизлар. Кишиларга чиройли сўзлар сўзлангиз ва намозни тўкис адo қилинг, закотни беринг», деб Бану Исроилдан аҳду паймон олганимизни эсланглар. Кейин эса (эй Бану Исроил) озгина кишидан ташқари ҳаммангиз юз ўғирган ҳолда кетдингиз. 84. Эсланг, «Бир-бирингизнинг қонингизни тўкмайсиз, бир-бировларингизни диёрларингиздан ҳайдамайсиз», деб аҳду паймонингизни олгандик, сўнгра (Ислом келган даврда) ўзингиз гувоҳ бўлганингиз ҳолда бунга иқрор бўлгандингиз. 85. Кейин эса сизларнинг ўзингиз бир-бирингизни ўлдирмоқдасиз, ўз тоифангиздан бўлган бир гуруҳни диёрларидан ҳайдаб, уларнинг устида гуноҳ ва зулм билан бир-бирингизга ҳамкорлик қилмоқдасиз. Агар улар сизларга асир ҳолда келишиса, товон тўлаб қутқариб ҳам оласиз. Ҳолбуки, уларни ҳайдами сизларга ҳаром қилинганди эди. Ё китобнинг (Тавротнинг) бир қисмига ишониб, бир қисмини инкор қиласизми? Ораларингдан ким бу ишини қилса, унинг жазоси бу дунёда расво бўлиш, қиёмат кунида эса қаттиқ азобга дучор қилинадилар. Аллоҳ қилаётган ишларингдан гофил эмасдир. 86. Ана ўшалар охират ўрнига дунё ҳаётини сотиб олган кимсалардир. Бас, азоблари енгиллатилмайди ва уларга ёрдам ҳам берилмайди. 87. Албатта Биз Мусога китоб ато этдик. Ундан кейин ҳам пайгамбарлар юбордик. Исо бинни Марямга ҳужжатлар бердик ва уни Рухулқудс (Жаброил) ила қувватлантиридик. Ҳар қачон бир Пайгамбар сизларга ёқмайдиган нарса (оятлар) билан келса, бирорини ёлгончи деб, бирорини ўлдираверасизларми? 88. «Дилимиз берк», дедилар. Йўқ, аксинча, куфрлари сабабли уларни Аллоҳ лаънатлаган. Бас, камдан-камлари имон келтирадилар. 89. Қачонки уларга Аллоҳнинг ҳузуридан ўзларида бор нарсани (Тавротни) тасдиқ этувчи китоб келганда — ҳолбуки, илгари

коғирларга қарши ўша китобдан ёрдам кутардилар — бас, қачонки уларга ўзлари билган нарса келгандыңга коғир бўлдишлар. Коғирларга Аллоҳнинг лаънати бўлгай. 90. Аллоҳ бандаларидан хоҳлаган зотга ўз фазлу қарами билан (ваҳи) юборишига қарши чиқиб, Аллоҳ нозил қилган нарсага коғир бўлишилари сабабли улар ўзларини энг ярамас нарсага сотдилар. Бас, газаб устига газаб билан қайтдилар. Коғирлар учун хор қилувчи азоб бордир. 91. Қачон уларга: «Аллоҳ нозил қилган нарсага имон келтиринг», дейилса, «Биз ўзимизга нозил қилинган нарсага имон келтирамиз», дейдилар. Ва ундан кейин келган ўзларидаги нарсани (Тавротни) тасдиқ этувчи ҳақ (китоб)га коғир бўладилар. Айтинг (Эй Муҳаммад), «Агар мўмин бўлган бўлсангизлар, нима сабабдан илгари Аллоҳнинг пайгамбарларини ўлдирап эдингизлар?» “. [2:75-91]

**Тафсир:**

﴿ أَفَتَطْمَعُونَ أَن يُؤْمِنُوا لَكُمْ وَقَدْ كَانَ فَرِيقٌ مِّنْهُمْ يَسْمَعُونَ كَلَمَّا أَلَّهُ ثُمَّ تُخْرِفُهُمْ رُدْ مِنْ بَعْدِ مَا عَقَلُوهُ وَهُمْ يَعْلَمُونَ ﴾ ۷۵ ۷۶ وَإِذَا لَقُوا الَّذِينَ ءَامَنُوا قَالُوا إِنَّا مَنَا وَإِذَا خَلَّ بَعْضُهُمْ إِلَى بَعْضٍ قَالُوا أَخْدِثُنَّهُمْ بِمَا فَتَحَ اللَّهُ عَلَيْكُمْ لِيُحَاجُّوْكُمْ بِهِ عِنْدَ رَيْكُمْ أَفَلَا تَعْقِلُونَ ﴾ ۷۷ أَوْلًا يَعْلَمُونَ أَنَّ اللَّهَ يَعْلَمُ مَا يُسْرِئِلُونَ وَمَا يُعَلِّمُونَ ﴾ ۷۸

— „75. Уларнинг имонга келишиларига орзуманд бўласизми (эй мўминлар)? Ҳолбуки улардан бир гурӯҳи Аллоҳнинг каломини эшишадилар, сўнгра, уни англаб етганларидан кейин билиб туриб ўзгартирадилар. 76. Улар имонли кишиларга йўлиққанларидан: «Имон келтирдик» дейдилар. Бир-бировлари билан ёлгиз қолганларидан эса: «Уларга (мусулмонларга) Аллоҳ сизларга очган нарса ҳақида гапирияпсизларми? Ўша хужжсат билан Парвардигорингизнинг ҳузурида хужжсатлашишлари учун-а? Ақлингизни ишлатмайсизми?» — дейишади. 77. Аллоҳ, шубҳасиз, уларнинг яширган нарсаларини ҳам, ошкор қилган нарсаларини ҳам билгувчи эканини билмайдиларми? “. [2:75-77]

Аллоҳ Таоло Пайғамбар ﷺ асрдош бўлган яхудларнинг салафлари ота-боболари аҳволини, уларнинг Аллоҳга ва Аллоҳнинг неъматларига куфр келтирганларини, пайғамбарларни ўлдирганларини, Аллоҳнинг ҳудудларига риоя қилмаганларини, ояту аломатларини кўрганларидан кейин қалблари тошдан баттар қотиб кетганини баён қилганидан кейин Пайғамбар ﷺ ва

мўминларни ўша яхудлар ҳақидаги бошқа бир ишдан воқиф қиляпти. Ўша яхудлардан бир гуруҳи олимлари ёки бошқалари Аллоҳнинг каломини Мусо ؏дан бевосита эшишиб туриб, бошқаларга уни атайин ўзгартириб етказардилар. Шунинг учун Тавротни бевосита Мусо ؏дан эшишмаган кейинги яхудларнинг уни ўзгартиришлари табиий бир ҳол эди. Ўз пайғамбарларигаки, шундай муносабатда бўлганларидан кейин уларнинг пайғамбаримиз Мұхаммад ؏га имон келтиришлари, у киши Аллоҳ Таоло томонидан олиб келган аҳкомларни тасдиқлашлари эҳтимолдан узоқ эди.

﴿أَفَتَطْمَعُونَ أَن يُؤْمِنُوا لَكُمْ﴾

### **(Уларнинг имонга келишиларига орзуманд бўласизми).**

Яъни, уларнинг тасдиқлашларидан ҳеч қандай умид. (**الظَّهِيرَةُ**) сўзи аслида дилнинг бирор нарсага қаттиқ осилиб олишини англатади. У умид қилиш (**الرَّجَاءُ**) сўзидан кўра кучлироқ маънони билдиради. Бу ердаги истифҳом сўроқ истинкорийdir.

Кейин Аллоҳ Таоло Пайғамбар ؏ асрдош бўлган яхудларнинг яна бир янги аҳволини баён қилди. Улар Исломга қарши турли найранглар ўйлаб топадилар. Улардан бир гуруҳи мунофиқлик билан ўзини мусулмон қилиб кўрсатади. Пайғамбар ؏ни Тавротда тавсифланган ўша пайғамбар, деб эътироф этади. Бундай йўлни тутиш улар учун бир томондан хавфли бўлса ҳам, мусулмонларнинг ичига, ишончига кириб олиш учун шу ишни қиласидилар. Ичга кириб олганларидан кейин эса Исломга қарши найранг ишлатишлари анча осонлашади.

Бошқа бир гуруҳи эса мусулмонлар олдида ҳақиқатни айтишга бу иш кифоя қилмайди, деб билади. Бу гуруҳ Пайғамбар ؏нинг ўша Тавротда тавсифи келган башорат қилинган пайғамбар эканлигини, бир сўз билан айтиганда, ҳақиқатни айтиш ўта хатарли иш, деб ҳисоблайди. Чунки мусулмонлар бу нарсани уларга қарши ҳужжат қилиб ишлатиб қолишлари мумкин. Тўғрида! Ўзларининг Тавротида тавсифланган пайғамбарга қандай қилиб имон келтирмаслик мумкин? Шунга кўра, ўзлари холи қолган пайтларида бир-бирларини маломат қиласидилар.

﴿أَلَّا تَحْكُمُوْنَهُمْ بِمَا فَتَحَ اللَّهُ عَلَيْكُمْ﴾

**(Аллоҳ сизларга очган нарса ҳақида гапирияпсизларми?).** Яъни, Аллоҳ Ўзининг китобида сизларга нозил қилган Мұхаммад ؏нинг сифатлари, у кишининг бутун оламга юборилган

пайғамбар эканликлари ҳақидаги гапларни. Бу ишлар одамларни Исломдан буриш учун қилинган найранглар эди.

Мисол келтирадиган бўлсак, улар мусулмонларни динидан қайтариш учун куннинг бошида имон келтириб, охирига бориб, коғир бўлардилар. Шу билан мўминларда беқарорликни, парокандаликни вужудга келтиришга уринардилар.

﴿وَقَالَ طَّاغِيْةٌ مِّنْ أَهْلِ الْكِتَبِ إِمْنُوا بِالَّذِي أُنْزِلَ عَلَى الَّذِينَ إِمْنُوا وَجْهَ الَّنَّهَارِ وَأَكْفَرُوا إِلَّا خِرْهُ لَعَنْهُمْ يَرْجِعُونَ﴾

– „Ахли китобдан бир тоифаси бир-бирларига шундай дейшиди: «Мўминларга нозил қилинган нарсага (Куръонга) куннинг бошида имон келтириб, куннинг охирида уни инкор қилинглар. Шояд (улар ҳам имонларидан) қайтсалар». [13:72]

Ҳа, улар мана шундай ишларни қилардилар. Мўминларнинг олдиларида ўзларини мусулмон қилиб кўрсатардилар. Холи қолганларида эса шу ишлари учун бир-бирларини маломат қилардилар. Ҳаммаси Ислом ва мусулмонларга қарши энг кўп иш берадиган найрангни ўйлаб топишга ҳарис эди. Улар шу ишларни Аллоҳ Таоло учун ҳеч нарса маҳфий қолмаслигини, У Зот уларнинг дилларида нима борлигидан воқифлигини билиб туриб, Пайғамбар ﷺ ва мўминларга мунофиқлик қилиш учун бажаардилар. Аллоҳ уларнинг ўзаро холи қолиб гаплашган гапларидан ҳам Огоҳdir.

﴿أَوَلَّا يَعْلَمُونَ أَنَّ اللَّهَ يَعْلَمُ مَا يُسْرُوتُ وَمَا يُعْلَمُونَ﴾

(Аллоҳ, шубҳасиз, уларнинг яширган нарсаларини ҳам, ошкор қилган нарсаларини ҳам билгувчи эканини билмайдиларми?). Бу ердаги истифҳом сўроқ танбеҳ бериш учундир.



﴿وَمِنْهُمْ أُمِّيْوْنَ لَا يَعْلَمُونَ الْكِتَبَ إِلَّا أَمَانَى وَإِنْ هُمْ إِلَّا بَطَّلُونَ ﴿٧٤﴾ فَوَيْلٌ لِّلَّذِينَ يَكْتُبُونَ الْكِتَبَ بِأَيْدِيهِمْ ثُمَّ يَقُولُونَ هَذَا مِنْ عِنْدِ اللَّهِ لِيَشَرُّوْا بِهِ ثَمَّنَا قَلِيلًا فَوَيْلٌ لَّهُمْ مِمَّا كَتَبْتَ أَيْدِيهِمْ وَوَيْلٌ لَّهُمْ مِمَّا يَكْسِبُونَ ﴿٧٥﴾﴾

– „78. Уларнинг ичидаги китобдан бехабар, фақат хом хаёлларнигина биладиган омийлари ҳам борки, улар фақат, гумон

**қиладилар, холос. 79.** Ўз құллари билан китоб ёзиб, сүнгра озгина қийматта сөтши учун: «Бу китоб Аллоҳ ҳузуридан келди», дейдиган кимсаларга ҳалокат бўлгай, бас, ёзган нарсалари уларга ҳалокат бўлгай, топган фойдалари уларга ҳалокат бўлгай». [2:78-79]

Аллоҳ Таоло яхуд олимларининг Аллоҳнинг каломини, Тавротни тиловат қилиб туриб, уни ўзгартириб юборишларини айтди.

﴿وَقَدْ كَانَ فَرِيقٌ مِّنْهُمْ يَسْمَعُونَ كَلَمَّا اللَّهِ ثُمَّ تُحَرِّفُونَهُ مِنْ بَعْدِ مَا عَقَلُوهُ وَهُمْ﴾

﴿يَعْلَمُونَ﴾

**(Холбуки улардан бир гурухи Аллоҳнинг каломини эшиштадилар, сүнгра, уни англаб етғанларидан кейин билиб туриб ўзгартирадилар).** Яъни, шу гаплар ўзгартирилишидан олдин ҳақиқат эканини, ўзгартирилганидан кейин ботилга айланганини биладилар. Демак, улар билиб туриб ўзгартирадилар. Шундан кейин Аллоҳ бизларга уларнинг ўқишини ҳам, ёзишини ҳам билмайдиган бошқа бир гурухи ҳам борлигини билдиряпти. Улар Китобдан ҳеч нарсани билмайдилар. Лекин улар Аллоҳ бизни кечиради, дўзахда азобламайди, азобласа ҳам бир неча кунгина азоблайди, деб умид қиласидар. Уларни шундай умидланишга ўша олимлари ўргатганлар. Хуллас, улар ўша олимлари нимага умидлантиrsa ўшани умид қилишдан нарига ўтмайдилар. Демак, улар олимларига тақлид қиласидар. Демак, уларда имон эмас, фақат гумон бор, холос.

﴿وَمِنْهُمْ أُمِيُّونَ لَا يَعْلَمُونَ لَا الْكِتَبَ إِلَّا آمَانَ هُمْ إِلَّا يُظْنُونَ﴾

**(Уларнинг ичидан китобдан беҳабар, фақат хом хаёлларнигина биладиган омийлари ҳам борки, улар фақат, гумон қиласидар, холос).**

Шундан сўнг Аллоҳ Таоло нозил қилинган Тавротни ўзгартирган яхуд олимлари ва котибларига ваъид қиласиди (ёмон нарсани ваъда қиласиди, бу ишларнинг оқибати ёмон бўлишини айтади). Улар Аллоҳнинг китобини ўзгартириб, шу ўзгартирилган китобни Аллоҳники, деб оммага сотадилар. Шунинг учун Аллоҳ уларга вайлни ваъид қиласиди. Вайл «жаҳаннамдаги бир жар бўлиб, кофир унинг қаърига етиб боргунига қадар қирқ куз ўтади».<sup>59</sup> У Аллоҳнинг каломини

<sup>(59)</sup> Термизий: 3088. У киши бу ҳадис ғариб, бу ҳадис Абу Лахийдангина келган, деди. Тафсири Табарий: 1/379.

ўзгартыриб, Аллоҳга тұхмат қилғанларнинг жазосидир. Гүё Аллоҳ Таоло мана шу икки оят ва улардан олдинги уч оят билан яхудларнинг имонга келишларидан умидвор бўлмаслигимизни тайинлаётгандек. Улар ё сўзларни тап тортмай ўзгартыверадиган адаштирувчи олимлар бўладилар ёки шундай адаштирувчи олимларга эргашадиган, тақлид қиладиган омилар бўладилар. Ҳар иккиси ҳам имондан ўта ва ўта йироқдирлар.

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿لَيَشْتَرُوا بِهِ شَمَانَا قَلِيلًا﴾

**(Озгина қийматга сотиши учун).** Бу гапнинг мафҳуми (оз пулга сотиш мумкин бўлмаса, кўп пулга сотиш мумкин экан-да, деган маъноси) йўқ. Оз пулга сотадиларми, кўп пулга сотадиларми, уларга вайл бўлсин. Уларга ёзганлари учун ва шу билан Аллоҳга тұхмат қилғанлари учун ҳам

﴿فَوَيْلٌ لِّهُم مِّمَّا كَتَبْتُ أَيْدِيهِمْ﴾

**(Бас, ёзган нарсалари уларга ҳалокат бўлгай).** Шу ёзган нарсаларини пулга сотиб ҳаромдан мол топганлари учун ҳам

﴿وَوَيْلٌ لِّهُم مِّمَّا يَكْسِبُونَ﴾

**(топган фойдалари уларга ҳалокат бўлгай)** вайл бўлсин.

\*\*\*

﴿وَقَالُوا لَن تَمَسَّنَا الْأَنَارُ إِلَّا أَيَامًا مَعْدُودَةً قُلْ أَخْذَتُمْ عِنْدَ اللَّهِ عَهْدًا فَلَن تُخْلِفَ اللَّهُ عَهْدَهُ أَمْ تَقُولُونَ عَلَى اللَّهِ مَا لَا تَعْلَمُونَ ﴿٤٦﴾ بَلَى مَن كَسَبَ سَيِّئَةً وَأَحْاطَتْ بِهِ حَطِيقَتُهُ فَأُولَئِكَ أَصْحَابُ الْأَنَارِ هُمْ فِيهَا حَلِيلُونَ ﴿٤٧﴾ وَالَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمَلُوا الصَّالِحَاتِ أُولَئِكَ أَصْحَابُ الْجَنَّةِ هُمْ فِيهَا حَلِيلُونَ ﴿٤٨﴾﴾

– „80. Яхудийлар: «Бизларга дўзах ўти саноқли кунлардагина тегади», дедилар. Уларга айтинг: (Эй Мухаммад), Аллоҳдан аҳду паймон олдингизми — зотан, Аллоҳ ҳаргиз аҳдига хилоф қилмайди — ёки Аллоҳ ҳақида билмаган нарсаларингизни айтяпсизми?» 81. Йўқ! Кимда-ким ёмонлик касб қилса ва гуноҳга ўралиб қолса, ана ўшалар дўзах эгалариdir. Улар ўша жойда абадий қолажаклар. 82. Имон келтириб, яхши амаллар қилган

*зотлар эса жаннам әгалари бўлиб, ўша жойда абадий қолгувчилардир“.* [2:80-82]

Аллоҳ Таоло баён қиладики, яҳудлар бизни дўзах бир неча кунгина ушлайди, холос, дейдилар. Араблар озликни ифодалаш учун бир неча сўзини ишлатадилар.

﴿وَشَرَوْهُ بِثَمَنٍ لَخَسِنٍ دَرَاهِمٍ مَعْدُودَةٍ﴾

– „(Кейин, карвон Мисрга етиб келгач), уни арzon баҳода — бир неча тангага сотиб юбордилар“.

[12:20]

Яъни, оз.

﴿وَأَذْكُرُوا اللَّهَ فِي أَيَّامٍ مَعْدُودَاتٍ﴾

– „Саноқли кунларда Аллоҳни зикр қилингиз!“.

[2:203]

Яъни, озгина – ташриқ кунларида – яъни, уларни дўзах озгина кунгина ушлар эмиш. Улар шундай ўйлайдилар. Шунинг учун Аллоҳ уларга қарши хужжат келтириб, агар Аллоҳдан аҳд олган бўлсангизлар, хужжатингларни келтиринглар, дейди. Агар бундай аҳдинглар бўлмаса, (аслида йўқлиги аниқ) демак, сизлар Аллоҳга туҳмат қиляпсизлар.

﴿فَلَمَّا أَخْتَدْتُمْ عِنْدَ اللَّهِ عَهْدًا فَلَنْ تُخْلِفَ اللَّهَ عَهْدَهُ إِنْ تَقُولُونَ عَلَى اللَّهِ مَا لَا

تَعْلَمُونَ﴾

(Уларга айтинг: (Эй Мұхаммад), Аллоҳдан аҳду паймон олдингизми — зотан, Аллоҳ ҳаргиз аҳдига хилоф қилмайди — ёки Аллоҳ ҳақида билмаган нарсаларингизни айтапсизми?). Аллоҳ Таолонинг

﴿ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ قَالُوا لَنْ تَمَسَّنَا الْنَّارُ إِلَّا أَيَّامًا مَعْدُودَاتٍ وَغَرَّهُمْ فِي دِينِهِمْ مَا

كَانُوا يَفْتَرُونَ﴾

– „Бунга (яъни адолатли ҳукмдан юз ўғиришиларига) сабаб уларнинг: «Бизга фақат саноқли кунлардагина дўзах ўти тегади», дейшишиларидир. ўзлари тўқиган бу ёлгонлари уларни динларидан адашишириб кўйди“.

[3:24]

деган ояти ҳам шу мазмунда. Яъни, улар олимлари тарқатган сизлар фақат озгина кунларгина азобланасизлар, деган гапга алданиб, ўз гумонлари ила Аллоҳга туҳмат қилдилар.

Кейин Аллоҳ Таоло яҳудлар айтиётган бу гапнинг ёлғонлигини, ҳақиқат эса Аллоҳга куфр, ширк келтирган

кимсанинг дўзахда абадий қолиши эканлигини, Аллоҳга ва Пайғамбарга имон келтирган

﴿إِنَّمَا مَنْوَأُ الظَّرِبَتْ﴾

(имон келтирган), Аллоҳга ва Пайғамбарга итоат этган, Аллоҳнинг ҳудудларига тажовуз қилмаган, У Зотнинг фарзларини адо этган, У Зотнинг тақиқларидан тийилган

﴿وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ﴾

(яхши амаллар қилган зотлар) кимсалар наъим жаннатларида абадий қолиши эканлигини баён қилди.

Бу оят яхудларга агар улар коғирликларида қолаверадиган бўлсалар, дўзахда абадий қолиб кетишларини, имон келтириб, яхши амаллар қиладиган бўлсалар эса жаннатга кириб, унда абадий қолишларини баён қиляпти. Бу ердаги маъно шу ишларни қиладиган ҳамма одамларга тегишли. Чунки бу ердаги лафз умумий маънода келяпти.

(**Йўқ!** **Бўй**) бу ҳарф (яъни, араб тилидаги сўз турларидан бири) худди (نعم) га ўхшаган жавоб ҳарфидир. Лекин у юқорида ўтган сўроқ маъносида бўлган ёки бўлмаган нафий гапнинг жавоби бўлиб келади. У манфий гапдан кейин келиб, уни мусбатга айлантиради. Улар:

﴿لَنْ تَمَسَّنَا أَنَّا﴾

(*Бизларга дўзах ўти тегмайди*), дейишди. Бунга жавобан Аллоҳ

﴿بَلِّيٌّ مِّنْ كَسَبٍ سَيِّئَةً﴾

(*Йўқ! Кимда-ким ёмонлик касб қилса*), деди. Яъни, ҳа, сизларни абадий, узлуксиз ушлайди. Аллоҳ Таолонинг

﴿هُمْ فِيهَا حَلِيلُونَ﴾

(*ўша жойда абадий қолгувчилардир*), деган гапи ҳам шунга далилдир.

﴿كَسَبَ سَيِّئَةً وَأَحَاطَتْ بِهِ حَطِيقَتُهُ﴾

(*Ёмонлик касб қилса ва гуноҳга ўралиб қолса*). Бу ердаги ёмонлик сўзи куфр ва ширк маъносида.

﴿وَأَحَاطَتْ بِهِ حَطِيقَتُهُ﴾

(Гунохга ўралыб қолса). Яъни, уни қамраб олган бўлса ва тавба қилмасдан шу аҳволида ўлиб кетган бўлса. Иҳота сўзи девор сўзига ўзакдошdir. Девор ҳовлини ўраб олганидек, уни ўз ёмонликлари ўраб олади. Дўзахда абадий қолишни тақозо қилувчи ёмонлик қуфрdir, ширкdir ва шуларда маҳкам туриб олишdir. Тавба қилиб, қайтиб, Исломга кирган киши эса дўзахда абадий қолмайди.

﴿إِنَّ اللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَن يُشْرِكَ بِهِ وَيَغْفِرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَن يَشَاءُ﴾

— „Албатта Аллоҳ Үзига (бирон нарсанинг) шерик қилининини кечирмас. Шундан бошқа гунохларни Үзи хоҳлаган бандалари учун кечиурп“ [4:48]



﴿وَإِذْ أَخَذْنَا مِيشَقَ بَنِ إِسْرَائِيلَ لَا تَعْبُدُونَ إِلَّا اللَّهُ وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا وَذِي الْقُرْبَىٰ وَالْيَتَامَىٰ وَالْمَسَكِينَ وَقُولُوا لِلنَّاسِ حُسْنًا وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَءَاتُوا الْزَكَوَةَ ثُمَّ تَوَلَّتُمْ إِلَّا قَلِيلًا مِنْكُمْ وَأَنْتُمْ مُعْرِضُونَ ﴾٤٨﴾ وَإِذْ أَخَذْنَا مِيشَقَكُمْ لَا تَسْفِكُونَ دَمَاءَكُمْ وَلَا تُخْرِجُونَ أَنفُسَكُمْ مِنْ دِيْرِكُمْ ثُمَّ أَفْرَزْتُمْ وَأَنْتُمْ تَشَهَّدُونَ ﴾٤٩﴾ ثُمَّ أَنْتُمْ هَتُؤَلِّأَ تَقْتُلُونَ أَنفُسَكُمْ وَتُخْرِجُونَ فِرِيقًا مِنْكُمْ مِنْ دِيْرِهِمْ تَظَاهِرُونَ عَلَيْهِمْ بِالْأَثْمِ وَالْعُدُوَنِ وَإِنْ يَأْتُوكُمْ أَسْرَىٰ تُفَلِّدُوهُمْ وَهُوَ حُرْمٌ عَلَيْكُمْ إِحْرَاجُهُمْ أَفَتُؤْمِنُونَ بِعَصْمِ الْكِتَابِ وَتَكْفُرُونَ بِبَعْضٍ فَمَا جَزَاءُ مَنْ يَفْعُلُ ذَلِكَ مِنْكُمْ إِلَّا خَرْزٌ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَيَوْمَ الْقِيَمَةِ يُرِدُونَ إِلَى أَشَدِ الْعَذَابِ وَمَا اللَّهُ بِغَنِيلٍ عَمَّا تَعْمَلُونَ ﴾٥٠﴾ أَوْتَيْتُكُمُ الَّذِينَ آتَيْتُمُ الْحَيَاةَ الدُّنْيَا بِالْآخِرَةِ فَلَا تُخَفَّفُ عَنْهُمْ الْعَذَابُ وَلَا هُمْ يُنْصَرُونَ ﴾٥١﴾

— „83. «Фақат Аллоҳагина ибодат қиласизлар, ота-она, қариндоши-уруг, етим ва мискинларга яхшилик қиласизлар. Кишиларга чиройли сўзлар сўзлангиз ва намозни тўқис адo қилинг, закотни беринг», деб Бану Исроилдан аҳду паймон олганимизни

*эсланглар. Кейин эса* (эй Бану Исроил) *оғзина кишиидан ташқари ҳаммангиз юз ўғирган ҳолда кетдингиз.* 84. Эсланг, «*Бир-бириңизнинг қонингизни тўқмайсиз, бир-бировларингизни диёрларингиздан ҳайдамайсиз*», деб аҳду паймонингизни олгандик, сўнгра (*Ислом келган даврда*) ўзингиз гувоҳ бўлганингиз ҳолда бунга иккор бўлгандингиз. 85. *Кейин эса сизларнинг ўзингиз бир-бириңизни ўлдирмоқдасиз, ўз тоифангиздан бўлган бир гурӯҳни диёрларидан ҳайдаб, уларнинг устидаги гуноҳ ва зулм билан бир-бириңизга ҳамкорлик қилмоқдасиз.* Агар улар сизларга асир ҳолда келишиса, товон тўлаб қутқариб ҳам оласиз. Ҳолбуки, уларни ҳайдаш сизларга ҳаром қилинган эди. Ё китобнинг (*Тавротнинг*) бир қисмига ишониб, бир қисмини инкор қиласизми? *Ораларингдан ким бу ишини қилса, унинг жазоси бу дунёда расво бўлиши, қиёмат кунида эса қаттиқ азобга дучор қилинадилар.* Аллоҳ қилаётган ишларингдан гофил эмасдир. 86. *Ана ўшалар охират ўрнига дунё ҳаётини сотиб олган кимсалардир.* Бас, азоблари енгиллатилмайди ва уларга ёрдам ҳам берилмайди”.

[2:83-86]

1 – Аллоҳ Таоло бу оятларда Ўзининг Бану Исроилдан фақат Аллоҳгагина ибодат қиласизлар, деб аҳд олгани ҳақида хабар беради.

﴿لَا تَعْبُدُونَ إِلَّا اللَّهُ﴾

*(Фақат Аллоҳгагина ибодат қиласизлар).* Бу хабар нахи тақиқ маъносидаги хабардир. Яъни, Аллоҳдан бошқасига ибодат қилманглар, ота-онангларга яхшилик қилинглар, қариндошлар билан борди-келди қилинглар, етимларга, мискинларга яхшилик қилинглар, одамларга яхши гапларни айтинглар, намозни адо қилинглар, закотни беринглар, деган маънода. Бу ердаги ҳуснан сўзи ҳасанан қилиб ҳам ўқилган, ҳар иккиси ҳам мутавотир қироат. Лекин улар аҳдга вафо қилмадилар, ундан юз ўғирдилар. Мусо ﷺ замонида яъни, ўша аҳд олинган даврда бўладими, бошқа даврда бўладими, фақат ўта озвилик қисмигина мусулмон бўлдилар. У шунингдек Пайғамбар ﷺ нинг замонларидаги яхудларни ҳам ўз ичига олади. Салафлардан олинган аҳд халафларга ҳам тегишлидир. Ўша аҳд олинган пайтдаги яхудларнинг аҳдга вафосизлклари Пайғамбар ﷺ нинг замонидаги яхудларга ҳам тўғри келаверади. Улар ҳам билиб туриб, атайин Пайғамбар ﷺ нинг сифатларини бузиб кўрсатдилар.

﴿وَأَنْتُمْ مُعَرْضُونَ﴾

**(Ҳаммангиз юз ўгириш ҳолда).** Яъни, юз ўгириш ва аҳдларни бажармаслик сизларнинг одатларингиз.

2 – Кейин Аллоҳ Таоло улардан бир-бирларини ўлдирмасликлари, бир-бирларини юртларидан қувиб чиқармасликлари ҳақида ҳам аҳд олганлигини баён қилди.

﴿لَا تَسْفِكُونَ دِمَاءً كَمْ وَلَا تُخْرِجُونَ أَنْفُسَكُمْ مِّنْ دِيَرِكُمْ﴾

**(Бир-бирингизнинг қонингизни тўқмайсиз, бир-бировларингизни диёрларингиздан ҳайдамайсиз).** Яъни, бошқа гуруҳнинг қонини ноҳақ тўқмаслик ва бошқа гуруҳни юртидан қувиб чиқармаслик. Битта қон ва битта жон (яъни, ўзларингизнинг) ибораси ишлатилиши уларнинг битта миллат эканликлариданdir.

Улар ўзларидан аҳд олинганига иқороп бўла туриб, шу аҳдга рози бўла туриб, унга гувоҳ бўла туриб Аллоҳга берган аҳдларини буздилар. Ўзаро уруш қилдилар, бошқа қавмларга зўравонлик қилдилар, бир гуруҳини ўз юртидан қувиб чиқардилар. Ҳолбуки, бу ишларнинг барчаси улар учун ҳаром қилинганди.

3 – Оятлар мантуқидан шу нарса англашиладики, улардан олинган аҳд бир-бирларини ўлдиришни ва бир-бирларини қувиб чиқаришни бас қилиш устида бўлган.

﴿لَا تَسْفِكُونَ دِمَاءً كَمْ وَلَا تُخْرِجُونَ أَنْفُسَكُمْ مِّنْ دِيَرِكُمْ﴾

**(Бир-бирингизнинг қонингизни тўқмайсиз, бир-бировларингизни диёрларингиздан ҳайдамайсиз).** Оятлар мафхумидан эса улардан бир-бирларига

﴿تَظَهَّرُونَ عَلَيْهِمْ بِالْأَثْمِ وَالْعَدُوْنِ وَإِنْ يَأْتُوكُمْ أُسْرَىٰ تُفْنِدُوهُمْ وَهُوَ حُرَّمٌ عَلَيْكُمْ﴾

﴿إِخْرَاجُهُمْ﴾

**(уларнинг устида гуноҳ ва зулм билан бир-бирингизга ҳамкорлик қилмоқдасиз. Агар улар сизларга асир ҳолда келишиса, товон тўлаб қутқариб ҳам оласиз. Ҳолбуки, уларни ҳайдаш сизларга ҳаром қилинганди эди)** зўравонлик қилмаслик ва асирлардан фидя олмаслик устида ҳам аҳд олингани тушунилади.

﴿وَهُوَ حُرَّمٌ عَلَيْكُمْ إِخْرَاجُهُمْ﴾

**(Ҳолбуки, уларни ҳайдаш сизларга ҳаром қилинганди эди)** ибораси

﴿وَتُخْرِجُونَ فَرِيقًا مِنْكُمْ مِّنْ دِيَرِهِمْ﴾

(*ўз тоифангиздан бўлган бир гурухни диёрларидан ҳайдаб чиқармоқдасиз*) иборасига маътуфdir (уюшиб келяпти) ва ундаги ҳукмни баён қиляпти. Тил қоидаларига кўра, араб тилини яхши биладиган одам маътуфни маътуфун алайҳдан (уюшиб келаётган сўзни қайси сўзга уюшиб келаётган бўлса ўша сўздан), сифатни мавсуздан (сифатланувчидан) ажратса, ёки улардан кейин келадигани олдинга ўтиб кетиб, олдин келадигани кейинга ўтиб қолса ёки шунга ўхшаш бирор ҳолат юз берса, ундан гап оқимига зид бир нарсани кўрсатиш иродага қилинган бўлади.

Бу ердаги маътуфун алайҳ (маҳкумун алайҳ) (унга атф қилинаётган сўз, унинг устидан ҳукм чиқарилаётган):

﴿وَخُرُجُونَ فَرِيقًا مِنْكُمْ مَنْ دَيَرَهُمْ﴾

(*Ўз тоифангиздан бўлган бир гурухни диёрларидан ҳайдаб чиқармоқдасиз*). Маътуф яъни, ҳукм эса

﴿وَهُوَ حُرَمٌ عَلَيْكُمْ إِخْرَاجُهُمْ﴾

(*ҳолбуки, уларни ҳайдоши сизларга ҳаром қилинган эди*) уларнинг ўртасини ажратиб турган сўз:

﴿تَظَهَّرُونَ عَلَيْهِمْ بِالْأَلَامِ وَالْعُدُونَ وَإِنْ يَأْتُوكُمْ أَسْرَى تُفَدُّوْهُمْ﴾

(*Уларнинг устида гуноҳ ва зулм билан бир-бирингизга ҳамкорлик қилмоқдасиз. Агар улар сизларга асир ҳолда келишиса, товон тўлаб кутқариб ҳам оласиз*). Яъни, бу ерда ҳайдаб юбориш ва шу ишнинг устидан ҳукм қилиш борасида кўрсатилиши мақсад қилинган бир иш бор.

Бу оят хусусида чуқур тадаббур қиладиган бўлсак, ундаги кўрсатилиши исталаётган нарса уларнинг ўз биродарлари билан урушиб, уларни ўз юртларидан чиқариб юбораётганлари учун бу дунёда расво бўлишлари, охиратда эса қаттиқ азобга дучор бўлишлариdir. Нақадар аянчли манзара! Агар шунчаки, сизларга уларни чиқариб юбориш ҳаром қилингани ҳолда улардан бир гурухини диёридан чиқариб юборасизлар, дейилганида чиқариб юборишнинг шаклу шамойили тушунилмаган бўларди. Яъни, уларни битим, савдо-сотик каби оддий, тинчлик йўли билан чиқариб юборишлари ҳам тушунилиши мумкин бўларди. Лекин бу ерда ўша фосила яъни, уларга қарши гуноҳ ва тажовузкорлик ила душманлар билан тил биринтирасизлар ва уларнинг асирлари келса, улардан фидя оласизлар, деган иборанинг ўртага қўйилиши уларнинг тинчлик йўли билан эмас, уруш йўли билан ҳайдаб солғанларини англатади. Шундан кейин бу ишнинг

нақадар хунуклигини кўрсатувчи ўша ҳукм янграйди. Яъни, уларнинг ўз биродарларини чиқариб юборишлари уруш йўли билан бўлган. Шунинг учун бу ердаги икки бир-бирига ёпишган ҳолда келиши лозим бўлган гап бўлакларининг

﴿وَتَخْرِجُونَ فَرِيقًا مِنْكُمْ مِنْ دِيَرِهِمْ﴾

(ўз тоифангиздан бўлган бир гурӯхни диёrlаридан ҳайдаб чиқармоқдасиз),

﴿وَهُوَ مُحَمَّدٌ عَلَيْكُمْ﴾

(*ҳолбуки, сизларга ҳаром қилинган эди*) орасига фосила – ажратувчининг кириши бежиз бўлмаган. Ундан мақсад жиноятнинг хунуклигини, оғирлигини, яъни, уларнинг ўз биродарларини тинчлик йўли билан эмас, уруш йўли билан чиқариб юборгандарини кўрсатиш бўлган.

Бундан яна шу нарса англашиладики, улар олдинги учта аҳдни бузганлар. (Ўлдиришни бас қилиш, чиқариб юборишни бас қилиш ва уларга қарши душманлар билан ҳамкорлик қилмаслик). Фақат тўртинчи аҳдагина риоя қилганлар. (Асиirlардан фидя олиш). Шу билан улар бирига имон келтириб, бошқасига имон келтирмайдигандарга айланганлар.

﴿أَفَتُؤْمِنُونَ بِعَضِ الْكِتَبِ وَتَكْفُرُونَ بِبَعْضِ﴾

(*Ё китобнинг (Тавротнинг) бир қисмига ишониб, бир қисмини инкор қиласизми?*). Бу истифҳом – сўроқ гап ҳам инкор қилиш ва ҳам танбеҳ бериш маъноларидадир.

4 – Аллоҳ Таоло оят яқунида бу ишларни қилган одамнинг оқибати (خُرۢى) бу дунёда хорлигу зорлик, охиратда эса мислсиз қаттиқ азоб эканини, Аллоҳ уларнинг ифлос ишларидан ҳар доим Огоҳ эканини, уларни ҳисоблаб боришини, тўплаб қўйишини, кейин ўша қилмишларига яраша жазо беришини баён қиласпти.

﴿وَمَا اللَّهُ بِغَافِلٍ عَمَّا تَعْمَلُونَ﴾

(*Аллоҳ қилаётган ишларингдан ғофил эмасдир*).

5 – Бу оят Ислом келган пайтидаги Мадинадаги яхудлар воқеенинг тавсифидир. Бану Қайнуқо Хазражнинг, Бану Назир билан Бану Қурайза эса Авснинг иттифоқдошлари эдилар. Яхудлар Авс билан Хазраж ўртасида уруш оловини ёқиб қўярдилар. Кейин ҳар бир яхудий қабиласи ўзининг иттифоқдошига ёрдам берарди. Иттифоқдошига қўшилиб, ўзининг одамлари билан ҳам уришарди. Уруш натижасига кўра,

айримларини юртдан ҳайдаб чиқариш ҳолатлари ҳам юз берарди. Лекин пировардда яхудлар түпланишиб, Бану Қайнуқодан, Бану Назирдан ёки Бану Қурайзадан бўлишидан қатъий назар, ўз асиirlarini товон тўлаб, қутқариб олардилар.

﴿وَإِنْ يَأْتُوكُمْ أَسْرَىٰ تُفَدِّوْهُمْ﴾

(*Агар улар сизларга асир ҳолда келишиса, товон тўлаб қутқариб ҳам оласиз*). Агар иттифоқдошингларда бошқа гурух яхудларидан асиirlar bilan бўлса, товон тўлаб, уларни қутқариб олардинглар.

(*Агар улар сизларга асир ҳолда келишиса*) яъни, худди иттифоқдошингларда асир бўлганлар сизларнинг ўзларинга асир тушгандай.

Агар уларга, қандай қилиб, олдин ўзаро уруш қиласизларда, кейин яна Авс ёки Хазражга асир тушганларни қутқариб олиш учун бирлашасизлар, дейилса, улар, асиirlarimizni товон тўлаб, қутқариб олиш Аллоҳнинг биздан олган аҳдида бор, деб жавоб берадилар. Ўша аҳдда уришмаслик, ҳайдаб чиқармаслик, бир-бirlariga қарши душман билан ҳамкорлик қилмасликлар ҳам борлигини яширадилар. Бундан мақсад Авс билан Хазраж ўртасидаги уруш оловини кучайтириш эди. Улар дунёвий фойдани кўзлаб, аҳдга хиёнат қиладилар. Яъни, улар доимий урушлар воситасида Авс билан Хазражнинг кучини қирқиб, заифлаштириш учун шундай қиладилар.

6 – Шунинг учун Аллоҳ уларни кейинги оятда охиратини ўткинчи, арзимас дунёвий фойдага сотганлар, деб тавсифлаяпти ва уларга шу ишларининг оқибати ўлароқ, ҳеч қачон енгиллатилмайдиган, бирон лаҳза ҳам ундан қутулиб бўлмайдиган қаттиқ азобни ваъда қиляпти.

﴿وَلَا هُمْ يُنَصِّرُونَ﴾

(*Ва уларга ёрдам ҳам берилмайди*).

\*\*\*

﴿وَلَقَدْ ءاتَيْنَا مُوسَى الْكِتَابَ وَقَفَّيْنَا مِنْ بَعْدِهِ بِالرُّسُلِ وَءَاتَيْنَا عِيسَى ابْنَ مَرْيَمَ الْبَيْتِ وَأَيَّدْنَاهُ بِرُوحِ الْقُدُسِ أَفَكُلَّمَا جَاءَكُمْ رَسُولٌ بِمَا لَا هَيَّوْيَ أَنْفُسُكُمْ آسْتَكْبَرُتُمْ فَفَرِيقًا كَذَّبُتُمْ وَفَرِيقًا تَقْتَلُونَ ﴾AV﴿ وَقَالُوا قُلُوبُنَا غُلْفٌ بَلْ لَعَنَّهُمُ اللَّهُ﴾

بِكُفَّرِهِمْ فَقَلِيلًا مَا يُؤْمِنُونَ ﴿١﴾ وَلَمَّا جَاءَهُمْ كَتَبْ مِنْ عِنْدِ اللَّهِ مُصَدِّقٌ لِمَا مَعَهُمْ  
 وَكَانُوا مِنْ قَبْلِ يَسْتَفْتِحُونَ عَلَى الَّذِينَ كَفَرُوا فَلَمَّا جَاءَهُمْ مَا عَرَفُوا كَفَرُوا بِهِ  
 فَلَعْنَةُ اللَّهِ عَلَى الْكَافِرِينَ ﴿٢﴾ بِعِسْمَاءَ أَشْتَرَوْا بِهِ أَنفُسَهُمْ أَن يَكُفُّرُوا بِمَا أَنْزَلَ  
 اللَّهُ بَغْيًا أَن يُنْزِلَ اللَّهُ مِنْ فَضْلِهِ عَلَى مَن يَشَاءُ مِنْ عِبَادِهِ فَبَأْءُ وَبِغَضْبٍ عَلَى غَضَبٍ  
 وَلِلْكَافِرِينَ عَذَابٌ مُهِبِّ ﴿٣﴾ وَإِذَا قِيلَ لَهُمْ إِنْ مَنْ أَنْزَلَ اللَّهَ قَالُوا نُؤْمِنُ بِمَا  
 أَنْزَلَ عَلَيْنَا وَيَكُفُّرُونَ بِمَا وَرَأَءَهُ وَهُوَ الْحَقُّ مُصَدِّقًا لِمَا مَعَهُمْ قُلْ فَلِمَ تَقْتُلُونَ  
 أَنْبِيَاءَ اللَّهِ مِنْ قَبْلٍ إِنْ كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ ﴿٤﴾

– „87. Албатта Биз Мусога китоб ато этдик. Ундан кейин ҳам пайгамбарлар юбордик. Исо бинни Марямга ҳужжатлар бердик ва уни Рухулкудс (Жаброил) ила кувватлантиридик. Ҳар қачон бир Пайгамбар сизларга ёқмайдиган нарса (оятлар) билан келса, бирорини ёлғончи деб, бирорини ўлдираверасизларми? 88. «Дилимиз берк», дедилар. Йўқ, аксинча, куфрлари сабабли уларни Аллоҳ лаънатлаган. Бас, камдан-камлари имон келтирадилар. 89. Қачонки уларга Аллоҳнинг ҳузуридан ўзларида бор нарсани (Тавротни) тасдиқ этувчи китоб келганда — ҳолбуки, илгари кофирларга қарши ўша китобдан ёрдам кутардилар — бас, қачонки уларга ўзлари билган нарса келганда унга кофир бўлдилар. Кофирларга Аллоҳнинг лаънати бўлгай. 90. Аллоҳ бандаларидан хоҳлаган зотга ўз фазлу қарами билан (ваҳи) юборишига қарши чиқиб, Аллоҳ нозил қилган нарсага кофир бўлишилари сабабли улар ўзларини энг ярамас нарсага сотдилар. Бас, газаб устига газаб билан қайтидилар. Кофирлар учун хор қилувчи азоб бордир. 91. Қачон уларга: «Аллоҳ нозил қилган нарсага имон келтиринг», дейилса, «Биз ўзимизга нозил қилинган нарсага имон келтирамиз», дейдилар. Ва ундан кейин келган ўзларидаги нарсани (Тавротни) тасдиқ этувчи ҳақ (китоб)га кофир бўладилар. Айтинг (Эй Муҳаммад), «Агар мўмин бўлган бўлсангизлар, нима сабабдан илгари Аллоҳнинг пайгамбарларини ўлдирап эдингизлар?» “. [2:87-91]

**Бу оятлардан қўйидагилар англашилади:**

1 – Аллоҳ Таоло Бану Йсройилга Ўзининг уларга берган неъматларини ва уларнинг бу неъматларга нисбатан нонкўрлик

қилганларини эслатяпти. Аллоҳ Мусо ؏га Тавротни нозил қилганди. Ундан кейинги то Исо ؏нинг замонигача келган пайғамбарлар Мусо ؏нинг шариатида бўлганлар. Қачон бир пайғамбар ҳалок бўлса, ортидан бошқа бир пайғамбар келаверган. (وَقَيْنَا) сўзи учқаштиридик, эргаштиридик маъноларини англатади. Бир кишининг ортидан бошқа бир киши изма-из боргани ифодаланганда ҳам шу сўз қўлланади. Бу ерда ҳам Мусо ؏дан то Исо ؏ замонигача пайғамбарларнинг пайдар-пай келганларини ифодалаш учун шу сўз ишлатиляпти.

2 – Аллоҳ уларга Исо ؏ни юборганини, у кишини пайғамбарлигига далолат қилувчи ўликни тирилтириш, пес, мохов касалликларини даволаш ҳамда улар тўплаётган нарсанинг нималигини айтиб беришдек очиқ ҳужжатлар билан қўллаб-қувватлаганини эслатади.

﴿أَنِّي أَحَلُّ لَكُم مِّنَ الظِّينِ كَهْيَةً الْطَّيْرِ فَأَنْفُحْ فِيهِ فَيَكُونُ طَيْرًا بِإِذْنِ اللَّهِ وَأَبْرِئُ الْأَكْمَةَ وَالْأَبْرَصَ وَأَجِي الْمَوْتَىٰ بِإِذْنِ اللَّهِ وَأَنْبِئُكُمْ بِمَا تَأْكُلُونَ وَمَا تَدَخُّرُونَ فِي بُيوتِكُمْ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٌ لَّكُمْ إِنْ كُنْتُمْ مُّؤْمِنِينَ﴾

– „Мен сизларга лойдан қуши тимсолини ясаб унга туфласам, у Аллоҳнинг изни-иродаси билан ҳақиқий қуши бўлади. Ва яна кўр, пес касалларини тузата оламан ва Аллоҳнинг изни билан ўликларни тирилтираман ҳамда сизларга ейдиган ва уйларингизда сақлайдиган нарсаларингизни айтиб беришга қодирман. Агар мўмин бўлсангизлар, албатта бу ишларда сизлар учун аниқ оят-далиллар бордир“. [3:49]

Аллоҳ Исо ؏ни Жаброил ؏ билан қўллади. (أَيَّدْنَاهُ) Яъни, унга ёрдам бердиқ, уни қўлладиқ, қувватладик. Аллоҳ сенга қувват берсин, ибораси айтилганда ҳам шу сўз қўлланади.

(روح القدس Ruhul-қудс ила). Бу сўз кўп маъноли сўз (амоним). У Жаброил ؏ маъносида ҳам, Исо ؏га нозил бўлган китоб Инжил маъносида ҳам ёки Исо ؏ уни айтиб ўликларни тирилтирадиган ном (исми аъзам) маъносида ҳам бўлиши мумкин. (روح القدس Ruhul-қудс ила) покиза, (روح القدس Ruhul-қудс ила) бу ерда Жаброил ؏ маъносида. Бунга далил мана бу оятдир:

﴿إِذْ قَالَ اللَّهُ يَعِيسَى ابْنَ مَرْيَمَ أَذْكُرْ نِعْمَتِي عَلَيْكَ وَعَلَى وَالدِّتَكَ إِذْ أَيَّدْتَكَ بِرُوحِ  
الْقُدْسِ تُكَلِّمُ النَّاسَ فِي الْمَهْدِ وَكَهْلًا ۝ وَإِذْ عَلَمْتُكَ الْكِتَبَ وَالْحِكْمَةَ  
وَالْتَّوْرَةَ وَالْإِنجِيلَ ۝ وَإِذْ تَخَلُّقُ مِنَ الْطَّيْرِ كَهْيَةً الْطَّيْرِ بِإِذْنِي فَتَنْفَخُ فِيهَا فَتَكُونُ طَيْرًا  
بِإِذْنِي وَتَبَرِّئُ الْأَكْمَةَ وَالْأَبْرَصَ بِإِذْنِي وَإِذْ تُخْرُجُ الْمَوْتَى بِإِذْنِي﴾

— „Эсланг (эй Мұхаммад), Аллоҳ айтган эди: «Эй Исо бинни Марям, сенга ва волидангга берган неъматимни — сени Руҳул-қудс (Жаброил) билан қувватлантирганимда одамларга бешикда (гүдаклигинда) ҳам балогатга етган ҳолингдаги каби сұзлаганингни, сенга китоб — хат ва ҳикмат — илмни, Таврот ва Инжилни билдирганимни ва Менинг изним-ихтиёrim билан лойдан күш тимсолини ясаганингни, сүнgra унга пуфлаганингда Менинг изним-ихтиёrim билан ростакам қушга айланғанини, Менинг изним-ихтиёrim билан күр ва песларни тузатганингни ва Менинг изним-ихтиёrim билан ўликларни (тирилтириб қабрларидан) чиқарганингни эслагин!». [5:110]

Бу муборак оят Руҳул-қудсни ҳам, Инжилни ҳам зикр қиляпти. Шунга кўра, Руҳул-қудс Инжилдан бошқа нарсадир. Шунингдек оятдаги Руҳул-қудс сўзи лойдан яратиш, ўликни тирилтириш каби ишлардан олдин зикр қилиняпти. Демак, у Исо ﷺ уни айтиб ўликларни тирилтирадиган ном (исми аъзам) ҳам эмас. Шулардан келиб чиқадиган бўлсак, Руҳул-қудс бу Жаброил ﷺ бўлади.

З – Кейин Аллоҳ Таоло уларнинг пасткашликларини, тошюракликларини баён қилди. Қачон бир пайғамбар улар хушламайдиган, уларнинг дунёвий манфаатларига тўгри келмайдиган бир нарсани олиб келса, унга эргашишдан ўзларини катта олдилар. Бу пайғамбарларнинг айримларини ўлдирдилар, айримларини ёлғончига чиқардилар. Ёки истеҳзо билан, бизнинг қалбларимиз қулфланган ҳолида яратилган, дедилар. (**غُلْفُ( берк)**) Бас, бу қалблар ўша пайғамбарларнинг гапларига очилмайди. Мана шу ёлғончига чиқариш, ўлдириш, дилларнинг қулфланиши каби ишларнинг барчаси уларнинг мутакаббирликлари, ўзларини катта олишлари туфайли юз берган ишлардир.

Аллоҳ Таоло оятнинг якунида уларнинг, бизларнинг дилларимиз шундай яратилган, деган гаплари ёлғон эканини билдирияпти. Улар Аллоҳнинг лаънатига, Аллоҳнинг раҳматидан

қувилишга лойиқ кимсалардир. Чунки улар ўз ихтиёрлари билан Аллоҳга куфр келтирдилар. Билиб туриб, пайғамбарларни тан олмадилар. Улар фақат ўзларининг хушларига, кўнгилларига ёқадиган озгина нарсагагина имон келтирдилар. Яъни, Аллоҳнинг уларга берган тавсифида келганидек Китобнинг бир жойига имон келтирсалар, яна бир жойига куфр келтирдилар. Улар истакларига тўғри келмагани учунгина ўзларининг китобларида айтилган Пайғамбар ﷺнинг белгиларини инкор қилдилар.

(**فَقَلِيلًا مَا يُؤْمِنُونَ** *Бас, камдан-камлари имон келтирдилар*). Бу ердаги фо ҳарфи сабабни билдирувчи фодир. Бу ҳарф уларнинг лаънатланишлари ва кофирликларининг сабабини билдириб келяпти. Улар ўзларига нозил бўлган нарсалардан фақат озгинасигагина имон келтирдилар. Бу ердаги (۱۵) ҳарфи зоида бўлиб, озлик маъносини таъкидляяпти. Аллоҳ Таоло озгинага имон келтиришни куфр деяпти. Бундан шундай маъно келиб чиқадики, кимки ўзининг вақтида нозил бўлган нарсаларнинг ҳаммасига имон келтирмаса, кофир бўлади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿بَلَ لَعَنَهُمُ اللَّهُ بِكُفَّرِهِمْ فَقَلِيلًا مَا يُؤْمِنُونَ﴾

(*Йўқ, аксинча, куфрлари сабабли уларни Аллоҳ лаънатлаган. Бас, камдан-камлари имон келтирдилар*). Яъни, улар нозил бўлган нарсаларнинг ҳаммасига эмас, озгинасигагина имон келтирганлари туфайли кофир ҳисобландилар.

Гапга (۱۶)ни киритиш билан ундан олдингилар тескарига айланадилар. (Манфий бўлса мусбатга, мусбат бўлса манфийга), шунга кўра,

﴿فَلُوْبُنَا غُلْفٌ بَلَ لَعَنَهُمُ اللَّهُ بِكُفَّرِهِمْ﴾

(*дилимиз берк (дедилар). Йўқ, аксинча, куфрлари сабабли уларни Аллоҳ лаънатлаган*), деган гап яхудларнинг **فَلُوْبُنَا غُلْفٌ дилимиз берк**), деган гапининг ёлғонлигини кўрсатяпти.

4 – Аллоҳ Таоло уларнинг Пайғамбар ﷺ пайғамбар бўлиб юборилишларидан олдин қандай пасткаш, қандай бузгунчи бўлгандарни хусусида хабар беради. Улар мушриклар билан урушганларида, яқинда бизга фалон фалон сифатли бир пайғамбар келади, биз унга эргашиб ҳаммангизни енгамиз, деб ўзларининг китобларида битилган Пайғамбар ﷺнинг сифатларини санаб ўтардилар. Лекин худди шу айтган одамлари

уларнинг китобларидағи хабарни тасдиқловчи Қуръон билан юборилган Пайғамбаримиз Мұхаммад ﷺ га куфр келтирдилар. Ҳолбуки улар худди шу одамдан мадад кутаётган эдилар.

﴿يَعْرِفُونَ كَمَا يَعْرِفُونَ أَبْنَاءَهُمْ﴾

— „Уни (Мұхаммад пайғамбарни) ўз фарзандларини таниған каби танийдилар“. [2:146]

Шунинг учун ҳам улар Аллоҳнинг лаънатига лойиқ кимсаларга айландилар.

﴿فَعَنْهُ أَللَّهُ عَلَى الْكَافِرِ بِرَبِّ﴾

(*Коғирларга Аллоҳнинг лаънати бўлгай*).

5 — Уларнинг Пайғамбар ﷺ га куфр келтиришларига сабаб ўзларининг золимликлари ва ҳасадгүйликлари бўлди. (بعيضاً) Ҳа, улар бу пайғамбар ўзларидан эмас, бошқалардан чиққанига ҳасад қилдилар. Улар Исҳоқ әсарининг наслидан кутаётган эдилар. Лекин у Исмоил әсарининг наслидан чиқиб қолди. Шунинг учун Тавротдаги гапларни ҳам инкор қилишга ўтдилар. Билиб туриб куфр келтириш саркашликтининг, ёвузликтининг энг юқори чўққисидир. Шу билан улар ўзларини ўзлари Аллоҳнинг жазосига тутиб бердилар. Бу жазо ўта қаттиқ жазодир. Ундан мутлақо тиним билмас жазодир.

﴿عَذَابٌ مُّهِمَّ﴾

(Хор қилувчи азоб бордир). Яъни, шундай азобки, ўз эгасини (азобланаётган кишини) хорланиш ва таҳқирланишга гирифтор қиласи ва уни ҳечам тарк этмайди. У куфр аҳлига хосдир.

Шунга биноан яҳудлар ўзларини ўзлари Аллоҳнинг азобига тутиб берган бўладилар. Улар Аллоҳ Пайғамбар ﷺ га нозил қилган Қуръонга куфр келтириб, ўзларини ўзлари исроф қилишди, ҳавога совуришди. Улар ўз жонларини куфр ва азобга сотишди. Жонларини бериб, коғирликни, азобланишни олишди. Нақадар аянчли савдо. Киши ўз жонини бериб, унинг эвазига жаҳаннамда абадий қолишини олса-я! Фойдали савдо кишининг ўз жонини Аллоҳнинг ризосига, барқарор жаннат неъматларига сотишидир. Буларнинг савдоси эса зиёнли, заарарли савдодир.

﴿إِنَّمَا أَشْرَوْا بِهِ أَنفُسَهُمْ أَن يَكُفُرُوا بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ﴾

(Аллоҳ нозил қилган нарсага коғир бўлишлари сабабли улар(яхудийлар) ўзларини энг ярамас нарсага сотдилар(Яъни имон ўрнига куфри сотиб олдилар)).

(إِنْ شَرُوا بِهِ أَنْفُسَهُمْ). Яъни, ўзларини, ўз жонларини сотдилар. Бу сўзлар сотиш ва сотиб олиш маъносида келади . Қайси маънода келаётганини қарина белгилайди. Агар бу феълларнинг исноди жонга берилса (яъни, бу феълларининг эгаси, фоили жон бўлса), ёки (اشترى) (شري) (аштари) бўлиб келишидан қатъий назар, сотди маъносини англатади. Чунки жоннинг эгаси ўша кишининг ўзидир. Уни сотиб олди маъносида қўллаб бўлмайди. Лекин агар фоил бошқа бўлса, масалан, Зайд Амрдан жонини сотиб олди, дейилса, бу сўздан Зайднинг жони эмас, Амрнинг жони тушунилади ва бу ердаги феъл сотиб олди, маъносини англатади. Аллоҳ Таолонинг мана бу гапи ҳам шу маънодадир.

﴿وَمِنَ النَّاسِ مَن يَشْرِي نَفْسَهُ أَبْتَغَهُ مَرَضَاتِ اللَّهِ﴾

– „Одамлар орасида Аллоҳ ризолиги йўлида ўз жонини берадиган зотлар ҳам бор. Аллоҳ бандаларига гамхўр, меҳрибондир“. [2:207]

Яъни, ўз жонини Аллоҳнинг йўлида сотди.

﴿إِنَّ اللَّهَ أَشَرَّى مِنَ الْمُؤْمِنِينَ أَنفُسَهُمْ وَأَمْوَالُهُمْ بِأَنَّ لَهُمُ الْجَنَّةَ﴾

– „Албатта, Аллоҳ мўминларнинг жонларини ва молларини улардан жсаннат баробарига сотиб олди“. [9:111]

Яъни, улардан жонларини жуда катта баҳога – жаннатга киритиш эвазига сотиб олди.

﴿فَبَاءُو بِغَضَبٍ عَلَىٰ غَضَبٍ﴾

(Бас, газаб устига газаб билан қайтдилар). Яъни, шу қилмишлари туфайли газаб устига газаб билан қайтдилар. Жуда қаттиқ газабга дучор бўлдилар. Мусо ﷺнинг замонида нозил бўлган Аллоҳнинг оятларига куфр келтирганлари туфайли, Исо ﷺнинг замонида нозил бўлган Аллоҳнинг оятларига куфр келтирганлари туфайли, Пайғамбаримиз Мухаммад ﷺга нозил бўлган Аллоҳнинг оятларига билиб туриб куфр келтирганлари туфайли боришлилари ҳам, келишилари ҳам газаб билан бўлиб қолди, уларга газаб ёпишиб олди.

6 – Кейин Аллоҳ Таоло уларнинг ёлғончиликларини, гапларида қарама-қаршилик борлигини баён қиласди. Агар уларга нима учун Аллоҳ нозил қилган нарсага яъни, Қуръони Каримга

имон келтирмайсизлар, дейилса, биз фақат ўзимизга нозил қилинган Тавротга имон кетирамиз, дейишади. Ҳолбуки, улар Қуръон уларнинг китобларидағи Пайғамбар ﷺ сифатлари борасидаги хабарни тасдиқлаб келганини жуда яхши биладилар. Билиб туриб саркашлик билан куфр келтирадилар. Аллоҳ уларга қарши ҳужжат келтириб, уларнинг ёлғончиликларини фош этади.

﴿نَوْمٌ بِمَا أَنْزَلَ عَلَيْنَا﴾

(*Биз ўзимизга нозил қилинган нарсага имон келтирамиз*). Улар ўша ўзларига нозил қилинган нарсага ҳам имон келтирмаганлар. Тавротда пайғамбарларни ўлдириш ҳаром қилинганига қарамасдан, уларни ўлдирганлар. Яна улар бизлар Тавроттагина имон келтирамиз дейишади.

﴿فُلْقُمَ تَقْتُلُونَ أَنْبِيَاءَ اللَّهِ مِنْ قَبْلٍ إِنْ كُنْتُمْ مُّؤْمِنِينَ﴾

(*Айтинг (Эй Мұхаммад), «Агар мүмин бўлган бўлсангизлар, нима сабабдан илгари Аллоҳнинг пайғамбарларини ўлдирап эдингизлар?*).

Бу ерда Аллоҳ Таоло баён қиляптики, Пайғамбар ﷺ замонларидағи яҳудлар ўзларининг салафлари ота-боболари изидан бориб, ўзларига нозил қилинган нарсага ҳам, ундан кейин нозил қилинган китобларга (Инжил ва Қуръонга) ҳам имон келтирмадилар.



## Биринчи пора, иккинчи қисм, иккинчи чорак

**بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ**

﴿ وَلَقَدْ جَاءَكُم مُوسَى بِالْبَيِّنَاتِ ثُمَّ أَخْذَتُمُ الْعِجْلَ مِنْ بَعْدِهِ وَأَنْتُمْ ظَلِيلُونَ ﴾

﴿ وَإِذْ أَحَدَنَا مِيشَقَكُمْ وَرَفَعَنَا فَوْقَكُمْ أَطْوَرَ خُدُواً مَا إِاتَيْنَاكُمْ بِقُوَّةٍ وَآسَمُوا  
قَالُوا سَمِعْنَا وَعَصَيْنَا وَأَشْرَبُوا فِي قُلُوبِهِمُ الْعِجْلَ بِكُفْرِهِمْ قُلْ بِسْمَمَا يَأْمُرُكُمْ  
بِهِ إِيمَنُكُمْ إِنْ كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ ﴾

﴿ قُلْ إِنْ كَانَتْ لَكُمُ الدَّارُ الْآخِرَةُ عِنْدَ اللَّهِ  
حَالَصَةٌ مِنْ دُونِ النَّاسِ فَتَمَنَّوْا الْمَوْتَ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴾

﴿ وَلَنْ يَتَمَنَّوْهُ أَبَدًا  
بِمَا قَدَّمْتُ أَيْدِيهِمْ وَاللَّهُ عَلِيهِ بِالظَّلَامِينَ ﴾

﴿ وَلَتَجِدَهُمْ أَحْرَصَ النَّاسِ عَلَى حَيَاةٍ  
وَمِنَ الَّذِينَ أَشْرَكُوا يَوْمًا أَحَدُهُمْ لَوْ يُعَمِّرُ أَلْفَ سَنَةً وَمَا هُوَ بِمُزَّحِّهِ  
الْعَذَابِ أَنْ يُعَمِّرَ وَاللَّهُ بَصِيرٌ بِمَا يَعْمَلُونَ ﴾

﴿ قُلْ مَنْ كَانَ عَدُوا لِجِبْرِيلَ فَإِنَّهُ رَزَّالٌ  
عَلَى قَلْبِكَ بِإِذْنِ اللَّهِ مُصَدِّقًا لِمَا بَيْنَ يَدِيهِ وَهُدَى وَشَرِيكٌ لِلْمُؤْمِنِينَ ﴾

﴿ مَنْ كَانَ عَدُوا لِلَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَرَسُولِهِ وَجِبْرِيلَ وَمِيكَلَ فَإِنَّ اللَّهَ عَدُوُّ لِلْكُفَّارِينَ  
وَلَقَدْ أَنْزَلْنَا إِلَيْكَ ءَايَتٍ بَيِّنَاتٍ وَمَا يَكْفُرُ بِهَا إِلَّا الْفَسِيقُونَ ﴾

﴿ أَوْ كُلُّمَا عَاهَدُوا عَهْدًا نَجَدُهُ فَرِيقٌ مِنْهُمْ بَلْ أَكْثَرُهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ ﴾

﴿ وَلَمَّا جَاءَهُمْ رَسُولٌ  
مِنْ عِنْدِ اللَّهِ مُصَدِّقٌ لِمَا مَعَهُمْ نَبَدَ فَرِيقٌ مِنَ الَّذِينَ أَوْتُوا الْكِتَابَ كَتَبَ اللَّهُ وَرَأَءَ  
ظُهُورِهِمْ كَانُوهُمْ لَا يَعْلَمُونَ ﴾

﴿ وَأَنْبَعُوا مَا تَنْتَوْا الشَّيْطَنُ عَلَى مُلْكِ سُلَيْمَانَ وَمَا  
كَفَرَ سُلَيْمَانُ وَلَكِنَّ الشَّيْطَنَ كَفَرُوا يُعْلَمُونَ النَّاسَ السِّحْرَ وَمَا أُنْزَلَ عَلَى  
الْمَلَكَيْنِ بِبَأْبَلَ هَرُوتَ وَمَرُوتَ وَمَا يُعْلَمُانِ مِنْ أَحَدٍ حَتَّى يَقُولَا إِنَّمَا نَحْنُ فِتَنَةٌ  
فَلَا تَكْفُرْ فَيَعْلَمُونَ مِنْهُمَا مَا يُفَرِّقُونَ بِهِ بَيْنَ الْمَرْءَ وَزَوْجِهِ وَمَا هُمْ بِضَارِّينَ

يٰهٰ مِنْ أَحَدٍ إِلَّا بِإِذْنِ اللَّهِ وَيَتَعَمَّدُونَ مَا يَصْرُّهُمْ وَلَا يَنْفَعُهُمْ وَلَقَدْ عَمِلُوا لَمَنِ  
 أَشْرَكُهُ مَا لَهُ فِي الْآخِرَةِ مِنْ حَلَقٍ وَلِبْسٍ مَا شَرَوْا بِهِ أَنْفُسُهُمْ لَوْ كَانُوا  
 يَعْلَمُونَ ﴿١﴾ وَلَوْ أَنَّهُمْ أَمَنُوا وَاتَّقُوا لَمْثُوبَةً مِنْ عِنْدِ اللَّهِ خَيْرٌ لَوْ كَانُوا  
 يَعْلَمُونَ ﴿٢﴾ يَأْتِيهَا الَّذِينَ أَمَنُوا لَا تُقُولُوا رَاعِنَا وَقُولُوا آنْظَرْنَا وَأَسْمَعُوا  
 وَلِلَّهِ بِفِرِينَ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٣﴾ مَا يَوْدُ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ أَهْلِ الْكِتَبِ وَلَا  
 الْمُشْرِكِينَ أَنْ يُنَزَّلَ عَلَيْكُم مِنْ خَيْرٍ مِنْ رَبِّكُمْ وَاللَّهُ تَحْكُمُ بِرَحْمَتِهِ مَنْ يَشَاءُ  
 وَاللَّهُ ذُو الْفَضْلِ الْعَظِيمِ ﴿٤﴾

– „92. Мусо сизларга очиқ хүжәсатлар келтирганидан кейин үзларингизга зулм қилган ҳолингизда унинг кетидан бузоққа сигиндингиз? 93. Эсланг (эй Бану Исройл), Биз ахду паймонаңын олгач, устингизда Тур тогини күтариб туриб: «Келтирған нарасамизни (динимизни) маҳкам ушланг ва қулоқ солинг», деганимизда, «Эшилдик ва бўйсунмадик», дедилар. Кофирликлари сабаб қўнгиллари фақат бузоққа ибодат қилиши билан тўлади. Айтинг: «Агар сиз мўмин бўлсангиз, имонингиз сизларни мунча ярамас нарасаларга буюради?» 94. Айтинг (эй Мұхаммад): «Агар Аллоҳ ҳузурида охират диёри (жаннат) бошқа одамларсиз фақат сизларники бўлса, у ҳолда ростгўй бўлсангизлар, ўлишини орзу қилинглар!» 95. Қилган кирдикорлари сабабли ҳаргиз уни (ўлимни) орзу қилолмайдилар. Аллоҳ золимларни билгувчиdir. 96. Уларнинг ҳатто мушириклардан ҳам ҳаётга (яшашига) очкўз кишилар эканини кўрасиз, уларнинг айримлари минг йил умр кўришини истайдилар. Ҳолбуки, узун умр уни азобдан узоқлаштиirmайди. Ахир Аллоҳ қилаётган амалларини кўриб тургувчиdir. 97. Айтинг (эй Мұхаммад): «Ким Жаброилга душман бўлса, (У Аллоҳга душмандир). Зеро у (Жаброил) Аллоҳнинг изни билан қалбингизга ўзидан аввалги китобларни тасдиқ этадиган ва мўминларга ҳидоят ва хушхабар бўлган Куръонни нозил қилди. 98. Ким Аллоҳга ва унинг фаришталарига, пайгамбарларига, Жаброил ва Микоилга душман бўлса, бас, албатта Аллоҳ (бундай) кофирларга душмандир. 99. Ҳақиқатан Биз сизга очиқ оятлар нозил қилдик. У (оятларга) фақат фосиқларгина кофир бўладилар. 100. Ҳар қачон бирон аҳдга аҳдлашсалар улардан бир гуруҳи бузаверадими?

*Ҳақиқатан уларнинг кўпи имонсизлардир.* 101. Қачон уларга Аллоҳнинг хузуридан ўзларидағи нарсани тасдиқ этувчи Пайгамбар келса, китоб (Таврот) берилган кимсалардан бир гурӯхи Аллоҳнинг китобини (Куръони Каримни) ҳеч нарса билмагандек орқаларига отадилар. 102. Ва Сулаймон давридаги шайтонлар (жинлар) айтган нарсаларга эргашадилар. Сулаймон коғир эмас эди, балки одамларга сеҳр ўргатадиган шайтонлар коғир эдилар. Ва Бобилдаги Ҳорут ва Морут номли фаршишталаарга туширилган нарсаларга эргашадилар.— Ҳолбуки, у фаршишталаар: «Биз фақатгина фитнамиз (яъни одамларни алдаб имтиҳон қилиши учун юборилганмиз), бас, (биз айтган нарсаларни қилиб) коғир бўлиб қолма», демасдан туриб ҳеч кимга ҳеч нарса ўргатмас эдилар.— Ва ўшалардан (Ҳорут ва Морутдан) эрхотиннинг ўртасини бузадиган нарсалар ўрганадилар. (Лекин) улар (яхудийлар) Аллоҳнинг изнисиз ҳеч кимга зарар етказа олмайдилар. Ва ҳеч фойдасиз, билъакс зарарли нарсаларни ўрганадилар. Ахир (Аллоҳнинг китоби ўрнига сеҳрни) алмашган кимсаларга Охиратда ҳеч қандай насиба йўқ эканини билган эдилар-ку. Жонларини нақадар ёмон нарсага (яъни Охиратдаги маҳрумликка) сотганларини билсалар эди. 103. Агар улар имонга келиб Аллоҳдан қўрқсалар, Аллоҳ тарафидан бўладиган савоб албатта яхшироқ бўлишини билсалар эди. 104. Эй мўминлар, «Роино» деманг. «Ўнзурно» денглар. Ва (Аллоҳнинг амр-наҳий-фармон-тъақиқарига) қулоқ солинг! Коғирлар учун аламли азоб бор. 105. Ахли китоб ва мушиқлардан иборат коғирлар сизларга Парвардигорингиз тарафидан бир яхшилик (яъни ваҳий) тушишини истамайдилар. Аллоҳ эса раҳмат-марҳаматини Ўзи хоҳлаган кишиларга хос қилиб беради. Аллоҳ буюк фазлу қарам соҳибидир“.

Тафсир:

﴿ وَلَقَدْ جَاءَكُمْ مُوسَىٰ بِالْبَيِّنَاتِ ثُمَّ أَخْذَتُمُ الْعِجْلَ مِنْ بَعْدِهِ وَأَنْتُمْ ظَلِيلُونَ ﴾

﴿ وَإِذْ أَخْذَنَا مِيشَقَكُمْ وَرَفَعْنَا فَوْقَكُمْ أَطْوَرَ خُذْلُوا مَا إِاتَيْنَاكُمْ بِقُوَّةٍ وَآسَمُوا رَأْيَهِمْ ﴾

﴿ قَالُوا سَمِعْنَا وَعَصَيْنَا وَأَشْرِبُوا فِي قُلُوبِهِمُ الْعِجْلَ بِكُفْرِهِمْ قُلْ بِئْسَمَا يَأْمُرُكُمْ بِهِ إِيمَنُكُمْ إِنْ كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ ﴾

﴿ قُلْ إِنْ كَانَتْ لَكُمُ الدَّارُ آخِرَةٌ عِنْدَ اللَّهِ حَالِصَةً مِنْ دُونِ النَّاسِ فَتَمَنَّوْا الْمَوْتَ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴾

﴿ وَلَنْ يَتَمَنَّوْهُ أَبَدًا ﴾

بِمَا قَدَّمْتَ أَيْدِيهِمْ وَاللَّهُ عَلِيمٌ بِالظَّاهِرِينَ ﴿٤﴾ وَلَتَحِدَّهُمْ أَحْرَصَ النَّاسَ عَلَى حَيَاةٍ  
وَمِنَ الَّذِينَ أَشْرَكُوا يَوْمًادُ أَحَدُهُمْ لَوْ يُعَمَّرُ أَلْفَ سَنَةٍ وَمَا هُوَ بِمُزَحِّهِ مِنَ  
الْعَذَابِ أَنْ يُعَمَّرَ وَاللَّهُ بَصِيرٌ بِمَا يَعْمَلُونَ ﴿٥﴾

— „92. Мусо сизларга очиқ ҳужежатлар келтирганидан кейин ўзларингизга зулм қилган ҳолингизда унинг кетидан бузоққа сизингизги? 93. Эсланг (эй Бану Исройл), Биз аҳду паймонингизни олгач, устингизда Тур тогини кўтариб туриб: «Келтирган нарсамизни (динимизни) маҳкам ушланг ва қулоқ солинг», деганимизда, «Эшиодик ва бўйсунмадик», дедилар. Кофирликлари сабаб кўнгиллари фақат бузоққа ибодат қилиши билан тўлади. Айтинг: «Агар сиз мўмин бўлсангиз, имонингиз сизларни мунча ярамас нарсаларга буюради?» 94. Айтинг (эй Мұхаммад): «Агар Аллоҳ ҳузурида охират диёри (жаннат) бошиқа одамларсиз фақат сизларники бўлса, у ҳолда ростгўй бўлсангизлар, ўлишини орзу қилинглар!» 95. Қилган кирдикорлари сабабли ҳаргиз уни (ўлимни) орзу қилолмайдилар. Аллоҳ золимларни билгувчиdir. 96. Уларнинг ҳатто мушриклардан ҳам ҳаётга (яшашига) очкўз кишилар эканини кўрасиз, уларнинг айримлари минг йил умр кўришини истайдилар. Ҳолбуки, узун умр уни азобдан узоклаштиirmайди. Ахир Аллоҳ қилаётган амалларини кўриб тургувчиdir“. [2:92-96]

**Аллоҳ Таоло бу оятларда қуийдагиларни баён қиласди:**

1 — Аллоҳ Таоло Мусо ﷺни Бану Исройлга қатъий далиллар ва у кишининг пайғамбарлигини қўллаб-қувватловчи мўъжизалар билан юборди. Улар бошқа бир ўринда зикр қилинган тўқиз оятлардир.

﴿وَلَقَدْ ءاتَيْنَا مُوسَى تِسْعَ ءاِيَتٍ بَيْتَنَتٍ﴾

— „Аниқки, Биз Мусога тўққиз очиқ оят-мўъжиза ато этдик“. [17:101]

Илонга айланган асо, кўриб турганлар учун оппоқ бўлиб кўринган қўл, денгиз бўлинниб, ўртасидан қуппа қуруқ йўлнинг очилиши, чигирткалар, битлар, бақалар, қон ва бошқа мўъжизалар Мусо ﷺнинг пайғамбарлигини қатъий исботлаб берганди. Лекин улар Мусо ﷺ ўз Парвардигорига муножот қилиш учун Тур тогига кетганида ўзларига бузоқни худо қилиб олдилар. Шу билан золимларга айландилар. Чунки улар нарсани

ўз ўрнидан бошқа жойга қўйдилар. Бузоқни худо қилиб олдилар. Ҳолбуки, бузоқ худо эмас. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿ثُمَّ أَخْذَتُمُ الْعِجْلَ﴾

(*Кейин бузоққа сизингиз?*). Бу ердаги (ثُمَّ) сўзи бироз вақт ўтганликни ифодалайди. Яъни, улар ояtlар устида бироз тадаббур қилганинан кейин бузоқни худо қилиб олдилар. Ҳа, олдинига уларга ояtlар келди. Улар бу ояtlар ҳақида тадаббур қилдилар. Уларнинг Мусо ﷺнинг ҳақлигига далолат қилишига амин бўлдилар. Яна шундан кейин бузоқни худо қилиб олдилар. Бу ерда жуда қаттиқ койиш, батамом мағлуб қилиш маънолари бор.

2 – Кейин Аллоҳ Таоло яна қайта улардан аҳд олганлигини, уларнинг устига Тур тогини кўтариб қўйганини эслатяпти. Олдинги ояtdа айтиб ўтганимиздек, улар Аллоҳ берган нарсаларни жидду жаҳд билан олишлари керак эди.

﴿وَإِذْ أَخَذْنَا مِيشَاقَكُمْ وَرَفَعْنَا فَوْقَكُمُ الظُّورَ خُدُوا مَا إِتَيْنَاكُمْ بِقُوَّةٍ وَأَذْكُرُوا مَا فِيهِ﴾

﴿لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ﴾

– „Эсланг (эй Бану Исроил), Биз аҳду паймонингизни олгандик ва устингизда Тур тогини кўтариб туриб, «Келтирган нарсамизни (Тавротни) маҳкам ушланг ва ундаги бор нарсани ёдингизда тутинг — шояд тақво эгаларидан бўлсангиз», дегандик“ [2:63]

Оятнинг такрорланиб келиши маънони бўрттиради. Аллоҳ Таоло томонидан келаётган фармонни қабул қилиш ва итоат этиш қулоги билан тингланмаса, унинг ҳеч қандай қиймати қолмайди. Бу муборак ояtdа Аллоҳ Таоло (وَاسْمَعُوا) деяпти. Улар бу фармонга (سَمِعْنَا وَعَصَيْنَا) деб жавоб қайтаряптилар. Бу жавоб шунга далолат қиляпти, (اسْمَعْوَا) сўзида қулоқ соладиган, итоат этадиган, қабул қиласидиган эшитиш билан эшигинлар, деган маъно бор. Кўпинча эшитишдан қабул қилиш ҳам ирова қилинади. Масалан, намозимизда, Аллоҳ Унга ҳамд айтган кишининг ҳамдини эшиитди, деймиз (яъни, қабул қилди).

﴿وَأَشْرِبُوا فِي قُلُوبِهِمُ الْعِجْلَ بِكُفْرِهِمْ﴾

(*Кофириклари сабаб қўнгиллари фақат бузоққа ибодат қилиши билан тўлади*). Бу ердаги вов ҳолиядир. (Ҳолни ифодаловчи

вовдир). Яъни, улар бўйсунмаётган пайтларида кўнгиллари бузоқ билан тўлиб турган эди, дилларига бузоқ муҳаббати кириб борганди. (**بُكْرِهِمْ кофириклари сабаб**) яъни, кофириклари туфайли (**سَمِعْنَا وَعَصَيْنَا إِشِيدِيكَ وَبَوْيْسُونْمَادِيكَ**) дейишди.

Кейин Аллоҳ оятнинг якунида уларнинг мўминлармиз, деб қиласётган даъволари ёлғонлигини баён қиляпти. Чунки имон куфрнинг зиддидир. Имон бузоқни худо қилиб олишга, бузоққа муҳаббат қўйишга ва шу сабабли Яратувчи, Маъбуд Аллоҳга қулоқ солиб, итоат этишдан бош тортишга буюрмайди.

Бу ерда буйруқ феълининг исноди имонга бериляпти. Яъни, имон фоил (эга) бўлиб келяпти. Айни пайтда имон ҳум замирига изофа қилинепти.

﴿قُلْ يَسْمَأْ يَأْمُرُكُمْ بِهِ إِيمَنُكُمْ﴾

(*Айтинг: «имонингиз сизларни мунча ярамас нарсаларга буюради?»*). Бу иш Аллоҳ Таолонинг

﴿أَصْلُوتُكَ تَأْمُرُكَ﴾

– „*Ўқиётган намозинг буюрмоқдами?*“ [11:87] ояти каби таҳқирлаш, масхара қилиш маъноларини англатади.

﴿قُلْ يَسْمَأْ يَأْمُرُكُمْ بِهِ إِيمَنُكُمْ إِنْ كُنْتُ مُؤْمِنِيْـ﴾

(*Айтинг: «Агар сиз мўмин бўлсангиз, имонингиз сизларни мунча ярамас нарсаларга буюради?»*). Яъни, сизлар бузоқни худо қилиб олиш билан, унинг муҳаббатини дилларингизга жойлаш билан мўмин бўладиган бўлсангиз, бу имонингиз ёмон имондир. Яъни, оламлар Парвардигори сизлардан талаб қилган имон эмасдир. Балки, у куфрнинг айнан ўзидир.

3 – Кейин Аллоҳ Таоло уларнинг жаннат фақат бизгагина хосдир, деган даъволарининг ёлғонлигини баён қиляпти.

﴿وَقَالُوا لَنْ يَدْخُلَ الْجَنَّةَ إِلَّا مَنْ كَانَ هُودًا أَوْ نَصَارَى﴾

– „*Жаннатга фақат яхудий ёки насроний бўлганлар киради*, дейишди“ [2:111]

Уларга қарши ҳужжат келтириб, агар ростгўй бўлсангизлар, у ҳолда ўлимни яъни, Аллоҳ билан учрашишини умид қилинглар, деяпти. Агар ҳақиқатда ўзлари ўйлаётгандек Аллоҳнинг суюкли бандалари бўлсалар, шундай қилсинлар.

﴿وَقَالَتِ الْيَهُودَ وَالنَّصَارَىٰ هُنَّ أَبْتَأْنُ اللَّهَ وَأَحْبَّتُهُمْ﴾

– „Яхудий ва насронийлар: «Биз Аллоҳнинг суюкли болаларимиз», дедилар“ [5:18]

Улар ўзларининг ростгўйликларини исботлаш учун ўлимни умид қилишга шошилишлари керак эди. Шундай қилмасалар, ёлғончиликлари фош бўларди. Шундай ҳам бўлди. Улар ўлимни умид қилмадилар. Чунки улар ўзларининг ёмон ишларни қилганларини, куфр келтирганларини яхши билардилар. Шунинг учун Аллоҳ билан учрашишдан қўрқардилар.

﴿وَأَن يَتَمَّنُوا أَبْدًا بِمَا قَدَّمَتْ أَيْدِيهِمْ وَاللَّهُ عَلَيْمٌ بِالظَّالِمِينَ﴾

(Килган кирдикорлари сабабли ҳаргиз уни (ўлимни) орзу қилолмайдилар. Аллоҳ золимларни билгувчиидир).

Мана шулар Аллоҳ Таоло Пайғамбар ﷺ замонидаги яхудлар ва насроларга қарши келтирган қатъий ҳиссий ҳужжатлардир. Чунки агар ҳақиқатда жаннат уларгагина хос бўлганида улар ўлимни умид қилишлари керак эди. Бу яхудлар ҳақидаги гап. Насоролар эса ўзларини ҳақ, деб биладиган бўлсалар, яни, Исо ﷺ Аллоҳнинг бандаси эмас, улар ўйлаганидек яна бир илоҳ бўлса, мубоҳалани (Аллоҳдан ноҳақ тарафни лаънатлашини сўраш) қабул қилишлари керак эди.

﴿فَقُلْ تَعَالَوْ نَدْعُ أَجْنَانَاهَا وَأَبْنَاءَكُمْ وَنِسَاءَكُمْ وَأَنفُسَكُمْ ثُمَّ نَبْتَهِنَ﴾

﴿فَنَجْعَلُ لَعْنَتَ اللَّهِ عَلَى الْكَذِيبِينَ﴾

– „Айтинг: «Келинглар, ўғилларимизни ва ўғилларингизни, аёлларимиз ва аёлларингизни, ўзларимизни ва ўзларингизни чорлаб-йигайлик, сўнгра Аллоҳга тазарру билан илтижо қиласайлик-да, ёлғончиларни Аллоҳ лаънат қилишини сўрайлик»“.

[3:61]

Лекин Пайғамбар ﷺ давридаги ҳар икки гурӯҳ ҳам бу ишларни қилмадилар. Яхудлар ўлимни орзу қилмадилар, Нажрон насролари эса мубоҳалани қабул қилмадилар. Агар улар ақлларини ишлатадиган бўлсалар, мана шуларнинг ўзи уларга қарши қатъий ҳужжатлардир. «Агар яхудлар ўлимни орзу қилганларида ўлиб, ўзларини дўзахда кўрадилар. Насоролар Пайғамбар ﷺ билан мубоҳала қилганларида эса қайтиб келиб, аҳлини ҳам, молини тополмай қолган бўлардилар».<sup>60</sup>

4 – Яхудлар ўзларининг бузилганлари ва бузғунчиликлари туфайли оқибатлари қоронғу бўлгани учун мумкин қадар кўпроқ

(60) Аҳмад: 1 / 148. Тафсири Табарий: 1 / 424.

яшашни истайдилар. Бошқа одамлардан, ҳатто фақат шу дунёгагина ишонадиган мушриклардан кўра ҳам кўпроқ яшашга ҳарис бўладилар. Мушрикларнинг яшашга ҳарислиги табиий. Негаки, улар охиратга ишонмайдилар. Шундай бўлса-да, яхудлар улардан кўра ҳам кўпроқ яшашга ҳарисдирлар.

﴿وَلَتَجِدَهُمْ أَحْرَصَ الْنَّاسِ عَلَىٰ حَيَاةٍ﴾

(*Уларнинг ҳаётга (яшашга) очкўз кишилар эканини кўрасиз*). Яъни, қандай бўлишидан қатъий назар умуман яшашга. Лекин бу сўз оятнинг кейинги қисмидаги мазмун билан боғланяпти.

﴿يَوْمَ أَحَدُهُمْ لَوْ يُعَمِّرُ الْفَسَنَةَ﴾

(*Уларнинг айримлари минг йил умр кўришини истайдилар*). Яъни, узоқ умрни, узоқ яшашни.

(*يَوْمَ أَحَدُهُمْ يَالَّهُمَّ اَأْحَدُهُمْ*) (*уларнинг айримлари*). Бу сўздан мурод мушриклар бўлиши ҳам мумкин. Яъни, яхудлар фақат шу дунёнигина билгани, танигани туфайли минг йиллаб, яъни, мумкин қадар узоқ умр кўрмоқчи бўлган мушриклардан кўра ҳам кўпроқ яшашга ҳарисдирлар. Ундан мурод яхудларнинг ўзларидан бири бўлиши ҳам мумкин. Яъни, улардан бири узоқ умр кўришини истайди. (*أَحَدُهُمْ*) қаринаси билан шу кейинги гап кучлироқ.

﴿وَمَا هُوَ بِمُزَّحٍ حِلٌٰ مِّنَ الْعَذَابِ أَنْ يُعَمِّرَ﴾

(*Холбуки, узун умр уни азобдан узоклаштирмайди*). Чунки мушриклар охиратга, ундаги азобга ишонмайдилар. Яхудлар эса охиратга ҳам, азобга ҳам ишонадилар. Улар ўзларининг қилмишлари туфайли азобга йўлиқишлигини биладилар. Шу азоб мумкин қадар кечга сурилишини ўйлаб, ўлимни истамайдилар. Аллоҳ Таоло уларнинг умри ҳар қанча узоқ бўлмасин, минг йилми, ундан кўпми, (бу ерда минг йил сўзи кўпликни ифодалайди), барибир оқибатда уларнинг ўлишларини, Парвардигорларига қайтишлигини ва азобга гирифтор бўлишларини билади.

Аллоҳ Таоло оятни Ўзининг уларнинг қилган ишларини кўриб туришини ва уларга ўзлари ҳақли бўлган жазони беришини айтиш билан хотималайди.

﴿وَاللَّهُ بَصِيرٌ بِمَا يَعْمَلُونَ﴾

(*Ахир Аллоҳ қилаётган амалларини кўриб тургувчиидир*).

﴿قُلْ مَنْ كَانَ عَدُوًا لِّجِبْرِيلَ فَإِنَّهُ نَزَّلَهُ عَلَىٰ قَلْبِكَ بِإِذْنِ اللَّهِ مُصَدِّقًا لِّمَا بَيْنَ يَدَيْهِ وَهُدًى وُشْرَىٰ لِلْمُؤْمِنِينَ ﴾٩٧ مَنْ كَانَ عَدُوًا لِّلَّهِ وَمَلَئِكَتِهِ وَرُسُلِهِ وَجِبْرِيلَ وَمِيكَلَ فَإِنَّ اللَّهَ عَدُوُّ الْكُفَّارِ وَلَقَدْ أَنْزَلْنَا إِلَيْكَ آيَاتٍ بَيِّنَاتٍ وَمَا يَكُفُرُ بِهَا إِلَّا الْفَسِقُونَ ﴾٩٨ أَوْ كُلُّمَا عَاهَدُوا عَهْدًا نَّجَدُهُ فَرِيقٌ مِّنْهُمْ بَلْ أَكْثُرُهُمْ

لَا يُؤْمِنُونَ ﴾٩٩﴾

– „97. Айтинг (эй Мухаммад): «Ким Жаброилга душман бўлса, (У Аллоҳга душманdir). Зоро у (Жаброил) Аллоҳнинг изни билан қалбингизга ўзидан аввалги китобларни тасдиқ этадиган ва мўминларга ҳидоят ва хушхабар бўлган Қуръонни нозил қилди. 98. Ким Аллоҳга ва унинг фаришталарига, пайгамбарларига, Жаброил ва Мекоилга душман бўлса, бас, албатта Аллоҳ (бундай) кофирларга душманdir. 99. Ҳақиқатан Биз сизга очиқ оятлар нозил қилдик. У (оятларга) фақат фосиқларгина кофир бўладилар. 100. Ҳар қачон бирон аҳдга аҳдлаишсалар улардан бир гурухи бузаверадими? Ҳақиқатан уларнинг кўпи имонсизлардир. 101. Қачон уларга Аллоҳнинг ҳузуридан ўзларидаги нарсани тасдиқ этувчи Пайгамбар келса, китоб (Таврот) берилган кимсалардан бир гурухи Аллоҳнинг китобини (Қуръони Каримни) ҳеч нарса билмагандек орқаларига отадилар“.

[2:97-100]


Аллоҳ Таоло бу оятларда қўйидагиларни баён қилади.

1 – Яхудлар Пайғамбар ﷺдан у кишига қайси фаришта келиши ҳақида сўрашганида, Пайғамбар ﷺ, Жаброил ﷺ, деб жавоб бердилар. Шунда улар, у бизнинг душманимиз, у пайғамбарларга китобни эмас, азобни олиб тушади, агар сенга келадиган фаришта Микоил бўлганида биз имон келтирган бўлардик, дейишди. Шунга жавобан Аллоҳ Таоло мана шу оятни нозил қилиб, Пайғамбар ﷺга дедики, ким Жаброилга душман бўлса, унга, менинг қалбимга Аллоҳнинг изни ила Қуръонни олиб тушадиган фаришта мана шу Жаброилdir, Қуръон ўзидан олдинги пайғамбарларнинг китобларини тасдиқловчидир, у

ҳидоятдир, мўминлар учун суюнчли хабардир, Жаброил  сизлар ўйлагандек азобни олиб тушмайди, деб айтинг.<sup>61</sup>

Бу ерда Қуръон (**هَدَى ҳِدْوَيْتُمْ**) деб номланяпти. Ўзи сафнинг олдида борадиган, қолганлар унинг ортидан борадиган киши ҳодий бўлади. Отлар подасининг олдинда борадиганларига нисбатан ҳам мана шу сўз ишлатилади. Қуръон мўмин учун ҳодийдир. Яъни, мўмин унга эргашади, унинг фармону тақиқларига итоат этади.

Қуръон (**خُشَّحَا بَارُ**) деб ҳам номланди. Чунки у мўминларга тайёрлаб қўйилган жаннатлар ҳақида, қиёмат кунидаги Аллоҳнинг ризоси ҳақида суюнчли хабар беради.



(**Ўзидан аввалги китобларни**). Яъни, унинг олдида. Бу сўз ўзидан олдинги, деган маънони англатади.



(**Зеро у (Жаброил) қалбингизга Қуръонни нозил қилди**). Шартнинг жавоби. Яъни, кимки душман бўлса, ... унга айтингки, У Зот ... нозил қилган.

2 – Шундан сўнг Аллоҳ яхудларга Микоил ҳам, Жаброил ҳам фаришта эканини, улардан бирига душман бўлган одам иккинчисига ҳам, бинобарин ҳамма фаришталарга душманлигини ва кимки, Аллоҳга, Унинг пайғамбарларига, фаришталарига душманлик қилса, кофир бўлишини баён қиласди.



(**Албатта Аллоҳ** (бундай) **кофирларга душмандир**).

(**فِإِنَّ اللَّهَ عَدُوُّ لِلْكَافِرِينَ** **ким**) шарт маъносидадир. Унинг жавоби (**فِإِنَّ اللَّهَ عَدُوُّ لِلْكَافِرِينَ**) дир. Яъни, кимки Аллоҳга душман бўлса, унга айтгинки, ... Аллоҳ кофирларнинг душманидир.

Аллоҳ Таоло ҳамма фаришталарни айтиб ўтиш билан бирга Жаброил ва Микоил ларни алоҳида зикр қиласди. Ом (умумийликни англатувчи) сўздан кейин хос (хусусийликни англатувчи) сўз келиши шу хоснинг эътиборлилигини билдиради.

3 – Кейин Аллоҳ Таоло Пайғамбар га очиқ оятлар яъни, у кишининг ҳақиқий пайғамбар эканликларини кўрсатувчи қатъий, равшан белгилар нозил қилганини баён қиласди. Бу оятларга

<sup>(61)</sup> Тафсири Табарий: 1 / 431.

Парвардигорининг буйруғидан бош тортган, У Зотнинг шариатига итоат этмаган, У Зот белгилаб қўйган худудлардан тажовуз қилиб ўтган кимсагина куфр келтиришини ҳам айтиб ўтади.

4 – Яҳудлар ҳар доим аҳдни бузганлари туфайли Аллоҳ Таоло уларни тавсифлашда улар бузмаган аҳд қолмаган, деган маънодаги гапни айтади.

Бу ерда (**ҳар қачон**) сўзининг ишлатилишига эътибор берайлик. У шарт ва жавобнинг такрорланишини ифодаловчи зарфdir. Яъни, улар бирор нарсага аҳдлашдиларми, тамом уни бузмасдан қўймасдилар.

﴿نَبَذُهُ فَرِيقٌ مِّنْهُمْ﴾

(**Улардан бир гурӯҳи бузаверадими?**). Яъни, уни улардан бир қисми бузди.

﴿بَلْ أَكْثُرُهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ﴾

(**Хақиқатан уларнинг кўпи имонсизлардир**). Бу гап аҳдни бузган қисмнинг озчиликни эмас, кўпчиликни ташкил қилишини англатади. Аслида гурӯҳ сўзидан озчиликни ташкил қилувчи қисм тушуниларди.

\*\*\*

﴿وَلَمَّا جَاءَهُمْ رَسُولٌ مِّنْ عِنْدِ اللَّهِ مُصَدِّقٌ لِمَا مَعَهُمْ نَبَذَ فَرِيقٌ مِّنَ الَّذِينَ أُتُوا الْكِتَابَ كَتَبَ اللَّهُ وَرَأَءَ ظُهُورَهُمْ كَانُوهُمْ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٤١﴾ وَاتَّبَعُوا مَا تَتْلُوا الْشَّيَاطِينُ عَلَى مُلْكِ سُلَيْمَانَ وَمَا كَفَرَ سُلَيْمَانُ وَلَكِنَّ الْشَّيَاطِينَ كَفَرُوا وَلَا يُعْلَمُونَ النَّاسَ السِّحْرَ وَمَا أُنْزِلَ عَلَى الْمَلَائِكَةِ بِبَأْيَلٍ هَرُوتَ وَمَرْوُوتَ وَمَا يُعْلَمَانِ مِنْ أَحَدٍ حَتَّىٰ يَقُولَا إِنَّمَا نَحْنُ فِتْنَةٌ فَلَا تَكُفُّرْ فَيَتَعَلَّمُونَ مِنْهُمَا مَا يُفَرِّقُونَ بِهِ بَيْنَ الْمَرْءَ وَزَوْجِهِ وَمَا هُمْ بِضَارَّينَ بِهِ مِنْ أَحَدٍ إِلَّا يَادُنَ اللَّهِ وَيَتَعَلَّمُونَ مَا يَضُرُّهُمْ وَلَا يَنْفَعُهُمْ وَلَقَدْ عَلِمُوا لَمِنْ أَشْرَكُهُ مَا لَهُ فِي الْآخِرَةِ مِنْ حَلَقٍ وَلِبَسٍ مَا شَرَوَا

بِهِ أَنفُسُهُمْ لَوْ كَانُوا يَعْلَمُونَ ﴿١٣﴾ وَلَوْ أَنَّهُمْ إِمْتَنَوا وَأَتَقَوْا لَمْ ثُبَّةٌ مِّنْ عِنْدِ اللَّهِ خَيْرٌ لَوْ كَانُوا يَعْلَمُونَ ﴿١٤﴾

— „101. Қачон уларга Аллоҳнинг ҳузуридан ўзларидағи нарсаны тасдиқ этиувчи Пайғамбар келса, китоб (Таврот) берилган кимсалардан бир гурухи Аллоҳнинг китобини (Куръони Каримни) ҳеч нарса билмагандек орқаларига отадилар. 102. Ва Сулаймон давридаги шайтонлар (жинлар) айтган нарсаларга эргашадилар. Сулаймон коғир эмас эди, балки одамларга сеҳр ўргатадиган шайтонлар коғир эдилар. Ва Бобилдаги Хорут ва Морут номли фаршишталарга туширилган нарсаларга эргашадилар.— Ҳолбуки, у фаршишталар: «Биз фақатгина фитнамиз (яъни одамларни алдаб имтиҳон қилиши учун юборилганмиз), бас, (биз айтган нарсаларни қилиб) коғир бўлиб қолма», демасдан туриб ҳеч кимга ҳеч нарса ўргатмас эдилар.— Ва ўшалардан (Хорут ва Морутдан) эрхотиннинг ўртасини бузадиган нарсалар ўрганаадилар. (Лекин) улар (яхудийлар) Аллоҳнинг изнисиз ҳеч кимга зарар етказа олмайдилар. Ва ҳеч фойдасиз, билъакс зарарли нарсаларни ўрганаадилар. Ахир (Аллоҳнинг китоби ўрнига сеҳрни) алмашган кимсаларга Охиратда ҳеч қандай насиба йўқ эканини билган эдилар-ку. Жонларини нақадар ёмон нарсага (яъни Охиратдаги маҳрумликка) сотганларини билсалар эди. 103. Агар улар имонга келиб Аллоҳдан кўрқсалар, Аллоҳ тарафидан бўладиган савоб албатта яшироқ бўлишини билсалар эди“.

[2:101-103]

**Аллоҳ Татьло бу оятларда қўйидагиларни баён қиласди:**

1 — Яхудлар Пайғамбар ﷺ қарши боришиб, у киши билан ҳужжатлашишганда Тавротга таянишарди. У кишидан рух, Каҳф аҳли, Зулқарнайн ва бошқалар ҳақида сўрашарди. Пайғамбар ﷺ Аллоҳ Қуръонда нимани ваҳи қилган бўлса, ўша билан жавоб берардилар. Бундан ташқари уларнинг зонийни тошбўрон қилиш ва Пайғамбар ﷺнинг белгилари каби мавзууларни ўзгартириб юборгандарини ҳам фош этарди. Пайғамбар ﷺнинг келишлари ўша Тавротдаги хабарнинг тасдиғи эди. Ҳужжатлашишда Тавротга таяниш уларнинг ичидаги мақсадни ҳосил қилмагач, ундан юз ўгириб, уни ортларига отиб юбора қолдилар.

﴿كَانُوكُمْ لَا يَعْلَمُونَ﴾

(Ҳеч нарса билмагандек). Яъни, уларни Таврот туфайли отиб юбордилар. Гёё бу иш Тавротга ишонмайдиган, унда келган

Пайғамбар ﷺ нинг белгилари ҳақидаги хабардан бехабар бўлган кишилар томонидан содир бўлгандек. Бу уларнинг Тавротда келган Пайғамбар ﷺ нинг белгилари ҳақидаги хабардан ортиқ даражада юз ўғирғанларини кўрсатади. Бу билиб туриб, онгли тарзда юз ўғиришдир.

Тавротга таяниб, Пайғамбар ﷺ билан мунозара қилиш муваффақиятсиз чиққач, улар Тавротдан бошқа манбалардаги бошқа масалаларни қидира бошлидилар.

2 – Аллоҳ Таоло Пайғамбар ﷺ га Сулаймон ﷺ нинг пайғамбарлиги ҳақидаги хабарни нозил қилди.

﴿إِنَّا أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ كَمَا أَوْحَيْنَا إِلَى نُوحٍ وَالنَّبِيِّنَ مِنْ بَعْدِهِ وَأَوْحَيْنَا إِلَى إِبْرَاهِيمَ وَإِسْمَاعِيلَ وَإِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ وَالْأَسْبَاطَ وَعِيسَى وَأُبُوبَ وَيُوسُفَ وَهَرُونَ وَسُلَيْمَانَ وَإِتَّيْنَا دَاؤِدَ زَبُورًا﴾

– „(Эй Мұхаммад), албатта Биз Нұхға ва ундан кейинги пайғамбарларга вахи юборғанимиз каби сизга ҳам вахи юбордик, яна иброҳим Исмоил—Исхок, Яъкуб ва унинг уруг-авлоди, Исо, Айюб, Юнус, Ҳорун ва Сулаймон пайғамбарларга ҳам вахи юборғанимиз. Довудга Забурни ато этдик“ [4:163]

Яхудлар, Сулаймон пайғамбар эмас, сеҳргар бўлган, дейишди ва Сулаймон ﷺ давридаги сеҳргарлар шайтонлар мадади билан ёзган китобларни тўпладилар. Бу китоблар Мадинада уларнинг қўлларида кенг тарқалган эди. Мана, Сулаймон мана шу китоблар билан ҳукм қилган, дейишди. Шундай қилиб бу китобларни Пайғамбар ﷺ билан мужодала қилишга модда (объект) қилиб олдилар.

﴿وَاتَّبَعُوا مَا تَنَّلُوا آلَّشَّيْطِينُ عَلَى مُلْكِ سُلَيْمَانَ﴾

(Ва Сулаймон давридаги шайтонлар (жинлар) айтган нарсаларга эргашадилар).

(шайтонлар (жинлар) айтган нарсаларга). Яъни, шайтонлар ўқиб, сеҳргарларга пицирлаб айтадиган ва улар ўз китобларига ёзиб борадиган гаплар.

﴿يُوحِي بَعْضُهُمْ إِلَى بَعْضٍ رُّحْرَفَ الْقَوْلِ غُرُورًا﴾

– „Улар бир-бirlарини алдаш учун гўзал (ялтироқ) сўзлар билан васваса қиладилар“ [6:112]

Исломдан олдин шайтонлар ўғринча самога қулоқ солардилар. Кейин у ердан эшитиб олган гапларига турли хил ёлғонларни аралаштириб, ўзларининг дўстларига – сеҳгарларга пичирлаб айтадилар. «Айрим самовот аҳли бир-биридан хабар сўраб, бу хабар дунё осмонига қадар етиб келарди. Жинлар унга ўғринча қулоқ солиб, эшигандарини ўз дўстларига отардилар. Қайси гапни тўппа-тўғри етказган бўлсалар, у ҳақ бўларди. Лекин улар ўзларидан ҳам қўшиб юборадилар». <sup>62</sup> Исломдан кейин жинлар учун ўғринча қулоқ солиш тақиқланди.

﴿وَأَنَا كُنَّا نَقْعُدُ مِنْهَا مَقِيَّدًا لِلسَّمْعِ فَمَن يَسْتَمِعُ إِلَآنَ تَحَدَّدُ لَهُ رَشَابًا رَّصَدًا﴾

– „*Албатта бизлар* (илгари осмондан айрим) *жойларга* (фаришталарнинг сўзларини ўғринча) *эшитиб олиш* учун *ўтириб олар* эдик. Энди *хозир* (яъни Мухаммад алайҳис-салом пайғамбар қилиб юборилганларидан кейин) *еса ким* (яъни, қайси жисн ўғринча) *эшиштар* бўлса, ўзини *кузатиб турган бир* (учар) *юлдузни кўрап*“.

[72:9]

(*Сулаймон давридаги*). Яъни, Сулаймон  подшоҳлиги даврида.

З – Сеҳгарлар ўша сеҳр китобларини икки йўлдан олиб ёзганлар. У йўллар:

**Биринчиси:** шайтон уларга васваса қилган сеҳр.

**Иккинчиси:** Ҳорут ва Морут фаришталари одамларга ўргатган сеҳр илми. Уларни Аллоҳ Бобилга туширганди. Улар одамларга сеҳрни ўргатаётуб, унга амал қилишдан огоҳлантирадилар ва ўзларининг фитна (синов)лигини айтиб ўтардилар.

﴿وَمَا يُعْلِمَانِ مِنْ أَحَدٍ حَتَّىٰ يَقُولَا إِنَّمَا نَحْنُ فِتْنَةٌ فَلَا تَكُفِّرُ﴾

(Холбуки, у фаришталар: «Биз фақатгина фитнамиз (яъни одамларни алдаб имтиҳон қилиши учун юборилганмиз), бас, (биз айтган нарсаларни қилиб) коғир бўлиб қолма», демасдан туриб ҳеч кимга ҳеч нарса ўргатмас эдилар). Аллоҳ Ўз бандаларини синаш учун ер юзига яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам нозил қилган.

﴿وَنَبْلُوكُم بِالشَّرِّ وَآخِرِ فِتْنَةٍ﴾

(62) Буни Муслим ривоят қилган, (بقرفون) маъноси ёлғонни аралаштирадилар, деган маънода.

— „*Биз сизларни* (сабр-тоқатларингизни синаши учун) ёмонлик билан ҳам, (шукр қилишингизни билиши учун) яхшилилк билан ҳам «алдаб» имтиҳон қилурмиз“.[21:35]

Одамларга сеҳрни ўргатиш ўша одамлар учун синовдир. Сеҳрга ишониб, унга амал қилган киши кофир бўлади. Унга ишонмаган ва унга амал қилмаган одам нажот топади.

﴿إِنَّمَا تَحْنُّ فِتْنَةً فَلَا تَكْفُرُ﴾

(*Биз фақатгина фитнамиз. Бас кофир бўлиб қолма*).

4 – Аллоҳ Таоло Ўзининг пайғамбари Сулаймон ؏ни яхудларнинг ёлғонларидан, бўйтонларидан оқляяпти. Сулаймон ؏ куфр келтирмади. Демак, у киши сеҳргарлик қилгани ҳам йўқ, сеҳрга ишонгани ҳам йўқ. У киши Аллоҳнинг пайғамбариdir.

﴿وَمَا كَفَرَ سُلَيْمَانُ﴾

(*Сулаймон кофир эмас эди*). Яъни, қандай қилиб кофир бўлсин? Ахир у киши сеҳргарлик қилгани ҳам, сеҳрга ишонгани ҳам йўқку!<sup>63</sup> Бу гапдан шу маънонинг келиб чиқишига сабаб шуки, яхудлар Сулаймон ؏ни кофириликда эмас, сеҳргарликда айبلاغандилар. «Иbn Жарир Шаҳр ибн Ҳушаб йўлидан ривоят қилишича, яхудлар, Мухаммадни кўриб қўйинглар, у ҳақни ноҳаққа аралаштириб юборяпти, Сулаймонни пайғамбарлар қаторига қўшяпти, Сулаймон шамолни миниб юрадиган сеҳргар бўлган, дедилар».<sup>64</sup> Уларнинг бу туҳматларига жавобан Аллоҳ Таоло

﴿وَمَا كَفَرَ سُلَيْمَانُ﴾

(*Сулаймон кофир эмас эди*), деди. Яъни, у сеҳргарлик қилмаган. Оятдаги (كَفَرَ) сўзининг мажозий маънода қўлланилиши юқорида айтиб ўтганимиздек араб тили қонун-қоидаларига кўра, сеҳрга ишонган кишининг кофир бўлишини англашади.

Шундай қилиб, Сулаймон ؏ эмас, шайтонлар куфр келтирдилар.

(63) Бу сабабияга алоҳидо бўлгани учун мажозий маънода ишлатилади, шу боис السحر сўзи الفَكْر нинг сабабидир.

(64) Тобарий тафсири: 1/451.

﴿وَمَا كَفَرَ سُلَيْمَانُ وَلَكِنَ الْشَّيْطَنَ كَفَرُوا يُعَلَّمُونَ النَّاسَ السِّحْرَ وَمَا أَنْزَلَ عَلَى الْمَلَكِينَ بِبَأْبَلَ هَرُوتَ وَمَرُوتَ وَمَا يُعَلَّمَانِ مِنْ أَحَدٍ حَتَّى يَقُولَا إِنَّمَا تَحْنُ فِتْنَةً فَلَا تَكُونُ﴾

(Сулаймон кофир эмас эди, балки одамларга сеҳр ўргатадиган шайтонлар кофир эдилар. Ва Бобилдаги Хорут ва Морут номли фаршишталарга туширилган нарсаларга эргашадилар.— Ҳолбуки, у фаршишталар: «Биз фақатгина фитнамиз (яъни одамларни алдаб имтиҳон қилиши учун юборилганмиз), бас, (биз айтган нарсаларни қилиб) кофир бўлиб қолма», демасдан туриб ҳеч кимга ҳеч нарса ўргатмас эдилар).

5 – Сеҳр нарсани ўз моҳиятидан бошқача қилиб кўрсатишдир. Аллоҳ Таолонинг

﴿سَحْرُوا أَعْيُنَ النَّاسَ﴾

– „Одамларни кўзларини бўяб қўйдилар“.

[7:116]

﴿خُلِيلُ إِلَيْهِ مِنْ سِحْرِهِمْ أَنَّهَا تَسْعَى﴾

– „Сеҳр қилганлари сабабли (Мусога) юриб кетаётгандек туюлди“.

[20:66]

деган гапларидан шу маъно чиқади. Яъни, асо асолигича қолди. Фақат қараб турган одамларга у тирик илон бўлиб кўринди.

Бу сўзнинг луғавий маъноси хусусида Жавҳарий шундай дейди: сеҳр олишдир. Қайси нарса юмшоқлик билан, нозиклик билан олинса, сеҳр қилинган бўлади. Болани алдаб юпатиш маъносини ифодалаш учун ҳам шу сўз ишлатилган. Арабларнинг луғат китобларида бу сўз жуда қаттиқ алдаш, бўхтон қилиш маъносида ҳам келган. Шоир айтади:

Ҳам ўзи алданган ва ҳам бошқаларни алдайдиган дам солувчилардан (сеҳргарлардан) паноҳ беришини Парвардигоримдан сўрайман.

Араблар бу сўзни яшириш, махфий қилиш маъноларида ҳам қўллашган. Чунки сеҳргар ўз ишини бошқалардан яшириб қиласди. Хўш сеҳр ўзи нима? У шундай бир илмки, бу илмни эгаллаган киши яъни, сеҳргар одамларнинг кўзларини сеҳрлаб, яшириб, уларга бир нарсани бошқа нарса қилиб кўрсатади. Аслида ҳалиги нарса ўзгармайди, унинг моҳияти ўзгариб, бошқа бир моҳият билан ўрин алмашмайди. Фақат уни кўраётганларнинг кўзларига бошқа бўлиб кўринади, холос.

Шунга кўра, кўзига илон бўлиб кўринган асони ушлаган одам унинг ҳақиқий асо эканини билиб олади. Агар уни мутахассисга текширтирса, ундан фақат асога оид элементларнигина топади. Асонинг жонли илон бўлиши унинг хаёлидагина рўй беради. Шунинг учун сеҳргарлар ўзларининг асоларини ташлаганларида унинг асо эканини билишган. Лекин улар одамларнинг кўзларини сеҳрлашган ва асо уларнинг кўзига илон бўлиб кўринган. Мусо ﷺ ўз асосини ташлаганида бу асо ҳатто ўша сеҳргарларнинг кўзларига ҳам ҳақиқий илон бўлиб кўринган ва уларнинг асоларини ютиб юборган. Шундан улар бу ишнинг сеҳр эмаслигини англашган. Чунки сеҳр нарсаларнинг моҳиятини ўзгартира олмайди. Бу сеҳрдан бошқа иш эканини, у худди Мусо ﷺ айтаганидек, оламлар Парвардигори томонидан бўлган ҳақиқат эканини англашиб, имон келтирганлар ва уларнинг имонлари ажойиб имон бўлган.

6 – Аллоҳ Таолонинг

﴿وَاتَّبُعُوا مَا تَنْلُو أَلَّشَيْطِينُ﴾

(шайтонлар (жинлар) айтган нарсаларга эргашадилар).

﴿وَلَكُنَّ أَلَّشَيْطِينَ كَفَرُوا يُعْلَمُونَ الْنَّاسُ أَلَسْخَرُ﴾

(Балки одамларга сеҳр ўргатадиган шайтонлар кофир эдилар) оятларидаги бу гаплар сеҳр куфр гапни тиловат қилиш билан амалга ошишини билдиради. Яъни, сеҳр қилиш учун куфр калималарини айтиш керак бўлади. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, санъат ўйли билан ёки бошқа усталиклар билан нарсани ўз моҳиятидан бошқача қилиб кўрсатишлар сеҳрга кирмайди. Шунчаки, одамларни ховлиқтириш учун ҳар хил сўзларни ишлатиш ҳам куфр калималарини ишлатиш ҳисобланмайди. Бундай ишлар мазкур маънодаги сеҳр эмас.

7 – Айтиб ўтганимиздек, сеҳргарнинг жазоси муртаднинг жазоси билан бир хилдир. У юқорида айтиб ўтилган маънога кўра, кофирдир. Саҳобалар сеҳргарга ўлим жазосини тайинлашган. Мўминлар онаси Ҳафса ؓ ўзининг сеҳр қилганини эътироф этган бир сеҳргар аёлни ўлдиришга буюрган.

Энди Усмон ؓ нинг Ҳафса ؓ нинг бу ишини инкор қилганига келсак, бу инкор бевосита ўша ишнинг ўзига нисбатан бўлмаган. Мусулмонлар халифасининг изнисиз, рухсатисиз иш қилинганини инкор қилган, холос. Бундай иш яъни, сеҳргарни ўлдириш Умар ؓ нинг даврида ҳам содир бўлган. Бу ҳукм сахобалар ижмоидир. Чунки бу иш халқ олдида содир этилган.

Лекин ҳеч ким уни инкор қилмаган. Ахмад Ахнаф ибн Ҳафснинг амакиси Жазъ ибн Муовия йўлидан ривоят қилишича, у шундай деган: «Бизга Умар  вафот этишидан бир йил олдин у кишининг бир мактуби келди. Унда, ҳар бир сеҳргарни ўлдиринглар, дейилганди. Суфён, ҳар бир сеҳргар аёлни ҳам, деган эди шекилли».

Юқорида айтиб ўтилган айрим санъаткорлик йўли билан қилинган сеҳрлар ёки шайхларнинг кўзбўямачилик (фокус) қилишларига кўрилган зарарга қараб таъзирий жазо берилади. Маълумки, Исломдаги таъзирий жазо қилинган жиноятга қараб ўлим жазосигача бориши мумкин.

Лекин ҳад сифатида ўлим жазосини тайинлаш билан таъзири сифатида ўлим жазосини тайинлаш ўртасида фарқ бор. Ҳад сифатида ўлим жазосини олган киши муртад ҳисобланиб, унга жаноза ўқилмайди ва у мусулмонлар қабристонига дафн этилмайди.

8 –

**﴿فَيَتَعَلَّمُونَ مِنْهُمَا مَا يُفَرِّقُونَ بِهِ بَيْنَ الْمَرْءَ وَزَوْجِهِ وَمَا هُمْ بِضَارَّيْنَ بِهِ مِنْ أَحَدٍ إِلَّا بِإِذْنِ اللَّهِ﴾**

(*Ва ўшалардан (Хорут ва Морутдан) эр-хотиннинг ўртасини бузадиган нарсалар ўрганадилар.* (Лекин) улар (яхудийлар) Аллоҳнинг изнисиз ҳеч кимга зарар етказа олмайдилар).

Аллоҳ Таоло баён қиляптиki, сеҳрни ўрганиб, уни ишлатганлар қандайдир ишларни амалга оширишлари, масалан, қандайдир муаммоларни вужудга келтириб, эр-хотинни бир-биридан ажратиб юборишлари мумкин. Шу гап ортидан Аллоҳ Таоло яна бир ўта муҳим ақидавий ишни ҳам баён қиляпти. Бу иш одамларнинг мияларидаги сеҳргар ҳам Аллоҳга ўхшаган қудратли, у Аллоҳга итоат этмаган ҳолида ҳам айрим ишларни қила олади, деган тушунчага барҳам беради. Бу оятда Аллоҳ Таоло баён қиляптиki, Аллоҳнинг мулкида Аллоҳнинг рухсатисиз ҳеч бир иш содир бўлмайди. Аллоҳнинг хоҳиши, Аллоҳнинг иродаси, деган иборалар худди шу маънони англатади. Яъни, Аллоҳнинг мулкида Аллоҳнинг хоҳишисиз, Аллоҳнинг иродасиз, Аллоҳнинг рухсатисиз ҳеч бир иш содир бўлмайди.

**﴿وَمَا تَشَاءُونَ إِلَّا أَنْ يَشَاءَ اللَّهُ رَبُّ الْعَالَمِينَ﴾**

– „Сизлар фақат бутун оламлар Парвардигори бўлмиши Аллоҳ хоҳласагина (Тўғри йўлда бўлишини) хоҳларсизлар“. [81:29]

Бу Аллоҳнинг розилиги билан бўлади, деган маънини англатмайди. Негаки, Аллоҳ куфрга ҳам, гуноҳларга ҳам рози бўлмайди.

﴿إِن تَكُفُرُوا فَإِنَّ اللَّهَ غَنِيٌّ عَنْكُمْ وَلَا يَرْضَى لِعِبَادِهِ الْكُفُرُ﴾

– „Агар сизлар кофир бўлсангизлар, бас албатта Аллоҳ сизлардан беҳожатдир. (Аммо) У йўз бандаларининг кофир бўлишига рози бўлмас“. [39:7]

Бу бир истилоҳ бўлиб, унга бу маъно хужжатларни ўрганишдан келиб чиқиб берилган. Аллоҳнинг изни, хоҳиши, иродаси луғавий маънодаги қайсиdir ишга рухсат бериш маъносидаги изн, хоҳиш, ирода сўзлари билан тафсир қилинмайди. У истилоҳий маъно билан тафсир қилинади. У тилшуносларнинг, фақиҳларнинг, усулчиларнинг ёки бошқа фан олимларининг урфий ҳақиқатига ўхшайди.

(بِإِذْنِ اللَّهِ). Шу ўринда бу сўзнинг аҳамияти жуда катта. Чунки одамлар сеҳргарларнинг нарсалар моҳиятини одамлар кўзига бошқача қилиб кўрсата олишларини кўриб, улар худди Аллоҳга ўхшаб яратса оларканлар ёки Аллоҳ уларнинг ишини бекор қила олмайди, деган ўйларга бориб қолишлари мумкин. Шу сўз билан Аллоҳ таъкидлаяпти, бу ишлар Аллоҳнинг изнисиз амалга ошмайди. Яъни, ҳеч бир иш Аллоҳнинг хоҳишисиз, иродасисиз, изнисиз амалга ошмайди. Аллоҳ уларнинг сеҳрларини бекор қила олади. Аллоҳнинг мулкида Аллоҳдан ташқари ҳеч бир иш содир бўлмайди.

Мана шу ерда кимдир, у холда нега Аллоҳ уларнинг сеҳрларини бекор қилмайди? деб қолиши мумкин.

Аллоҳ Таоло яхшилик нимаю ёмонлик нималигини, кишининг яхшиликка яхшилик, ёмонликка эса ёмонлик жазосини олишини баён қилди. Шунингдек, Аллоҳ яхшилик билан ҳам, ёмонлик билан ҳам бизни битта умматга айлантира олишини билдириди.

﴿وَلَوْ شَاءَ رُبُّكَ لَجَعَلَ النَّاسَ أُمَّةً وَاحِدَةً وَلَا يَرَأُونَ مُخْتَلِفِينَ﴾

– „Агар Парвардигорингиз хоҳлаганида, барча одамларни бир миллат (яъни бир динга эргашувчи) қилган бўлур эди. Улар ихтилоф қилишида бардавом бўлурлар“. [11:118]

Лекин Аллоҳ Ўзи биладиган бир ҳикмат сабабли яхшилик ёки ёмонликни танлашни бизнинг ихтиёrimизга бериб қўйди. Шу

сабабли бир қисм одамлар жаннатга кирсалар, бошқа қисм одамлар дўзахга кирадилар.

﴿وَأُولُو شَيْنَا لَأَتَيْنَا كُلَّ نَفْسٍ هُدًى لَهَا وَلِكُنْ حَقَ الْقَوْلُ مِنِّي لِأَمْلَأَنَّ جَهَنَّمَ مِنَ الْجِنَّةِ وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ﴾

— „Агар Биз хоҳласак, албатта ҳар бир жонга ўз ҳидоятини ато этган бўлур эдик, лекин Мен томондан бу сўз ҳақ-собит бўлгандир: «Мен жаҳаннамни (кофир) жин ва (динсиз) одамларнинг барчаси билан тўлдиурман»“. [32:13]

Мана шундан келиб чиқиб, фикрлайдиган бўлсак, Аллоҳ нима учун ёмон сеҳргарларнинг ишини бекор қилмади ёки нима учун Аллоҳнинг Ўзи бизни фақат яхши амаллар қиладиган, ёмон амаллардан тийиладиган қилиб қўя қолмади, деган саволларга ўрин қолмайди. Аллоҳ бизга яхшилик нимаю ёмонлик нималигини баён қилиб, улардан қайси бирини танлашни ўз ихтиёrimизга ташлаб қўйди. Бу ишда Аллоҳнинг бир ҳикмати бор.

﴿لَا يُسْكُنُ عَمَّا يَفْعَلُ وَهُمْ يُسْكُنُونَ﴾

— „У Ўзи қиласиган бирон нарса ҳақида масъул бўлmas, улар (яъни бандалар эса қиласиган ҳар бир иш-амаллари хусусида) масъул бўлурлар“. [21:23]

Лекин биз ҳар қандай ҳолатда ҳам Аллоҳнинг мулкида Аллоҳнинг хоҳишисиз, Аллоҳнинг иродасисиз, Аллоҳнинг изнисиз ҳеч бир иш содир бўлмаслигига эътиқод қилишимиз вожиб.

9 –

﴿وَلَقَدْ عَلِمُوا لَمَنِ آشْرَكُهُ مَا لَهُ فِي الْآخِرَةِ مِنْ خَلْقٍ﴾

(Axir (Аллоҳнинг китоби ўрнига сеҳрни) алмашган кимсаларга Охиратда ҳеч қандай насиба йўқ эканини билган эдилар-ку).

Бу гап сеҳрдаги ҳамма нарса ёмонлик, деган маънони англатади. Бу улар ўрганаётган нарсанинг яъни, сеҳрнинг тавсифидир.

﴿يُعَلَّمُونَ الْنَّاسَ الْيَسْعَرَ﴾

(Одамларга сеҳр ўргатадиган). Бу васф қандай маъноларга далолат қилиши очиқ кўриниб турибди. У уни ўрганган одамга фойда қилмайди, аксинча зарар қиласиди. Сеҳрнинг ҳамма ёғи зарар. Бирон жойи ҳам фойда эмас.

Кейин Аллоҳ Таоло яна шуни баён қиляптиki, мазкур тахлитда сеҳр билан шуғулланган одамга охиратда ҳеч қандай насиба йўқ. Чунки Аллоҳга ва Унинг оятларига куфр келтиряпти.

(﴿إِنَّمَا يَعْلَمُ مَا لَهُ فِي الْآخِرَةِ مِنْ حَلْقٍ﴾). Бу ерда бу сўз мажозий маънода, шу ишни ўзларига хунар қилиб олганлар, деган маънода келяпти. Нарсани сотиб олиш унинг ўзини ишлатиб ёки ундан бирор эваз олиб, ундан фойдаланишдир. Бу ерда бу сўз сеҳргарликни даромад келтирадиган хунар қилиб олиш маъносидаги қўлланяпти. Гўё у сеҳри сотиб оляпти.

﴿وَلَقَدْ عِلِّمُوا لَمَنِ آتَشَرَنُهُ مَا لَهُ فِي الْآخِرَةِ مِنْ حَلْقٍ﴾

(*Ахир* (Аллоҳнинг китоби ўрнига сеҳрни) алмашган кимсаларга охиратда ҳеч қандай насиба йўқ эканини билган эдилар-ку). Тийилишни талаб қилиш, яъни, сеҳр билан шуғулланишдан қатъий ман қилиш маъносидаги дарак гап.

﴿وَلَبِسَ مَا شَرَوْا بِهِ أَنْفُسُهُمْ لَوْ كَانُوا يَعْلَمُونَ﴾

(*Жонларини нақадар ёмон нарсага* (яъни *Охиратдаги маҳрумликка*) *сотганларини билсалар эди*). Яъни, улар ўз жонларини нақадар ёмон нарсага сотиб юбордилар. Чунки улар ўз жонларини Аллоҳнинг азобига рўбарў қилдилар, ўз жонларини жаҳаннамнинг ўтига сотдилар.

﴿مَا لَهُ فِي الْآخِرَةِ مِنْ حَلْقٍ﴾

(*Охиратда ҳеч қандай насиба йўқ эканини*). Улар ўз жонларини сеҳр йўлида сарфладилар. Шу сарфлари учун эваз сифатида уларга тайёрлаб қўйилган нарса Аллоҳнинг фазаби, Аллоҳнинг азоби ва жаҳаннамнинг оловидир. Ҳақиқатда нақадар ёмон, нақадар заарли савдо!

﴿لَوْ كَانُوا يَعْلَمُونَ﴾

(*Билсалар эди*) яъни, улар ўзларининг билимларидан фойдалана билганларида эди! Ҳа, ўз билимидан фойдалана билмаган одам билимсиз билан баробардир. Сеҳрнинг оқибативой бўлишини била туриб, у билан шуғулланган одам шу ишни билмаган одамдан фарқ қилмайди. Нақадар кучли маъно! Субҳаналлоҳ, Субҳаналлоҳ!

Пайғамбар ﷺ фойдасиз билимдан паноҳ беришини сўраб, Аллоҳга илтижо қиласардилар.

«أَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ عِلْمٍ لَا يَنْفَعُ، وَقَلْبٌ لَا يَخْشَعُ، وَعَيْنٌ لَا تَدْمَعُ»

«Фойдасиз илмдан, құрқмайдиган қалбдан, күз ёш тұқмайдиган күздан паноқ беришини сұраб, Аллоҳга илтижо қиласын».<sup>65</sup> Қалб сұзининг бу ерда мана шу маңнода құлланаётгани ўз мавзусида ўта кучли құллов. Аллоҳнинг Китобида бу сөз бошқа маңноларда құлланған.

﴿إِنَّمَا يَسِرُّوْا فِي الْأَرْضِ فَتَكُونَ لَهُمْ قُلُوبٌ يَعْقِلُوْنَ هِنَّا أَوْ إِذَا نَّسِيْمَعُوْنَ هِنَّا فِي هِنَّا لَا

تَعْمَى الْأَبْصَرُ وَلَكِنْ تَعْمَى الْقُلُوبُ الَّتِي فِي الْصُّدُورِ﴾

— „Ахир улар (яғни Макка мушриклари) ер юзида сайр қилиб-айланмайдиларми, (ана ўшианды) улар учун доно диллар, тинглайдиган қулоқлар бұлур эди. Зоро, құзлар күр бўлмас, балки кўкракларидағи кўнгиллар кўр бўлур“.  
[22:46]

﴿وَمَنِئَ الَّذِينَ كَفَرُوا كَمَثِلُ الَّذِي يَنْعَقُ هِنَّا لَا يَسْمَعُ إِلَّا دُعَاءً وَنَدَاءً صُمُّ بُكْمُ

عُمُّيٌ فَهُمْ لَا يَعْقِلُوْنَ﴾

— „Улар кар, соқов, кўрдирлар. Демак, тушунмайдилар“. [2:171] Қулоғидан фойдалана билмаган кас гүё эшитмайдиган кардир. Қўзидан фойдалана билмаган кас гүё кўрмайдиган кўрдир. Тилидан фойдалана билмаган кас гүё гапирмайдиган соқовдир. Ақлидан фойдалана билмаган кас гүё ақлини ишлатмайдиган ақлсиздир.

Илмидан фойдалана билмаган кас гүё билимсиздир.

Аввалдагиу охирдаги ҳамма иш Аллоҳницидир.

﴿وَلَوْ أَنَّهُمْ إِمَانُوا وَاتَّقُوا لَمْ ثُبِّهِ مِنْ عِنْدِ اللَّهِ خَيْرٌ لَوْ كَانُوا يَعْلَمُوْنَ﴾

(Агар улар имонга келиб Аллоҳдан қўрқсалар, Аллоҳ тарафидан бўладиган савоб албатта яхшироқ бўлишини билсалар эди). Яғни, агар улар имон келтириб, итоат этиб, сеҳрни тарк қилганларида ўзларига яхши бўларди.

﴿لَوْ كَانُوا يَعْلَمُوْنَ﴾

(Билсалар эди). Яғни, улар сеҳрнинг оқибати бу дунёда ҳам, охиратда ҳам ёмон бўлишини билардилар. Мана шу билимларидан фойдалана билганларида эди!

(65) Муслим: 4899. Термизий: 3404. Абу Довуд: 1324. Насойи: 5348. Ибн Можа: 3827. Аҳмад: 6720.



﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ إِمْنَوْا لَا تَقُولُوا رَعِنَا وَقُولُوا أَنْظَرَنَا وَآسْمَعُوا وَلِلَّهِ فِرِيزٌ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴾ ١٤ مَا يَوْدُ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ أَهْلِ الْكِتَبِ وَلَا الْمُشْرِكِينَ أَنْ يُنَزَّلَ عَلَيْكُمْ مِنْ خَيْرٍ مِنْ رَبِّكُمْ وَاللَّهُ تَحْتَصُّ بِرَحْمَتِهِ مَنْ يَشَاءُ وَاللَّهُ ذُو الْفَضْلِ الْعَظِيمٌ ﴾ ١٥﴾

– „104. Эй мўминлар, «Роин» деманг. «Унзурно» денглар. Ва (Аллоҳнинг амр-наҳи-фармон-тақиқларига) қулоқ солинг! Кофиirlар учун аламли азоб бор. 105. Аҳли китоб ва мушриклардан иборат кофиirlар сизларга Парвардигорингиз тарафидан бир яхшилик (яни ваҳий) тушишини истамайдилар. Аллоҳ эса раҳматмарҳаматини йўзи хоҳлаган кишиларга хос қилиб беради. Аллоҳ буюк фазлу карам соҳибидир“.

[2:104-105]

**Аллоҳ бу икки оятда қуйидагиларни баён қилади:**

1 – Агар бир сўзнинг истилоҳий маъноси яни, хос урфий ҳақиқати бўлиб, уни ишлатишга бир воқе мавжуд бўлса, шаръий ҳукм унинг луғавий маъносини эмас, истилоҳий маъносини босиб кетади. (رَعِنَا) сўзи арабча сўз бўлиб, бизни риоя қил, бизга муҳлат бер (яни, биз учун шошма) маъноларини англатади. (أَنْظَرَنَا) сўзи ҳамайнан шу маъноларни билдиради.

Лекин яҳудлар (رَعِنَا) сўзини сўкиш, ҳақоратлаш маъноларида ишлатишади. Мусулмонларнинг Пайғамбар ﷺ га мурожаат қилишда шу сўзни ишлатишларидан фойдаланишди. Ўзлари Пайғамбар ﷺ га мурожаат қилишда худди шу сўзни бошқачароқ талаффуз қилиб, уни сўкиш, ҳақоратлаш маъносида ишлатишарди. Шунинг учун мусулмонларга шу сўзни ишлатишни тақиқловчи мана шу оят нозил бўлди. Чунки бу сўз янги маънони англатадиган истилоҳга, хос урфий ҳақиқатга айланганди. Шаръий ҳукм бундай сўзларнинг луғавий маъносини эмас, истилоҳий маъносини босиб кетади.

2 – Шундан сўнг Аллоҳ Таоло бу оятда (وَآسْمَعُوا) **ва қулоқ солинг!**) дейди. Яни, Пайғамбар ﷺнинг яқинроғига бориб, у

киши айтаётган гапларни яхшилаб эшитиб олинглар. Токи, ортиқча изоҳ сўрашингларга ҳожат қолмасин. Пайғамбар ﷺнинг гапларини қабул қилиш ва итоат этиш қулоғи билан тингланглар.

Аллоҳ оятни

﴿وَلِلَّهِ فِرِیْتَ عَذَابُ أَلِيمٌ﴾

(кофирлар учун аламли азоб бор), деган гап билан якунлаяпти. Бу ердаги маърифага айлантирувчи алиф-лом (артикл) таниқликни ифодалайди. Яъни, Пайғамбар ﷺни сўкиш, ҳақоратлаш учун (رَعِنَا) сўзини айтаётган لِكَافِرِيْنَ (кофирлар учун) яъни, яҳудлар учун аламли азоб бордир.

3 – Аллоҳ Таоло бизга хабар беряптики, аҳли китоб ва мушриклардан иборат бўлган кофирлар Аллоҳ улардан бошқага ваҳи юборишини истамайдилар. Ўзларини ваҳи юборилишга энг ҳақли бўлган одамлар, деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун улар сизларга ҳасад қиласидилар, душманлик қиласидилар. Негаки, Аллоҳ Ўзининг раҳмати ва ваҳисини сизларга хослади. Бу ерда улар кутилаётган пайғамбар ўзларидан яъни, яҳудлардан бўлади, деб ўйлаганликларига ишора бор. Шунинг учун пайғамбар бошқалардан бўлиб қолгач, унга ҳасад қилишди, душман бўлишди, уни инкор қилишди.

Аллоҳ бу оятни пайғамбарликни Ўзи истаган кишига хослашини ва бу ишнинг яъни, пайғамбарликнинг берилиши Аллоҳ томонидан бўлган буюк фазл эканини баён қилиш билан якунлади.

﴿الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ وَلَا الْمُشْرِكُونَ﴾

(Аҳли китоб ва мушриклардан иборат кофирлар).

(من) бу ерда баён учун келяпти. Кофирлар худди ўша аҳли китоблар ва мушриклардир.

(من خیри) бир яхшилик). Бу ердаги (من) яхшиликнинг мўллигини ифодалаш учун қўйилган зоидадир. Яъни, буюк эзгулик.

(من رېڭم) Парвардигорингиз тарафидан). Бу ердаги (من) фояни бошлаш учун келяпти. Яъни, Аллоҳ Таоло ваҳини сизларга нозил қилиш билан бошлайди.

**Истилоҳий маъно ҳақида:**

Масалан, социализм ҳақида шаръий ҳукмни сўрайдиган бўлсак, бу сўзнинг иштирок этиш, шериклик қилиш каби

лугавий маъносига мурожаат қилиб, кейин унинг устидан шаръий ҳукм чиқармаймиз. Шаръий ҳукмни унинг истилоҳий маъноси устидан чиқарамиз. Хўш, бу сўзнинг истилоҳий маъноси нимани англатади? Социалистлар ўйлаб топган бу сўз муайян бир мабда маъносини англатади. Унда Яратувчи борлиги инкор қилинади, модда азалийдир, дейилади ва мана шу ақидадан келиб чиқкан аҳкомлар татбиқ этилади. Бу низомда модда ривожланиши, мулкчиликларнинг бекор қилиниши ва яна аллақандай турли хил тенгликлар ҳақида гап боради. Мана шу маънога қараб, социализм куфр низомидир, деймиз.



### **Сиёсий онг:**

Шу ерда бироз тўхтаб, Аллоҳ Таоло Бақара сурасида баён қилган яҳудларнинг жирканч табиятлари, фаразгўйлик билан қилинган маккорона сиёсий ишлари, пасткашларча иш тутишлари, аглаҳларча музокаралар олиб боришлари ҳақида фикр юритишимиз лозим. Токи, Ислом ва уни жаҳонга олиб чиқаётганларга нисбатан маҳаллий ва халқаро воқе қандайлигини билиб олайлик.

Манзара янада ойдинлашиши учун бу ишни Пайғамбар ﷺнинг Маккадалик пайтидан, Макканинг кофир аҳолиси билан мағкуравий ва сиёсий кураш олиб борган пайтларидан бошлайлик. Шундан кейин Мадина даврига ўтиб, умуман кофирлар билан, хусусан яҳудлар билан қандай сиёсий, мағкуравий ва моддий курашганлари хусусида тўхталайлик. Бу пайтга келиб, мусулмонларнинг Исломни татбиқ этадиган, ҳадларни ижро этадиган, қўшинни сафарбар қиласидиган, даъват ва жиҳод йўли билан Исломни жаҳонга олиб чиқадиган ўз давлатлари қад кўтарганди.

Шунга биноан, гапни ҳали Мадина даври бошланмаган, Ислом давлати барпо бўлмаган пайтдаги, яъни, Маккадаги исломий даъват куфр ва унинг аҳли билан қандай мағкуравий ва сиёсий кураш олиб борганидан бошлаймиз.

**Шу ҳақда ворид бўлган шаръий далиллар ва содир бўлган воқеаларни ўрганадиган бўлсак, қўйидагилар аён бўлади:**

**Биринчидан:** Пайғамбар ﷺ Маккада нозил бўлган оятлар ўша кофир, жоҳил жамиятни зулматлардан халос этиб, нурга олиб чиқиш учун исломий ақидани баён қиласиди. Шунингдек, бу оятларда куфр ақидаларининг бузуқлиги, санамларию орзу-

умидларининг аҳмоқоналиги баён қилиниб, уларга қарши ҳужжат келтириларди. Исломий даъват билан куфр ва унинг аҳли ўртасидаги кураш ақидавий, мафкуравий кураш эди. Буларни Худо хоҳласа, ўз ўрнида баён қиламиз. Бундан ташқари сиёсий кураш ҳам борарди. Куфрошиларнинг бузғунчиликлари, Ислом ва мусулмонларга нисбатан душманликлари, Аллоҳнинг йўлидан тўсишлари, исломий даъватчиларни жазолашлари, азоблашлари, ўзларидаги бор ёвузлигу зулмни ишга солиб, даъват йўлини тўсишга уринишлари айтиларди.

Исломий даъват билан куфр ва унинг аҳли ўртасидаги ақидавий ва мафкуравий кураш ҳақида Худо хоҳласа, бошқа бир ўринда алоҳида тўхталамиз. Бу ерда эса Қуръон куфрошиларни қандай тавсифлаганини, уларнинг ичиқораликларини, бузғунчиликларини, Ислом ва мусулмонларга душманликларини қандай ифода этганини баён қилиб ўтамиз.

1 – Мана Абу Лаҳаб. Аллоҳ Таоло унинг кофир ҳолида ўлишини баён қилади. Унга молу дунёси асқотмайди. Азобни кечиктира олмайди. Унинг ўзи ҳам, хотини ҳам қилган ёвузликлари, Пайғамбар ﷺ озорлар бериб, у кишининг йўлларига тиконлар ташлаганлари учун дўзахда абадий қоладилар.

﴿تَبَّتْ يَدَآءِي لَهُبٍ وَتَبَّ مَا أَغْنَى عَنْهُ مَالُهُ، وَمَا كَسَبَ سَيِّصَلٌ نَارًا ذَاتَ هُبٍ وَأَمْرَأَتُهُ حَمَالَةَ الْحَطَبِ﴾

﴿هُبٌ وَأَمْرَأَتُهُ حَمَالَةَ الْحَطَبِ فِي جِيدِهَا حَبْلٌ مِنْ مَسَدٍ﴾

– „Абу лаҳабнинг қўллари қуригай — ҳалок бўлгай! (Аниқки) у қуриди — ҳалок бўлди! Мол-мулки ва касб қилиб тонган нарсалари унга асқотгани йўқ! Яқинда у ва унинг ўтин орқалаган, бўйнида пишиқ толадан эшилган арқон бўлган хотини (ловулаб турган) алангали дўзахга киражсак!“ [111:1-5]

2 – Мана буниси эса Валид ибн Муғира. У Пайғамбар ﷺнинг олдиларига келганди. Унга Пайғамбар ﷺ Қуръонни тиловат қилиб бергандилар. Унинг кўнгли юмшагандек бўлганди. Бу хабарни эшитган Абу Жаҳал унинг олдига бориб, эй амаки, Муҳаммад ҳақида бирор нарса денг, токи, қавмингиз сиз уни инкор қилишингизни, ёмон кўришингизни билиб олишсин, деди. Шунда Валид, нима дейин, Аллоҳга қасамки, сизларнинг орангизда мендан кўра шеърни яхшироқ тушунадиган одам йўқ, Аллоҳга қасамки, унинг айтиётган гаплари шеърга ўҳшамайди, Аллоҳга қасамки, унинг гапида ҳаловат бор, нафосат бор, равонлик бор, устидан қарасанг ҳам, остидан қарасанг ҳам фақат

нурни, зиёни кўрасан, унинг устунлиги, ундан устунроқ гап йўқлиги, ҳар қандай маҳоратни мағлуб эта олиши аниқ, деди. Бу гапни эшитган Абу Жаҳл бирор гап айтмасангиз, қавмингиз кўнмайди, деди. Валид, мени ўз ҳолимга қўй, ўйлаб олай, деб жавоб берди. Ўйлаб-ўйлаб охири, бу одамларга ўз таъсирини ўтказадиган сеҳр, деди. Шунда Аллоҳ Таоло мана бу оятни нозил қилди:

﴿ذُرْنِي وَمَنْ حَلَقْتُ وَحِيدًا ﴿ وَجَعَلْتُ لَهُ مَا لَأَمَدْدُوًا ﴿ وَبَنِينَ شُهُودًا ﴾  
 وَمَهَدْتُ لَهُ تَمْهِيدًا ﴿ ثُمَّ يَطْمَعُ أَنْ أَزِيدَ ﴿ كَلَّا إِنَّهُ كَانَ لَا يَتَبَتَّأَ عَنِيدًا ﴾  
 سَأَرْهِقْهُ صَعُودًا ﴿ إِنَّهُ فَكَرَ وَقَدَرَ ﴿ فَقُتِلَ كَيْفَ قَدَرَ ﴿ ثُمَّ قُتِلَ كَيْفَ قَدَرَ ﴾  
 ثُمَّ نَظَرَ ﴿ ثُمَّ عَبَسَ وَسَرَ ﴿ ثُمَّ أَدْبَرَ وَأَسْتَكَبَرَ ﴿ فَقَالَ إِنْ هَذَا إِلَّا سُحْرُ يُوَثْرُ  
 إِنْ هَذَا إِلَّا قَوْلُ الْبَشَرِ﴾

– „(Эй Мұхаммад), *Мен сўққабоши ҳолида яратган кимсани Ўзимга қўйиб беринг! Мен унга кенг-мүл мол-давлат ва (доимо ёнида) ҳозири нозир ўғилларни (ато) қилдим. Яна унга (ҳаётнинг барча неъматларини) қулай-осон қилиб қўйдим.*“ Сўнгра у яна зиёда қилишимни тамаъ қилур. Йўқ, (унинг тамаъси бехудадир)! Чунки у *Бизнинг оятларимизга қаршилик қилгувчи*дир. Яқинда *Мен уни бир харсанг тошга* (яъни ўтиб бўлмас тўсиқча) дучор қилажакман! Чунки у (*Куръонни эшитгач, бу илоҳий Китобга қандай тухмат қилиши тўғрисида*) ўйлади, режса тузди. Ҳалок қилингур, қандай режса тузди-я?! Яна ҳалок қилингур, қандай режса тузди-я?! Сўнгра у (ўйлаган режсаларига) қаради. Сўнгра (*Куръондан бирон айб топа олмагач, пешонасини*) *тиришиштирди ва* (афтини) буришиштирди. Сўнгра (ҳақдан) юз ўғирди ва кибр-ҳаво қилди. *Бас, у: «Бу (Куръон Аллоҳнинг сўзи эмас, балки) фақат (аввалгилардан) нақл қилинаётган бир сеҳрdir. Бу фақат баширнинг сўзи*дир», деди“.

З – Абу Жаҳл мусулмонларга таҳдид қилиб, сизларнинг олдингларда Мұхаммад юзини тупроқقا белайдими? (намоз ўқиёдими), деди. Ҳа, деган жавобни эшитгач, лот ва уззога қасамки, агар уни яна шундай қилаётганини кўрсам, бўйнига тепаман ва юзини тупроқقا ишқайман, деди. Бас, Аллоҳ Таоло у ҳақда

﴿كَلَّا لِئِنْ لَمْ يَنْتَهِ نَسْفًا بِالنَّاصِيَةِ ﴿١٦﴾ نَاصِيَةٌ كِذَبَةٌ حَاطِعَةٌ فَلَيَدْعُ نَادِيهُرٌ  
سَنَدْعُ الْزَّبَانِيَةَ﴾

— „Йүқ! Қасамки агар у (бундай гумроҳликдан) тўхтамаса, албатта биз уни пешона сочидан — ўша ёлғончи, адашган пешона сочидан тутармиз-да (жсаҳанинамга отурмиз)! Бас у ўзининг жамоасини (ёрдамга) чақираверсин! Биз эса азоб фаришталарини чақиражаскимиз!“ [96:15-18]

оятини нозил қилди. Абу Жаҳл Аллоҳнинг оятларини масхара қилиб, хурмо ва сариёғларни олиб келиб, мана буни енглар, ютинглар Муҳаммад сизларга ваъда қилаётган заққум мана шу, дерди. Бу ерда заққум сўзи ҳам, ютинглар маъносидаги (төғмоя) сўзи ҳам битта ўзакдан чиққан. Абу Жаҳл шундан фойдаланиб, сўз ўйини қилмоқчи бўлган. Бунга жавобан, Аллоҳ Таоло

﴿إِنَّ شَجَرَتَ الرَّقْوْمِ طَاعُمُ الْأَثِيمِ ﴿١٧﴾ كَالْمُهْلِ يَغْلِي فِي الْبُطُونِ كَعْلِ الْحَمِيمِ  
خُدُوهُ فَاعْتَلُوهُ إِلَى سَوَاءِ الْجَحِيمِ ﴿١٨﴾ ثُمَّ صُبُوا فَوْقَ رَأْسِهِ مِنْ عَذَابِ  
الْحَمِيمِ ذُقُّ إِنَّكَ أَنْتَ الْعَزِيزُ الْكَرِيمُ﴾

— „Албатта (дўзахнинг ўртасида ўсадиган) Зақкум дарахти гуноҳкорнинг таомидир. (У таом) мисоли қайнок сувнинг қайнаниши каби қоринларда қайнайдиган эритилган (доғланган) ёғдир! (Дўзах фаришталарига): «Уни (гуноҳкорни) ушлаб дўзахнинг ўртасига сурраб олиб боринглар, сўнгра боши устидан қайнок сувдан — азобдан куйинглар!» (деб амр этилур). (Унга масхара қилиши учун: «Мана бу азобни) тотиб кўргин! Дарҳақиқат сенинг Ўзингина «қудратли ва улугдирсан» дейилур“. [44:43-49]

оятини нозил қилган.

4 – Ахнас ибн Шариқ бузғунчилик қилишга уринарди. Ўзи каззоб, тубан одам эди. Аллоҳ Таоло унинг насаби ва табиатининг бузуқлигини аниқ баён қилувчи мана бу оятни нозил қилди:

﴿وَلَا تُطِعْ كُلَّ حَلَافٍ مَّهِينٍ ﴿١٩﴾ هَمَازٌ مَّشَاءٌ بِنَمِيمٍ ﴿٢٠﴾ مَنَاعٌ لِّلْحَيْرِ مُعْتَدِلٌ أَثِيمٍ  
عُتْلٌ بَعْدَ ذَلِكَ زَنِيمٍ﴾

— „(Эй Мұхаммад), яна сиз ҳар бир тубан қасамхүр, гийбатчию, ғап ташувчи, яшиликни ман қылгувчи — баҳил, тажсузукор, гунохга ботган, күпоп ға булардан ташқари бенасаб-хароми кимсага итоат этман!“ [68:10-13]

5 — Уқба ибн Абу Муайт Пайғамбар ﷺ нинг мажлислариға келмоқчи бўлганида уни Убай ибн Халаф қайтарарди. Аллоҳ у ҳақда

﴿وَيَوْمَ يَعْصُمُ الظَّالِمُ عَلَىٰ يَدِهِ يَقُولُ يَا لَيْتَنِي أَخْتَذْتُ مَعَ الرَّسُولِ سَبِيلًا ﴿١﴾  
لَيْتَنِي لَمْ أَخْتَذْ فُلَانًا حَلِيلًا ﴿٢﴾ لَقَدْ أَضَلَّنِي عَنِ الْذِكْرِ بَعْدَ إِذْ جَاءَنِي وَكَارَ  
الشَّيْطَنُ لِلإِنْسَنِ خَدْوَلًا﴾

— „У кунда бу золим құлларини (бармоқларини тишилаб надоматлар қилиб) дер: «Э, қанийди мен ҳам пайғамбар билан бир йўлни тутганимда эди; Ўлим бўлсин менга, қанийди мен фалончини дўст тутмаганимда эди. Аниқки, менга эслатма — Куръон келганидан сўнг, ўша (фалончи) мени йўлдан оздириди». (У кунда) шайтон (ҳаёти дунёда ўзига эргашган барча) инсонни ёрдамсиз қўйгувчиидир»“. [25:27-29] оятини нозил қилди.

Мана шулар ва шу турдаги оятлар исломий даъватга қарши турган таъсир кўрсатувчи кучларни сиёсий жиҳатдан англаш, уларнинг қилвир ишларини, пасткаш табиатларини, хиёнату маккорликка тўла қалбларини, уларнинг Ислом ва мусулмонларга душман бўлган куфрошилар эканликларини фош этиш нақадар зарурлигини кўрсатади. Токи, исломий даъватчилар олдидаги йўл равshan кўриниб турсин. Зарба орқа томондан келиб қолмасин. Қадамлар тиконсиз жойларни топиб боссин. Мумкин қадар қоронгулик сари борилмасин. Айни пайтда душман қалъалари титрасин, унинг нозик жойлари кўриниб турсин ва уларга зарба бериш осон кечсин.

**Иккинчидан:** Ислом душманларини сиёсий англаш ҳижратдан кейин, давлат барпо этилиб, Мадинаи мунавварада Исломнинг ўз салтанати қад кўтарган пайтида янада кучайди.

Исломий ақида ва куфр ақидаларини баён қилиш борасидаги оятлар давомли тарзда нозил бўлди. Бу ерда Маккадаги мушрикларга яҳудлар ва насороларнинг, аҳли китобларнинг ақидалари кўшилди. Мана шу адаштирувчи фикрларни баёни хусусида ҳам, маҳаллий ва халқаро таъсир кўрсатувчи кучлар билан бораётган сиёсий кураш хусусида ҳам

оятлар нозил бўлиши давом этди. Баённинг кўлами кенгайди. Макка кофирлари ва араб мушрикларига мунофиқлар, яҳудлар, насоролар, форслар, румлар ва бошқалар қўшилди. Улар билан бораётган мафкуравий, сиёсий курашга эса моддий кураш қўшилди. Исломни даъват ва Аллоҳни йўлида жиҳод қилиш билан жаҳонга олиб чиқиш бошланди.

Лекин мен бу ерда юқорида айтиб ўтганимдек, асосий эътиборимни яҳудлар билан бўлган сиёсий курашга қаратмоқчиман. Чунки, Мадинанинг ичида ҳам, атрофида ҳам Ислом давлатига энг яқин турғанлар ана ўшалар эдилар. Ислом ва мусулмонларга қарши энг кўп найранг ишлатганлар, энг кўп пасткашликларни қилганлар ҳам ўшалар эдилар.

Курашнинг бошқа тарафлари хусусида эса Худо хоҳласа, бошқа бир ўрни келиб қолганда тўхталиб ўтарман, деб умид қиласман.

Яҳудлар хусусида гапирадиган бўлсак, Аллоҳ одамларга уларнинг табиатларини очиқ кўрсатиб берган. Уларнинг адоватлари ва найранглари хусусида жуда кўп баён қилган. Бу баёнлар жуда катта сабоқ бўлиб, улар билан муомала қилишда бу сабоққа амал қилинган. Айниқса, уларнинг Мадинадаги Ислом давлати ёнида вужудлари, яъни, майда давлатчалари борлиги бу сабоққа амал қилиш ўта зарурлигини кўрсатарди.

1 – Уларнинг Аллоҳ билан бўлган муносабатлари, У Зотга куфр келтириш, У Зотнинг неъматларига нонкўрлик қилиш бўлган. *Мусо ﷺ Парвардигори* билан учрашишга кетгани заҳоти бузоқни ўзларига Худо қилиб олиб, очиқдан-очиқ кофир бўлдилар. *Мусо ﷺ* қайтиб келгач, Аллоҳ уларнинг тавбаларини қабул қилди. Шундан кейин ҳам улар то Аллоҳни ўз кўзимиз билан кўрмагунимизча имон келтирмаймиз, деб туриб олишди. Шунда уларни яшин урди. Кейин Аллоҳ уларни яна кечирди ва уларга бедана ҳамда ширинликларни ёғдириб берди. Шундай бўлса-да улар бу неъматларга нонкўрлик қилишди. Ўзларини ўзлари Аллоҳнинг жазосига, қаттиқ азобига тутиб беришди ва шу билан ўзларига ўзлари зулм қилишди.

﴿وَإِذْ وَاعَدْنَا مُوسَى أَرْبَعِينَ لَيْلَةً ثُمَّ أَخْنَدْتُمْ آَعِجَّلَ مِنْ بَعْدِهِ وَأَنْتُمْ ظَلَمُونَ﴾  
﴿ثُمَّ عَفَوْنَاتَا عَنْكُمْ مِنْ بَعْدِ ذَلِكَ لَعَلَّكُمْ تَشَكُّرُونَ﴾

– „*Мусо билан қирқ кечага ваъдалашганимиз*, у (бизнинг ҳузуримизга) кетганидан кейин сизлар ўзингизга зулм қилган ҳолингизда бузоққа ибодат қилганингизни эсланглар. Сўнгра, ўша

*ишилардан кейин ҳам шукр қилишингиз учун сизларни ағе*  
[2:51-52] *этгандик“.*

﴿وَإِذْ قُلْتُمْ يَمُوسَى لَنْ نُؤْمِنَ لَكَ حَتَّىٰ نَرَى اللَّهَ جَهَرًّا فَأَخَذْتُكُمُ الصَّاعِقَةَ وَأَنْتُمْ تَنْظُرُونَ ﴾ ثُمَّ بَعْشَنْكُمْ مِنْ بَعْدِ مَوْتِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴿ وَظَلَّلَنَا عَلَيْكُمُ الْغَمَامَ وَأَنْزَلْنَا عَلَيْكُمُ الْمَنَّ وَالسَّلَوَىٰ كُلُّوا مِنْ طَيِّبَاتِ مَا رَزَقْنَاكُمْ وَمَا ظَلَمْنَاكُمْ وَلِكُنْ كَانُوا أَنفُسَهُمْ يَظْلِمُونَ﴾

– „Эй Бану Исроил, эсланг: «Эй Muso, Аллоҳни очик-равшан күрмагунимизча ҳаргиз сенга ишонмаймиз», дейшишингиз билан қараб турган ҳолингизда сизларни чакмоқ урди. Сүнгра шукр қилишингиз учун ўлганингиздан кейин тирилтиридик. Ва булутни устингизга соябон қилдик ва осмондан ширинлик ва беданалар ёғдиралиб, «Сизларга ризқ қилиб берган пок нарсалардан енглар», (дедик). (Бану Исроил) Бизга зулм қилмадилар, балки ўзларига зулм қилгувчи бўлдиilar“. [2:55-57]

2 – Уларнинг ўз динлари билан бўлган муносабати уни бузиш, мунофиқлик қилиш бўлган:

Улар билиб туриб Тавротни, ундаги Пайғамбар ﷺ нинг белгиларини ўзгартиришди. Ўзларига фарз қилинган аҳкомларни ҳам бошқача қилиб юборишли.

﴿أَفَتَطَمَّعُونَ أَنْ يُؤْمِنُوا لَكُمْ وَقَدْ كَانَ فَرِيقٌ مِنْهُمْ يَسْمَعُونَ كَلَمَ اللَّهِ ثُمَّ تُخْرِفُونَهُ مِنْ بَعْدِ مَا عَقَلُوهُ وَهُمْ يَعْلَمُونَ﴾

– „Уларнинг имонга келишиларига орзуманд бўласизми (эй мўминлар)? Ҳолбуки улардан бир гурӯҳи Аллоҳнинг қаломини эшиштадилар, сўнгра, уни англаб етганларидан кейин билиб туриб ўзгартирадилар“. [2:75]

﴿الَّذِينَ إِذَا تَبَيَّنَ لَهُمْ الْكِتَابَ يَعْرُفُونَهُ وَكَمَا يَعْرُفُونَ أَبْنَاءَهُمْ وَإِنَّ فَرِيقًا مِنْهُمْ لَيَكْتُمُونَ الْحَقَّ وَهُمْ يَعْلَمُونَ﴾

– „Биз китоб ато этган кимсалар (яхудий ва насронийлар) уни (Мұхаммад пайгамбарни) ўз фарзандларини таниган каби танийдилар. (Яни ўзларининг илоҳий китобларида у ҳақда ўқиганлар). Ва албатта улардан бир гурӯҳи билганилари ҳолда ҳақиқатни беркитадилар“. [2:146]

Улар мунофиқлик бобида устаси фаранг бўлиб кетишган. Бир туклари қимир этмасдан бемалол ўзларини мусулмон қилиб кўрсатиб, дилларидаги куфрларини яшира оладилар.

﴿وَإِذَا لَقُوا الَّذِينَ ءامَنُوا قَالُوا إِمَّا وَإِذَا حَلَّ بَعْضُهُمْ إِلَى بَعْضٍ قَالُوا أَخْتَنُوهُمْ﴾

﴿بِمَا فَتَحَ اللَّهُ عَلَيْكُمْ لِيُحَاجُوكُمْ بِهِ عِنْدَ رَبِّكُمْ أَفَلَا تَعْقِلُونَ﴾

— „Улар имонли кишииларга йўлиққанларида: «Имон келтиридик» дейдилар. Бир-бировлари билан ёлгиз қолганларида эса: «Уларга (мусулмонларга) Аллоҳ сизларга очган нарса ҳақида гапиряпсизларми? Ўша хужэжат билан Парвардигорингизнинг хузурида хужежатлашишлари учун-а? Ақлингизни ишлатмайсизми?» — дейшишади“.

[2:76]

З — Уларнинг пайғамбарлар билан муносабати хиёнат, ўлдириш ва ҳасаддан иборат бўлган.

Қайси бир пайғамбар уларнинг истакларига тўғри келмайдиган нарсани олиб келса, ундан ўзларини катта олганлар, унга эргашмаганлар, уни ўлдирганлар.

﴿أَفَكُلَّمَا جَاءَكُمْ رَسُولٌ بِمَا لَا يَهْوَى أَنفُسُكُمْ أَسْتَكْبِرُمُ فَرَيِقًا كَذَبُتُمْ وَفَرِيقًا﴾

﴿تَقْتُلُونَ﴾

— „Ҳар қачон бир Пайғамбар сизларга ёқмайдиган нарса (оятлар) билан келса, бирорини ёлгончи деб, бирорини ўлдираверасизларми?“.

[2:87]

﴿وَإِذَا قِيلَ لَهُمْ إِمَّا نَزَلَ اللَّهُ قَالُوا نُؤْمِنُ بِمَا أُنْزِلَ عَلَيْنَا وَيَكْفُرُونَ بِمَا

﴿وَرَآءُهُرُ وَهُوَ الْحَقُّ مُصَدِّقاً لِمَا مَعَهُمْ قُلْ فَلَمْ تَقْتُلُونَ أَنْبِيَاءَ اللَّهِ مِنْ قَبْلٍ إِنْ كُنْتُمْ

﴿مُؤْمِنِينَ﴾

— „Қачон уларга: «Аллоҳ нозил қилган нарсага имон келтиринг», дейилса, «Биз ўзимизга нозил қилинган нарсага имон келтирамиз», дейдилар. Ва ундан кейин келган ўзларидағи нарсани (Тавротни) тасдиқ этувчи ҳақ (китоб)га кофир бўладилар. Айтинг (Эй Мұхаммад), «Агар мўмин бўлган бўлсангизлар, нима сабабдан илгари Аллоҳнинг пайғамбарларини ўлдирап эдингизлар?»“.

﴿ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ كَانُوا يَكُفُّرُونَ بِعَايَتِ اللَّهِ وَيَقْتُلُونَ النَّبِيِّنَ بِغَيْرِ الْحَقِّ ذَلِكَ مَا عَصَوْا وَكَانُوا يَعْتَدُونَ﴾

– „Бунга сабаб уларнинг Аллоҳ оятларини инкор қилганлари ва Пайғамбарларни ноҳақ қатл қилганларидир. Бунга сабаб итоат қилмай тажовузкор бўлганларидир“.

[2:61]

Муҳаммад ﷺ нинг белгилари уларнинг китобларида ёзилган бўлиб, у киши кутилаётган, келиши ваъда қилинган пайғамбар эдилар. Улар Пайғамбар ﷺ ни ўз ўғилларини танигандек танирдилар. Авс ва Ҳазражга қарши мададни ҳам мана шу келиши ваъда қилинган пайғамбардан кутаётгандилар. Яқинда биздан бир пайғамбар чиқади, биз унинг тобелари бўламиз, дейишарди. Пайғамбар ﷺ келганларидан кейин эса қалблари нафрат ва ҳасадга тўлди. Қандай қилиб у бизнинг бобомиз Исҳоқ ﷺ нинг эмас, Исмоил ﷺ нинг авлодидан келиши мумкин, деб разабланишиди. Хуллас, Пайғамбар ﷺ нинг ҳақиқий пайғамбар эканликларини билиб туриб, у кишига имон келтиришмади.

﴿وَلَمَّا جَاءَهُمْ كَتَبْ مِنْ عِنْدِ اللَّهِ مُصَدِّقٌ لِمَا مَعَهُمْ وَكَانُوا مِنْ قَبْلِ يَسْتَفْتِحُونَ عَلَى الَّذِينَ كَفَرُوا فَلَمَّا جَاءَهُمْ مَا عَرَفُوا كَفَرُوا بِهِ فَلَعْنَةُ اللَّهِ عَلَى الْكَفَرِينَ بِعِسْمَا أَشْتَرْوَاهُ بِهِ أَنْفُسَهُمْ أَنْ يَكُفُّرُوا بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ بَغْيًا أَنْ يُنْزِلَ اللَّهُ مِنْ فَضْلِهِ عَلَى مَنْ يَشَاءُ مِنْ عِبَادِهِ فَبَاءُوا بِغَضْبٍ عَلَى غَضْبٍ وَلِلْكَفَرِينَ عَذَابٌ مُّهِينٌ﴾

– „Қачонки уларга Аллоҳнинг ҳузуридан ўзларида бор нарсани (Тавротни) тасдиқ этувчи китоб келганда — ҳолбуки, илгари кофирларга қарши ўша китобдан ёрдам кутардилар — бас, қачонки уларга ўзлари билган нарса келганда унга кофир бўлдилар. Кофирларга Аллоҳнинг лаънати бўлгай. Аллоҳ бандаларидан хоҳлаган зотга ўз фазлу қарами билан (ваҳи) юборишига қарши чиқиб, Аллоҳ нозил қилган нарсага кофир бўлишилари сабабли улар ўзларини энг ярамас нарсага сотдилар. Бас, газаб устига газаб билан қайтдилар. Кофирлар учун хор қилувчи азоб бордир“.

4 – Уларнинг аҳдларга нисбатан муносабатлари доим уларни бузиш, амал қилмаслик бўлган. Қачон Аллоҳ улардан бир аҳд олса, уни бузишган. Аллоҳ улардан Тавротдаги буййруқларни

бажариш хусусида аҳд олди. Улар бош тортишди. Шунда Аллоҳ уларни аламли азоб билан қўрқитди. Устларига тоғни кўтариб, ташлаб юборишини айтди. Шундан кейин аҳдга рози бўлиши. Лекин кейин яна бош тортишди. Чунки аҳдни бузиш, уни бажаришдан бош тортиш уларнинг қон-қонига сингиб кетганди.

﴿وَإِذْ أَخَذْنَا مِيشَقَكُمْ وَرَفَعْنَا فَوَّقَكُمْ الْطُّورَ خُدُوا مَا إِاتَيْنَكُمْ بِقُوَّةٍ وَأَذْكُرُوا مَا فِيهِ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ ﴾ ثُمَّ تَوَلَّتُمْ مِنْ بَعْدِ ذَلِكَ فَلَوْلَا فَضْلُ اللَّهِ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَتُهُ لَكُنْتُمْ مِنَ الْخَاسِرِينَ﴾

— „Эсланг (эй Бану Исроил), Биз аҳду паймонингизни олгандик ва устингизда Тур тогини кўтариб туриб, «Келтирган нарсамизни (Тавротни) маҳкам ушланг ва ундаги бор нарсани ёдингизда тутинг — шояд тақво эгаларидан бўлсангиз», дегандик. Кейин — ўша аҳду паймондан кейин юз ўғирдингиз. Агар сизларга Аллоҳнинг фазлу карами бўлмагандо эди, зиён кўргувчилардан бўлиб қолар эдингиз. 65. Орангиздан шанба кунида ҳаддан ошган кимсаларни билдингиз. Бас, Биз уларга: «Бадбахт маймунларга айланингиз», дедик. 66. Биз бу укубатни ўша вакт ва кейинги даврлар учун ибрат, тақволи кишилар учун мавъиза (насиҳат) қилдик“ [2:63:64]

5 – Аллоҳнинг буйругини бажаришга муносабатлари иккиланиш, баҳона излаш, найранг ишлатиш ва таъвил қилиш бўлган. Шанба куни ов қилишдан қайтарилгандилар. Лекин улар худди шу шанба куни балиқлар илиниши учун тўрлар ташлашиб, ариқлар кавлашиб қўйишарди. Якшанба куни эса ўша илинган балиқларни овлашарди. Ҳақиқий ов шанба куни бўлганини ўзлари жуда яхши билишарди.

﴿وَلَقَدْ عَلِمْتُ الَّذِينَ آعْتَدْنَا لَهُمْ كُنُوا قِرَدَةً خَسِعِينَ﴾

— „Орангиздан шанба кунида ҳаддан ошган кимсаларни билдингиз. Бас, Биз уларга: «Бадбахт маймунларга айлананингиз», дедик“. [2:65]

«لَعْنَ اللَّهِ الْيَهُودَ، حَرَمَ اللَّهُ عَلَيْهِمُ الشُّحُومَ فَجَمَلُوهَا وَبَاعُوهَا وَأَكْلُوا شَمْنَاهَا»

«Аллоҳ яҳудларни лаънат қиласин. Аллоҳ уларга ёғларни ҳаром қилди. Улар бўлса, ўша ҳаром қилинган ёғларга безак бериб сотишиб, пулини едилар».<sup>66</sup> Уларга ёғлар ҳаром

(66) Бухорий: 2071, 2072. Муслим: 2961.

қилинганди. Улар ҳийла ишлатиб, уни ейишдан бошқа нарсага, ёритиш, кемаларни бўяш каби ишларга ишлатдилар.

Улар бир одамни ўлдирдилар. Кейин ҳар бири мен қотил эмасман, деб туриб олди. Шунда Аллоҳ уларга бир сигир сўйиб, ўликни ўшанинг бир қисми билан урсалар, у тирилиб, ўз қотилини айтиб беришини билдириди. Лекин улар шу буйруқнинг бажарилишини мумкин қадар кечикириш мақсадида ҳар хил саволлар, изоҳ талаб қилишлар билан бу ишни пайсалга солдилар. Охири ортиқча изоҳ талаб қилишга ўрин қолмагач, ўта оғирлашиб кетган бу буйруқни бажардилар.

﴿وَإِذْ قَالَ مُوسَى لِقَوْمِهِ إِنَّ اللَّهَ يَأْمُرُكُمْ أَنْ تَذْكُرُوا بَقَرَةً قَالُوا أَتَتَخْيِدُنَا هُنُّا قَالَ أَعُوذُ بِاللَّهِ أَنْ أَكُونَ مِنَ الْجَاهِلِينَ ﴿١﴾ قَالُوا أَدْعُ لَنَا رَبَّكَ يُبَيِّنْ لَنَا مَا هِيَ قَالَ إِنَّهُ وَ  
يَقُولُ إِنَّهَا بَقَرَةٌ لَا فَارِضٌ وَلَا بِكُرْ عَوَانٌ بَيْنَ ذَلِكَ فَافْعُلُوا مَا تُؤْمِنُونَ ﴿٢﴾  
قَالُوا أَدْعُ لَنَا رَبَّكَ يُبَيِّنْ لَنَا مَا لَوْنُهَا قَالَ إِنَّهُر يَقُولُ إِنَّهَا بَقَرَةٌ صَفَرَاءً فَاقْعُ لَوْنُهَا  
تُسْرُ الْنَّنْظَرِينَ ﴿٣﴾ قَالُوا أَدْعُ لَنَا رَبَّكَ يُبَيِّنْ لَنَا مَا هِيَ إِنَّ الْبَقَرَ تَشَبَّهَ عَلَيْنَا وَإِنَّا  
إِنْ شَاءَ اللَّهُ لَمُهْتَدُونَ ﴿٤﴾ قَالَ إِنَّهُر يَقُولُ إِنَّهَا بَقَرَةٌ لَا ذُلُولٌ تُتِيرُ الْأَرْضَ وَلَا تَسِقِي  
الْحَرَثَ مُسَلَّمًا لَا شَيْةَ فِيهَا قَالُوا أَئْنَ حِجَّتَ بِالْحَقِّ فَذَكُورُهَا وَمَا كَادُوا  
يَفْعَلُونَ﴾

— „Эсланг! Мусо ўз қавмига: «Аллоҳ бир сигир сўйишларингни бујорди», деганида, улар: «Устимиздан куляпсанми?» — дедилар. (Muso) деди: «Ундаи жоҳуллардан бўлиб қолишдан Аллоҳ паноҳ бершишини сўрайман». Улар дедилар: «Парвардигорингга дуо қил, унинг қандайлигини баён қилсин». (Muso) деди: «У Зотнинг айтишича, у қари ҳам, ёш гунажин ҳам бўлмаган ўрта бир сигирдир. Энди фармонни адo этинглар». Улар дедилар: «Парвардигорингга дуо қил. Унинг рангини баён қилсин». (Muso) айтди: «У Зотнинг айтишича, у очиқ-малларанг сигир бўлиб, кўрганларнинг кўнгли чоғ бўлади». Улар айтдилар: «Парвардигорингга дуо қил, унинг қандайлигини баён қилсин, бу мол бизга шитибоҳли бўлиб қолди. Инша Аллоҳ, энди йўлимизни топиб оламиз». (Muso) айтди: «У Зотнинг айтишича, у шундай сигирки, xor бўлиб ер ҳайдамайди, у билан (сув ташиб) экин сугормайдилар,

*айбұ ууқсонасиз, унда ўз рангидан бошқа ранг-бүйек ҳам ийк». Улар: «Энди ҳақиқатни айтдинг», дедилар-да, узоқ машаққатлар чекиб (үша айттылған сиғатларга эга бўлған сигирни топиб) сўйдилар».* [2:67-71]

6 – Уларнинг бошқа одамлар билан муносабатлари ҳалолу ҳаромни ажратмасдан ўзлари ҳам бузилиши, ўзгаларни ҳам бузишдан иборат эди. Билиб туриб ёмон ишларни қилишга ҳам ижозат берардилар.

﴿وَمِنْ أَهْلِ الْكِتَبِ مَنْ إِنْ تَأْمَنَّهُ بِقِنْطَارٍ يُؤَدِّهِ إِلَيْكَ وَمِنْهُمْ مَنْ إِنْ تَأْمَنَّهُ بِدِينَارٍ لَا يُؤَدِّهِ إِلَيْكَ إِلَّا مَا دُمْتَ عَلَيْهِ قَائِمًا ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ قَالُوا لَيْسَ عَلَيْنَا فِي الْأُمَّةِ سَبِيلٌ وَيَقُولُونَ عَلَى اللَّهِ الْكَذِبُ وَهُمْ يَعْلَمُونَ﴾

– „Аҳли китоб орасида шундай кишилар борки, унга беҳисоб молни омонат қўйсангиз, хиёнат қилмай сизга қайтаради. Уларнинг орасида яна шундайлари ҳам борки, унга бир динорни ишониб берсангиз, то устидаги туриб олмагунингизча сизга қайтиб бермайди. Бунинг боиси — уларнинг «омий-китобсиз кимсалар учун бизнинг устимизга ҳеч қандай йўл ийк», дейшиларидири. (Яъни, айрим яхудийлар ўзларидан бошқаларни паст табақа ҳисоблаб: «Биз Аллоҳнинг сўйган бандаларимиз, демак, бошқа миллатларнинг моллари биз учун ҳалол», дер эдилар.) Улар билиб туриб Аллоҳ ҳақида ётғон сўзларни сўзлайдилар“.

Уларнинг назарида яхуд бўлмаган омилар учун улар билан муносабатда бўлишларига йўл ийк эди.

﴿كُلَّمَا أَوْقَدُوا نَارًا لِّلْحَرْبِ أَطْفَأَهَا اللَّهُ وَيَسِّعُونَ فِي الْأَرْضِ فَسَادًا وَاللَّهُ لَا تُحِبُّ﴾

﴿الْمُفْسِدِينَ﴾

– „Улар қачон (Сизга қарши) уруши оловини ёқсалар, Аллоҳ уни ўчирур. Улар ерда бузгунчилик қилиб юрурлар. Аллоҳ эса бузгунчи кимсаларни севмас“.

﴿وَتَرَى كَثِيرًا مِنْهُمْ يُسْرِعُونَ فِي الْأَئْمَرِ وَالْعُدُونَ وَأَكْلِهِمُ الْسُّحْنَ مَا

﴿كَانُوا يَعْمَلُونَ﴾

– „ Уларнинг кўпларини гуноҳ, зулм томонга ва ҳаромхўрликка чопаётганларини кўрасиз. Қилаётган ишлари накадар ёмон иши!“.

[5:62]

Бу ердаги (آلِسُختَ) сўзи ҳаромдан топилган мол маъносида.

7 – Улар ўз динларига зид ишларни қилишларни ҳам агар унда обрў, салтанат ёки бирор дунёвий иш каби манфаат бор бўлса, жоиз кўярардилар. Агар зарур бўлиб қолса, Аллоҳнинг оятларини ҳам ўзгартириб юбораверардилар. Шу билан Аллоҳнинг оятларини арзимаган пулга, дунёвий фойдага сотиб юборардилар. Хуллас, улар учун қадрли нарсанинг ўзи йўқ эди.

﴿فَوَيْلٌ لِّلَّذِينَ يَكْتُبُونَ الْكِتَابَ بِأَيْدِيهِمْ ثُمَّ يَقُولُونَ هَذَا مِنْ عِنْدِ اللَّهِ لِيَسْتَرُوا بِهِ﴾

﴿ثُمَّ مَنَّا قَلِيلًاً فَوَيْلٌ لِّلَّهِمَ مَمَّا كَتَبْتَ أَيْدِيهِمْ وَوَيْلٌ لِّلَّهِمَ مِمَّا يَكْسِبُونَ﴾

– „Ўз қўллари билан китоб ёзиб, сўнгра озгина қийматга сотиш учун: «Бу китоб Аллоҳ ҳузуридан келди», дейдиган кимсаларга ҳалокат бўлгай, бас, ёзган нарсалари уларга ҳалокат бўлгай, топган фойдалари уларга ҳалокат бўлгай“. [2:79]

Яна бир нарса. Агар қайсиdir қавмлар ўртасида уруш оловини ёкиш учун ўзларидан бирортасини ўлдириш керак бўлиб қолса, бемалол ўлдираверардилар. Уларнинг наздида ғоя ҳар қандай воситани оқларди. Авс билан Хазраж ўртасига низо солиш учун ҳам шундай қилгандилар. Бир қисми Авс тарафига, яна бир қисми Хазраж тарафига ўтиб олиб, бу икки қабилани заифлаштириш учун ўзаро фитна чиқарардилар. Шу орада яхудлардан ҳам бир нечасини ўлдиришга тўғри келиб қоларди. Модомики, бу ишда салтанат ва гегемонлик каби бир манфаат бор экан, ўз динларига хилоф иш қилиб, ўзларидан бирортасини ўлдириш улар учун оддий бир ҳол эди.

﴿ثُمَّ أَنْتُمْ هَؤُلَاءِ تَقْتُلُونَ أَنفُسَكُمْ وَتُخْرُجُونَ فَرِيقًا مِنْكُمْ مِنْ دِيَرِهِمْ تَظْهَرُونَ﴾

﴿عَلَيْهِمْ بِالْإِثْمِ وَالْعُدُوانِ وَإِنْ يَأْتُوكُمْ أُسْرَى تُفَدِّوْهُمْ وَهُوَ مُحَمَّرٌ عَلَيْكُمْ إِخْرَاجُهُمْ﴾

﴿أَفَتُؤْمِنُونَ بِبَعْضِ الْكِتَابِ وَتَكُفُّرُونَ بِبَعْضٍ فَمَا جَزَاءُ مَنْ يَفْعَلُ ذَلِكَ مِنْكُمْ﴾

﴿إِلَّا خِزْنٌ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَيَوْمَ الْقِيَمَةِ يُرَدُّونَ إِلَى أَشَدِ الْعَذَابِ وَمَا اللَّهُ بِغَافِلٍ﴾

﴿عَمَّا تَعْمَلُونَ﴾

– „Кейин эса сизларнинг ўзингиз бир-бирингизни ўлдиримоқдасиз, ўз тоифангиздан бўлган бир гуруҳни диёрларидан ҳайдаб, уларнинг устида гуноҳ ва зулм билан бир-бирингизга

*ҳамкорлик қылмокdasiz. Агар улар сизларга асир ҳолда келишиса, товон түлаб күткәриб ҳам оласиз. Ҳолбуки, уларни ҳайдаш сизларга ҳаром қилинган эди. Ё китобнинг (Тавротнинг) бир қисмига ишониб, бир қисмини инкор қиласизми? Ораларингдан ким бу ишини қилса, унинг жазоси бу дунёда расво бўлиши, қиёмат кунида эса қаттиқ азобга дучор қилинадилар. Аллоҳ қилаётган ишларингдан гофил эмасдир“.* [2:85]

8 – Улар мусулмонларни диндан узоқлаштириш учун масхара қилиш, устидан кулиш, ёмон гапларни тарқатиш, туҳматлар уюштириш, яширин тил биректириш каби пасткашликлар билан шугулланардилар. Исломга ва мусулмонларга қарши ёмон маъноларни англатадиган сўзларни ўйлаб топиб, тарқатардилар. Масалан, роина сўзини мана шу мақсадда ўйлаб топгандилар. Бу сўз сўкиш, ҳақорат қилиш маъноларини ҳам англатарди. Бу сўз мусулмонлар Пайғамбар ﷺ нисбатан ишлатадиган бироз шошманг, бироз кутиб туринг каби маънодаги сўз билан бир хил эди. Шундан фойдаланиб, бу сўзни ўша ёмон маъносида кўп ишлатадиган бўлишди. Уни Пайғамбар ﷺ қарата қўллардилар. Кейин Аллоҳ бу сўзни ишлатишни тақиқловчи оятни нозил қилди.

﴿مِنَ الَّذِينَ هَادُوا تُحَرِّفُونَ الْكَلِمَ عَنْ مَوَاضِعِهِ وَيَقُولُونَ سَمِعْنَا وَعَصَيْنَا وَأَسْمَعَ غَيْرَ مُسْمَعَ وَرَأَيْنَا لَيْلًا بِالسِّتِّيمِ وَطَعَنَا فِي الْدِينِ وَلَوْ أَنَّهُمْ قَالُوا سَمِعْنَا وَأَطَعْنَا وَأَسْمَعَ وَأَنْظَرْنَا لَكَانَ خَيْرًا لَهُمْ وَأَقْوَمَ وَلَكِنَ لَعَنْهُمُ اللَّهُ بِكُفْرِهِمْ فَلَا يُؤْمِنُونَ إِلَّا قَلِيلًا﴾

– „Яхудий бўлганлар орасида шундайлари борки, улар (Таврот китобида бўлган Мухаммад алаиҳиссалом ҳақидаги) Аллоҳнинг сўзини ўз ўрнидан ўзгартирадилар ва тилларини буриб, динга жароҳат етказиши гаразида: «Тингладик ва бош тортдик. Кулок сол, эшиитмай қолгур! (роино) Бизга боқ», дейдилар. Агар улар «Тингладик ва буйинсундик. Бизни ҳам тинглаб (унзурно), бизга ҳам назар қилиб тур», деганларида ўзлари учун яхшироқ ва тўғрироқ бўлур эди. Лекин улар куфрлари сабабли Аллоҳнинг лаънатига дучор бўлганлар. Бас, уларнинг камдан-камлари имон келтирадилар“.

9 – Улар айрим пайтларда имон келтирсалар, бошқа пайтларда куфр келтирадилар. Шу йўл билан мўминларга таъсири ўтказмоқчи, уларни Исломдан қайтармоқчи бўлардилар. Чунки уларнинг диллари ҳасадга тўла эди. Улар Ислом ва мусулмонларга қарши найранг ишлатишдан толмасдилар.

﴿وَقَالَتْ طَآئِفَةٌ مِّنْ أَهْلِ الْكِتَبِ إِذَا مِنُوا بِالَّذِي أُنْزِلَ عَلَى الَّذِينَ إِذَا مِنُوا وَجَهَ

﴿النَّهَارَ وَأَكْفَرُوا إِذَا خَرَهُ لَعَلَّهُمْ يَرَجِعُونَ﴾

– „Ахли китобдан бир тоифаси бир-бирларига шундай дейшиди: «Мұмилларга нозил қилинган нарсага (Куръонға) күннинг бошида имон келтириб, күннинг охирида уни инкор қилинглар. Шояд (улар ҳам имонларидан) қайтсалар»“. [3:72]

﴿وَإِذَا جَاءُوكُمْ قَاتُلُوا إِمَانًا وَقَدْ دَخَلُوا بِالْكُفْرِ وَهُمْ قَدْ حَرَجُوا بِهِ وَاللَّهُ أَعْلَمُ بِمَا

﴿كَانُوا يَكْتُمُونَ﴾

– „Улар сизларнинг олдингизга келгандаридан: «Имон келтиридик», дейдилар. Ҳолбуки, улар (эй Мұхаммад, сизнинг ҳузурингизга) коғир ҳолда кириб, коғир ҳолда чиқурлар. Аллоҳ улар яширувчи бўлган нарсани, (яъни дилларидаги куфрни) жуда яхши билгувчидир“.

﴿وَدَّ كَثِيرٌ مِّنْ أَهْلِ الْكِتَبِ لَوْ يَرُدُّنَّكُمْ مِّنْ بَعْدِ إِيمَانِكُمْ كُفَّارًا حَسَدًا مِّنْ

﴿عِنْدِ أَنفُسِهِمْ مِّنْ بَعْدِ مَا تَبَيَّنَ لَهُمُ الْحَقُّ﴾

– „Ахли китобларнинг қўпчилиги сизларни, имонли бўлганингиздан кейин (яъни ҳозир), уларнинг ўзларига ҳам ҳақиқат очиқ равишан бўлганидан кейин ҳасад қилганлари сабабли куфрга қайтаршини истайди“.

10 – Бошқаларга эркатойлик қилишлари. Ўзларининг кучлари ҳам, шарафлари ҳам йўқ. Улар фақат икки ҳолатдагина тинч, хотиржам, беҳожкат бўла оладилар:

а) Пайғамбарларига қўшилиб имон келтирсалар. Аллоҳ томонидан узатилган арқонни маҳкам ушласалар. Аммо бундай қилишнинг даври ўтиб кетиб бўлди.

б) Бошқа давлатларга суқилиб кириб олсалар. Одамлар томонидан узатилган арқонни ушласалар. Ўз динларини ўзгартириб, коғир бўлганларидан буён шу аҳволда яшаб келяптилар. Бу ҳолат уларни ҳеч тарқ қилмаяпти. Исломдан олдин ҳали румга қарам бўлсалар, ҳали форсга қарам бўлардилар. Кейинроқ Авс билан Хазражни заифлаштириш учун улар ўртасига низо солишдан нафас олдилар. Ислом уларни вужуд сифатида бартараф этганидан кейин қолган-қутганлари хорлиқда, зорлиқда, Аллоҳнинг ғазабига учраган ҳолида кун

кечиришди. Ислом давлати, Халифалик қулаб, мустамлакачи кофир давлатларга ёпишиб олгунларига қадар мана шундай хорликда яшадилар. Улар ҳар доим бир ёки бир неча давлатга эгилиб, букилиб кун кўришади. Куч борасида ҳам, мол-давлат борасида ҳам текинхўрлик қилишади. Ҳозирги аҳволларига изоҳнинг ҳожати йўқ. Фалаstinни босиб олганлари кундек кўриниб турибди. Ўзининг шахсий кучига эга бўлмаган, ўз имкониятларидан келиб чиқиб иш қилмайдиган душман жуда заиф душмандир. Яхудлар худди шундай душмандир. Воқелик шуни кўрсатмоқда. Аллоҳнинг изни илиа уларнинг мағлуб бўлишига, Халифалик давлатининг қайта барпо бўлишига оз қолди. Чегаралар оша жиҳод қилиш онлари яқинлашиб қолди.

﴿لَنْ يَضُرُّوكُمْ إِلَّا أَذَىٰ وَإِنْ يُقَاتِلُوكُمْ يُوْلُوكُمْ الْأَدَبَارَ ثُمَّ لَا يُنَصَّرُونَ ﴾  
 ضُرِبَتْ عَلَيْهِمُ الْذِلَّةُ أَيْنَ مَا ثُقِفُوا إِلَّا بِحَبْلٍ مِّنَ اللَّهِ وَحْتَلٍ مِّنَ النَّاسِ وَبَاءُوا بِعَضَبٍ  
 مِّنَ اللَّهِ وَضُرِبَتْ عَلَيْهِمُ الْمَسْكَنَةُ دَلِلَكَ بِأَنَّهُمْ كَانُوا يَكْفُرُونَ بِغَايَتِ اللَّهِ وَيَقْتُلُونَ  
 الْأَنْبِيَاءَ بِغَيْرِ حَقٍّ ذَلِكَ بِمَا عَصَوْا وَكَانُوا يَعْتَدُونَ﴾

— „Улар сизларга озор беришдан бошқа ҳеч қандай зарар етказа олмайдилар. Агар сизлар билан урушсалар, кетларига қараб қочадилар. Сўнгра уларга (ҳеч ким томонидан) ёрдам берилмайди. Агар Аллоҳнинг ва одамларнинг (яъни мусулмонларнинг) аҳди паноҳида бўлмасалар, албатта уларга қаерда бўлмасинлар, хор-зорлик битиб кўйилди. Улар Аллоҳнинг газаби билан кетдилар ва уларга бечораҳоллик ёзиб кўйилди. Бунга сабаб уларнинг Аллоҳ оятларини инкор қилишилари ва пайгамбарларни ноҳақ ўлдиришилариdir. Бунга сабаб уларнинг қилган исёнлари ва тажсовузкор бўлганилариdir“. [2:111-112]

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, бу буюк оятлар хусусида тадаббур қилган одам (улар Маккадаги куфрбошилар хусусидаги оятлар бўладими ёки Мадинада Ислом давлати барпо бўлганидан кейин нозил қилинган яхудлар хусусидаги оятлар бўладими, фарқи йўқ) Аллоҳ Таоло яхудларнинг воқеини сифатлаб берганини, уларнинг табиатларини баён қилиб берганини, фақат умумий чизгилар билангина чекланмасдан анчагина тафсилотлари билан баён қилганини англайди. Токи, мусулмонлар хусусан, даъватчилар, исломий ҳаётни қайта тиклашга уринаётганлар якка шахслар бўладими, жамоалар бўладими ёки давлатлар бўладими, атрофдаги таъсир кучига эга

бўлган сиёсий воқени билиш Аллоҳнинг Китоби ва Пайғамбар  
нинг суннатларига амал қилиш учун ўта ва ўта зарур эканини  
билиб олсинлар. Токи, мусулмон атрофда бўлаётган ишларни  
англаб турсин, зийрак бўлсин, ҳам ўзи фирибгар бўлмасин, ҳам  
фирибгарга алданмасин, мусибатлар уни синдириб қўймасин,  
кўргуликлар унинг иродасини буқмасин, ўзи сезмаган ҳолида  
орқа томонидан ханжар келиб санчилмасин. Аксинча,  
мусулмонларнинг ҳар бир ҳолатига эътибор бериб, ҳар бир  
ҳолатларидан хабардор бўлиб турсин, ҳар бир нозик жойни  
қўриб, чорасини топиб турсин, Аллоҳнинг изни ила ҳақиқат  
устида барқарор турсин.

﴿يَسْتَبِّنُ اللَّهُ الَّذِي كَانُوا بِالْقَوْلِ الْثَّابِتِ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَفِي الْآخِرَةِ﴾

– „Аллоҳ имон келтирган кишиларни ҳаёти дунёда ҳам,  
охиратда ҳам устивор сўз (имон қалимаси) билан событқадам  
қилур. Золимларни эса Аллоҳ (ҳақ) йўлдан оздирур. Аллоҳ Ўзи  
хоҳлаган ишини қилур“.

[14:27]



## Биринчи пора, иккинчи қисм, учинчи чорақ

**بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ**

﴿ مَا نَسَخَ مِنْ إِعْيَةٍ أَوْ نُسِّهَا نَاتٍ بَخِيرٌ مِنْهَا أَوْ مِثْلًا هَا أَلَمْ تَعْلَمَ أَنَّ اللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴾ أَلَمْ تَعْلَمَ أَنَّ اللَّهَ لَهُ مُلْكُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَا لَكُمْ مِنْ دُونِ اللَّهِ مِنْ وَلِيٍّ وَلَا نَصِيرٌ ﴾ أَمْ تُرِيدُونَ أَنْ تَسْأَلُوا رَسُولَكُمْ كَمَا سُلِّمَ مُوسَىٰ مِنْ قَبْلُ وَمَنْ يَتَبَدَّلِ الْكُفَّارُ بِالإِيمَانِ فَقَدْ ضَلَّ سَوَاءَ السَّبِيلِ ﴾ وَدَكَثِيرٌ مِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ لَوْ يُرِدُونَكُمْ مِنْ بَعْدِ إِيمَانِكُمْ كُفَّارًا حَسَدًا مِنْ عِنْدِ أَنفُسِهِمْ مِنْ بَعْدِ مَا تَبَيَّنَ لَهُمُ الْحُقْقُ فَاعْفُوا وَاصْفَحُوا حَتَّىٰ يَأْتِيَ اللَّهُ بِأَمْرِهِ إِنَّ اللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴾ وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَأَتُوْا الزَّكَوْةَ وَمَا تُقْدِمُوا لِأَنفُسِكُمْ مِنْ حَيْرَ تَحْدُدُهُ عِنْدَ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ ﴾ وَقَالُوا لَنْ يَدْخُلَ الْجَنَّةَ إِلَّا مَنْ كَانَ هُودًا أَوْ نَصَارَىٰ تِلْكَ أَمَانِيُّهُمْ قُلْ هَاتُوا بُرْهَنَكُمْ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴾ بَلَىٰ مَنْ أَسْلَمَ وَجْهَهُ لِلَّهِ وَهُوَ مُحْسِنٌ فَلَهُ أَجْرٌ عِنْدَ رَبِّهِ وَلَا حَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ تَحْزُنُونَ ﴾ وَقَالَتِ الْيَهُودُ لَيْسَتِ النَّصَارَىٰ عَلَىٰ شَيْءٍ وَقَالَتِ النَّصَارَىٰ لَيْسَتِ الْيَهُودُ عَلَىٰ شَيْءٍ وَهُمْ يَتَنَوَّنُونَ الْكِتَابَ كَذِلِكَ قَالَ الَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ مِثْلَ قَوْلِهِمْ فَاللَّهُ تَحْكُمُ بَيْنَهُمْ يَوْمَ الْقِيَمَةِ فِيمَا كَانُوا فِيهِ تَخْتَلِفُونَ ﴾ وَمَنْ أَظْلَمُ مِنْ مَنْعَ مَسَاجِدَ اللَّهِ أَنْ يُذْكَرَ فِيهَا أَسْمَهُ وَسَعَىٰ فِي حَرَابِهَا أُولَئِكَ مَا كَانَ لَهُمْ أَنْ يَدْخُلُوهَا إِلَّا خَآفِفِينَ لَهُمْ فِي الدُّنْيَا حِزْيٌ وَلَهُمْ فِي الْآخِرَةِ عَذَابٌ عَظِيمٌ ﴾ وَلِلَّهِ الْمَشْرِقُ وَالْمَغْرِبُ فَأَيْنَمَا تُولُوا فَشَمَّ وَجْهُ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ وَاسِعٌ عَلَيْهِمْ ﴾ وَقَالُوا أَخْنَذَ اللَّهُ وَلَدًا سُبْحَانَهُرُّ بَلْ لَهُ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ كُلُّهُ لَهُرْ قَنِيتُونَ ﴾ بَدِيعُ السَّمَاوَاتِ

وَالْأَرْضِ إِذَا قَضَى أَمْرًا فَإِنَّمَا يَقُولُ لَهُ كُنْ فَيَكُونُ ١٧ وَقَالَ الَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ لَوْلَا  
 يُكَلِّمُنَا اللَّهُ أَوْ تَأْتِينَا بِإِيمَانِهِ ١٨ كَذَلِكَ قَالَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ مِثْلُ قَوْلِهِمْ تَشَبَّهُ  
 قُلُوبُهُمْ قَدْ بَيِّنَاهُ أَلَيْتِ لِقَوْمٍ يُوقِنُونَ ١٩ إِنَّا أَرْسَلْنَاكَ بِالْحَقِّ شَهِيرًا وَنَذِيرًا وَلَا  
 تُسْأَلُ عَنْ أَصْحَابِ الْجَحِيمِ ٢٠ وَلَنْ تَرْضَى عَنْكَ الْيَهُودُ وَلَا الْنَّصَارَى حَتَّى تَتَّبَعَ  
 مِلَّتُهُمْ قُلْ إِنَّ هُدَى اللَّهِ هُوَ الْهُدَىٰ وَلِئِنْ أَتَبَعْتَ أَهْوَاءَهُمْ بَعْدَ الَّذِي جَاءَكَ مِنَ  
 الْعِلْمِ مَا لَكَ مِنَ اللَّهِ مِنْ وَلِيٍّ وَلَا نَصِيرٍ ٢١ الَّذِينَ إِذَا تَنَاهُوا عَنِ الْعِلْمِ  
 تِلَاؤْتُهُمْ أَوْلَئِكَ يُؤْمِنُونَ بِهِ وَمَنْ يَكْفُرْ بِهِ فَأُولَئِكَ هُمُ الْخَسِرُونَ ٢٢ يَبْنَى  
 إِسْرَائِيلُ أَدْكُرُوا نِعْمَتَ اللَّهِ أَنْعَمْتُ عَلَيْكُمْ وَأَنِّي فَضَلَّتُكُمْ عَلَى الْعَالَمِينَ ٢٣ وَاتَّقُوا  
 يَوْمًا لَا تَجِزِي نَفْسٌ عَنْ نَفْسٍ شَيْئًا وَلَا يُقْبَلُ مِنْهَا عَدْلٌ وَلَا تَنْفَعُهَا شَفَعَةٌ وَلَا هُمْ  
٢٤ يُنَصَّرُونَ

– „(Эй Мұхаммад), бирон оятни бекор қылсақ ёки ёдингиздан чиқарсақ, ундан яхшиrogини ёки үшанинг мислини келтирамиз. Аллоҳ ҳар нарсага қодир Зот эканини билмадингизми? 107. Еру осмонлар ёлғиз Аллоҳнинг мулки эканини ва сизлар учун Аллоҳдан ўзга бирон дўст ё ёрдам бергувчи йўқ эканини билмадингизми? 108. Ёки Пайгамбарингиздан, илгари Мусодан сўралган нарсаларни сўрашини истайсизми (эй мўминлар)? Ким имонга қуфрни алмаштираса, албаттa тўғри йўлдан адашади. 109. Аҳли китобларнинг кўпчилиги сизларни, имонли бўлганингиздан кейин (яъни ҳозир), уларнинг ўзларига ҳам ҳақиқат очиқ равишан бўлганидан кейин ҳасад қилганлари сабабли қуфрга қайтаршини истайди. Бас, Аллоҳнинг фармони келгунича уларни афв қилинг ва кечиринг. Албаттa, Аллоҳ ҳар нарсага қодирdir. 110. Намозни тўқис адo қилинг ва закотни беринг! Ўзингиз учун нима яхшилик қилган бўлсангиз, уни Аллоҳ хузурида топажаксиз. Шубҳасиз Аллоҳ қилган амалларингизни кўриб тургувчиидир. 111. «Жаннатга фақат яхудий ёки насроний бўлганлар киради», дейшиди. (Яъни яхудийлар: «Биз кирамиз», дейшиса, насронийлар: «Биз кирамиз», дейшиди.) Бу уларнинг хом хаёллариидир. Айтинг (эй Мұхаммад):

**«Агар ростгүй бўлсангиз, хужжсат келтириш!»** 112. Йўқ, ким яшилик қилган ҳолида ўзини Аллоҳга топширса, унинг учун Аллоҳ хузурида ажер бор ва улар учун хавфу хатар ўйқ ва улар гамгин бўлмайдилар. 113. Яхудийлар: «Насронийлар ҳақ эмаслар», дейшиди. Насронийлар: «Яхудийлар ҳақ эмаслар», дейшиди. Ҳолбуки улар (яъни яхудийлар ҳам, насронийлар ҳам) китоб (яъни Таврот, Инжил) тиловат қиласидилар, шунингдек, билмайдиган кимсалар уларнинг гапига ўхшаши гап айтдилар. Бас, уларнинг ўзаро ихтилоф қилиб ўтган нарсалари ҳақида Аллоҳ қиёмат кунида ҳукм қиласади. 114. Аллоҳнинг масжидларини уларда Аллоҳ исми зикр қилиншиидан тўсадиган ва уларни хароб қилиши ҳаракатида юрадиган кимсалардан ҳам золимроқ ким бор? Ахир бу кимсалар учун ундаи жойларга фақат қўрқкан ҳолларида кириши жоиз эди-ку. Улар учун бу дунёда расволик, охиратда эса буюк азоб бордир. 115. Машриқ ҳам, магриб ҳам Аллоҳникидир. Бас, қай тарафга юз бурсангиз, ўша жой Аллоҳнинг тарафидир. Шубҳасиз Аллоҳ (ҳамма томонни) қамраб олгувчи билимдондир. 116. «Аллоҳнинг боласи бор», дедилар. У Зот буларнинг бадгумонидан мутлақо покдир. Балки ер ва осмонлардаги нарсалар у Зотга тегишилидирки, ҳаммаси унга бўйсунади. 117. (У) еру осмонларни пайдо қилгувчидир. Бирор ишини ҳукм қиласа унга фақатгина «Бўл» дейди, холос. Бас, у иши бўлади. 118. Билмайдиган кимсалар: «Аллоҳ бизга гапирса эди ёки бирор аломат келса эди», дейдилар. Улардан илгаригилар ҳам уларнинг гапларига ўхшаши гапларни айтишиган эди. Диллари бир-бирига ўхшиайди. Биз аниқ ишонадиган қавм учун оятларни аниқ баён қиласидик. 119. Албатта Биз сизни ҳақ (дин) билан хушхабар элтгувчи ва огоҳлантирувчи қилиб юбордик. Дўзахилар хусусида сиз масъул эмассиз. 120. Яхудий ва насронийлар уларнинг динига кирмагунингизча ҳаргиз сиздан рози бўлмайдилар. Айтинг: «Аллоҳнинг йўлигина ҳақиқий йўлдир». Қасамки, агар сизга келган ҳақиқий билимдан кейин уларнинг нафс-ҳаволарига эргашсангиз, Аллоҳ тарафидан сизга на бир дўст ва на бир ёрдам бергувчи бўлмайди. 121. Биз китоб (яъни Таврот, Инжил) ато этган зотлар орасида уни тўғри тиловат қиласидиган кишилар ҳам бордирки, ана ўшалар (Куръонга) имон келтирурлар. Ва кимда-ким унга (Куръонга) кофир бўлса, ўшалар зиён қўргувчилардир. 122. Эй Бану Исроил, сизларга инъом қиласан гурӯбийларни ва сизларни бутун оламга афзал қиласан пайтимни эсланг. 123. Ва бирор бирор томонидан ҳеч нарса ўтай олмайдиган ва ҳеч кимдан эваз қабул

**қилинмайдиган, оқлов фойда бермайдиган ва ҳеч кимга ёрдам ҳам берилмайдиган кундан қўрқинг!“** [2:106-123]

### **Тафсир:**

﴿ مَا نَسَخَ مِنْ إِعْيَةٍ أَوْ نُنْسِهَا تَأْتِي خَيْرٌ مِّنْهَا أَوْ مِثْلًا هَا أَلَمْ تَعْلَمْ أَنَّ اللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴾ ﴿ أَلَمْ تَعْلَمْ أَنَّ اللَّهَ لَهُ مُلْكُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَا لَكُمْ مِّنْ دُورٍ ﴾ ﴿ اللَّهُ مِنْ وَلِيٍّ وَلَا نَصِيرٌ ﴾ ﴿ v. 123 ﴾

– „106. (Эй Мұхаммад), бирон оятни бекор қылсак ёки ёдингиздан чиқарсак, ундан яхширогини ёки ўшанинг мислини келтирамиз. Аллоҳ ҳар нарсага қодир Зот эканини билмадингизми? 107. Еру осмонлар ёлгиз Аллоҳнинг мулки эканини ва сизлар учун Аллоҳдан ўзга бирон дўст ё ёрдам бергувчи йўқ эканини билмадингизми?“ [2:106-107]

(**ما نَسَخَ** – **бекор қылсак**). Насх сўзи луғатда олиб ташлаш ва кўчириш маъноларини англатади. Шамол изни ўчирди, деган иборада ҳам шу сўз ишлатилади, яъни, изни йўқ қилди, олиб ташлади. Китоб насх қилинди, яъни, ундан нусха кўчирилди. Шариатда эса бу сўз ишлатилиб келинаётган бир ҳукм олиб ташланиб, унинг ўрнига бошқа бир ҳукмнинг жорий қилинишини билдиради.

(**أَوْ نُنْسِهَا** – **ёки ёдингиздан чиқарсак**). Бу сўзнинг икки хил маъноси бор. У муташобиҳ сўзлардан. Биринчиси унутиш маъноси. Яъни, Аллоҳ Таоло қайсиdir бир оятни Пайғамбар ﷺнинг ёдларидан кўтаради. Шу билан у унутилади. Иккинчи маъноси ўзгаришсиз, насх қилмасдан тарк қилиш.

﴿ نَسُوا اللَّهَ فَنَسِيَهُمْ ﴾

– „Улар Аллоҳни унутишигач, Аллоҳ ҳам уларни унутиди“ [9:67]

Яъни, улар Аллоҳни тарк қилган эдилар, Аллоҳ ҳам уларни тарк қилди.

(**نُسِهَا**). Бу сўзнинг бошқа бир мутавотир қироати ҳам бор. Уни (**نَسَاهَا**) деб ҳам ўқишган. Етти қорилардан иккитаси яъни, Абу Умар ва Ибн Касирлар шундай ўқишган. Қолганлар эса нунни зомма қилиб (**نُسِهَا**) деб ўқишган. (**أَوْ نُسَاهَا**) сўзи бир иши кечиктириш, кечгага суриш маъноларини англатади.

(أَوْ نُسْهَا) ўқилгандада оят, уни кечга суралмиз, яъни, бекор қилмасдан тарк қилиб турамиз, деган маънони англатади. Бу қироатда оят муташобиҳ эмас, муҳкам оятга бўлади. Негаки, бу сўзнинг фақат битта маъноси бор. Усул фанининг қонун-қоидаларига кўра муҳкам муташобиҳни босиб кетади. Шу билан унутиш маъноси четта сурилиб, фақат тарк қилиш маъноси қолади. (نُسْهَا) деб ўқилгандада ҳам, (نُسْهَا) деб ўқилгандада ҳам бекор қилмасдан тарк қиласиз, деган маъно англашилаверади. Чунки ҳар икки қироат ҳам мутавотир ва ҳар иккисининг ҳам маъноси бир.

﴿مَا نَسْخَ مِنْ إِعْيَةٍ أَوْ نُسْهَا﴾

. Яъни, қайси бир оятни бекор қилмайлик ёки бекор қилмасдан тарк қилайлик...

﴿نَاتِ بَخِيرٍ مِنْهَا أَوْ مِثْلَهَا﴾

**(Ундан яхширогини ёки ўшанинг мислини келтирамиз).** Яъни, бекор қилинган пайтда Аллоҳ бекор қилинган оятдан кўра яхшироқ бир оятни ёки унга ўхшаган бир оятни олиб келади. (نسخ) шарт феъли бўлиб, (نات بخیر منها) унинг жавобидир. Яъни, қайси бир оятни бекор қилсак, ундан яхширогини ёки унинг ўхшашини олиб келамиз. Энди (أَوْ نُسْهَا) деган иборанинг ҳам айтилиб ўтилаётганига келсак, модомики, у шартнинг жавобига дахлдор эмас экан, мен шуни рожиҳ кўраманки, бу ибора Аллоҳ Таолонинг айрим оятларни бекор қилиб, бошқаларини бекор қилмасдан қолдириши ҳақидаги билимни ошириш учун зиёда қилинган. Агар «Қайси бир оятни бекор қилсак, ундан яхширогини ёки унинг ўхшашини олиб келамиз», дейилиб «Ёки уни бекор қилмасдан қолдирсак» ибораси айтилмаса, демак ҳамма оятлар бекор қилинар экан-да, деган тушунча пайдо бўлиб қолиши эҳтимоли туғиларди. «Ёки бекор қилмасдан қолдирсак» иборасининг ишлатилиши билан шу эҳтимол барҳам топиб, биз бекор қилинадиган оятлар ҳам, бекор қилинмайдиган оятлар ҳам борлигига амин бўламиз.

Аллоҳ Таолонинг (أَوْ مِنْهَا) деган сўзи ҳақиқий маъносида. Яъни, ўша бекор қилинган оятга ўхшаган бир оятни олиб келамиз. (بَخِيرٍ مِنْهَا) деган сўзини эса ҳақиқий маъносида қўллаб бўлмайди. Негаки, бир оятдан яхшироқ яна бир оят бўлмайди. Ҳаммаси

Аллоҳнинг каломи. Шунинг учун бу ерда мажозий маънога кўчамиз. Яъни, бу ерда ҳукм, деган сўз яширин, деб эътибор қиласиз. Яъни, бекор қилинган оятдан ифода қилинган ҳукмдан кўра яхшироқ ҳукм ифода қилинадиган бир оятни олиб келамиз. Демак, бу оятдан бир оят бекор қилинса, унинг ўрнига ўзига ўхшаган ёки ундан ифода қилинган ҳукмдан кўра яхшироқ ҳукм ифода қилиш мумкин бўлган бошқа бир оят олиб келинади, деган маънони тушунамиз.

Ҳукм, деган сўз яширин, деган гапимиз мана бу оятдаги ҳолатга ўхшайди:

﴿وَسَعَلَ الْقَرِيبَةَ﴾

– „Шаҳардан сўра“.

[12:82]

Яъни, қишлоқдан сўраб бўлмайди. Шунинг учун бу ердаги маъно қишлоқ аҳлидан, деганидир.

﴿وَأُشْرِبُوا فِي قُلُوبِهِمُ الْعَجَلَ﴾

– „Кўнгиллари фақат бузоқка ибодат қилиши билан тўлади“.

[2:93]

ояти ҳам шу қабиландир. Яъни, бузоқни қалбга қуёйиш мумкин эмас. Шунинг учун бу ердаги маъно бузоқни яхши кўришдир. Бу ерда ҳам худди шундай бўляпти. (نَاتِتْ بِحَيْرٍ مِّنْهَا **ундан яхширогини келтирамиз**). Яъни, бир оятдан бошқа бир оят яхшироқ бўлмайди. Шунинг учун бу ердаги маъно унинг ҳукмидан яхширогини, деганидир.

Аҳкомлар борасидаги бир-биридан яхшироқлик масаласига келсақ, бу иш қўйидаги тарзда юз беради:

1 – Нақд яхшилик. Масалан, бир ҳукм бекор қилиниб, унинг ўрнига ундан кўра енгилроқ бир ҳукм қўйилади ёки умуман ҳеч қандай ҳукм қўйилмайди. Бу ердаги яхшилик нақд яхшилик. Уни адо қилиш енгиллашгани дарҳол ҳис этилади.

2 – Насия яхшилик. Бунда бир ҳукм бекор қилиниб, унинг ўрнига ундан кўра мashaқати кўпроқ бир ҳукм қўйилади. Натижада унинг учун охиратда, қиёмат кунида бериладиган савоб ҳам кўпаяди. Яъни, бу ердаги яхшилик насия яхшилик, охиратда бўладиган яхшилик.

**Шунга биноан, бу муборак оятнинг маъноси мана бундай бўлади:**

Аллоҳ Таоло айрим оятларни бекор қилмасдан ўз ҳолича қолдиради. Бошқа айрим оятларни эса бекор қиласди. Қайси бир оятни бекор қилса, унинг ўрнига ўшангага ўхшаган ёки ундан

чиқарилган ҳукмдан кўра яхшироқ ҳукм чиқариш мумкин бўлган бошқа бир оятни олиб келади. Ҳукмдаги яхшилик юқорида айтиб ўтганимиздек, ё нақд бўлади, яъни, шу дунёда бир енгиллик бўлади ёки насия бўлади, яъни, бу дунёда бироз оғир бўлса ҳам охиратда ажру савоблар кўпроқ бўлади.

﴿أَلَمْ تَعْلَمْ أَنَّ اللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴾ أَلَمْ تَعْلَمْ أَنَّ اللَّهَ لَهُ مُلْكُ الْسَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَا لَكُمْ مِنْ دُونِ اللَّهِ مِنْ وَلِيٍّ وَلَا نَصِيرٌ﴾

(*Аллоҳ ҳар нарсага қодир Зот эканини билмадингизми? Еру осмонлар ёлгиз Аллоҳнинг мулки эканини ва сизлар учун Аллоҳдан ўзга бирон дўст ё ёрдам бергувчи йўқ эканини билмадингизми?*). Бу ердаги сўроқ яъни, сўроқ маъносини билдирувчи ҳамза тақрир учун (барқарорлаштириш, тасдиқлаш, аниқлаштириш учун) келяпти. Бу Пайғамбар ﷺ қаратилган хитобидир. Сизга маълумки, Аллоҳ ҳамма ишга Қодирдир. Ҳамма ишлар Унинг қўлидадир. Ҳамма ишларни У бошқариб туради. Бандалари учун нима яхшию нима ёмонлигини Ўзи билади. Шунинг учун Ўзи хоҳлаган оятни бекор қилади, хоҳлаган оятни бекор қилмасдан ўз ҳолича қолдиради. Унинг ишини, буйругини ҳеч ким рад эта олмайди. Ҳаммангиз бир бўлганингизда ҳам сизлар учун Ўша Буюк Аллоҳдан ўзга дўст ва ёрдамчи йўқдир.

Бу ердаги сўроқ гап ҳам тақрир учундир. Бу Аллоҳ Таолонинг

﴿إِنَّمَا نَشْرَحُ لَكَ صَدَرَكَ﴾

– „(Эй Мұхаммад), *Биз сизнинг қалбингизни (имон ва Куръон нури билан) кенг-мунаvvар қилиб қўймадикми?*“ [94:1] деган ояти кабидир. Яъни, биз сизнинг қалбингизни кенг қилиб қўйдик.

﴿أَلَيْسَ اللَّهُ بِكَافٍ عَبْدُهُ﴾

– „*Аллоҳ Ўз бандасига етарли эмасми?!“* [39:36] ояти ҳам шу қабилдандир. Яъни, бандасига Аллоҳнинг Ўзи кифоядир.

**Насх (бекор қилиш) хусусида:**

Насх (бекор қилиш) юқорида айтиб ўтганимиздек, олдин ўтган бир ҳужжатдан олинган шаръий ҳукмни бекор қилиб, унинг ўрнига кейин келган ҳужжатдан олинган янги шаръий ҳукмни қўйишдир. Насх амалиёти учун қўйидагилар бўлиши шарт:

1 – Собиқ ҳужжат (матн) ортидан айнан шу ҳукм мавзусида очиқ бир ҳужжат (матн) келиши.

2 – Ҳар икки ҳужжатда олдинги ҳужжатдаги ҳукмнинг бекор қилинганини аниқ кўрсатувчи бир қарина бўлиши лозим. Насх амалиёти учун қарама-қаршиликнинг ўзи кифоя қилмайди.

3 – Насх хабарга эмас, ҳукмга алоқадор бўлади. Аллоҳдан бўлган хабар фақат ва фақат қатъий тасдиқланади. Унда насх бўлиши мутлақо мумкин эмас. Ҳужжатларни ўрганар эканмиз, насх фақат шаръий аҳкомларгагина алоқадор бўлганига амин бўламиш.

4 – Тиловати насх қилинганд, деган гап таги йўқ гап. Биронта оятнинг тиловати насх бўлмаган. Нозил бўлган Қуръоннинг ҳаммаси мусҳафда мавжуд. Биронта оятнинг тиловати насх қилинмаган. Оҳод ҳадисларда қуръон, деб айтилган гаплар Қуръон эмас. Чунки Қуръон Пайғамбар ﷺ мўъжизаси бўлиб, у одамларга қарши ҳужжатdir. Шундай экан, у одамларга қатъий далил билан яъни, мутавотир йўл билан етиб бориши лозим. Қуръон Пайғамбар ﷺ нозил бўларди. Пайғамбар ﷺ уни одамларга, кўпчиликка, жамоага тиловат қилиб берардилар. Махсус котиблар уни ёзib бораардилар. Бундай ишнинг оҳод йўли билан ривоят қилиниши мумкин эмас. Чунки Пайғамбар ﷺ уни якка шахсларга эмас, жамоага тиловат қилиб берардилар. Шу билан бирга Қуръонни Аллоҳ Таолонинг Ўзи сақлаган.

﴿إِنَّا هُنَّ نَرَلْنَا الَّذِكْرَ وَإِنَّا لَهُ لَحَفْظُونَ﴾

– „*Албатта бу эслатмани (яъни Қуръонни) Биз Ўзимиз нозил қилдик ва шубҳасиз, Ўзимиз уни сақлагувчимиз*“ [15:9]

Шундан билиб олсак бўладики, Қуръон бизга гумонли йўл билан эмас, аниқ, қатъий йўл билан етиб келиши лозим. Мана шулар оҳод йўли билан ривоят қилинганд ҳадислардаги гаплар Қуръон эмаслигини кўрсатади. Шунга кўра, кўлимизда мавжуд бўлган Қуръондан бошқа қуръон йўқ. Қуръоннинг ҳаммаси тиловат қилинади. Унда тиловати насх қилинганд биронта ҳам оят йўқ. Мана шу насх фақат ҳукмдагина бўлишига, унинг тиловатда бўлиши мумкин эмаслигига қатъий далилдир.

5 – Оят фақат оят билангина бекор қилинади. Чунки Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَإِذَا بَدَلْنَا إِعْيَةً مَكَانٍ إِعْيَةً﴾

– „*Қачон Биз бир оят ўрнига бошқа бир оятни алмаштирасак*“ [16:101]

Яъни, Аллоҳ Таоло оятни оят билан бекор қиласди. Юқоридаги оятда ҳам худди шу гап айтилган.

﴿مَا نَسَخَ مِنْ إِعْيَةً أَوْ نُسِّهَا نَاتٍ بَخْيَرٌ مِّنْهَا أَوْ مِنْ لَهَا﴾

(Бирон оятни бекор қылсақ ёки ёдингиздан чиқарсақ, ундан яхширогини ёки ўшанинг мислини келтирамиз). Оятни насх қиладиган оятни Аллоҳнинг Ўзи олиб келади. Яъни, насх қилувчи ҳам оят бўлади. Чунки уни Аллоҳ олиб келади. Қуръон Аллоҳ Таолонинг каломидир. Тўғри, суннат ҳам Аллоҳ томонидан Пайғамбар ﷺ га юборилган ваҳидир. Лекин у лафзий эмас, маънавий ваҳидир. Унинг лафзи Пайғамбар ﷺ га мансубдир. Шунинг учун у Қуръонни насх қила олмайди. Бунда суннатнинг мутавотир ёки оҳод бўлиши фарқ қилмайди. Чунки юқоридаги икки оят оятни фақат оятгина насх қила олишига далолат қилиб турибди.

Суннат Қуръон билан, оҳод ҳадислар мутавотир ҳадислар билан ҳам, оҳод ҳадислар билан ҳам насх бўлиши мумкин. Насхнинг қонун-қоидалари усул илмида ўрганилади.

6 – Насх қоидаси омни хослаш қоидасидан фарқ қиласди. Насх олдинги ҳукмни батамом бекор қиласди. Унга қайтиб амал қилинмайди. Хослаш эса умумий ҳукмнинг ҳаммасини эмас, маълум бир қисмини бекор қиласди. Масалан, биринчи қибла Ақсо масжидига юзланиб намоз ўқишнинг бекор қилиниши ва унинг ўрнига янги қибла Каъбага юзланиб намоз ўқиш ҳукмини қўйиш Ақсо масжидига юзланиб намоз ўқишни батамом бекор қиласди. Мана шу насх, дейилади.

«فِي الْأَيَّلِ السَّائِمَةِ زَكَاءً»

**«Ўтлаб юрадиган туюлар учун закот берилади»<sup>67</sup>** деган ҳадисга биноан, закот ҳамма ҳайвонлар орасидан ўтлаб юрганларига нисбатан хосланяпти.

«فَإِذَا بَلَغَتِ الْأَيَّلِ إِحْدَى وَمِائَةَ فَفِي كُلِّ أَرْبَعِينَ بَنْتَ لَبُونٍ وَفِي كُلِّ حَمْسِينَ حَقَّةً»

**«Агар туюлар сони бир юз йигирма биттага етса, ҳар бир қирқта тую учун икки ёшли, ҳар бир элликта тую учун эса уч ёшли тую берилади»<sup>68</sup>** Бу ерда закотнинг ҳукми ҳамма туюлардан эмас, ўтлаб юрмайдиган (ем бериб боқиладиган) ва ишчи туюлардан кўтарилди. Яъни, ҳукм батамом бекор қилингани йўқ. Умумий ҳукмнинг бир қисмигина бекор қилинди. Мана шу тахсис дейилади.

(67) Байҳақий: 4 / 105. Мустадрак: 4 / 552.

(68) Бухорий: 1386, 2349. Абу Довуд: 2088. Термизий: 1064. Аҳмад: 1 / 11.

7 – Насх борасида ворид бўлган ҳужжатларни ўрганадиган бўлсак, янги ҳукм насх қилинган эски ҳукмга нисбатан уч турли бўлади:

а) Янги ҳукм насх қилинган ҳукмга нисбатан енгилроқ бўлади.

Унинг бажарилиши енгиллаши ҳам ёки умуман олиб ташланиши ҳам мумкин.

﴿إِنَّ حَفْظَ اللَّهِ عَنْكُمْ وَعِلْمٌ أَنَّ فِيْكُمْ ضَعْفًا﴾

– „Энди Аллоҳ сизларнинг (юкингизни) енгил қилди, сизларда ожизлик борлигини билди“.

[8:66]

Бу ерда унинг бажарилиши енгиллашяпти.

﴿إِنَّ حَفْظَ اللَّهِ عَنْكُمْ وَعِلْمٌ أَنَّ فِيْكُمْ ضَعْفًا﴾

– „Энди Аллоҳ сизларнинг (юкингизни) енгил қилди, сизларда ожизлик борлигини билди“.

[8:66]

﴿إِنَّ أَسْفَقْتُمْ أَنْ تُقْدِمُوا بَيْنَ يَدَيْ خَبْوَكُمْ صَدَقَتِ﴾

– „Сұхбатларингиз олдидан хайр-садақалар тақдим этишидан (камбағал бўлиб қоламиз, деб) қўрқдингларми?“.

[58:13]

Бу ерда янги ҳукм олиб келинмаяпти. Ҳукм батамом олиб ташланяпти.

б) Янги ҳукм насх қилинган ҳукмга ўхшаган бўлади.

Биринчи қибла Ақсо масжидига юзланиб намоз ўқишнинг бекор қилиниши ва унинг ўрнига янги қибла Каъбага қараб намоз ўқиш жорий қилиниши бунга мисолдир. «Пайғамбар ﷺ билан ўн олти ой Байтул Мақдис тарафига қараб намоз ўқидим. Кейин Бақара сурасидаги

﴿وَحَيْثُ مَا كُنْتُمْ فَوْلُوا وُجُوهُكُمْ شَطْرَهُ﴾

– „(Эй мўминлар, сизлар ҳам) қаерда бўлсангизлар, юзларингизни унинг тарафига бурингиз!“.

[2:144]

деган оят нозил бўлди. Бу оят Пайғамбар ﷺ намоз ўқиб бўлганларидан кейин нозил бўлганди. Бир киши кетиб, намоз ўқиётган ансорларнинг олдидан ўтаётиб, бўлган гапни айтибди. Улар ўша заҳоти (намозда туриб) юзларини Каъба тарафига бурибдилар».<sup>69</sup>

(69) Муслим: 818.

﴿قَدْ نَرَى تَقْلِبَ وَجْهِكَ فِي السَّمَاءِ فَلَنُوَلِّنَّكَ قِبَلَةً تَرْضَنَاهَا فَوَلِّ وَجْهَكَ شَطْرًا الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ وَحَيْثُ مَا كُنْتُمْ فَوْلُوا وُجُوهُكُمْ شَطْرَهُ﴾

— „Гоҳо юзингиз самода кезганини кўрамиз. Бас, албатта Биз сизни ўзингиз рози бўлган қиблага бурамиз. Юзингизни Масжидул Ҳаром (Макка) томонга буринг! (Эй мўминлар, сизлар ҳам) қаерда бўлсангизлар, юзларингизни унинг тарафига бурингиз!“ [2:144] Бу оят биринчи қибла насх қилинганига далолат қиласди. Бу ерда биринчи ҳукм Ақсо тарафига қараб намоз ўқиш кейинги ҳукмга Каъба тарафига қараб намоз ўқишга ўхшашдир.

в) Янги ҳукм насх қилинган ҳукмга нисбатан мashaққатлироқ бўлади.

Ашуро кунида рўза тутиш фарзлигининг бекор қилиниши бунга мисолдир. Жоҳилиятда қурайшликлар Ашуро кунида рўза тутардилар. Пайғамбар ﷺ ҳам то рамазон рўзаси фарз қилингунига қадар шу куни рўза тутишга буюрганлар. Пайғамбар ﷺ айтадилар:

«مَنْ شَاءَ فَلِيُصُمْ وَمَنْ شَاءَ فَلِيَفْطُرُ»

«Хоҳлаган одам рўза тутсин, хоҳлаган одам тутмасин». <sup>(70)</sup>

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُتُبَ عَلَيْكُمُ الصِّيَامُ كَمَا كُتُبَ عَلَى الَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ ﴿٤٦﴾ أَيَّاً مَا مَعْدُودَاتٍ فَمَنْ كَانَ مِنْكُمْ مَرِيضًا أَوْ عَلَى سَفَرٍ فَعِدَّهُ مِنْ أَيَّامِ أُخْرَ وَعَلَى الَّذِينَ يُطِيقُونَهُ فِدْيَةٌ طَعَامٌ مِسْكِينٌ فَمَنْ تَطَوَّعَ خَيْرًا فَهُوَ حَيْرٌ لَهُ وَأَنْ تَصُومُوا خَيْرٌ لَكُمْ إِنْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿٤٧﴾ شَهْرُ رَمَضَانَ الَّذِي أُنْزِلَ فِيهِ الْقُرْءَانُ هُدًى لِلنَّاسِ وَبَيِّنَاتٍ مِنَ الْهُدَى وَالْفُرْقَانِ فَمَنْ شَهِدَ مِنْكُمُ الْشَّهْرَ فَلَيَصُمِّمْهُ وَمَنْ كَانَ مَرِيضًا أَوْ عَلَى سَفَرٍ فَعِدَّهُ مِنْ أَيَّامِ أُخْرَ يُرِيدُ اللَّهُ بِكُمْ أَلْيَسَ وَلَا يُرِيدُ بِكُمُ الْعُسْرَ وَلِتُكَمِّلُوا الْعِدَّةَ وَلِتُكَبِّرُوا اللَّهَ عَلَى مَا هَدَنَكُمْ وَلَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ﴾

(70) Бухорий: 1864. Муслим: 1909.

– „Эй мұмиллар, тақволи кишилар бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилингани каби сизларга ҳам саноқли кунларда рўза тутиши фарз қилинди. Энди сизлардан бирор киши ҳаста ёки мусоғир бўлса, у ҳолда (рўза тутолмаган кунларининг) саногини бошқа кунларда тутади. (Кексалик ёки заифлиги сабабли) рўза тутишига қийналадиган кишилар бир мискин-бечоранинг бир кунлик таоми миқдорида эваз тўлашлари лозим. Бас, ким ўз ихтиёри билан зиёда яхшилик қилса (лозим бўлганидан ортиқроқ эваз тўласа), ўзига яхши. Агар билсангиз, рўза тутишингиз ўзингиз учун (эваз бериш ёки ҳатто узрли ҳолатда рўза тутмасликка нисбатан) яхшироқдир. (У саноқли кунлар) рамазон ойидирки, бу ойда одамлар учун ҳидоят бўлиб ва ҳидоят ва фурқон (ҳақ билан ботилни ажратгувчи)нинг очиқ оявлари бўлиб Куръон нозил қилинган. Бас, сизлардан ким бу ойга ҳозир бўлса, рўза тутсин. Ва ким ҳаста ёки мусоғир бўлса, у ҳолда (рўза тутолмаган кунларининг) саногини бошқа кунларда (тузалгач ёки сафардан қайтгач) тутади. Аллоҳ сизларга енгилликни истайди, сизларга оғир бўлишини истамайди. Бу саноқни тўлдиришингиз ва ҳидоят қилгани сабабли Аллоҳни улуғлашингиз учундир. Шояд шукр қилсангиз“.

[2:183-185]

Демак, Ашуро рўзаси рамазон рўзаси билан бекор қилинди. Рамазон рўзаси Ашуро рўзасидан машаққатлироқдир.



﴿أَمْ تُرِيدُونَ أَنْ تَسْأَلُوا رَسُولَكُمْ كَمَا سُئِلَ مُوسَىٰ مِنْ قَبْلُ وَمَنْ يَتَبَدَّلُ الْكُفَّارُ بِالْإِيمَانِ فَقَدْ ضَلَّ سَوَاءَ الْسَّبِيلُ ۚ وَدَّ كَثِيرٌ مِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ لَوْ يَرْدُونَكُمْ مِنْ بَعْدِ إِيمَانِكُمْ كُفَّارًا حَسَدًا مِنْ عِنْدِ أَنفُسِهِمْ مِنْ بَعْدِ مَا تَبَيَّنَ لَهُمُ الْحُقْقُ فَاعْفُوا وَاصْفَحُوا حَتَّىٰ يَأْتِيَ اللَّهُ بِأَمْرِهِ ۗ إِنَّ اللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ۚ وَاقِمُوا الصَّلَاةَ وَأَتُوا الزَّكَوَةَ ۗ وَمَا تُقْدِمُوا لَأَنْفُسِكُمْ مِنْ خَيْرٍ تَحْدُوهُ عِنْدَ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ بِمَا

تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ﴾

– „108. Ёки Пайгамбарингиздан, илгари Мусодан сўралган нарсаларни сўрашини истайсизми (эй мұмиллар)? Ким имонга куфрни алмаштираса, албатта тўгри йўлдан адашади. 109. Аҳли

*китобларнинг кўпчилиги сизларни, имонли бўлганингиздан кейин (яъни ҳозир), уларнинг ўзларига ҳам ҳақиқат очиқ равишан бўлганидан кейин ҳасад қилганлари сабабли қуфрга қайтаришини истайди. Бас, Аллоҳнинг фармони келгунича уларни афв қилинг ва кечиринг. Албатта, Аллоҳ ҳар нарсага қодирдир. 110. Намозни тўқис адо қилинг ва закотни беринг! Ўзингиз учун нима яхшилик қилган бўлсангиз, уни Аллоҳ ҳузурида топажақсиз. Шубҳасиз Аллоҳ қилган амалларингизни кўриб тургувчидир“.* [2:108-110]

### **Аллоҳ Таоло бу оятларда қўйидагиларни баён қиласди:**

1 – Аллоҳ Пайғамбар ﷺ ва мўминларга хитоб қилиб, сизлар яҳудлар Мусо ﷺдан сўраган нарсаларни пайғамбарингиз Муҳаммад ﷺдан сўрамоқчи бўляпсизларми, деяпти. Улар ўзларининг имон келтиришлари ёки мўминликларида давом этишлари учун бир неча ишларнинг амалга ошишини шарт қилишганди. Масалан, Аллоҳни очиқ кўриш ёки уларга ҳам кофирларнига ўҳшаган худолар қилиб берилиши каби ишларни сўрашганди. Шундан сўнг Аллоҳ кишининг имон келтириш ёки мўминликда давом этиш учун бир неча ишларнинг амалга ошишини талаб қилиши куфр эканини айтяпти. Бу иш имонни куфрга айлантириб юборади. Ким шу ишни қилса, тўғри йўлдан, ҳидоятдан озиб, куфр ва залолат йўлига қадам босибди.

(**ёки**) ҳарфи мунқатиъдир. (Ёки сўзи ўзидан олдинги гапга алоқадор бўлса, муттасил яъни, боғланган, туташган бўлади. Агар ўзидан олдинги гапга алоқадор бўлмаса, мунқатиъ яъни, ажралган, узилган бўлади). Негаки ундан кейинги хитоб қўплик шаклида келяпти. (Хоҳлайсизларми) Ундан олдинги гап эса бирлик шаклида келганди. (Билмайсизми) Модомики, у мунқатиъ экан, демак, балки ва сўроқ маъноларини англатади. Шунга кўра,

﴿إِنْ تُرِيدُونَ أَنْ تَسْعَلُوا رَسُولَكُمْ﴾

*(ёки Пайғамбарингиздан сўрашини истайсизми)* ояти балки пайғамбарингиздан сўрамоқчи бўлаётгандирсизлар, деган маънода.

﴿يَتَبَدَّلِ الْكُفَّارُ بِالْأَيْمَنِ﴾

*(Ким имонга куфрни алмаштираса).* Яъни, имонни тарк қилиб, куфрга эътиқод қилса. Бо ҳарфи тарк қилинаётган тарафга дохил бўляпти.

**(Жаръади адашаади).** Яъни четласа, озса.

(سواء السبيل *m̄ḡri yūldan*). Бу ибора маслак ва йўлнинг ўртаси маъноларини англатади. У фотиҳа сурасидаги

﴿أَهَدِنَا الصَّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ﴾

– „Бизларни Тўғри йўлга йўллагайсан“ [2:6]  
қабилидандир.

2 – Дининглардан қайтишинглар, имонингларни куфрга алмаштиришинглар кўпчилик аҳли китоблар учун айни муддаодир. Улар сизларни дининглардан қайтаришга уринадилар. Яна бу ишни уларга сизларнинг дининглар Ислом ҳақ экани, Мұхаммад ﷺ ўша ўзларининг китобларида битилган Аллоҳнинг ҳақиқий пайғамбари экани аён бўлганидан кейин қиласидилар. Негаки, улар пайғамбар ўзларидан эмас, сизлардан чиқиб қолганига ҳasad қиласидилар. Бу ҳasad ўзларининг ичларидан чиқаётган иллатдир. Уларни ҳasad қилишга китоблари буюрмаган. Аксинча, уларнинг китоблари Пайғамбар ﷺни тасдиқлашга буюрган. Лекин улар Аллоҳнинг буйруғига эмас, ўзларининг истакларига, шаҳватларига бўйсунишни истайдилар.

Кейин Аллоҳ мўминлардан то Аллоҳнинг фармони келгунига қадар уларни кечириб туришларини талаб қиласиди. Сал кейинроқда Аллоҳ айнан мана шу буйруқни баён қиласиди.

﴿فَتَبَلُّو أَلَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِاللهِ وَلَا بِالْيَوْمِ الْآخِرِ وَلَا تُحِرِّمُونَ مَا حَرَّمَ اللَّهُ وَرَسُولُهُ وَلَا يَدِيُّونَ دِينَ الْحَقِّ مِنَ الَّذِينَ أُتُوا الْكِتَابَ حَتَّىٰ يُعَطُوا الْجِزَيْةَ عَنْ يَدِهِ وَهُمْ صَاغِرُونَ﴾

– „Аллоҳга ва охират кунига ишионмайдиган, Аллоҳ ва Унинг пайғамбари ҳаром деган нарсани ҳаром деб билмайдиган, Ҳақ (яъни Ислом) динига эътиқод қилмайдиган аҳли китоблардан иборат бўлган кимсаларга қарши то улар хорланган (маглуб) ҳолларида ўз қўллари билан (зиммаларидаги) солиқни тўламагунларича, жанг қилингиз!“ [9:29]

Кейин эса улар кечирилмайдилар. Ё мусулмон бўладилар ё Ислом аҳкомларига бўйсуниб жизя тўлайдилар ёки қилич билан қатл қилинадилар.

Аллоҳ Таоло Ўзининг ҳар ишга қодирлигини, бандалари устидан ҳукмронлигини, фолиблигини таъкидлайти.

﴿إِنَّ اللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ﴾

(Албатта, Аллоҳ ҳар нарасага қодирдид).

(لَوْ يَرُدُّونَكُم). Бу ердаги (ло агар) сўзи насб қилувчи ан (-иш, -моқ қўшимчалари) ўрнига ишлатилган. Шунинг учун унинг жавоби бўлмайди.

3 – Кейин Аллоҳ Таоло мўминларга намозни адо этиш ва закот беришнинг фарзлигини баён қилиб, уларга мўмин ўзининг ҳар бир қилган яхшилигини Қиёмат кунида топишини яъни, ҳар бир яхшилиги зое кетмаслигини, унинг учун Аллоҳдан савоб олишини, Аллоҳ ошкора юширин қилинаётган барча ишлардан огоҳ эканини ва ҳар бир ишга яраша жазо ёки мукофот беришини билдирияпти.

﴿إِنَّ اللَّهَ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ﴾

(Шубҳасиз Аллоҳ қилган амалларингизни кўриб тургувчиидир).

\* \* \*

﴿وَقَالُوا لَن يَدْخُلَ الْجَنَّةَ إِلَّا مَن كَانَ هُودًا أَوْ نَصَارَىٰ تِلْكَ أَمَانِيُّهُمْ قُلْ هَاتُوا بُرْهَنَكُمْ إِن كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴾ ﴿١﴾ بَلِّي مَنْ مِنْ أَسْلَمَ وَجْهَهُ لِلَّهِ وَهُوَ مُحْسِنٌ فَلَمَّا أَجْرَاهُ عِنْدَ رَبِّهِ وَلَا حَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ تَحْزَنُونَ ﴾ ﴿٢﴾ وَقَالَتِ الْيَهُودُ لَيْسَتِ النَّصَارَىٰ عَلَى شَيْءٍ وَقَالَتِ الْنَّصَارَىٰ لَيْسَتِ الْيَهُودُ عَلَى شَيْءٍ وَهُمْ يَتَلَوَّنُ الْكِتَابَ كَذَلِكَ قَالَ الَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ مِثْلَ قَوْلِهِمْ فَاللَّهُ تَحْكُمُ بَيْنَهُمْ يَوْمَ الْقِيَمَةِ فِيمَا كَانُوا فِيهِ تَخْتَلُفُونَ ﴾ ﴿٣﴾

– „111. Жаннатга фақат яхудий ёки насроний бўлғанлар киради», дейшиди. (Яъни яхудийлар: «Биз кирамиз», дейшиса, насронийлар: «Биз кирамиз», дейшиди.) Бу уларнинг хом хаёллариидир. Айтинг (эй Мухаммад): «Агар ростгўй бўлсангиз, хужжакат келтиринг!» 112. Йўқ, ким яхшилик қилган ҳолида ўзини Аллоҳга топширса, унинг учун Аллоҳ ҳузурида ажер бор ва улар учун хавфу хатар йўқ ва улар гамгин бўлмайдилар. 113. Яхудийлар: «Насронийлар ҳақ эмаслар», дейшиди. Насронийлар: «Яхудийлар ҳақ эмаслар», дейшиди. Ҳолбуки улар (яъни яхудийлар ҳам, насронийлар ҳам) китоб (яъни Таврот, Инжил) тиловат

**қиласылар, шунингдек, билмайдиган кимсалар уларнинг гапига ўхшаш гап айтдилар. Бас, уларнинг ўзаро ихтилоф қилиб ўтган нарсалари ҳақида Аллоҳ қиёмат кунида хукм қиласы “.** [2:111-113]

**Аллоҳ Таоло бу оялтарда қуйидагиларни баён қиласы:**

1 – Яхудлар жаннатга биздан бошқаси кирмайды, дейишади. Насоролар ҳам худди шундай дейдилар. Аллоҳ бизга хабар беряптика, бу уларнинг оғизларидаги гаплари, улар амалга ошмайдиган хаёллардан бошқа нарса эмас. Бу худди уларнинг пайғамбар улардан бошқасидан чиқмаслигини исташларига, уларнинг ҳасад қилиб, күролмасдан мүминларни динларидан қайтаришины исташларига ўхшайды. Кейин Аллоҳ Таоло уларнинг бу орзулари ёлғонлигини билдириб, агар рост айтаётган бўлсалар, ҳужжатларини келтирсинглар, деяпти.

﴿قُلْ هَاتُوا بُرْهَنَكُمْ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ﴾

(Айтинг (эй Мұхаммад): «Агар ростгўй бўлсангиз, ҳужжат келтиринг!»). Гарчи бу ерда сўроқ маъноси қўлланадиган бўлсада, барибир у Аллоҳ томонидан уларнинг гаплари ёлғонлигини кўрсатишидир. Улар ҳеч қачон бу гапларига ҳужжат келтира олмайдилар. Кейинги оялтар шуни кўрсатиб турибди.

﴿بَلَى مَنْ أَسْلَمَ﴾

(Йўқ, ким ... топширса). Худо хоҳласа, бу хусусда кейинроқ тўйталамиз.

2 – Аллоҳ Таоло бу оятда уларнинг гаплари ёлғонлигини баён қилиб, уларга раддия билдирияпти. Яъни, жаннат яхудлар ёки насоролар учун эмас, холис Аллоҳга имон келтирган, У Зотга бўйсунган, Пайғамбар ﷺ олиб келган нарсани тасдиқ этганлар учундир. Бундай зотлар учун хавф ҳам йўқ, улар хафа ҳам бўлмайдилар.

(اسْلَمَ). Ислом лугавий маъноси Аллоҳга бўйсунишdir. Унинг шаръий маъноси Мұхаммад ﷺга нозил қилинган динdir.

﴿إِنَّ الَّذِينَ عِنْدَ اللَّهِ أَلْيَ سَلَمُ﴾

– „Албатта Аллоҳ наздида мақбул бўладиган дин факат Ислом динидир“.

[3:19]

﴿وَمَنْ يَتَّبَعْ غَيْرَ أَلْيَ سَلَمٍ دِيَنَا فَلَنْ يُقْبَلَ مِنْهُ وَهُوَ فِي الْآخِرَةِ مِنَ الْخَسِيرِ﴾

— „Кимда-ким Исломдан ўзга дин истаса, бас (унинг «дини» Аллоҳ ҳузурида) ҳаргиз қабул қилинмайди ва у охиратда зиён кўргувчилардандир“.

[3:85]

(**أَسْلَمَ وَجْهُهُ** ўзини ... топширса). وَجْهُهُ юзи дегани. Юзи сўзидан мурод ҳамма ёғидир. Юз сўзи мажозий маънода ишлатиляпти. Юз эътиборли қисм бўлгани учун бутун баданга нисбатан қўлланяпти. Демак, юз бутун бадан маъносидадир.

(**إِنِّي** йўқ) мусбатга айлантирувчи бу ҳарф фақат манфийдан кейин келади ва уни мусбатга айлантиради. Бу ерда ҳам уларнинг жаннатга биздан бошқаси кирмайди, деган манфий гапларини мусбатга айлантириш учун келяпти.

﴿فَإِنَّ أَجْرُهُ، عِنْدَ رَبِّهِ﴾

(Унинг учун Аллоҳ ҳузурида ажер бор) жумласи бирликда,

﴿وَلَا حَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ تَحْزَنُونَ﴾

(**Ва улар учун хавфу хатар йўқ ва улар гамгин бўлмайдилар**) жумласи эса қўплика келяпти. Чунки (من) сўзи умумий сийжалардан бўлиб, бирликка нисбатан ҳам, қўплика нисбатан ҳам қўлланаверади. Лафз эътибори билан унинг исноди бирликдаги сўзга берилган бўлса,

﴿مَنْ أَسْلَمَ وَجْهَهُ، لِلَّهِ﴾

(ким ўзини Аллоҳга топширса), маъно эътибори билан унинг исноди қўплиқдаги сўзга берилган.

﴿فَإِنَّ أَجْرُهُ، عِنْدَ رَبِّهِ﴾

(Унинг учун Аллоҳ ҳузурида ажер бор). Бу ерда лафз эътибори билан унинг исноди бирликдаги сўзга бериляпти.

﴿وَلَا حَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ تَحْزَنُونَ﴾

(**Ва улар учун хавфу хатар йўқ ва улар гамгин бўлмайдилар**). Бу ерда эса маъно эътибори билан унинг исноди қўплиқдаги сўзга бериляпти.

3 – Охирги оятда Аллоҳ Таоло яҳудлар насоролар ҳақида улар ҳеч нарсага эга эмаслар, уларнинг дини ҳам йўқ, десалар, насоролар ҳам яҳудларга нисбатан худди шу гапни айтганларини баён қиласди. Нажрон насоролари Пайғамбар ﷺнинг олдиларига келишиб, Мадинадаги яҳудлар билан учрашиб қолишганида

шундай бўлганди. Уларнинг оғизларидан мана шундай гаплар чиққанди. Ҳолбуки, улар аҳли китоб бўлиб, яҳудларга Мусо ﷺ келганини ҳам, насороларга эса Исо ﷺ келганини ҳам жуда яхши билишарди. Шундай бўлса-да, ҳар иккиси бир-бирини айблашиб, ўзларини ҳамма дин аҳлларини ҳеч нарсага эга эмас, дейдиган, илоҳий китобга эга бўлмаган, билимсиз, будпараст мушриклардек тутишиди.

Кейин Аллоҳ Таоло оятни уларни шу гаплари учун Қиёмат кунида, яъни фақат Аллоҳгина ҳукм чиқарадиган кунда ҳисобга тутишини ва жазолашини билдириб қўйиш билан якунляпти.

﴿فَاللَّهُ تَحْكُمُ بَيْنَهُمْ يَوْمَ الْقِيَمَةِ فِيمَا كَانُوا فِيهِ تَخْتَلِفُونَ﴾

*(Бас, уларнинг ўзаро ихтилоф қилиб ўтган нарсалари ҳақида Аллоҳ қиёмат кунида ҳукм қиласди).*



﴿وَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّنْ مَنَعَ مَسَاجِدَ اللَّهِ أَنْ يُذْكَرَ فِيهَا أَسْمُهُ وَسَعَىٰ فِي حَرَابِهَاٰ أُولَئِكَ مَا كَانَ لَهُمْ أَنْ يَدْخُلُوهَا إِلَّا خَابِرِيَتْ لَهُمْ فِي الدُّنْيَا حِزْرٌ وَلَهُمْ فِي الْآخِرَةِ عَذَابٌ عَظِيمٌ ﴿١﴾ وَلِلَّهِ الْمَشْرُقُ وَالْمَغْرِبُ فَإِنَّمَا تُولُوا فَشَّ وَجْهَ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ وَاسِعٌ عَلِيمٌ ﴿٢﴾ وَقَالُوا أَتَحَذَّلُ اللَّهُ وَلَدًا سُبْحَنَهُ وَبِلَّهِ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ كُلُّهُ وَ قَنْتُونَ ﴿٣﴾ بَدِيعُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَإِذَا فَصَّ أَمْرًا فَإِنَّمَا يَقُولُ لَهُ كُنْ فَيَكُونُ ﴿٤﴾ وَقَالَ الَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ لَوْلَا يُكَلِّمُنَا اللَّهُ أَوْ تَأْتِينَا إِيَّاهُ كَذَلِكَ قَالَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ مِثْلَ قَوْلِهِمْ تَشَبَّهُتْ قُلُوبُهُمْ قَدْ بَيَّنَا الْأَيَّتِ لِقَوْمٍ يُوقَنُونَ ﴿٥﴾ إِنَّا أَرْسَلْنَاكَ بِالْحَقِّ بَشِيرًا وَنَذِيرًا وَلَا تُسْعِلُ عَنْ أَصْحَابِ الْجَحِيمِ ﴿٦﴾

– „114. Аллоҳнинг масжидларини уларда Аллоҳ исми зикр қилинишидан тўсадиган ва уларни ҳароб қилиши ҳаракатида юрадиган кимсалардан ҳам золимроқ ким бор? Ахир бу кимсалар учун ундаи жойларга фақат қўрқкан ҳолларида кириши жоиз эди-ку. Улар учун бу дунёда расвонлик, охиратда эса буюк азоб бордир. 115. Машриқ ҳам, магриб ҳам Аллоҳникидир. Бас, қай тарафга юз

*бурсангиз, ўша жой Аллоҳнинг тарафиидир. Шубҳасиз Аллоҳ (ҳамма томонни) қамраб олгувчи билимдондир. 116. «Аллоҳнинг боласи бор», дедилар. У Зот буларнинг бадгумонидан мутлақо покдир. Балки ер ва осмонлардаги нарсалар у Зотга тегишилидирки, ҳаммаси унга бўйсунади. 117. (У) еру осмонларни пайдо қилгувчидир. Бирор ишни хукм қилса унга фақатгина «Бўл» дейди, холос. Бас, у иш бўлади. 118. Билмайдиган кимсалар: «Аллоҳ бизга гапирса эди ёки бирор аломат келса эди», дейдилар. Улардан илгаригилар ҳам уларнинг гапларига ўхшаши гапларни айтишиган эди. Диллари бир-бирига ўхшайди. Биз аниқ ишонадиган қавм учун оятларни аниқ баён қилдик. 119. Албатта Биз сизни ҳақ (дин) билан хушхабар элтгувчи ва огоҳлантирувчи қилиб юбордик. Дўзахилар хусусида сиз масъул эмассиз“.* [2:114-119]

Бу оятлар юқоридаги бир-бирларига сен ҳеч нарсада эмассан, дейдиган яҳудлар, насоролар ва мушрикларга тегишилидир. Улардан қайси бири бошқасининг масжидларини эгаллаб олса, у ерда Аллоҳнинг зикр қилинишидан тўсиб, уни хароб қилишга уринарди. Пайғамбар ﷺ даврларида ҳам, ундан олдин ҳам шундай қилгандилар. Яҳудлар бошқа гуруҳнинг масжидларини эгаллаб олишса, ёки ўша масжидлар уларнинг қўл остида бўлса, уларда Аллоҳнинг зикр қилинишидан тўсардилар ва уларни хароб қилишга уринардилар. Яҳудлар насороларга нисбатан ҳам, насоролар яҳудларга нисбатан ҳам худди шундай муомалада бўлардилар. Мушриклар Пайғамбар ﷺ га нисбатан ҳам худди шундай муомалада бўлиб, Каъба уларнинг қўл остида бўлган пайтида Пайғамбар ﷺ ва саҳобаларнинг уни тавоф қилишларига йўл бермаганди.

Бу ишни ҳозирги даврда ҳам кўриб турибмиз. Яҳудлар, насоролар, серблар, хиндуслар ва русларнинг Фаластинда, Ливанда, Боснияда, Ҳиндистонда, Кашмирда ва Чеченистонда мусулмонларга қарши олиб бораётган урушларида худди шу йўлдан бораётганлари очиқ-ошкора кўриниб турибди. Кофирлар меъзаналарни, масжидларни фаразгўйликларидан, ичиқораликлари-дан келиб чиқиб, атайин тўпга тутяптилар, вайрон қиляптилар.

### **Аллоҳ Таоло бу оятларда қуийдагиларни баён қиласди:**

1 – Аллоҳнинг ўйларида ҳақ сўз айтишига тўсқинлик қиласдиган ва масжидларни хароб қилишга уринадиган кимсадан кўра золимроқ одам йўқ. Бу ердаги хароб қилиш моддий яъни, уни бузиб ташлаш бўладими ёки мажозий яъни, уни эзгуликка

чақириладиган маскан эмас, ёвузлик ошёнига айлантириш бўладими, фарқи йўқ.

﴿وَمَنْ أَظْلَمُ﴾

(*Золимроқ ким бор?*). Бу ердаги истифҳом – сўроқ гап сўраш эмас, инкор қилиш маъносида. Яъни, ўшалардан ҳам золимроқ кимсанинг бўлишини инкор қилиш.

﴿وَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّنْ مَنَعَ مَسَاجِدَ اللَّهِ﴾

(*Аллоҳнинг масжидларини тўсадиган кимсалардан ҳам золимроқ ким бор?*). Тўсқинлик қилувчиларнинг энг ёмони Аллоҳнинг масжидларига тўсқинлик қилувчилардир. Аллоҳ Таолонинг

﴿وَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّنْ أَفْتَرَى عَلَى اللَّهِ الْكَذَبَ﴾

– „Ўзи Исломга даъват қилинаётган ҳолида (у даъватни қабул қилиши ўрнига) Аллоҳ шаънига («У Зотнинг боласи бор, шериклари ҳам бор», деб, ёки Аллоҳнинг оят-мўъжизаларини «Бу сеҳр», деб) ёлғон тўқиган кимсадан ҳам золимроқ ким бор?! Аллоҳ бундай золим қавмни ҳидоят қилмас!“ [16:7]

деган гапи ҳам мана шу маънода. Яъни, бўхтон қилувчиларнинг энг ёмони Аллоҳга бўхтон қилувчилардир.

﴿وَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّنْ كَتَمَ شَهَدَةً عِنْهُ مِنْ آنِ اللَّهِ وَمَا اللَّهُ بِغَفَلٍ عَمَّا تَعْمَلُونَ﴾

– „Ўзи биладиган гувоҳликни Аллоҳдан яширган кимсадан ҳам золимроқ одам борми? Аллоҳ қилаётган ишларингдан гофил эмас“. [2:140]

Яъни, яширувчиларнинг энг ёмони ўзидаги шаҳодатни Аллоҳдан яширганлардир.

Бу оятлардаги золимроқлик айнан шу оятда айтилган мавзу хусусидадир.

2 –

﴿أُولَئِكَ مَا كَانَ لَهُمْ أَنْ يَدْخُلُوهَا إِلَّا خَابِيْفَيْنَ﴾

(*Ахир бу кимсалар учун ундай жойларга фақат қўрққан ҳолларида кириши жоиз эди-ку*). Яъни, улар масжидларга тинч, (бемалол) кирмасликлари керак. Бу оядта уларнинг тинч (бемалол) киришларидан қайтариш бор. Уларнинг тинч (бемалол) киришлари масжидлар устидан хукмронлик қилишлари маъносида.

(**أَوْلَئِكَ улар**). Ўтган оятда айтилган Аллоҳнинг масжидларида

Аллоҳнинг зикр қилинишидан қайтарадиган ва уларни хароб қилишга уринадиган кимсаларга ишора қилингани. Лекин бу ҳужжат умумий маънони англатади. Бу ерда сабабнинг хусусийлиги эмас, лафзнинг умумийлиги эътиборга олинади. Хуллас, оят Аллоҳнинг масжидларидан тўсадиган ва уларни хароб қилишга уринадиган ҳар бир одамга тегишлидир.

Шунга кўра, бу оятдан эй мўминлар, Аллоҳнинг масжидларидан қайтарадиган, уларни хароб қилишга уринадиганларга масжидлар устидан ҳукмронликни бериб қўйиш сизларга ҳаромдир, деган маъно ҳам чиқади.

﴿لَهُمْ فِي الْدُّنْيَا حِزْبٌ وَلَهُمْ فِي الْآخِرَةِ عَذَابٌ عَظِيمٌ﴾

(*Улар учун бу дунёда расволик, охиратда эса буюк азоб бордир*) қаринаси билан бу ердаги тақиқ қатъий тақиқдир.

﴿مَا كَانَ لَهُمْ أَنْ يَدْعُلُوهَا﴾

(*Бу кимсалар учун унданай жойларга кириши жсоиз эди-ку*). Бу тақиқ

﴿وَمَا كَانَ لَكُمْ أَنْ تُؤْذُوا رَسُولَكَ اللَّهِ﴾

– „*Сизлар учун Аллоҳнинг пайғамбарига озор берииш дуруст эмасдир*“ [33:53]

ояти кабидир. Яъни, сизларга Аллоҳнинг пайғамбарига озор бериш ҳаромдир.

﴿وَمَا كَانَ لِمُؤْمِنِينَ وَلَا مُؤْمِنَاتِ إِذَا قَضَى اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَمْرًا أَنْ يَكُونَ لَهُمْ أَلْحَيْرَةُ مِنْ أَمْرِهِمْ﴾

– „*Аллоҳ ва Унинг пайғамбари бир ишини ҳукм қилган – буюрган вақтида бирон мўмин ва мўмина учун (Аллоҳнинг ҳукмини қўйиб) ўз ишиларидан ихтиёр қилиши жсоиз эмасдир*“ [33:36] ояти ҳам шу қабилдандир. Яъни, ҳар бир мўмин ва мўмина га Аллоҳ ва Унинг пайғамбари қатъий қилиб буюрган буйруқка итоатсизлик қилиш ҳаромдир.

3 –

﴿لَهُمْ فِي الْدُّنْيَا حِزْبٌ وَلَهُمْ فِي الْآخِرَةِ عَذَابٌ عَظِيمٌ﴾

(*Улар учун бу дунёда расволик, охиратда эса буюк азоб бордир*). Бу ерда Аллоҳ Таоло Аллоҳнинг масжидларида уларнинг бино

қилинишидан кўзланган мақсадлар амалга оширилишидан тўсадиганларнинг жазоси қандай бўлишини баён қиляпти. Уларнинг шу дунёдаги жазолари хорлик, шармандалик, дилларидаги маразларининг фош этилишидир.

﴿أَمْ حَسِبَ الَّذِينَ فِي قُلُوبِهِمْ مَرْضٌ أَنْ لَنْ يُخْرِجَ اللَّهُ أَصْغَرَهُمْ﴾

– „*Балки дилларида мараз-нифоқ бўлган кимсалар Аллоҳ уларнинг* (дилларидаги мўминларга нисбатан бўлган) *адоватларини ошкор қилмас, деб ўйлагандирлар?!“.* [47:29]

Охиратдаги жазолари эса жуда-жуда қаттиқ азобдир.

4 – Аллоҳ ерни саждагоҳ ва покизса қилди.

﴿فَإِيمَا رَحْلٌ أَدْرَكَهُ الصَّلَاةُ فَلَيَصُلِّ حَيْثُ كَانَ﴾

**«Намоз вақти кириб қолганда киши қаерда бўлса, ўша ерда уни адо этаверсин».**<sup>71</sup> Ўтган оятларда тавсифланган нусхалар томонидан Аллоҳнинг ўйлари вайрон этилиб, у ерларда намоз ўқиш бекор қилинган экан, киши қаерда бўлса, ўша ерда намозини ўқийверсин. Масжидул Ҳаром қайси тарафга тўғри келмасин, юзини ўша тарафга бурсин. Зоро, ҳамма тарафнинг Эгаси, Яратувчиси Аллоҳдир.

Агар Масжидул Ҳаром шарқ томонда бўлса, шарқ томонга қараб намоз ўқисин. Агар у гарб томонда бўлса, гарб томонга қараб намоз ўқисин. Хуллас, Масжидул Ҳаром қайси томонда бўлса, ўша томонга қараб намоз ўқисин. Шуларнинг ҳаммасида у Аллоҳ томонига юзланган бўлаверади.

﴿وَلِلَّهِ الْمَشْرِقُ وَالْمَغْرِبُ﴾

**(Машриқ ҳам, магриб ҳам Аллоҳницидир).** Яъни, Аллоҳ ҳамма томонларнинг Эгаси ва Яратувчисидир. Бу ердаги машриқ ва магриб ҳамма томонлар маъносини англатади. Машриқ қуёшнинг нури тушадиган ҳамма тарафдир. У йил фаслларига қараб, турли жойларни ёритади. Унинг нури шарқий уфқдаги биринчи нуқтадан охирги нуқтага қадар ҳаммасини ўз ичига олади. Мағриб ҳам машриқ кабидир.

Бошқа бир жойда бундай дейилади:

﴿رَبُّ الْمَشْرِقِينَ وَرَبُّ الْمَغْرِبِينَ﴾

– „(Аллоҳ) икки шарқнинг (яъни кун ва ой ботадиган жойларнинг) ҳам Парвардигоридир“.

[55:17]

(71) Бухорий: 323, Муслим: 810.

Икки машриқдан мурод йил фаслларига қараб, қуёш чиқадиган илк нүктадан қуёш чиқадиган сўнгги нүктага қадар бўлган жой. Яъни, йил мобайнидаги чиқиш минтақасининг бошланишидан ниҳояланишига қадар бўлган оралиқ. Икки мағриб ҳам худди шунга ўхшаш маънода.

Бошқа бир жойда мана бундай ҳам дейилган:

﴿فَلَا أُقْسِمُ بِرَبِّ الْشَّرِقِ وَالْغَربِ إِنَّا لَقَدْ رُونَ﴾

– „*Машрику магрибларнинг Роббиси билан қасам ичаманки, албаттa Биз қодирмиз*“ [70:40]

Машриқлардан мурод қуёшнинг йил фаслларига қараб, машриқ томонидан чиқиш нүкталари. Мағриблар ҳам шунга ўхшаш маънода.

Машриқ ва мағриб сўзларининг бирликда ҳам, иккиликда ҳам, кўплика ҳам қўлланиши Аллоҳ Таоло ҳамма томонларнинг Эгаси ва Яратувчиси эканидан киноядир. У Зотнинг раҳмати бепоён. Бандалари учун нима яхши бўлишини Ўзи билади.

﴿إِنَّ اللَّهَ وَاسِعٌ عَلَيْمٌ﴾

(Шубҳасиз Аллоҳ (ҳамма томонни) қамраб олгувчи билимдондир).

5 – Кейин Аллоҳ Таоло бизга хабар беряптики, олдинги оятда айтиб ўтилган яҳудлар, насоролар ва мушриклар Аллоҳнинг боласи бор, дейдилар. Яҳудлар айтадиларки,

﴿عَزِيزٌ أَبْنَى اللَّهِ﴾

– „«Узайр Аллоҳнинг Ўғли»“ [9:30]

Насоролар айтадиларки,

﴿الْمَسِيحُ ابْنُ اللَّهِ﴾

– „«(Исо) Масих Аллоҳнинг Ўғли»“ [9:30]

Мушриклар айтадиларки, фаришталар Аллоҳнинг қизлариидир.

﴿فَأَسْتَفْتِهِمْ أَلِرِبَّكَ الْبَنَاتُ وَلَهُمُ الْبَنُوَتِ ﴿۱﴾ أَمْ خَلَقَنَا الْمَلَئِكَةَ إِنَّا وَهُمْ شَهِدُونَ ﴿۲﴾ أَلَا إِنَّهُم مِنْ إِفْكَهِمْ لَيَقُولُونَ ﴿۳﴾ وَلَدَ اللَّهُ وَإِنَّهُمْ لَكَذِبُونَ ﴿۴﴾ أَصْطَفَى الْبَنَاتَ عَلَى الْبَنِينَ ﴿۵﴾ مَا لَكُمْ كَيْفَ تَحْكُمُونَ ﴿۶﴾ أَفَلَا تَدَّكُرُونَ﴾

– „Энди (эй Мухаммад, Макка кофирларидан) сўранг-чи, қизлар (яъни, уларнинг гумонича, фаришталар Аллоҳнинг қизлари эмиши) Парвардигорингизники-ю, ўғиллар уларникимикан?! Ёки Биз

*фарышталарни улар гувоҳ бўлган ҳолларида қиз қилиб яратдикмикан?! Огоҳ бўлингизким, улар ёлғончиликлари туфайли “Аллоҳнинг боласи (яъни қизлари) бор», дерлар. Улар шак-шуҳбасиз ёлғончидирлар. (Аллоҳ) ўғилларни қўйиб, қизларни танлаб олган эмишими?! (Эй Макка аҳли), сизларга нима бўлди?! Қандай (ноҳақ-нораво) ҳукм чиқармоқдасизлар-а?! Ахир эс-хушингизни ийгмайсизларми?!“ [37:149-155]*

Аллоҳ Таоло бизга Ўзининг уларнинг бўйтонларидан Пок эканини, осмонлару ернинг Эгаси эканини, ҳамма нарса У Зотга итоат этиб, бўйсунишини билдирипти.

(۱۵) бу сўз тескари маънони билдириш учун яъни, уларнинг Аллоҳнинг боласи бор, деган гумонлари бекорлигини кўрсатиш учун қўлланяпти.

﴿بِلَّهُ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ﴾

*(Балки ер ва осмонлардаги нарсалар у Зотга тегишилидир)* иборасидан кейин фақат ақлсиз нарсалар учунгина ишлатиладиган (۱۶) сўзининг қўлланиши осмонлару ердаги ҳамма нарса, хусусан улар Аллоҳнинг ўғиллари, деб даъво қилаётган кимсалар Аллоҳнинг буюклиги олдида жонсиз предметлардек, ҳатто предметлардан ҳам пастроқ нарсалар эканини билдиради. Аллоҳ қаерда-ю Аллоҳнинг махлуқотлари қаерда. Улар бола ота жинсидан бўлишини жуда яхши биладилар. Бу ерда эса бу ҳолат йўқ. Бири Холиқ, иккинчиси эса махлуқ. Бу гапда аллақандай махлуқларни осмонлару ерни, ўша махлуқларнинг ўзларини ҳам яратган Зотнинг ўғилларидир, деювчиларнинг устидан кулинган, уларнинг нақадар аҳмоқлиги кўрсатилган.

﴿كُلُّهُ لَهُ، فَقَنْتُونَ﴾

*(Ҳаммаси унга бўйсунади)* иборасидаги (کُلُّ ҳаммаси) сўзининг танвини ҳазф қилинган музофун илайҳдан эвазdir. Яъни, ҳамма деган сўздан мурод осмонлару ердаги ҳамма нарсадир, Аллоҳнинг боласи бор, деювчиларнинг ҳаммасидир. Ҳаммаси Аллоҳга бўйсунадилар, У Зотга итоат этадилар. Мўминнинг бўйсуниши, итоат этиши ўз-ўзидан аён. Кофирнинг бўйсуниши хусусида эса мен Мужоҳиддан қилинган ривоятни рожихроқ, деб биламан. Унда кофирнинг бўйсуниши ўзи ёмон кўрса-да, истамаса-да, соясининг сажда қилишидир, дейилган.

﴿وَلَلَّهِ يَسْجُدُ مَنْ فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ طَوَّعًا وَكَرَهًا وَظَلَّلُهُمْ بِالْغُدُوِّ وَالْأَصَالِ﴾

— „Осмонлар ва ердаги барча жонзот ва уларнинг соялари хоҳ истасинлар, хоҳ истамасинлар, эртаю кеч фақат Аллоҳгагина сажда қиласидилар — бўйсунадилар“ [13:15]

6 – Аллоҳ осмонлару ерни бор қилган Зотдир. Бор қилиш олдин ўхшиши бўлмаган нарсани вужудга келтиришдир, яъни, яратишдир. Аллоҳ учун имконсиз ишнинг ўзи йўқ. Нимани истаса, ўша нарса У Зот истаганидек бўлади.

﴿بَدِيعُ الْسَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ﴾

((У) еру осмонларни пайдо қилгувчиidir). Сўзи (فاعل) вазнида бўлиб қўлланяпти. (مؤلم) (بدیع) сўзи бўлиб қўллангани каби.

﴿وَإِذَا قَضَى أَمْرًا﴾

(Бирор ишни ҳукм қилса). Яъни, бир ишни хоҳласа. Бу оят Ясин сурасидаги мана бу оятга ўхашадир:

﴿إِنَّمَا أَمْرُهُ إِذَا أَرَادَ شَيْئًا أَنْ يَقُولَ لَهُ كُنْ فَيَكُونُ﴾

— „Бирон нарсани (яратишни) иродга қилган вақтида Унинг иши фақатгина «Бўл», демоқлигиidir. Бас у (нарса) бўлур — вужудга келур“ [36:82]

﴿كُنْ فَيَكُونُ﴾

(«Бўл» (дейди). *Бас, у иш бўлади*). Бу ибора Аллоҳ истаган иш худди Аллоҳ истаганидек дарҳол рўй беришидан киноядир.

7 –

﴿الَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ﴾

(Билмайдиган кимсалар). Улар олдинги оятда айтиб ўтилганлар.

﴿كَذَلِكَ قَالَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ مِثْلُهُمْ﴾

(Улардан илгаригилар ҳам уларнинг гапларига ўхшиши гапларни айтишиган эди). Яъни, араб мушриклари ҳам олдингиларнинг оятларини талаб қиласандар.

﴿وَقَالُوا لَنْ نُؤْمِنَ لَكَ حَتَّى تَفْجُرَ لَنَا مِنَ الْأَرْضِ يَنْبُوعًا﴾

— „Ва дедилар: «Токи бизлар учун мана шу ерни ёриб, бир чашма чиқарib бермасанг биз сенга ҳаргиз имон келтирмаймиз“ [17:90]

﴿فَلَيَأْتِنَا بِنَاءٍ كَمَا أُرْسِلَ الْأَوْلُونَ﴾

- „Бас у ҳам илгари юборилган пайгамбарлар (келтирганлари) каби бирон оят-мұъжиса келтирсін!“ [21:5]

﴿لَوْلَا أَنْزَلَ عَلَيْنَا الْمَلَئِكَةُ أَوْ نَرَى رَبَّنَا لَقَدِ اسْتَكَبَرُوا فِي أَنفُسِهِمْ وَعَتَوْ عُتُّوا﴾

﴿كَبِيرًا﴾

- „«Бизларга (пайгамбарлық учун одам әмас, балки) фаршишталар туширилса әди ёки бизлар Парвардигоримизни (үз күзимиз билан) күрсак (ва У бизларга Мұхаммаднинг ҳақиқий пайгамбар эканлигини билдирса) әди, дедилар. Дархақытам, улар ўзларига бино құйдилар ва жуда катта кетдилар“ [25:21]

Шундай қилиб, улар Пайғамбар ﷺ га олдинги коғир умматларнинг гапыға ўшшаган мана шу гапларини айтдилар. У умматлар имон келтириш учун ўзларининг пайғамбарларидан оятлар-аломатлар сұрашғанды. Самуд қавми Солих ﷺдан сұраганды.

﴿مَا أَنْتَ إِلَّا بَشَرٌ مِّثْلُنَا فَأَنْتَ بِنَاءٌ إِنْ كُنْتَ مِنَ الصَّادِقِينَ ﴿٦﴾ قَالَ هَذِهِ نَاقَةٌ هَا﴾

﴿شِرْبٌ وَلَكُمْ شِرْبٌ يَوْمٌ مَعْلُومٌ﴾

- „Сен ҳам худди бизларга ўшшаган одамдирсан. Бас, агар (пайғамбарман деган дағыойнға) ростгүйлардан бўлсанг бирон оят-мұъжиса келтир! У айтди: «(Менинг мұъжисам) мана шу тұядир. (Маълум бир күн сув) ичиши навбати уницидир. Маълум бир күн эса сизларнинг ичиши навбатингиздир“ [26:153-154]

Фиръавн ва унинг одамлари Мусо ﷺдан оятлар-аломатларни, устларига келган мусибатнинг барҳам топишини сұрагандилар.

﴿وَلَمَّا وَقَعَ عَلَيْهِمُ الْرِّجْزُ قَالُوا يَنْمُوسَى أَدْعُ لَنَا رَبَّنَا بِمَا عَاهَدَ عِنْدَكَ لَإِنْ﴾

﴿كَشَفْتَ عَنَّا الْرِّجْزَ لَرْؤْمَنَ لَكَ﴾

- „Қачонки уларнинг устига бу азоб тушигач: «Эй Мусо, сенга берган ваядаси ҳаққи-хұрмати, Парвардигорингга дуо қил. Қасамки, агар бизлардан шу азобни күтартсанг, албатта сенга (пайғамбарлығында) имон келтирумиз», дедилар“ [7:134]

Мушриклар ҳам ўзларидан олдин ўтганларнинг гапларига ўшшаган гапларни айтишди. Имон келтириш ва тасдиқ этиш учун

оят-аломатлар кўрсатишини сўраш, шарт қилиш бобида уларнинг диллари бир-бирларига жуда ўхшарди. Оятлар келганидан кейин ҳам имон келтирмадилар, тасдиқ этмадилар.

﴿وَقَسْمُوا بِاللَّهِ جَهْدَ أَيْمَنِهِمْ لِئِنْ جَاءَهُمْ إِلَيْهِ مِنْ هَذَا قُلْ إِنَّمَا الْأَيَتُ عِنْدَ اللَّهِ﴾

﴿وَمَا يُشْعِرُكُمْ أَنَّهَا إِذَا جَاءَتْ لَا يُؤْمِنُونَ﴾

— „Улар агар бирон оят — мўъжиза келса, албатта имон келтиришилари ҳақида жон-жсаҳдлари билан Аллоҳ номига қасам ичдилар. Айтинг: «Оятлар фақат Аллоҳнинг хузуридадир. Каердан билурсизлар (эҳтимол) оят келган вақтда ҳам имон келтирмаслар». [6:109]

Аллоҳ Таоло оятни мана бундай якунлаяпти:

﴿قَدْ بَيَّنَاهَا الْأَيَتِ لِقَوْمٍ يُوقِنُونَ﴾

(*Биз аниқ ишонадиган қавм учун оятларни аниқ баён қилдик*). Яъни, ишонч ҳосил қилиш, имон келтириш учун оят-аломатларни талаб қилаётганларга Аллоҳ уларнинг талабини баён қилиб бўлган. Бу Пайғамбар ﷺдан мўъжизалар талаб қилган Макка мушрикларига раддиядир. Негаки, Аллоҳ уларга агар улар ҳақиқатда ишонч ҳосил қилиш ва имонга келиш учун оят-аломатларни талаб қилаётган бўлсалар, талабларини баён қилиб бўлган. У кейинги оядда таъкидланаётган Пайғамбар ﷺ олиб келган мўъжиза — Қуръондир.

8 – Аллоҳ Таоло Ўз пайғамбарига у кишини Қуръон билан юборганини айтипти. Унинг бир сурасини келтиришларини айтиб арабларни беллашувга чақирадиган, ҳаммани ожиз қолдирувчи мўъжиза бўлган Қуръон билан. Бу гапда уларнинг

﴿لَوْلَا يُكَلِّمُنَا اللَّهُ أَوْ تَأْتِينَا إِلَيْهِ﴾

(*Аллоҳ бизга гапирса эди ёки бирор аломат келса эди*), деган гапига раддия бор. Агар улар ҳақиқатда имон келтириш учун мўъжиза сўрашаётган бўлсалар, мана марҳамат, мана бу мўъжиза бўлган Қуръоннинг оятлари хусусида тадаббур қиласинлар. Ана шунда уларга бу Китобнинг инсон каломи эмас, Аллоҳнинг каломи экани аён бўлади. Агар уларнинг талаблари чин кўнгилдан бўлаётган бўлса, шунинг ўзи уларнинг имон келтиришларига қифоя қиласи.

Кейин Аллоҳ Ўз пайғамбарига хабар бериб, у киши мўминлар учун Аллоҳнинг ризоси ва жаннат ҳақидаги суюнчли хабар бўлган, кофирлар учун эса Аллоҳнинг фазаби ва дўзах ҳақидаги

мудҳиш, фожеали хабар бўлган Куръон билан юборилганлигини айтяпти. Шундан кейин ким кофир бўлса, Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига ҳеч қандай зиён етказа олмаслигини, Пайғамбар ﷺ унинг кофириллиги учун жавобгар бўлмаслигини, чунки пайғамбарнинг вазифаси фақат етказиб, огоҳлантириб қўйишдангина иборатлигини билдиряпти.

﴿إِنَّا أَرْسَلْنَاكَ بِالْحَقِّ بَشِيرًا وَلَا تُسْتَعِلُّ عَنْ أَصْحَابِ الْجَحِيمِ﴾

(Албатта Биз сизни ҳақ (дин) билан хушхабар элтгувчи ва огоҳлантирувчи қилиб юбордик. Дўзахилар хусусида сиз масъул эмассиз).

Инан А́рْسَلْنَاكَ بِالْحَقِّ (Албатта Биз сизни ҳақ (дин) билан юбордик).

Яъни, Қуръон билан. Бу Аллоҳ Таолонинг мана бу оятига ўхшайди:

﴿بَلْ كَذَّبُوا بِالْحَقِّ لَمَّا جَاءَهُمْ فَهُمْ فِي أَمْرٍ مَرِيحٍ﴾

— „ Йўқ, уларга ҳақ (Қуръон) келган вактида уни ҳам ёлгон дедилар. Бас, улар бир ноаниқ ишига — ҳолга тушиб қолганлар. (Шунинг учун улар гоҳ Қуръонни «сехр» дейшиша, гоҳ «шеър» дейшишади, гоҳо эса «Аввалилардан қолган афсона», дедилар)“.

[50:5]



﴿وَلَنْ تَرْضَى عَنْكَ الْيَهُودُ وَلَا الْنَّصَارَى حَتَّىٰ تَتَسْعَ مِلَّتَهُمْ قُلْ إِنَّ هُدًى اللَّهِ هُوَ أَهْدَىٰ وَلَئِنْ اتَّبَعْتَ أَهْوَاءَهُمْ بَعْدَ الَّذِي جَاءَكَ مِنَ الْعِلْمِ مَا لَكَ مِنَ اللَّهِ مِنْ وَلَىٰ وَلَا نَصِيرٌ ۝ الَّذِينَ ءَاتَيْنَاهُمُ الْكِتَابَ يَتَلَوَّهُ حَقًّا تِلَاقُتِهِ أُولَئِكَ يُؤْمِنُونَ بِهِ وَمَنْ يَكْفُرْ بِهِ فَأُولَئِكَ هُمُ الْخَسِرُونَ ۝ يَبْنَىٰ إِسْرَائِيلَ أَذْكُرُوا نَعْمَتَ اللَّهِي أَنْعَمْتُ عَلَيْكُمْ وَأَنِّي فَضَّلْتُكُمْ عَلَى الْعَالَمِينَ ۝ وَأَنْقُوا يَوْمًا لَا تَجْزِي نَفْسٌ عَنْ نَفْسٍ شَيْئًا وَلَا يُقْبِلُ مِنْهَا عَدْلٌ وَلَا تَنْفَعُهَا شَفَاعَةٌ وَلَا هُمْ يُنَصَّرُونَ ۝﴾

— „120. Яхудий ва насронийлар уларнинг динига кирмагунингизча ҳаргиз сиздан рози бўлмайдилар. Айтинг: «Аллоҳнинг йўлигина ҳақиқий йўлдир». Қасамки, агар сизга келган

*ҳақиқий билимдан кейин уларнинг нафс-ҳаволарига эргашсангиз, Аллоҳ тарафидан сизга на бир дўст ва на бир ёрдам бергувчи бўлмайди. 121. Биз китоб (яъни Таврот, Инжил) ато этган зотлар орасида уни тўғри тиловат қиласидиган кишилар ҳам бордирки, ана ўшалар (Куръонга) имон келтиурлар. Ва кимда-ким унга (Куръонга) кофир бўлса, ўшалар зиён кўргувчилардир. 122. Эй Бану Исроил, сизларга инъом қилган неъматимни ва сизларни бутун оламга афзал қилган пайтимни эсланг. 123. Ва бирор бирор томонидан ҳеч нарса ўтай олмайдиган ва ҳеч кимдан эваз қабул қилинмайдиган, оқлов фойда бермайдиган ва ҳеч кимга ёрдам ҳам берилмайдиган кундан кўрқинг! “* [2:120:123]

**Аллоҳ Таоло бу оятларда қуийидагиларни баён қиласди:**

1 – Яҳуд ва насоролар то сиз уларнинг миллатига – динига эргашмагунингизча сиздан рози бўлишмайди. Бу иш эса ҳеч қачон амалга ошмайди. Чунки

﴿وَمَنْ يَبْتَغِ غَيْرَ أَلِّإِسْلَمِ دِينًا فَلَنْ يُقْبَلَ مِنْهُ وَهُوَ فِي الْأَخْرَةِ مِنَ الْحَسِيرِينَ﴾

– „Кимда-ким Исломдан ўзга дин истаса, бас (унинг «дини» Аллоҳ ҳузурида) ҳаргиз қабул қилинмайди ва у охиратда зиён кўргувчилардандир“. [3:85]

﴿إِنَّ الَّذِينَ عِنْدَ اللَّهِ أَلِّإِسْلَمُ﴾

– „Албатта Аллоҳ наздида мақбул бўладиган дин фақат Ислом динидир“. [3:19]

Улар билиб қўйисинларки, ҳидоят уларнинг динига эргашиш эмас, Пайғамбар ﷺ олиб келган кўрсатмадир. Уларнинг дини ўзгартирилиб, ўринлари алмаштирилиб куфр динига айланниб кетган. Шундан сўнг Аллоҳ Таоло Ўз пайғамбарига қасам йўли билан хабар беряптики, (бу ердаги лом ҳарфи қасам маъносини англатади) агар у киши уларнинг ҳавоий нафсларига эргашгудек бўлсалар, (бу ерда уларнинг ўзларича ҳидоят деб ўйлаётган нарсалари ҳавоий нафс эканлиги кўрсатиляпти) ўзларига ҳеч қандай дўст ҳам, Аллоҳнинг азобидан ҳимоя қиласидиган ёрдамчи ҳам топа олмай қоладилар.

Мана шуларнинг ҳаммаси Аллоҳ томонидан яҳуд ва насороларнинг Пайғамбар ﷺдан рози бўлишлари эҳтимолдан узоқ эканлигини кўрсатувчи баёнлардир. Зоро, Пайғамбар ﷺнинг уларнинг динига эргашишлари амри маҳолдир.

2 – Кейин Аллоҳ Таоло ўзларининг китобларига ҳақиқий эргашадиган яҳуд ва насороларнинг Пайғамбар ﷺга имон келтиришларини баён қиласди. Зоро, уларнинг китобларида

Пайғамбар ﷺнинг белгилари кўрсатилган. Ким унга коғир бўлса, дунёю охиратда зиён кўргувчилардан бўлади. Дунёю охиратини бой беради.

﴿يَتَلَوَّنُهُ حَقَّ تِلَاقِهِ﴾

(*Уни тўғри тиловат қиласилар*). Яъни, унга ҳақиқий эргашадиганлар. Бу худди Аллоҳ Таолонинг мана бу гапига ўхшайди:

﴿وَالْقَمَرٌ إِذَا تَلَهَا﴾

– „У(қуёш)нинг ортидан келган ойга қасам“ [91:2]

Яъни, қуёшга эргашган (унинг ортидан чиққан) ой... «ما زلت أتلوا أثراه» Унинг изидан боравердим» иборасида ҳам худди шу сўз қўлланган.

З – Сўнг Аллоҳ Таоло Бану Истроил қиссасини қандай бошлаган бўлса, ўшандай якунляяпти. Чунки улар тинимсиз гуноҳлар қиласвердилар.

﴿يَبْنَىٰ إِسْرَائِيلَ أَذْكُرُوا نَعْمَتِي﴾

(*Эй Бану Истроил, сизларга инъом қилган неъматимни эсланг*). Бу оят ва ундан кейинги

﴿وَاتَّقُوا يَوْمًا لَا تَجِزِي نَفْسٌ عَنْ نَفْسٍ شَيْئًا﴾

(*ва бирор бирор томонидан ҳеч нарса ўтай олмайдиган кундан кўрқинг!*) ояти қандай маънолар англатиши хусусида Бану Истроил хусусидаги оятлар бошланган пайтда тўхталиб ўтдик. Бу ерда ўша айтган гапларимиз билан кифояланамиз.



## МУНДАРИЖА

Муқаддима .....	6
Араб тили.....	18
Хақиқат .....	18
Мажоз .....	18
Иштиқоқ.....	19
Араблаштириш.....	22
Нима учун араб тилига эътибор берилади .....	23
Ҳўш, тилда ва Қуръонда мажоз борми, йўқми? .....	24
Муҳкам ва муташобиҳ .....	32
Тафсир борасида мен танлаган йўл .....	40
Тил жиҳатидан.....	40
Ақл жиҳатидан.....	44
Муҳкам ва муташобиҳлик жиҳатидан .....	46
Битта сурадаги кейинги оятнинг олдинги оят билан муносабати .....	47
Ривоятлар ва далолатлар хилма-хиллиги жиҳатидан .....	48
<b>Биринчи пора, биринчи қисм .....</b>	<b>50</b>
<b>Биринчи пора, биринчи қисм, биринчи чорак .....</b>	<b>51</b>
﴿كَلَمٌ﴾ (1) тафсири .....	54
﴿ذَلِكَ الْكِتَاب﴾ (2) тафсири .....	55
﴿الَّذِينَ يُؤْمِنُونَ... وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ﴾ (3-5) тафсири .....	57
Имон мавзуси.....	58
﴿إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا... وَلَهُمْ عَذَابٌ أَعْظَمٌ﴾ (6-7) тафсири .....	66
Қалб, қулоқ ва кўз мавзуидан олинадиган ифодалар, фойдалар .....	70
﴿وَمِنَ النَّاسِ مَنْ يَقُولُ... وَمَا كَانُوا مَهْتَدِينَ﴾ (8-16) тафсири .....	73
﴿مِثْلَهُمْ كَمُثْلِ الَّذِي... قَدِيمٌ﴾ (17-20) тафсири .....	80
﴿يَا أَيُّهَا النَّاسُ ابْدُوا رِبَّكُمْ... خَالِدُونَ﴾ (21-25) тафсири .....	66
Қуръоннинг мўъжизалиги ҳақида .....	82
<b>Биринчи пора, биринчи қисм, иккинчи чорак .....</b>	<b>91</b>
﴿إِنَّ اللَّهَ لَا يَسْتَحِي... الْخَاسِرُونَ﴾ (26-27) тафсири .....	94
Қариндошлар ҳақида .....	98
﴿كَيْفَ تَكْفُرُونَ... إِلَيْهِ تَرْجِعُونَ﴾ (28) тафсири .....	100
﴿هُوَ الَّذِي خَلَقَ لَكُمْ... وَهُوَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ﴾ (29) тафсири .....	101

﴿وَإِذْ قَالَ رَبُّكَ.....وَمَا كُنْتُمْ تَكْسُمُونَ﴾ (30-33)	тафсири.....	101
Ақл мавзуси.....		103
﴿وَإِذْ قَلَنَا لِلْمَلَائِكَةَ.....وَكَانَ مِنَ الْكَافِرِينَ﴾ (34)	тафсири .....	105
﴿وَقُلْنَا يَا آدَمَ.....هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ﴾ (35-39)	тафсири.....	107
﴿يَا بْنَ إِسْرَائِيلَ.....وَارْكَعُوا مَعَ الرَاكِعِينَ﴾ (40-43)	تاфсири.....	109
<b>Биринчи пора, биринчи қисм, учинчи чорак.....</b>	<b>114</b>	
﴿آتَأْمَرْوْنَ النَّاسَ بِالرِّبْرِ.....أَفَلَا تَعْقِلُونَ﴾ (44)	тафсири .....	116
﴿وَاسْتَعِينَا بِالصَّبْرِ.....إِلَّا عَلَى الْخَاشِعِينَ﴾ (45)	тафсири.....	117
﴿الَّذِينَ يَظْنُونَ.....إِلَيْهِ رَاجِعُونَ﴾ (46)	тафсири .....	118
﴿يَا بْنَ إِسْرَائِيلَ.....لَعْلَكُمْ تَنْتَدِونَ﴾ (47-53)	тафсири .....	120
﴿وَإِذْ قَالَ مُوسَى لِقَوْمِهِ.....بِمَا كَانُوا يَفْسَقُونَ﴾ (54-59)	тафсири .....	125
<b>Биринчи пора, биринчи қисм, тұрттынчи чорак.....</b>	<b>129</b>	
﴿وَإِذْ أَسْتَسْقَى مُوسَى لِقَوْمِهِ.....مَفْسَدِينَ﴾ (60)	тафсири .....	132
﴿وَإِذْ قَالَ يَا مُوسَى.....وَكَانُوا يَعْتَدُونَ﴾ (61)	тафсири.....	132
﴿إِنَّ الَّذِينَ آمَنُوا.....وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ﴾ (62)	тафсири.....	135
﴿وَإِذْ أَخْذَنَا.....وَمُوَعْذَةً لِلْمُتَقِينَ﴾ (63-66)	тафсири .....	139
﴿وَإِذْ قَالَ مُوسَى لِقَوْمِهِ.....وَمَا اللَّهُ بِغَافِلٍ عَمَّا تَعْمَلُونَ﴾ (67-74)	тафсири..	143
<b>Биринчи пора, иккинчи қисм .....</b>	<b>150</b>	
<b>Биринчи пора, иккинчи қисм, биринчи чорак.....</b>	<b>151</b>	
﴿أَفْتَطَمُعُونَ أَنْ يُؤْمِنُوا.....وَمَا يَعْلَمُونَ﴾ (75-77)	тафсири .....	154
﴿وَمِنْهُمْ أَمْيَوْنَ.....وَوَيْلٌ لِّهُمْ مَا يَكْسِبُونَ﴾ (78-79)	тафсири.....	156
﴿وَقَالُوا لَنْ تَعْسِنَا.....هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ﴾ (80-82)	тафсири .....	158
﴿وَإِذْ أَخْذَنَا مِيثَاقَ.....وَلَا هُمْ يَنْصُرُونَ﴾ (83-86)	тафсири.....	161
﴿وَلَقَدْ آتَيْنَا مُوسَى.....إِنْ كُنْتُمْ مُّؤْمِنِينَ﴾ (87-91)	тафсири .....	167
<b>Биринчи пора, иккинчи қисм, иккинчи чорак .....</b>	<b>174</b>	
﴿وَلَقَدْ جَاءَكُمْ مُوسَى.....بِمَا يَعْلَمُونَ﴾ (92-96)	тафсири .....	177
﴿قُلْ مَنْ كَانَ عَدُوًا.....بَلْ أَكْثَرُهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ﴾ (97-100)	тафсири.....	182

﴿وَمَا جَاءُهُمْ رَسُولٌ.....لَوْ كَانُوا يَعْلَمُونَ﴾ (101-103)	тафсири .. 185
﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا.....وَاللَّهُ ذُو الْفَضْلِ الْعَظِيمِ﴾ (104-105)	тафсири.. 196
<b>Истилоҳий маъно ҳақида .....</b>	<b>197</b>
<b>Сиёсий онг .....</b>	<b>198</b>
<b>Биринчи пора, иккинчи қисм, учинчи чорак.....</b>	<b>215</b>
﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا.....وَاللَّهُ ذُو الْفَضْلِ الْعَظِيمِ﴾ (106-107)	тафсири.. 218
Насх (бекор қилиш) хусусида .....	221
﴿أَمْ تَرِيدُونَ أَنْ تَسْأَلُوا.....بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ﴾ (108-110)	тафсири..... 226
﴿وَقَالُوا لَنْ يَدْخُلَ الْجَنَّةَ.....فِيهِ يَخْتَلِفُونَ﴾ (111-113)	тафсири..... 229
﴿وَمَنْ أَظْلَمُ.....عَنِ اصحابِ الْجَحِيمِ﴾ (114-119)	тафсири..... 232
﴿وَلَنْ تَرْضَى عَنْكِ.....وَلَا هُمْ يَنْصُرُونَ﴾ (120-123)	тафсири..... 242

